



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ЖАҲОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

Ҳ.Кичкилов

**ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЭНГ ЯНГИ
ТАРИХИ
(1918-1945 йиллар)**

1-қисм

Т Е Р М И З - 2009

«Энг янги тарих» фанидан мазкур ўқув-услугий мажмуа 3-блокка кириб, тарих мутахассислиги 4-босқич талабалари учун мўлжалланган. Ўқув-услугий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда курс бўйича маърузалар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, мустақил иш топшириқлари, тавсия этилган адабиётлар рўйхати жамланган. Мазкур ўқув-услугий мажмуа ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: т.ф.д., профессор Э.З.Нуриддинов

Тақризчилар: т.ф.н.доцент М.Лафасов
т.ф.н.доцент Э.О.Қобилов

Данный учебно-методический пособия по предмету Новейшая история входит 3-й блок гуманитарны предметов и рассчитан на студентов четвертого курса по специальности история.

Учебно-методический сборник составлен на основе действующей программы и включает в себя тексты лекций, разработку семинарных занятий, задания по самостоятельной работе студентов, список рекомендуемой литературы. Данный учебно-методический сборник предназначен для преподавателей и студентов.

Ответственный редактор: д.и.н., проф. Э.З.Нуридиннов
Рецензенты: к.и.н., доцент М.Лафасов.
к.и.н., доцент Э.О.Кобиров

Ўқув қўлланма Термиз давлат университети Тарих факультетининг 2006
йил 28 августдаги Илмий Кенгашида мақулланган ва нашрга тавсия
этилган.

С Ў З Б О Ш И

Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар.

Бакалавр «Энг янги тарих» бўйича:

Энг янги тарих инсоният тарихининг ажралмас қисмларидан бири эканлиги, унинг асосий даврлари ва тараққиётининг тадрижий босқичлари тўғрисида, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги ва давомийлиги, тарихий воқеаларнинг ворисийлиги ва қонунийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

- Фаннинг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамиятини, энг янги тарих жаҳон тарихининг ажралмас ҳамда сўнги қисми эканлигини;
- Ўрганилаётган мамлакатлар инсоният цивилизациясининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатаётганлигини;
- Бу давлатларнинг XX асрда юз берган буюк ва машъум воқеаларнинг бўлишида асосий рол ўйнаганликларини;
- Европа ва Америка мамлакатларининг XX асрда ҳам ўзларининг илгариги ҳукмронлик ролини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилганлигини;
- Бунинг оқибатида икки жаҳон урушларини келтириб чиқарганликларини;
- Капиталистик мамлакатлар мустамлакачилик системасининг емирилганлигини;
- СССРнинг вужудга келиши билан ва айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин икки лагер ўртасидаги қарам-қаршиликнинг кучаётганлигини, совуқ уруш муносабатларининг XX аср 80-йиллар ўрталарига қадар давом этганлигини;
- СССР парчаланиб, жаҳон социализм системаси емирилгандан кейин янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан совуқ уруш муносабатларининг тугаши, кўп қутбли дунёнинг вужудга келиши;
- АҚШ бошлиқ капиталистик давлатларининг «демократия» ниқоби остида мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашишга уринишини дунёда гегемонлик ролини уйнашга ҳаракат қилаётганлигини;
- Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларини олиб бориш орқали жаҳон майдонида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб бораётганлигини билиши керак;

Энг янги тарихни ўрганиш орқали дунёнинг етакчи мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичларини, ташқи сиёсати ва бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларини мукаммал билиши бўлажак тарихчи учун ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учунки шу етакчи давлатларнинг дунё давлатлари сиёсатида, қолаверса, халқаро ташкилотларда ҳал қилувчи рол ўйнаётганлигини билиш орқали мустақил

фикрлай олади, хулоса чиқаради. Ва шунга қараб унда ўз ватанига нисбатан меҳр-мухаббат, садоқат ва керак бўлса шу ватан учун жонини фидо қилиш хисси туғилади.

Дастурни тайёрлашда Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режасига амал қилинди.

«Энг янги тарих»дан ишчи дастур Фаннинг мақсади, вазифалари ва мазмуни.

Фаннинг мақсади: Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1918-2003 йиллар) кишилиқ жамиятининг ХУ11 аср 40-йилларидан бошланган янги тарихнинг давоми, умумий тарихнинг сўнгги, энг мураккаб ва энг муҳим қисмидир. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи 1918 йилдан ҳозирги вақтгача дунёда бўлган муҳим воқеаларни, социал-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни, жаҳон тарихий тараққиётининг асосий йўналишларини, жаҳон миқёсида юз бераётган зиддиятларни, озодлик кураши жараёнларини, социализмнинг инқироzi сабаблари ва ундан кейинги ривожланиш тараққиёт босқичлари, шунингдек, 1918-2003 йиллар ичида содир бўлган халқаро муносабатлар муҳим хусусиятларини ўргатади.

Фаннинг вазифалари: Халқлар ҳаётида юз берган ва юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, халқаро муносабатлар ривожланишининг йўналишларини баён қилиш энг янги тарих фанининг муҳим вазифасидир.

Шунингдек, энг янги тарих уруш ва тинчлик муаммоларини, тинчлик учун кураш масалаларини, ташқи сиёсатдаги қарама-қарши йўллар ва тенденцияларини тушунтиради.

Энг янги тарих масалалари ғоятда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бунда синфлар, партиялар, оқимлар, турли нуқтаи назарлар кураши, ҳақиқат ва адолат, озодлик ва социал тараққиёт учун кураш масалалари турли мамлакатлар мисолида кенг ва чуқур гавдаланади.

Ҳозирги дунё мураккаб ва турфа хил. Унда турли маданиятлар ёнмаёён яшайди ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Бутун дунё билан муваффақиятли муносабатларга киришиш, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд воқеликнинг муаммоларини чуқур билиш ва бу билимдан умум манфаати йўлида фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китобида дунё мамлакатлари билан тинч-тотув яшаш ва шундай ёзади: “Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон

ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим”.

Фаннинг мазмуни:Инсоният XX асрда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётда улкан қадамлар ташлади. Асримизнинг 20-йилларида бошланган илмий-техникавий инқилоб ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Инсон тарихда биринчи марта очик фазога чиқди ва Ойга қадам босди. Атом энергияси, инсон ирсияти соҳасидаги кайфият, электроника, фазовий телевидение, энг янги ҳаракат воситалари халқларнинг ўзаро муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Шу билан бирга ҳали ҳал этилмаган бир талай муаммолар борки, уларни бартараф этиш учун инсоният ўз кучларини бирлаштириши зарур. Очлик ва қашшоқлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, оғир юқумли касалликларга қарши кураш ва ҳаёт даражасини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари учун кураш, халқаро ҳуқуқ мезонларини қарор топтириш шулар жумласидандир.

Илмий-техникавий инқилоб ва унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги кўриниши муҳим аҳамият касб этди, жаҳон ижтимоий ҳаётида қуйидаги янги тамойилларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Инсонпарварлик. Замонавий фан ва техниканинг улкан ютуқлари сабабчиси инсон, шахсдир. Ҳозирги компьютерлар қанчалик катта аҳамиятга эга бўлмасин, барибир, уни яратган ва бошқараётган инсондир. XX аср тарихида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва барча тарихий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. XX асрда шахснинг ўзи ҳам тубдан ўзгарди. Ялпи ўрта маълумот, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, оммавий маданиятнинг пайдо бўлиши инсоният умумий маданий даражасининг юксалишига ва унинг ўзига хос жиҳатларининг такомиллашувига олиб келди.

Демократлаштириш. Ялпи сайлаш ҳуқуқи ва инсон омилининг тарихий жараёнларга ҳал қилувчи таъсир кучига эга бўлиши жаҳон сиёсий ҳаётини ўзгартириб юборди. Халқ вакиллари сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошладилар, партия ва давлат, жамоатчилик ҳаракатлари ва ташкилотлари раҳбарлигига келдилар. Улар айни пайтда кенг халқ оммасининг мафкурасини ҳам олиб келдилар. Улар айни пайтда кенг халқ оммасининг мафкурсини ҳам олиб келдилар. давлатни бошқаришга йўл топган ижтимоий гуруҳлар доираси кенгайди, кенг халқ қатлаמידан чиққан профессионал сиёсатчилар пайдо бўлди, оммавий ахборот воситаларининг сиёсий ҳаётга таъсири кучайди. Буларнинг ҳаммаси провардида жаҳондаги сиёсий фазони тубдан ўзгартириб юборди.

Глобаллашув. Биринчи жаҳон урушидан сўнг дунё иқтисодий ҳаётининг байналмилаллашуви тез суръатлар билан давом этди. Соф

сиёсий ғоя сифатида пайдо бўлган Европани “Европа Қўшма Штатлари” шиори остида бирлаштириш, дунё иқтисодий ҳаётининг интеграцияси тараққиёт, халқаро иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириш ва чуқурлаштиришнинг объектив жараёнига айланди. Бу жараён давлатлараро бирлашмалар ва муассасалар барпо этиш, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва илмий кооперацияни ривожлантиришга тўртки бермоқда. Интеграция аста-секин турли мамлакатлар иқтисодий тараққиётини бир-бирига яқинлаштириш ва тенглаштириш, ўзаро манфаатли савдо, иқтисодий ва валюта-хўжалик алоқаларини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Ҳозирги пайтда мазкур жараён дунёвий миқёс касб этди ва раванқ топди.

Дунё иқтисодий ҳаётининг глобаллашуви муҳим ҳаётий ва миллий манфаатларга жавоб беради. Чунки у давлатларнинг дунё хўжалик жараёнига қўшилишига ва дунё технологияси, фани ва маданияти ютуқларидан фойдаланишига кўмаклашади. Шу муносабат билан Президенти И.Каримов шундай ёзади: “Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёндошиши, бошқа халқларнинг тақдири, уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиши, улар ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши, миллий манфаатларни ҳисобга олиши керак”.

XX асрда Европа мамлакатларининг очикдан-очик қарама-қаршилиги жаҳон ҳарбий можаросига айланиб кетди. Кўпгина мамлакатларда бу ҳол биқиклик жараёнига, яъни жаҳондаги жараёнлардан четда туришни назарда тутувчи ёпиқ иқтисодий тараққиёт йўлига сабаб бўлди. Натижада улар дунё иқтисодиётидан ажралиб қолдилар. Мазкур мамлакатларда тоталитар, антидемократик тузумлар шаклланди, оғир иқтисодий қийинчиликлар юзага келди. Пировардида бундай мамлакатларнинг баъзилари ҳарбий мағлубиятга учрадилар (Германия, Италия, Австрия, Туркия, Япония), бошқаларида эса сиёсий фалокатлар рўй берди (собик СССР ва шарқий Европадаги социалистик лагерь мамлакатлари).

Шу сабабли XX аср биринчи ярмининг асосий моҳияти демократиянинг тоталитаризм билан, инсонпарварликнинг фашизм билан ва глобаллашувнинг айримчилик билан курашидан иборат бўлди.

XX аср воқеалари асосан шу тариқа кечди. Бу воқеалар бир текис ривожланмаган ва кечмаган, албатта, улар ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятларига, намоён бўлиш шаклларига эга эди. Энг янги тарих ва дунё сиёсати йигирманчи юзйилликда уларнинг таъсирига боғлиқ ҳолда уч босқични ўтди. Булар қуйидагилардир:

1 босқич. 1914-1945 йиллардаги икки жаҳон уруши ўртасидаги давр. Унда дунёни қайта тақсимлаб олишга, янги дунё тартиботи ўрнатишга йўналтирилган жаҳон можаролари жуда кўп. Биринчи жаҳон уруши империалистик, яъни иккала империалистик гуруҳ бошлаган

босқинчилик уруши бўлди. У талончилик ва бузғунчилик уруши эди. Шундай бўлса-да, барча мамлакатларни қамраган демократик ҳаракат ривожланиши унинг натижасидир. Ушбу даврда мақсади демократик ислохотларни амалга ошириш бўлган умумдемократик характердаги кучлар юксалиши устунлик қилди. Капиталистик тизимнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-иқтисодий инқироzi жаҳонни иккита - демократик ҳам фашистик, тоталитар лагерга бўлиб юборди. Иккинчи жаҳон уруши эндиликда биринчисига қараганда буткул бошқача характерда эди. У демократик лагерь томонидан умумдемократик характердаги, фашист лагерлари томонидан эса тажовузорлик, босқинчилик ва талончилик уруши эди. Иккинчи жаҳон урушида демократик давлатлар ғалаба қозондилар. Бу демократик кучларнинг умумжаҳон тарихи аҳамиятига молик ғалабасидир.

11 босқич. Совуқ уруш даври. 1946 йилдан 1991 йилгача, яъни Иккинчи жаҳон уруши тугашидан то Совет Иттифоқи парчалангунга қадар кечган даврни ўз ичига олади. Бутун жаҳонда жамиятни инсонпарварлаштириш учун кураш кенг авж олди. Инсон ҳуқуқлари учун кураш, мустамлакаларни озод қилиш, ирқчиликка барҳам бериш, тоталитар ва мустамлака тузумларини тугатиш совуқ уруш даврининг асосий мазмунига айланди. У фақат ташқи жиҳатдан икки буюк давлат ёки икки тизимнинг можароси тарзида тасаввур этилса ҳам, аслида аксилинсоний тизимлар ва тузилмаларни тугатиш учун умумжаҳон кураши эди.

111 босқич. Янги демократия даври. У Совет давлати парчаланганидан сўнг бошланди ва глобаллашув жараёнларининг жаҳон миқёсида жадал илгарилаши билан тавсифланади. Глобаллашувни ривожлантириш йўлидаги охириги тўсиқлар қулаб тушди. Жаҳон майдонида дунё ҳамжамияти тузилмаларини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва глобаллаштириш жараёнига ўз ҳиссасини қўшаётган янги демократик давлатлар пайдо бўлди. Кўп қутбли дунё сиёсати тарих майдонига келди.

Энг янги тарихнинг 1918-1945 йилларни ўз ичига олган 1-чи қисмини ҳам даврларга бўлиб ўрганамиз.

1) 1918-1923 йиллар бу давр 1-чи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризислар даври билан, Россияда юз берган октябрь тўнтаришининг таъсири туфайли чет элларда юз берган инқилобий жараёнлар билан характерланади.

2) 1924-1928 йилларни ўз ичига олган капитализмнинг вақтинча ва қисман стабиллашуви билан, капитализм билан тарих майдонига келган янги тузум социализм ўртасида тинчлик масаласида баъзи бир муросаларга келиши билан, шунингдек, капиталистик дунёда пайдо бўлаётган фашистик партияларининг ҳокимият сари интилишлари билан характерланади.

3) 1929-1933 йиллар даври дунё иқтисодиётини қамраб олган жаҳон иқтисодий кризиси билан ва уни бартараф қилиш учун олиб борилган чора-тадбирлар билан характерланади.

4) 1933-1939 йиллар даври дунё давлатлари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашиши билан, реакция ва фашизм кучларининг фаоллашиши билан, дунёнинг йирик давлатлари сайи ҳаракатлари туфайли янги жаҳон урушининг тайёрланиши билан характерланади.

Лексия мавзулари, кўриладиган масалалар, вақт:

№	Маъруза мавзулари	Кўриладиган масалалар	Вақт, соат
1-қисм			
1	Икки жаҳон уруши оралиғида Европа ва Америка давлатлари	1. Жаҳон уруши натижалари ва энг янги даврнинг бошланиши. 2. Россиядаги Октябр инқилобининг ғарб мамлакатларига таъсири. 3. Германия ва Австриядаги ноябр инқилоблари. 4. Версаль- Вашингтон системаси. 5. 1918-1923 йилларда халқаро муносабатлар. 6. Иккинчи жаҳон уруши орасидаги халқаро вазият.	2
2	1918-1939 йилларда Англия, Франция	1. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида Англия. 2. Стабилизация йилларида Англия. 3. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Англия. 4. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Англия 5. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида Франция. 6. Стабилизация йилларида Франция. 7. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Франция. 8. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Франция	2
3	1918-1939 йилларда Германия, Австрия	1. Урушдан кейинги инқилобий ва сиёсий кризис йилларида Германия. 2. Стабилизация йилларида Германия. 3. Жаҳон иқтисодий йилларида Германия. Германияда фашистик диктатуранинг ўрнатилиши. 4. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Германия. 5. 1918-1923 йилларда Австрия 6. Стабилизация йилларида Австрия	2

		7. 1929-1933 йилларда Австрия 8. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Австрия	
4	1918-1939 йилларда Италия ва АҚШ.	1. 1918-1923 йилларда Италия. Италияда фашистик режимнинг ўрнатилиши. 2. 1918-1928 йилларда Италия. 3. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Италия. 4. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Италия. 5. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида АҚШ. 6. Стабилизация йилларида АҚШ. 7. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида АҚШ. 8. 2-Жаҳон уруши арафасида АҚШ.	2
5	1918-1939 йилларда ССЖИ.	1. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида ССЖИ. 2. Стабилизация йилларида ССЖИ 3. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида ССЖИ. 4. 2-жаҳон уруши арафасида ССЖИ.	2
2-қисм			
1	Иккинчи жаҳон уруши	1. 1939-1941 йилларда ҳаракатларнинг бориши. 2. 2-жаҳон урушининг ҳал қилувчи фронти. 3. 1944-1945 йилларда уруш ҳаракатининг бориши ва Гитлер Германиясининг тор-мор қилиниши. 4. Милитаристлар Япониясининг тор-мор қилиниши ва 2- жаҳон урушининг тугаши.	4
2	1945-2005 й-да кейинги йилларда Европа ва Америка давлатлари	1. 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда халқаро вазият кескинлашиши сабаблари. 2. Халқаро муносабатларни ўрганиш манбалари ва тарихшунослиги. 3. Совуқ муносабатлар урушининг бошланиши ва оқибатлари. 4. Куролланиш пойгаси. 5. СССРнинг парчаланиши ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар	4
3	1945-2005 йилларда ГФР	1.Германиянинг парчалаб юборилганлиги сабаблари, ГДР ва ГФР нинг ташкил топиши 2.1949-1990 йилларда ГДР ва ГФР нинг муносабатлари. 3.Германия давлатларининг бирлаштирилиши 4.ГФР-Ўзбекистон муносабатлари	2
3-қисм			

1	1945-2005 йилларда АҚШ	1. 2-жаҳон урушидан кейин давлат монополистик капитализмнинг янада ривожланиши. 2. Америка меҳнаткашларининг аҳволи ва сиёсий реакция. 3. АҚШ-Ўзбекистон муносабатлари. 4. АҚШнинг ташқи сиёсати.	2
2	1945-2005 йилларда Франция ва Англия, Италия.	1.Иккинчи жаҳон урушидан кейин Франциянинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи. 2.Франциянинг 1947-1958 йиллардаги сиёсати. 3.Учинчи республиканинг ўрнатилиши, унинг ички ва ташқи сиёсати. 4.Франция-Ўзбекистон муносабатлари 5.Урушдан кейин Британия империализмининг заифлашуви. 6.Британия империализмининг реакцион ички сиёсати. 7.Британия империализмининг реакцион, агрессив ташқи сиёсати. 8.Британия-Ўзбекистон муносабатлари 9.Италиянинг урушдан кейинги йилларда иқтисодий аҳволи ва ички сиёсати. 10.2-жаҳон урушидан кейин Италиянинг ташқи сиёсати. 11.Ҳозирги даврда Италия. 12.Италия-Ўзбекистон муносабатлари.	3
3	Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ССЖИ	1. Урушдан кейин СССРнинг сиёсий тизими. 2. Иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. 3. Ташқи сиёсат. 4.Россия-Ўзбекистон муносабатлари.	3
	Жами		28-соат

Семинар машғулотлар мавзулари, вақт

№	Семинар мавзуси	Кўриладиган масалалар	Вақт соат
1	1918-1939 йилларда Германия	1.Урушдан кейинги инқилобий ва сиёсий кризис йилларида Германия 2.Стабилизация йилларида Германия. 3.Жаҳон иқтисодий йилларида Германия, Германияда фашистик диктатуранинг ўрнатилиши 4.Иккинчи жаҳон уруши арафасида Германия	2
2	1918-1938 йилларда	1.1918-1923 йилларда Австрия	2

	Австрия	2.Стабилизация йилларида Австрия 3.1929-1933 йилларда Австрия 4.Иккинчи жаҳон уруши арафасида Австрия	
3	1918-1939 йилларда Англия	1.Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида Англия 2.Стабилизация йилларида Англия. 3.Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Англия. 4.Иккинчи уруши арафасида Англия	2
4	1918-1939 йилларда Франция	1.Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида Франция. 2.Стабилизация йилларида Франция. 3.Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Франция. 4.Иккинчи жаҳон уруши арафасида Франция	2
5	1918-1939 йилларда Италия	1. 1918-1923 йилларда Италия. Италияда фашистик режимнинг ўрнатилиши. 2.1918-1928 йилларда Италия. 3.Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Италия. 4.Иккинчи жаҳон уруши арафасида Италия.	2
6	1918-1939 йилларда АҚШ.	1.Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида АҚШ. 2.Стабилизация йилларида АҚШ. 3.Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида АҚШ. 4.2-Жаҳон уруши арафасида АҚШ.	2
7	1918-1939 йилларда халқаро муносабатлар.	1.1918-1939 йилларда халқаро муносабатлар 2.Стабилизация йилларида халқаро муносабатлар 3.Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида халқаро муносабатлар 4.Иккинчи жаҳон уруши арафасида халқаро муносабатлар	2
8	1918-1939 йилларда ССЖИ	1.Россиянинг 1-жаҳон урушидан чиқиши ва фуқаролар. 2.Совет Россиясининг ички аҳволи 3.Совет Россиясини ташқи сиёсати.	4
9	Иккинчи жаҳон уруши 1939-1945 йиллар.	1.1939-1941 йилларда ҳаракатларини бориши. 2.Иккинчи жаҳон урушининг хал қилинувчи fronti 3.1944-1945 йилларда уруш ҳаракатининг бориши ва Гитлер Германиясининг тор-мор қилиниши. 4.Милитаристлар Япониясининг тор-мор қилиниши ва иккинчи жаҳон урушининг тугаши.	4
10	Америка қўшма Штатлари. 1945-2005 йиллар.	1.Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлат монополистик капитализмнинг янада ривожланиши. 2.Америка меҳнаткашларнинг аҳволи ва сиёсий реакцияси. 3.АҚШ Ўзбекистон муносабатлари	4
11	Иккинчи жаҳон урушидан кейин Англия 1945-2005 йиллар.	1.Урушдан кейин Британия империализмининг заифлашуви. 2.Британия империализмининг реакцион ички сиёсати.	2

		3.Британия империализмининг реакцион, агрессив ташқи сиёсати. 4.Британия-Ўзбекистон муносабатлари	
12	1945-2005 йилларда Франция	1.Иккинчи жаҳон урушидан кейин Франциянинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи. 2.Франциянинг 1947-1958 йиллардаги сиёсати. 3.Учинчи республиканинг ўрнатилиши, унинг ички ва ташқи сиёсати. 4.Франция-Ўзбекистон муносабатлари	2
13	1945-2005 йилларда Италия	1.Италиянинг урушдан кейинги йилларда иқтисодий аҳволи ва ички сиёсати. 2.2-жаҳон урушидан кейин Италиянинг ташқи сиёсати. 3.Ҳозирги даврда Италия. 4.Италия-Ўзбекистон муносабатлари.	2
14	1945-2005 йилларда ГФР	1.Германиянинг парчалаб юборилганлиги сабаблари, ГДР ва ГФР нинг ташкил топиши 2.1949-1990 йилларда ГДР ва ГФР нинг муносабатлари. 3.Германия давлатларининг бирлаштирилиши 4.ГФР-Ўзбекистон муносабатлари	2
15	1945-2005 йилларда ССЖИ ва унинг парчаланиши	4. Урушдан кейин СССРнинг сиёсий тизими. 5. Иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. 6. Ташқи сиёсат. 4. Россия-Ўзбекистон муносабатлари.	2
	Жами		38 соат

Мустақил иш топшириқлари мавзулари

№	Мавзу	Ўрганиладиган масалалар	Вақт
1	Биринчи жаҳон урушидан кейинги Париж тинчлик конференцияси қарорлари	Конференция жараёнида ғолиб давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар. Худудлар масаласи. Мустамлакалар масаласи. Мандат системаси. Версаль системасининг ишлаб чиқилиши. Репарация масаласи. Рус масаласи	6
2	Вашингтон конференцияси (1921-1922 йй)	Конференция чақирилиши сабаблари. Тўрт давлат шартномаси. Беш давлат шартномаси. Тўққиз давлат шартномаси. АҚШ-Япония зиддиятларининг кескинлашуви. Вашингтон системасининг давоми эканлиги	6
3	Россиядаги 1917 йил инқилобининг ғарб мамлакатларига таъсири	1918 йил ноябрида Германияда юз берган инқилоб сабаблари ва оқибатлари. Австрияда 1918 йил ноябр инқилоби оқибатлари. Венгрияда 1918 йил ноябр инқилоби натижалари. Италия, Франция, Англия ва АҚШ да юз берган сиёсий ҳаракатлар.	4

4	Шармандали Мюнхен битими	1937-1938 йиллардаги халқаро муносабатларнинг зиддиятли тугунлари. Ғолиб давлатлар билан фашистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар. Мюнхен битими шартномаларининг ишлаб чиқиши. Чехославакиянинг бўлиб юборилиши.	4
5	Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги конференциялар	Москва конференцияси қарорлари. Техрон конференцияси қарорлари. Қрим (Ялта) конференцияси қарорлари. Сан-Франциско конференцияси. БМТнинг тузилиши. Берлин (Потсдам) конференцияси қарорлари.	6
6	Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда халқаро вазият	«Совуқ уруш» муносабатларининг бошланиши. Бир-бирига қарама-қарши ҳарбий-сиёсий блокларнинг тузилиши. Берлин масаласи. Куролланиш пойгасининг бошланиши. Германия масаласининг халқаро муносабатларга таъсири. 1972 йил Москва битимида Германия масаласининг халқаро муносабатларга таъсири. 1972 йил Москва битимида Германия масаласининг кўрилиши 1985 йилги Женева, 1986 йилги Рейквик, 1987 йилги Вашингтон ва 1988 йилги Москва битимлари.	
7	Жаҳон социализм системасининг емирилиши ва унинг оқибатлари	1989 йилги сиёсий инқироз ва Марказий Европа давлатларидаги демократик инқилоблар Шарқий ва Жанубий Европадаги сиёсий инқирозлар ва демократик қайта қуришлар. ЎИЁК тарқаб кетиши. Варшава шартномаси ҳарбий ташкилотининг тугаши	6
8	СССРнинг емирилиши ва мустақил давлатларнинг ташкил топиши	1989 йилги Болтиқ бўйи республикаларидаги сиёсий инқирозлар. Шарқий Европа республикаларининг мустақил бўлиши. Кавказorti республикаларининг мустақилликка эришиши. Марказий Осиё республикаларининг мустақил бўлиши. Россия федерациясидаги қайта қуришлар. СССР парчаланишининг ижтимоий-иқтисодий ва амалий аҳамияти	6
	жами		42 соат

ФАН БЎЙИЧА РЕЙТИНГ ИШЛАНМАСИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Рейтинг ишланмаси

**5220200-Тарих таълим йўналиши 4-курси талабалари учун «Энг янги тарихи»
фанидан баҳолаш турлари бўйича баллар тақсимооти.**

№	Машғулотлар	Аудитория иш соати	Мустақил иш соати	Умумий вақт соати	Тўпланадига н балл
1	Маъруза	28	16	42	35
2	Амалий машғулот	38	26	64	50
	Жами	66	42	106	85

Назорат шакллари бўйича баллар тақсимооти ва уни баҳолаш механизмлари.

1.Амалий машғулотлар бўйича.(жорий баҳолаш)

Максимал балл-50 балл, саралаш балл 27,5

№	Баҳолаш тури	Ўтказилиш шакли	Бажариш механизми	Талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл.	Бажариш вақти
1	Ж.Б.	Оғзаки савол- жавоб	Ҳар бир мавзу аниқ режа асосида ёритилганлигига қараб 3,5 балл	Ҳар бир дарсга тайёргарлик кўриш учун 3,5 балл белгиланди.	25 балл Дарс жараёнида
2	Ж.Б.	Оғзаки савол- жавоб	Ҳар бир мавзу аниқ режа асосида ёритилганлигига қараб 3,5 балл	Ҳар бир дарсга тайёргарлик кўриш учун 3,5 балл белгиланди.	25 балл Дарс жараёнида

Изоҳ: Амалий машғулотлари бўйича 2та Ж.Б белгиланган. ЖБ учун умумий балл 50 балл.

Биринчи ЖБ 25 балл, иккинчи ЖБ 25балл, 1 та ЖБ дан ўтиш бали 14 балл. Умумий ЖБ
дан ўтиш бали 27,5 балл

Биринчи ЖБ дан ўтиш бали-13,8 балл.

Аъло баҳога (86-100)= 44,8-100 балл

Яхши баҳога (71-85)= 35,5-44,7 балл

Ўрта баҳога (55-70)=27,5-35,4 балл

Қониқарсиз баҳога (55 дан кам)=27,5 баллдан кам.

2. Маъруза машғулотлар бўйича.(оралик баҳолаш)

Максимал балл 35 балл, саралаш балл 19,2 балл

№	Баҳолаш тури	Ўтказил иш шакли	Бажариш механизми	Талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл.	Бажарилиш вақти	Изоҳ
2	ОБ	Тест	Тест саволларига жавоб бериш	Тест синовлардан ўтиш максимал балл 35 балл, саралаш балл 19,2 балл	Дарс жараёнида	9 35 балл

Изоҳ: Маъруза машғулотлари учун 1 та ОБ белгиланган.

ОБ дан ўтиш бали 19,2 балл

Аъло баҳога (86-100)- 29-35 балл

Яхши баҳога (71-85)- 24,5-28,9 балл
 Ўрта баҳога (55-70)- 19,2-24,4 балл
 Кониқарсиз баҳога (55 дан кам)-19,2 балдан кам.

3. Маъруза ва семинар машғулотлар бўйича (якуний баҳолаш)
Максимал балл -15 балл, саралаш балл -8,3 балл.

№	Баҳолаш тури	Ўтказилган шакли	Бажариш механизми	Талаба тўплаш мумкин бўлган максимал балл.	Бажарилиш вақти
1	Я.Б.	Ёзма	Ўтилган мавзулар асосида тузилган ёзма иш вариантлари асосида назорат ўтказиш	Берилган ёзма иш вариантлари, саволларига қониқарли жавоби учун максимал балл 15 балл, саралаш 8,3 балл берилади.	Фан бўйича охириги дарсдан кейин белгиланган вақтда

Изоҳ: Аъло баҳога (86-100)-12,8-15 балл
 Яхши баҳога (71-85)-10,6-12,7 балл
 Ўрта баҳога (55-70)- 8,3-10,5 балл
 Кониқарсиз баҳога (55 дан кам) -8,3 балдан кам

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

1-МАВЗУ: ИККИ ЖАҲОН УРУШИ ОРАЛИҒИДА ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ.

Р Е Ж А :

1. 1918-1923 йиллардаги халқаро муносабатлар. Версаль-Вашингтон системасининг тузилиши.
2. Капитализмнинг қисман стабиллашуви йилларида халқаро муносабатлар.
3. Жаҳон иқтисодий инқироз ва урушнинг икки ўчоғи вужудга келиши йилларида халқаро муносабатлар.
4. Иккинчи жаҳон урушини бевосита тайёрлаш йилларида халқаро муносабатлар.

Таянч тушунча ва иборалар: Халқаро муносабатларда янги даврнинг бошланиши. Париж сулҳ конференцияси. Версаль системаси. Капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар. Репарация масаласи. Вашингтон системаси. Капитализмнинг қисман стабиллашувининг халқаро муносабатларга таъсири. Жаҳон иқтисодий инқирознинг халқаро муносабатларга таъсири. Фашистик давлатлар томонидан агрессиянинг бошланиши. Англия, Франция ва СССР давлатларининг Москва музокоралари. Ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида Совет-Герман шартномаси.

Дарсининг мақсади: Икки жаҳон уруши ўртасидаги йилларда Европа ва Америка мамлакатларининг ўзаро муносабатларини, зиддиятли тугунларини, ғолиб мамлакатлар билан мағлуб мамлакатлар ўртасидаги, ғолиб мамлакатларнинг ўзлари ўртасидаги ва ниҳоят капиталистик давлатлар билан ССЖИ ўртасидаги муносабатларни кенг ёритиш. Уруш икки ўчоғининг вужудга келиши сабабларини ва бунинг оқибатида халқаро майдондаги муносабатларнинг чигаллашиб кетиши сабабларини тушунтиришдан иборатдир.

1. Биринчи жаҳон уруши, айниқса Октябрь тўнтариши натижасида капиталистик системанинг иқтисодий, сиёсий ва идеологик томонларини ўз ичига оловчи инқирози бошланиб, чуқурлашиб борди. Халқаро миқёсда ҳам зиддиятлар кескин тус олди. Икки хил зиддият Совет Россияси билан капиталистик давлатлар ўртасидаги зиддият ва капиталистик давлатларнинг ўз ўрталаридаги зиддиятлар кучайди.

Капиталистик давлатлар Россиянинг урушдан инқилобий йўл билан чиқиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олишига, ҳокимият тепасида ишчи ва деҳқонлар турган бир мамлакатнинг мавжуд

бўлишига чидаб тура олмас эдилар. Чет эл монополистлари чоризмга ва Муваққат ҳукуматга қарз берган миллиард сўмлаб пулларида, Россиядаги шахталари ва корхоналаридан тушаётган жуда катта фойдаларидан ажралиб қолишни асло истамас эдилар.

Совет Россиясига қарши курашда Антанта давлатлари умумий бир мақсадни кузатган бўлсалар-да, улар ўртасида, кучли зиддиятлар мавжуд эди. Айниқса босиб олинган жойларни тақсимлаб олиш масаласида капиталистик давлатлар ўртасида зиддият кескинлашди. Улар бир-бирларининг ҳаддан ташқари кучайиб кетишига жиддий қаршилиқ кўрсатдилар. Жаҳон уруши мобайнида жуда ҳам бойиб, қарздор мамлакатдан қарз берувчи мамлакатга айланган АҚШ халқаро муносабатларда асосий роль ўйнашга зўр бериб интилди. Англия ўз мустамлака ерларини босиб олинган территориялар ҳисобига кенгайтиришга, Франция Европадп гегемон бўлиб олишга ва ўз мустамлакаларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Италия ўз территориясини Болқонда, асосий жанубий славян ерлари ҳисобига кенгайтириб олишга, Япония эса Хитой ери Шаньдунни ва Германиянинг Тинч океандаги мустамлакаларини ўзиники қилиб олишга зўр бериб уринди. Шу негизда АҚШ билан Англия, Франция билан Англия, Франция билан АҚШ, АҚШ билан Япония ўртасида зиддиятлар кескинлашди.

1971 йил ноябрь-декабрь ойларида Совет Россияси Антанта мамлакатлари ҳукуматларига бир неча марта мурожаат қилиб, Германия ва унинг иттифоқчилари билан урушни тўхтатиш, аннексиясиз ва контрибуциясиз сулҳ шартномалари тузиш учун музокаралар бошлашни таклиф этди. Лекин улар Совет Россиясининг бу таклифларини рад қила бердилар.

Антанта давлатлари сулҳ тўғрисида музокаралар олиб боришдан бош тортганларидан кейин, Совет Россияси 1917 йил 3 декабрда Брест-Литовск шахрида Германия ва унинг иттифоқчилари билан музокаралар бошлашга мажбур бўлди.

Совет Россияси 1918 йил 3 мартда Германия, Австрия-Венгрия, Болгария ва Туркия билан сулҳ шартномаси имзолади. Сулҳ шартномасига Совет ҳукуматининг топшириғи билан ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичерин имзо чекди. Бу шартномага биноан Совет республикасида собиқ Россия империяси таркибидаги Финляндия, Литва, Латвия, Эстония ва Польша Германияга ўтди, Украина Германияга қарам давлатда айланди; Совет давлатига Германия фойдасига 6 миллиард олтин марка миқдорида контрибуция тўлаш ҳамда армия ва флотни демобилизация қилиш мажбурияти юкланди. Батуми, Карс ва Ардаган Туркияга топширилди.

Брест-Литовскдаги шартнома Антанта мавқеини анчагина кучсизлантирди. Германия бундан фойдаланиб ҳал қилувчи зарба беришга аҳд қилди.

Германия қўмондонлиги жангни ғолибона таъсирчан зарба билан якунлашга қарор қилади. 1918 йил апрель ойида немис қўшинлари Антанта мавқеларига кучли ҳужум бошлади. Дастлаб улар муваффақиятли ҳамла қилиб, Антанта қўшинлари мудофаасини ёриб ўтдилар ва Марна дарёси соҳилларига чиқдилар. Узоққа отадиган тўплар билан Парижни ўққа тутдилар. Аммо муваффақиятини мустаҳкамлаш учун Германия етарли захира топа олмади. Мамлакат ҳолдан тойган, армиянинг ҳарбий руҳи чўккан, халқ урушдан чарчаган эди. Айти пайтда Антанта АҚШдан тўхтовсиз ёрдам олиб турарди. АҚШ “шартномага қўшилган мамлакат” сифатида 1917 йил апрелда урушга кирган эди. Германия энди ҳужум қилишдан ожиз эканлиги маълум бўлиб қолгач, Антанта мамлакатлари барча фронтларда қарши ҳужумга ўтдилар ва немис қўшинларини босиб олинган Франция ва Бельгия ҳудудларидан сиқиб чиқара бошладилар.

Брест сулҳининг имзоланиши Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади. Бироқ, Совет Россияси томонидан қўлга киритилган нафасни ростлаб олиш даври узоқ давом этмади. 1918 йил март ойидаёқ Антанта давлатлари Совет Россиясига қарши ҳарбий интервенция бошладилар.

Лекин Антанта давлатларининг муайян бир антисовет мақсадни кўзлаганлигига қарамай, капиталистик лагердаги ички зиддиятлар туфайли улар ўзларининг барча кучларини бирданига Совет Россиясига қарши юбора олмадилар. Шундай бўлса-да, 1918 йил мартида Англия, сўнгра Америка қўшинлари Мурманск ва Архангельскка туширилиб, бу шаҳарлар ишғол қилинди. 1918 йил апрелида Владивостокка Япония, сўнгра Америка қўшинлари туширилди. Улар Владивосток, Приморье ва Шимолий Сахалинни босиб олдилар.

1918 йил майида Ўрта Волга ва Сибирда чехословак корпусининг Америка, Англия, Франция давлатлари томонидан уюштирилган исён кўтарилди. 1918 йил августида инглизлар Ўрта Осиёнинг бир қисмини (Закаспий вилоятини) ва Боқуни босиб олдилар, америкаликлар Сибирга бостириб кирдилар.

1918 йил ёзида герман қўшинлари Брест сулҳ шартномасини бузиб, Украинани, Белоруссияни, Дон-Кубань туманларини, Грузияни, Болтиқ бўйини, Қримни ишғол қилдилар. 1918 йил ноябрида совет элчилари Германиядан чиқариб юборилди. Интервентлар ички аксилинқилобчиларни қўллаб-қувватладилар ва рағбатлантирдилар. 1918 йил кузида Антанта қўшинларининг умумий ҳужуми натижасида тинкаси қуриган немис армияси кўп талафот кўриб чекинди. Германиянинг иттифоқчилари эса тор-мор қилинди. 1918 йил 29

сентябрда Болгария, 30 октябрда Австрия-Венгрия Антанта олдида таслим бўлди. Мағлубият ва бошланган инқилоблар натижасида Австрия-Венгрия Габсбурглар империяси емирилди ва парчаланди. Германия ёлғиз қолди ҳамда жиддий иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларга дучор бўлди. Инқилобий вазият етилмоқда эди. Германия ҳукумати 1918 йил 5 октябрда АҚШ президенти Вильсонга мурожаат қилиб, яраш битими тузишни сўради. 1918 йил 9 ноябрда Германияда буржуа-демократик инқилоб бошланиб, монархия режими тугатилди. Республика эълон қилинди.

1918 йил 11 ноябрда Франциянинг шимоли-шарқидаги Компьен ўрмонида Антанта қўшинлари бош қўмондони маршал Фошнинг вағонида Германиянинг Эрцбергер бошчилигидаги делегацияси Антанта қўмондонлиги таклиф этган таслим бўлиш актига йўл қўйди. Бу актда Германияга ўз қўшинларини Франция, Бельгия, Люксембург, Эльзас-Лотарингиядан ва Рейннинг чап қирғоғидан тезда, аммо Австрия ва Венгриядан, Руминия ва Туркиядан, Россиянинг ишғол қилинган жойларидан Антанта кўрсатган муддатда олиб чиқиб кетиш мажбурияти юкланди. Германия ғолиб давлатларга жуда кўп миқдорда яроғ-аслаҳа, самолёт, ҳарбий кемалар, транспорт, чорва моллари ва бошқаларни топширадиган бўлди.

Биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония ва бошқа давлатларнинг таслим бўлган Германия, Австрия, Венгрия, Туркия ва Болгария билан сулҳ шартномаларини ишлаб чиқиш учун 1919 йил 18 январда Парижда сулҳ конференцияси очилди. Бу конференция 1920 йил 21 январгача давом этди. Конференцияда Антанта томонидан туриб урушда қатнашган 27 давлат вакиллари иштирок этди. Германия ва мағлубиятга учраган бошқа давлатлар фақат конференциянинг сўнгги босқичида, тайёрланган сулҳ шартномасини топшириш вақтида қатнаштирилди. Конференцияда кичик давлатларнинг фикрлари эътиборга олинмади. Конференцияда АҚШ (президент Вильсон), Англия (бош министр Ллойд Жорж), Франция (Клемансо, конференция раиси) ва Италия (Орландо) асосий роль ўйнадилар. Улардан ташкил топган “Тўртлар совети” энг асосий орган бўлиб, бир қанча яширин кенгашлар ўтказди ҳамда улар халқлар ва давлатларнинг тақдири юзасидан сурбетларча савдолашдилар. асосий давлатларнинг тутган мавқелари бир-бирига зид, кўпинча тамомила қарама-қарши эди. Энг муҳими, Антанта иттифоқи аввал бошдан махфий шартномалар, яширин битимлар асосига қурилган бўлиб, янги вазиятда бу келишувларни амалга ошириб бўлмасди. Ана шу шартномаларга кўра, Россия Истамбулни олиши ва Дарданелл бўғози устидан назорат ўрнатиши, бунинг эвазига Франциянинг Эльзас-Лотарингияга эгалик қилиш ҳуқуқини ҳамда Англиянинг Миср устидан назоратини эътироф этиши зарур эди. Руминияга Трансильванияни

бериш ваъда қилинган, аммо бу Венгрия манфаатларига мос келмасди. Англия араб халқларига Усмонли империясидан чиқиш ва араб давлатлари тузишни таклиф этди. Айни пайтда бу таклиф Англия ва Франциянинг Яқин Шарқни бўлиб олиш ҳақидаги келишувларига зид эди.

Ғолиб мамлакатларнинг манфаатлари ҳам бир-бирига тамомила зид эди. Франция Германиядан ўзининг кучсизлигини англаган ҳолда бу мамлакатни батамом кучсизлантирадиган ва Европада Франциянинг устунлигини таъминлайдиган тинчлик ўрнатилишини истар эди. Италия Адриатика денгизи соҳиллари ва ороллари қўлга киритишдан умидвор эди. Англия ўзининг империяси ҳудудларини кенгайтиришни ўйларди. Япония Осиёда устун мавқега эришишни орзу қиларди. АҚШ денгизларда сузиш эркинлигини таъминлашни талаб этар, шу йўл билан ўзининг океан флоти устунлигидан фойдаланишни мўлжалларди.

Конференция қатнашчиларининг доимо диққат марказида турган муаммо “рус масаласи” эди. Большевизм ғояларининг ёйилиши қаршисидаги қўрқув Версаль конференциясининг қарорларига ҳам ўз муҳрини босди. ғарб мамлакатлари раҳбарлари конференция бошланган кунданок Россияга қарши интервенцияни ташкил қилиш билан шуғулландилар. Улар Россиядаги большевиклар ҳукуматини йўқотиш ўз мамлакатларидаги инқилобий ҳаракатни ва шарқдаги миллий-озодлик ҳаракатини бостиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблардилар.

Париж сулҳ конференцияси Германия ва унинг шерикларининг мағлубиятини, Австрия-Венгрия ва Туркия империясининг парчаланишини, Европа ва Яқин Шарқда янги давлатлар ташкил топганлигини, мустамлакаларнинг Антанта фойдасига қайта тақсимланишини акс эттирган хужжатларни ишлаб чиқди ва қабул қилди.

Бу хужжатларни ишлаб чиқишда ва ўлжани тақсимлаш масаласида конференция қатнашчилари ўртасида жиддий кураш ҳамда талаш-тортишлар бўлиб ўтди. ғолиб йирик давлатларнинг ҳар бири иккинчиси ҳисобига ўз позициясини кучайтириб олишга интилди. Франция репарациянинг ярмидан кўпини ўзига берилишини талаб қилди, бошқалар бунга қарши чиқдилар.

Франция давлати Германияни заифлаштириш ва бўлиб юбориш учун, Баварияни Германия таркибидан чиқариш ҳамда Рейннинг сўл қирғоғидаги ерларда Рейн республикасини тузиш учун курашдилар ва уни ўз протекторатига олиш ниятида бўлдилар. Лекин Англия ва АҚШ бунга йўл қўймади. Улар Францияга, айниқса Совет Россиясига қарши тура оладиган кучли Германиянинг бўлишини истар эдилар. Франция Совет Россиясига ва Германияга қарши ўз иттифоқчиси Польшанинг ҳудудини анча кенгайтириш тарафдори бўлди. Англия билан АҚШ

эса, Германияни жуда ҳам заифлаштирмаслик мақсадида Польшани анча кенгайтиришга қарши чиқди.

Йирик давлатлар ўзаро баъзи ён беришлар асосида битимга кела олдилар. Англия ва Франция Япониянинг ва урушда Антанта томонидан қатнашган бошқа давлатларнинг қўллаб-қувватлаши билан АҚШ нинг жаҳонда ҳукмрон бўлиб олиш планларига йўл қўймадилар. Шу билан бирга, улар ўзларининг заиф шерикларининг манфаатларига эътибор бермадилар. Тузиб чиқилган сулҳ шартномаларининг ҳаммаси Париж ёнидаги шаҳарларда, сарой ва қасрларда имзоланди.

1919 йил 28 июнда Германия билан Версаль сулҳ шартномаси, 1919 йил 10 сентябрда Австрия билан Сен-Жермен, 1919 йил 27 ноябрда Болгария билан Нейй, 1920 йил 4 июлда Венгрия билан Трианон, 1920 йил 10 августда Туркия билан Севр сулҳ шартномалари тузилди. Бу шартномаларнинг ҳаммаси “Версаль системаси” деб аталди.

Версаль сулҳ шартномасига мувофиқ, Германия ва унинг иттифоқчилари урушнинг айбдорлари, деб ҳисобланди. Германиянинг ҳамма мустамлакалари тартиб олиниб, Англия, Франция, Бельгия ва Япония ўртасида тақсимланди, Франция ва Англия Африкадаги Того ва Камерунни тақсимлаб олдилар. Германия жануби-ғарбий Африкаси Жанубий Африка Иттифоқига, Германия шарқий Африкаси Англияга, Янги Гвениянинг Германияга қарашли қисми Австралия иттифоқига берилди. Германиянинг Тинч океандаги Каролина, Мариана ва Маршалл ороллари ҳамда Германиянинг Шаньдун ярим оролидаги (Хитой) ижарага олган территорияси ва имтиёзлари Японияга ўтди. Германия Европада ҳам анчагина территориядан маҳрум бўлди.

Франция илгари қўлдан кетган Эльзас ва Лотарингияни қайтариб олди; у 15 йил давомида Саар области кўмирига эгалик қиладиган бўлди; бу даврда шу область Миллатлар иттифоқи томонидан идора қилинадиган бўлди. Рейн вилояти зонаси эса демилитаризация қилинди.

Эйпен ва Мальмеди округлари ҳамда Морене худуди Бельгияга, Шимолий Шлезвиг плебисцит натижасида Данияга ўтди. Илгари босиб олинган Польша ерларининг жуда оз қисми, яъни Познаннинг шарқий қисми, ғарбий ва Шарқий Пруссиянинг бир қисми (Польша коридори), Юқори Силезиянинг бир қисми янги ташкил топган Польшага қайтарилди. Германияни Гданьск (Данциг)дан воз кечишга мажбур қилинди. Гданьск Миллатлар Иттифоқи ҳузуридаги “Эркин шаҳар”га айлантирилди. Клайпеда (Мемель) ҳам Германиядан ажратиб олиниб, кейинчалик Литвага топширилди.

Лекин Германия-Польша чегараси Польша зарарига ҳал қилинди. Польшанинг 100 000 кв.км. ер ва анча поляк аҳолиси Германиятаркибида қолди. Польша Болтиқ денгизи билан Польша коридори орқали туташди, холос.

Германия Польша, Чехословакия, Австрия ва Финляндиянинг мустақиллигини таниди. Эльба, Одер, Неман ва Дунай (Германия доирасида) халқаро сув йўли, деб эълон қилинди. Бу йўлларни назорат қилиш учун халқаро комиссиялар тузиладиган бўлди.

Германия ҳарбий томондан чеклаб қўйилди: Германияда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинди.; герман армиясининг сонини 100 минг кишидан оширмаслик шарт қилиб қўйилди. Германиянинг ҳарбий денгиз флоти ҳам қисқартирилди. Унда оғир артиллерия ва ҳарбий авиация бўлишига рухсат қилинмади. Армия бош штаби тугатилди. Бироқ Рейхсвер министрлиги доирасида умум қўшинлар бошқармаси тузилишига рухсат берилди.

Германия ўзининг уруш айбдори эканлигини тан олди ва ғолиб давлатлар фойдасига репарация тўлаб туриш мажбуриятини олди. Репарация тўловлари миқдорини махсус комиссия 1921 йил 1 майгача аниқлайдиган бўлди. шунга қадар Германиянинг репарация тўловлари ҳисобидан ғолиб давлатларга 20 миллиард марка миқдорида олтин ва турли моллар тўлаш мажбурияти юкланди. Германия мажбурият юзасидан ғолиб давлатларга деярли бутун савдо флотини, 8 минг паравоз, 230 минг вагон, 40 минг от, 140 минг бош қорамол ва ҳоказоларни топширди.

Юклатилган мажбуриятларнинг Германия томонидан бажарилишини таъминлаш учун Рейннинг сўл қирғоғи (Рейн зонаси) 1935 йилгача Антанта қўшинлари томонидан ишғол қилиб туриладиган бўлди. Бу қўшинлар учун бўладиган харажатлар Германия зиммасига юкланди.

Бу очикча талончиликни оқлаш учун иттифоқчилар Версаль шартномасига 231-бандни қўшдилар. Унда шундай дейилганди: “Иттифоқчилар ва уларга қўшилган давлатлар шунини таъкидлайдиларки, Германия ва унинг иттифоқчилари тажовузи туфайли рўй берган урушда иттифоқчилар ва уларга қўшилган давлатлар фуқароларига етказилган талафот ва зарар учун бутун масъулиятни Германия ўз зиммасига олади”. Немислар ўз ҳудудларининг 10 фоизини йўқотдилар, бу ҳудудда миллионлаб одам яшар, уларнинг бир неча юз минги уй-жойсиз қолган, ўнлаб шаҳарлар вайрон қилинган, миллионлаб одамлар ногирон бўлиб қолган эди. Бундай вазиятда улкан миқдорда товон тўлаш ақлга сиғмасди.

Аммо Германиянинг бошқа чораси йўқ эди. У икки мушкул имкониятдан бирини танлаши: қўйилган шартлар асосида тинчликка эришиши ёки урушга кириб, шаксиз мағлубият ва инқилобий тартибсизлик аламини тотиши лозим эди.

Сен-Жермен сулҳ шартномасига мувофиқ, ўзининг деярли ҳамма жанубий славян территорияларидан воз кечди: Юлий Крайна, Триест билан бирга Истрия, Каринтиянинг бир қисми, Трентино области ва

Жанубий Тирол Италияга берилди. Австрия, Югославия ва Чехословакиянинг мустақиллигини таниди, Чехословакия составига кирган Богемия ва Моравиядан воз кечди. Галиция Польшага, Буковина Руминияга қайтарилди. Сулҳ шартномаси Австриянинг мустақил давлат бўлиб яшаш халқаро ҳуқуқига асос солди; Австрияни Германияга қўшиш (аншлюс)ни тақиқлади. Лекин бу шартнома бир қанча халқларнинг ҳуқуқларини поймол қилди.

Австрияда ҳам умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинди. Лекин унинг 30 минг кишидан иборат ёлланма қўшин сақлашига рухсат берилди. Австрия репарация тўлайдиган бўлди. Австрия репарация ҳисобига ғолиб давлатларга ўзининг бутун савдо ва балиқ овлаш флотини топшириш мажбуриятини олди.

Сен-Жермен сулҳида жанубий славян халқлари яшайдиган ҳудудларнинг бир қисмини Италияга, украинлар яшайдиган Буковинани Руминияга топшириш кўрсатилди.

Трианон сулҳ шартномасига мувофиқ, Венгрия ҳудуднинг деярли 70%идан ажралди. Трансильвания ва Банат Руминияга, Закарпат Украинаси ва Словакия Чехияга, Хорватия ва Словения Югославияга, Бургенланд Австрияга берилди.

Венгрия Чехословакия ва Югославия мустақиллигини таниди. Венгрияда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинди. Венгр армиясининг сони 35 минг кишидан иборат қилиб белгиланди. Венгрия ҳам репарация ҳисобига тошқўмир, паровоз, вагон ва шу кабиларни берадиган бўлди.

Нейн сулҳ шартномасига мувофиқ, ғарбий Фракия Грецияга берилди. Болгария Эгей денгизига чиқиш йўлларида маҳрум қилинди. Болгариядан 1913 йилда тортиб олинган Жанубий Добруджа Руминияда қола берди. Бир неча шаҳарлар (Цариброд, Босилеград ва бошқалар) Югославияга ўтказилди. Болгария флоти ғолиб давлатларга берилди. Болгарияга фақат 20 минг кишидан иборат армия сақлашга рухсат берилди. Болгария ҳам репарация (2,2 миллиард олтин франк) тўлайдиган бўлди. Бундан ташқари Болгария минглаб паровоз ва вагонлар, тошқўмир, чорва моллари ва ҳоказоларни топшириш мажбуриятини олди.

Севр сулҳ шартномасига мувофиқ, Туркия ўзига қарашли ҳудудининг 75%идан маҳрум бўлди. Туркия ҳудуди Кичик Осиё, Константинополь ва унинг атрофи билан чеклаб қўйилди. туркияга қарашли Фаластин ва Ироқ (Месопотамия) Англия назоратига, Сурия ва Ливан Франция назоратига топширилди. Туркия Арабистон ярим оролидаги ерларидан воз кечди ва у ерда ташкил топган Ҳижоз короллигини таниди; Мисрдаги ҳуқуқларидан Англия фойдасига воз кечди. Туркия Арманистоннинг мустақиллигини тан олиб, ўз таркибидаги арман ерларидан Арманистон фойдасига воз кечди.

Курдистон Туркиядан ажралиб чиқди. Измир (Смирна), Адрианополь билан Шарқий Фракия, Дарданеллнинг Европа қирғоғи ва Галлиполийск ярим ороли Грецияга топширилди. Бўғозлар зонасини бошқариш махсус халқаро комиссияга юкланадиган бўлди. Туркия армиясининг миқдори 50 минг кишилик қилиб чекланди. Туркия ҳарбий-денгиз флотининг деярли ҳаммаси иттифоқчиларга топшириладиган бўлди. Лекин Туркияда кўтарилган антиимпериалистик, миллий озодлик кураши натижасида 1922-1923 йилларда султон монархия режими афдарилди ва Севр сулҳ шартномаси бекор бўлди.

Биринчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Европада халқаро кучларнинг янги мувозанатини қайд этган Версаль шартномалар тартиби шу тариқа шаклланди. Бу тартибнинг ичида чуқур зиддиятлар мавжуд бўлиб, кейинчалик улар жаҳон иқтисодий инқирозларида, ғолиб ва мағлуб давлатлар ўртасидаги низоларда намоён бўлди.

1919 йили Париж конференциясида, Германия билан Версаль сулҳ шартномаси тузилган вақтда Миллатлар иттифоқи ташкил топди. Бу халқаро ташкилот биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасида иш олиб борди.

Биринчи жаҳон уруши йилларидаёқ бир қатор мамлакатларнинг буржуа доиралари Миллатлар иттифоқини тузиш ғоясини илгари сурган эдилар. АҚШ президенти Вильсон 1919 йил январь ойида бошқа мамлакатларда Миллатлар иттифоқи тўғрисида тузилган лойиҳаларни ҳисобга олиб, шу масаладаги ўз лойиҳасини қайтадан ишлаб чиқди. Париж конференцияси очилган вақтда Миллатлар иттифоқи низомини ишлаб чиқиш учун Вильсон бошчилигида махсус комиссия тузилди. Низомни ишлаб чиқишда катта мунозаралар юз берди. Франция Миллатлар иттифоқи ҳузурида халқаро армия вадоимий бош штаб тузишни таклиф қилди, бу эса Франциянинг Европада ўз гегемонлигини ўрнатиш плани билан боғлиқ эди. Франция таклифи Англия ва АҚШ томонидан рад этилди. АҚШ Миллатлар иттифоқини ўзининг жаҳон ҳукмронлиги учун кураш куролига, ўзининг “жаҳон монопол фермаси”га айлантириш учун курашди. Англия ва Франция эса бунга йўл қўймадилар.

1919 йил 14 февралда Миллатлар иттифоқининг низоми Париж сулҳ конференциясининг ялпи мажлисида қабул қилинди ҳамда Версаль ва бошқа сулҳ шартномалари текстига киритилди. Бу иттифоққа АҚШдан ташқари 43 давлат аъзо бўлиб кирди. Дастлаб АҚШ ҳам бу ташкилотнинг “аъзоси” бўлиб ҳисобланган эди. Аммо конференцияда кучлар нисбати Англия ва Франция фойдасига ўзгарганлиги ва Версаль системасида улар устун бўлиб қолганлиги сабабли АҚШ конгресси Версаль шартномасини ва унинг таркибий қисми бўлган

низомни тасдиқламади, 1920 йилда Қўшма Штатлар бу иттифоққа киришдан бош тортди.

Миллатлар иттифоқи ўз ишини Ассамблея, бешта доимий ва тўртта доимий бўлмаган аъзолардан иборат Совет орқали ва Бош секретарь бошчилигидаги доимий секретариат орқали олиб борди. Миллатлар иттифоқининг асосий органлари Женевада бўлиб, унга Англия ва Франция давлатлари раҳбарлик қилди.

Миллатлар иттифоқи расмий жиҳатдан тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш учун тузилди. Низомда қуроолларни қисқартириш, мамлакатлари ҳудудларининг бутунлигини ўзаро гарантиялаш ва шу кабилар кўрсатилди. Низомга мувофиқ, агрессор давлатга нисбатан иқтисодий, молиявий ва ҳарбий чоралар кўриш кўзда тутилди. Лига бирор марта ҳам бу жазо чораларини қўллай олмади, чунки унинг ихтиёрида ҳарбий кучлари ҳам, давлатлар ўртасида обрў-эътибори ҳам йўқ эди. Миллатлар Лигаси Конвенциясида унинг аъзолари зиммасига “барча аъзоларнинг ҳудудий бутунлигини ҳурмат қилиш ва асраш” юклатилган эди. Аммо кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, ҳеч ким бу шартларни чиндан ҳам бажаришга тайёр эмас эди. Германия ва Россиянинг лигадан чиқарилганлиги мазкур халқаро ташкилотнинг самарадорлигини пасайтирди, унинг фаолияти мунозара ва музокаралар билан чекланиб қолди.

Англия, Франция ва Япония давлатлари Германия ва Туркиядан тортиб олинган мустамлакаларни ошкора суратда ўзлариники қилиб олишга ботинолмадилар. Шу сабабли улар, бу мустамлака халқлари ўз-ўзини мустақил идора қила олмайди, деган баҳоналар билан Миллатлар иттифоқи васийлигини - мандат системасини вужудга келтирдилар. Англияга Фаластин, Ироқ каби мамлакатларни, Францияга Сурия, Ливан ва бошқа мамлакатларни, Японияга Мариан ва бошқа жойларни бошқариш мандати берилди. Мандат системаси амалда мустамлакачилик тартиби ва зулмининг янги формаси эди.

Версаль системаси Европада мустаҳкам тинчлик ўрната олмади. Бу система урушда ғолиб чиққан мамлакатлар билан мағлуб мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларни чуқурлаштириб юборди. Германия мустамлакаларининг кўпчилиги қисми Англия ва Францияга ўтди. Англия Яқин Шарқда, Ҳиндистон ва Британия доминионларига бориш йўлларида ҳукмрон бўлиб олди. Франция европа қитъасида, Япония Узоқ Шарқ ва Тинч океанда устунликка эга бўлди. Улуғ давлатлардан Германия вақтинча орқага суриб қўйилди. Австрия-Венгрия ва Туркия улуғ давлатлар қаторидан чиқиб қолди.

Бунинг устига дунё икки системага бўлиниб кетди. Германия ва бошқа мамлакатлар Версаль сулҳ системасидан қутулишга, қуроолли кучларни тиклаш ва ҳудудларни қайтариб олишга зўр бериб уриндилар.

Ғолиб мамлакатлар ўртасида ҳам зиддиятлар кучайди. Италия Версаль системасидан норози эди, чунки унинг ҳудуд ҳақидаги талаблари тўла қондирилмаган эди. Англия ва АҚШ Франциянинг Европадаги устунлик ролига қарши эдилар. Франция Англиянинг Яқин Шарқда ҳукмрон бўлиб қолишига рози бўлмади. Европада, Яқин Шарқда ва Африкада ҳукмронлик позициясини эгаллаш учун Англия билан Франция ўртасида, Франция билан Италия ўртасида, Англия билан Италия ўртасида зиддиятлар кескинлаша борди. Франция Англиянинг Туркиядаги антиимпериалистик кураш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларидан фойдаланиб, Шарқий ва Жануби-Шарқий Европада ўз позициясини мустаҳкамлади. Франция Туркиянинг Севр сулҳ шартномасини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлади. 1920-1921 йилларда Франциянинг ёрдами билан ва унинг таъсири остида Кичик Антанта (Чехословакия-Руминия-Югославия сиёсий ва ҳарбий иттифоқи) тузилди. Франция Польша билан сиёсий-иқтисодий алоқа ўрнатди.

АҚШ бошқа империалистик давлатларнинг позициялари кучайиб кетганидан мутлақо норози эди. Версаль системаси, шу жумладан Миллатлар иттифоқининг низоми АҚШга ҳеч қандай реал устунлик ва имтиёз бермади. Шунинг учун ҳам АҚШ конгрессининг сенати Версаль шартномасини, шу жумладан Миллатлар иттифоқи уставини ратификация қилмади. Бироқ АҚШ Европа ва жаҳон сиёсатига аралашishiни давом эттирди.

АҚШ 1921 йил августида Германия билан сепарат шартнома имзолади ва Германия иқтисодиётига фаол суқилиб кира борди. АҚШ ҳукумати немис монополияларини қўллаб-қувватлади.

1920-1921 йилларда рўй берган иқтисодий инқироз заминида империализмнинг барча зиддиятлари янада кескинлашди.

Ўзаро зиддиятлар орасида айниқса АҚШ билан Англия ўртасидаги, шунингдек АҚШ билан Япония ўртасидаги зиддиятлар энг асосий зиддиятлар бўлиб қолди. Англия ва Япония жаҳонда ҳукмронлик қилиш учун курашда АҚШнинг энг хавфли рақиби бўлиб чиқдилар. Узоқ Шарқда АҚШ билан Япония ўртасида жиддий низо вужудга келди. Япониянинг Тинч океанда, айниқса Хитой (Шаньдунда) ўз позициясини кучайтириб олганлиги Американинг агрессив муддаоларига зид эди.

Германиядан олинадиган репарация масаласи ҳам ғолиб давлатлар ўртасида, айниқса Франция билан Англия ўртасида низоларни кескинлаштирган сабаблардан бири эди. Франция репарациянинг кўп қисмини талаб қилди.

Репарация масаласида 1920-1921 йилларда бир неча марта конференция бўлиб ўтди. 1920 йил июнида Булонда чақирилган конференция репарация суммасини 269 миллиард олтин марка қилиб

белгилади. Конференция репарациянинг 52%ини Францияга, 22%ини Англия, 10%ини Италияга ва қолган қисмини бошқа давлатларга маълум фоиз миқдорида тақсимлади. 1921 йил январдаги Париж конференциясида эса репарация суммаси 226 миллиард олтин марка миқдорида қилиб ва тўлаш муддати 42 йил қилиб белгиланди.

Германиянинг репарация тўловлари миқдори 1921 йил апрель-май ойларидаги Лондон конференциясида 132 миллиард олтин марка миқдорида қилиб белгиланди. Антанта Германияга дастлабки мўлжалларга нисбатан анча камайтирилган репарация шартларини мажбуран қабул қилдирди ва ўша йилнинг май ойидаёқ репарация ҳисобига 1 миллиард олтин марка ундириб олди. Германия 1919-1922 йиллар мобайнида ҳаммаси бўлиб 8 миллиард олтин марка тўлади. 1922 йил январда Германиянинг илтимоси билан репарация тўлаш муддати бир йилга кечиктирилди. 1923 йил январда Германия тўлов муддатининг яна кечиктирилишини сўради. Франция бунга унамади. Шу асосда янги низолар бошланди.

Уруш қарзлари муаммоси урушдан кейинги йиллардаги чигал ва мураккаб масалалардан бири бўлди. Бу масала ҳам бир қанча халқаро кенгаш ва конференцияларда муҳокама қилинди.

АҚШ иттифоқчиларининг АҚШдан қарзи 11 миллиард долларни ташкил қилар эди. АҚШ ҳукумати ўз иттифоқчиларига таъсир кўрсатиш учун ана шу қарзларни ўзига катта дастак қилишга уринди. Шу мақсадда АҚШ конгресси 1922 йил февралида бу қарзларни тегишли фоиз билан иттифоқчилардан сўзсиз ундириб олиш тўғрисида махсус қонун қабул қилди. Бу қонунни амалга ошириш юзасидан алоҳида комиссия тузилди. АҚШ қарзларни қисташ йўлига ўтди. Иттифоқчиларнинг қарзларни бекор қилиш ёки тўлаш муддатини кечиктириш умидлари чиппакка чиқди. Кейинчалик АҚШ айрим иттифоқчи давлатлар билан (масалан, 1923 йил февралида Англия билан) қарзлар масаласида битимлар имзолади, Англия қарзлари 30% камайтирилиб, тўлаш муддати 62 йил қилиб белгиланди.

АҚШ давлати Тинч океан ва Узоқ Шарқда ўз позицияларини мустаҳкамлашга, Англия ва Япониянинг ҳарбий-денгиз флотидаги вақтинча устунлигини йўқотиш ва зўр бериб қуролланиш учун вақтдан ютиш мақсадида денгиз қуроллари “чеклаш”га, Париж сулҳ конференциясининг Узоқ Шарққа доир қарорларини қайта кўриб чиқишга, Париж конференциясидаги мағлубият учун қасос олишга киришдилар.

1921 йил мартада ҳокимият тепасига келган президент Гардинг бошчилигидаги республикачилар ҳукумати Париж конференциясининг Узоқ Шарққа доир қарорларини қайта кўриб чиқишни ўзининг асосий вазифаларидан бири қилиб қўйди.

АҚШ Англиянинг денгиздаги ҳукмронлигини йўқотишга, Англия-Япония иттифоқини тугатишга, Япониянинг Хитойда кучайган позициясига путур етказишга ҳамда Хитойда “очик эшиклар ва тенг имкониятлар” принципига риоя қилиш баҳонаси билан Хитойнинг АҚШ томонидан асоратга солиниши учун шароит яратишга зўр бериб интилди.

АҚШ ўзининг иқтисодий ва молиявий қувватига таяниб, ўзидан бошқа капиталистик давлатларнинг Узоқ Шарқ районидаги зиддиятларидан фойдаланди. АҚШнинг ташаббуси билан янги халқаро конференция - Вашингтон конференцияси чақирилди. Бу конференция 1921 йил 12 ноябрдан 1922 йил 6 февралгача давом этди. Конференцияда 9 давлат: АҚШ, Англия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Португалия, Япония ва Хитой қатнашди. Бу конференцияда АҚШ асосий роль ўйнади.

Конференциянинг асосий ҳужжатларидан бири - АҚШ, Англия, Франция ва Япониянинг 1921 йил 13 декабрда қабул қилинган “Тўрт давлат шартномаси”дир. Бу шартномада мазкур давлатларнинг Тинч океандаги ороллариининг дахлсизлиги кўрсатилди. Улар бу оролларга бошқа биронта давлат хавф солган тақдирда ўзаро маслаҳатлашиш тўғрисида келишиб олдилар. Бу шартномада 1902 йилда тузилган Англия-Япония иттифоқи тугатилди, у ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди. Натижада АҚШ Англияни Япониядан ажратиб, катта дипломатик ютуққа эришди.

Конференциянинг асосий ютуқларидан яна бири-АҚШ, Англия, Япония, Франция ва Италиянинг 1922 йил 6 февралда қабул қилган “денгиз қурулларини чеклаш тўғрисида шартнома”деган “Беш давлат шартномаси”дир. Бу шартномага мувофиқ, АҚШ Англия флотининг ўз флоти билан тенг даражада бўлишига, Япония флотининг АҚШникидан ортиқ бўлмаслигига, Англия билан Япониянинг ўзларининг Тинч океандаги оролларида ҳарбий-денгиз базалари қурмаслик мажбуриятини олишига эришди.

Конференциянинг ҳужжатларидан яна бири 1922 йил 6 февралда қабул қилинган Хитойга нисбатан сиёсат тўғрисидаги “Тўққиз давлат шартномаси”дир. Бу шартномага мувофиқ, мазкур давлатлар Хитойнинг суверенитетини, мустақиллиги ва территориал дахлсизлигини таниш “мажбурияти”ни олдилар. Улар Хитойда “тенг имкониятлар” принципига риоя қилиб, Хитойда алоҳида имтиёзлар ва ҳуқуқларга эришиш учун уринмаслик ва таъсир доиралари вужудга келтирмаслик “мажбурияти”ни олдилар. Япония Шаньдундан, англия Вэй Хайвейдан воз кечди. Бу шартнома Хитойда АҚШ ҳукмрон доираларининг “очик эшиклар” ва “тенг имкониятлар” деб аталган доктринасини мустаҳкамлади. Америка империалистларининг Хитойга суқилиб киришлари учун қўшимча имкониятлар вужудга келди.

Вашингтон конференциясида қабул қилинган шартномалар “Вашингтон системаси” деб аталди. Вашингтон системаси Версаль системасининг давоми бўлди.

Версаль-Вашингтон системаси мамлакатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик муносабатлари ўрнатмади. Тинч океанда кучлар нисбатини тенглаштириш тартиби мутлақо беқарор эди.

Капиталистик дунёда Совет Россиясига нисбатан икки хил тенденция вужудга келган эди: биринчи тенденция Совет Россияси билан иқтисодий алоқа ўрнатиш тенденцияси эди. Бу тенденциядаги давлатларнинг кўпчилиги Совет режимининг айниб кетишига ва кейин уни таксимлаб олишга умид боғлар эди. Бу тенденция вакиллари (Англияда Ллойд-Жорж, Францияда Эррио, АҚШда сенаторлар Бора, Уилер ва Гудрия)лар эди. Иккинчи тенденция қулай имконият топиб, Совет Россиясига қарши яна қуролли интервенция қилиш тенденцияси эди. Бу тенденция вақти-вақти билан ошқора кўриниб турди. АҚШ президенти Гардинг, давлат секретари Юз, Англияда Черчилль, Керзон, Францияда Клемансо, Пуанкаре, Германияда Людендорф ва бошқалар бу тенденцияни зўр бериб қўллаб-қувватладилар. Капиталистик дунёда биринчи тенденция иккинчи тенденцияга нисбатан устун чиқди.

1921 йил мартада Совет Россияси билан Англия ўртасида савдо битими тузилди. Бу эса амалда Англия томонидан Совет Россиясининг танилиши эди. Ўша йилнинг май ойида Совет республикаси билан Германия ўртасида вақтинча савдо битими имзоланди. Норвегия, Италия ва Австрия билан ҳам шундай битимлар тузилди. 1921 йил февралда Совет Россияси билан Эрон ва Афғонистон ўртасида шартномалар, март ойида Совет республикаси билан Туркия ўртасида дўстлик шартномаси тузилди. 1921 йилда тузилган Мўғулистон халқ ҳукумати билан Совет ҳукумати ўртасида ўша йилнинг ноябрида дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Лекин АҚШ, Англия, Франция каби бир қанча йирик давлатлар Совет Россияси билан ҳали дипломатик алоқалар ўрнатмаган эдилар.

1921 йилги иқтисодий инқироз капиталистик мамлакатларни анча қийин аҳволга солган эди. 1921 йил декабрида Лондонда Англия ва Франция бош министрларининг, Парижда, Англия, Франция, Италия ва Бельгия экспертларининг кенгашлари бўлиб ўтди.

1922 йил январида Антанта олий советининг кенгаши Марказий ва Шарқий Европани иқтисодий “тиклаш” программасини ишлаб чиқиш учун Генуяда халқаро иқтисодий конференция чақиришга қарор қилди ва бунга Совет Россиясини, шунингдек Германия, Австрия, Венгрия ва Болгарияни таклиф этди.

Генуя конференцияси 1922 йил 10 апрелдан 19 майгача давом этди, унда 34 мамлакат, шу жумладан Совет Россияси делегацияси иштирок этди. Конференцияда Англия ва Франция асосий роль ўйнади.

АҚШнинг вакили кузатувчи сифатида қатнашди ва конференция ишига катта таъсир кўрсатди.

Конференциядаги асосий масала “рус масаласи” деган масала эди. Конференцияда Совет Россиясини собиқ чор ҳукумати ва Муваққат ҳукуматнинг чет эл мамлакатларидан олган ҳамма қарзларини (фоизлари билан бирга 18 миллиард сўм) тўлашга, инқилобга қадар чет эл капиталистларга қарши бўлиб, кейин Совет ҳукумати томонидан миллийлаштирилган завод, фабрика, кон ва бошқа корхоналарни ўша мулкдорларга қайтариб беришга ёки компенсация тўлашга, совет ташқи савдо монополиясини бекор қилишга, Совет мамлакатадаги чет элликлар учун экстерриториаллик (алоҳида имтиёзлик) ҳукуқи тартибини ўрнатишга мажбур қилмоқчи бўлдилар. Улар ана шу шартлар асосидагина Совет Россиясига заём ва кредит берилишини билдирдилар. Антантадан жуда катта зарар кўрган Германия қийинчиликларни енгиб ўтиш йўллариини излар эди. Рус нефтьи масаласида Англия-Голландия нефть компанияси билан Америка нефть монополиялари ўртасида зиддият кескинлашди.

Совет делегацияси бу зиддиятларидан фойдаланди; 1922 йил 16 апрелда Рапаллода (Генуя ёнида), совет делегациясининг резиденциясида РСФСР билан Германия ўртасида шартнома тузилиб, дипломатик алоқалар ўрнатилди. Икки томон бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай иқтисодий талабларни қўймайдиган бўлдилар. Натижада капиталистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ва Совет-Германия шартномасининг тузилиши бирлашган антисовет фронтни бузиб ташлади; Германиянинг ҳам халқаро позициясини анча мустаҳкамлади.

Антанта давлатлари Генуя конференциясида ўз мақсадларига эриша олмадилар. Конференция боши берк кўчага кириб қолди. Музокаралар Гаага (Голландия) конференциясида (1922 йил, 15 июнь-19 июль) давом эттирилди. ғолиб давлатлар бу конференцияда ҳам ўзларининг ўйлаган режаларини амалга ошира олмадилар. Туркияда кўтарилган миллий озодлик ҳаракати натижасида биринчи галда Англиянинг позициясига жиддий зарба берилган эди. Антанта давлатлари Яқин Шарқда қийин аҳволга тушиб қолдилар. Туркиянинг Мустафо Камол бошчилигидаги янги ҳукумати Севр сулҳ шартномасини тан олмади. Антантанинг Туркияга қарши уюштирган ҳарбий интервенцияси хусусан Англия-Греция интервенцияси 1922 йил август-сентябрь ойларида тор-мор қилинди. 1922 йил 11 октябрда Антанта билан Туркия ўртасида яраш битими имзоланди. Антантанинг, аввало Англиянинг Яқин Шарқдаги сиёсати барбод бўлди.

Ҳуқмрон давлатлар Туркия билан янги сулҳ шартномаси ишлаб чиқиш ва Янги Шарқ инқирозини бартараф қилиш мақсадида Лозаннада (Швейцария) халқаро конференция чақирдилар. Конференция 1922 йил 20 ноябрдан - 1923 йил 24 июлгача танаффуслар

билан давом этди. Конференцияда Англия, Франция, Италия, Япония, Греция, Руминия, Совет Россияси, Югославия ва туркия вакиллари катнашди. АҚШ вакили кузатувчи сифатида иштирок этди ва конференция ишларига аралашди. Конференциянинг асосий масалаларидан бири - Босфор ва дарданелл бўғозлари режими тўғрисидаги масала эди. Бу битимга кўра бўғозлар демилитаризация қилинди, тинчлик даврида ва уруш вақтида барча мамлакатларнинг савдо ва ҳарбий кемалари бўғозлардан бемалол ўта оладиган бўлди. Конференция охирида Лозанна сулҳ шартномаси тузилди; капитуляциялар режими, Туркия молиясининг буюк давлатлар томонидан назорат қилиниши ва унинг қуролли кучларини чеклаш бекор қилинди. Туркиянинг янги чегаралари тан олинди. Шарқий Фракия (Адрианонополь билан бирга), Арманистоннинг турклар яшайдиган қисми, Курдистон ва бошқа ўлкалар Туркияга қайтарилди. Конференция натижасида Туркия ўз суверенитетининг халқаро миқёсда танилишига эришди.

Версаль-Вашингтон тартибининг яратилиши Европа мамлакатларининг асосий муаммоларини ҳал этмади. Аксинча, эски муаммолар ёнига янгилари қўшилди ва улар Биринчи жаҳон урушидан кейинги дунёнинг тарихий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Айрим мамлакатларда улар кўп жиҳатдан янги сиёсий вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди, янги ғоялар, янги сиёсат ва давлат арбобларининг, ҳокимиятнинг қўлга киритишга интилаётган янги сиёсий ташкилотларнинг пайдо бўлишига туртки берди. Урушдан кейинги дунё дуч келган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат эди.

Иқтисодий муаммолар Биринчи жаҳон урушида Англия 750 минг, Франция 1,3 млн., Германия 2 млн., Россия 16 млн. киши йўқотди. 20 млн.дан ортиқ киши яраланди. Кўпгина саноат корхоналари вайрон бўлди, транспорт тармоқлари, қонлар йўқ қилинди, кўплаб кемалар чўктирилди. Уларни тиклаш кўп маблағ ва вақт талаб этар эди.

Урушдан кейинги Европа мамлакатларининг аҳволи тубдан ўзгарди. Агар урушгача улар жаҳоннинг асосий молиявий ва кредит маркази бўлган ва кредит олувчилар, заёмлар, қимматли қоғозларни тарқатиш ҳисобига қўшимча даромадлар олиб турган бўлсалар, энди АҚШдан қарздор бўлиб қолдилар. Уруш пайтида олтин захирасининг катта қисми АҚШга ўтиб кетди. Қўшма Штатлар бажонудил қарзга озиқ-овқат, қурол-яроғ, кийим-кечак, транспорт воситалари берар, ўз иттифоқчиларининг оғир аҳволидан фойдаланиб, ўз молларига истаганча нарх белгилар ва катта фойда олар эди.

Европа қитъасидаги муносабатларда ҳам туб (радикал) ўзгаришлар рўй берди. Россиянинг Европа иқтисодиёт тузилмаларидан четлатилиши шаклланган қитъа бозорининг издан чиқишига сабаб бўлди. Илгари Европа мамлакатлари Россиядан хом ашё, кўпгина озиқ-

овқат маҳсулотлари олар ва бу маҳсулотлар билан аҳолини ҳамда саноатни барқарор таъминлаб турар эди. Ўз навбатида, Европа молиячилари ва саноатчилари ўз сармояларини Россия иқтисодиётига киритиш ҳамда катта фойда олиш имкониятига эга эдилар.

Айни пайтда, Австро-Венгрия империяси емирилганидан сўнг унинг ўрнида катта мамлакатларга қарам бўлган, иқтисодиёти кучсиз бир қатор кичик давлатлар вужудга келди. Жорий этилган кучли божхона тўсиқлари моллар ва сармояларнинг ҳаракатини қийинлаштириб қўйди. Натижада олдинги Марказий Европа иқтисодий минтақаси бузилиб кетди. Бу эса Европа иқтисодий тартиблари муштарак тизимини заифлаштирди.

2. АҚШда 1922 йилдан, Германия, Франция ва бошқа капиталистик мамлакатларда 1924 йилдан қисман стабиллашув бошланди.

Стабиллашув давридаги халқаро муносабатларнинг энг асосий хусусиятлари шуки, бир томондан, СССРнинг халқаро позициялари мустаҳкамланиб борди, иккинчи томондан Версаль-Вашингтон системаси аста-секин заифлашди. Франция 1924 йилдаёқ, Германия 1927 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда урушдан олдинги даражага етди. Англия саноат маҳсулоти эса, илгариги даражага тўлиқ ета олмади. АҚШ барча капиталистик мамлакатларга нисбатан етакчи ўринни эгаллади, унинг иқтисодиёти ривожланиб борди. Япония Европа капиталистик мамлакатларидан ўтиб кетди. Ташқи бозорлар ва таъсир доиралари масаласида капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашди.

Жанубий Америка, Хитой, Канада, Австралия бозорларида АҚШ билан Англия, Тинч океанда АҚШ билан Япония ўртасидаги зиддиятлар кучайиб кетди. Германия монополистлари эса, Европа бозорлари масаласида Англия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакат империалистлари билан тўқнашмоқда эди.

Стабиллашув йилларида СССРни таниган мамлакатлар сони ортиб борди. 1924 йилгача Совет давлати билан Германия, Афғонистон, Эрон, Туркия, Эстония, Латвия, Литва, Польша, Финляндия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган эди.

Турли мамлакатлар халқ оммасининг СССР билан иқтисодий алоқа қилишдан манфаатдор бўлганлиги натижасида 1924 йил февраль-октябрь ойларида Англия, Италия, Норвегия, Австрия, Греция, Швеция, Хитой, Дания, Мексика, Ҳижоз ва Франция, 1925 йили Япония, Канада СССРни танидилар ва у билан дипломатик алоқа ўрнатдилар. Антанта давлатларининг қаршилик кўрсатишларига қарамай, 1924 йил 31 майда СССР билан Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди ва Совет-Хитой шартномаси тузилди. Германиядан олинадиган репарациянинг умумий суммаси 1921 йили 132 миллиард олтин марка

қилиб белгиланган бўлса-да, лекин уни қандай ундириб олиш йўллари белгиланмаган эди.

1923 йил январь бошида Парижда чақирилган янги халқаро конференцияда Англия Германиянинг репарация тўловларини 4 йилга кечиктириш ва репарациянинг умумий суммасини камайтириб 50 миллиард марка миқдорида белгилашни (“Бонар Лоу плани”ни) таклиф қилди. Франция бу таклифларни рад қилди ва ҳеч қандай битимга келинмади.

Франция бу масалада ўзбошимчалик билан ҳаракат қилди. Репарация комиссияси аъзолари кўпчилигининг розилиги билан 1923 йил 11 январда Францияда ва Бельгия қўшинлари Германиянинг Рур областини ишғол қилдилар. Натижада Франция билан Германия ўртасидаги зиддиятлар кескинлашиб кетди. АҚШ ва Англия ҳукуматлари Франция-Германия жанжалига очикдан-очик аралашишга мажбур бўлдилар ва репарация ишини ўз қўлларига олдилар.

1923 йил ноябрида Америка монополистларининг вакили-банкир Чарлз Дауэс бошчилигида репарация масаласида Экспертлар тузилди. Комитет 1924 йил январидан-апрелгача ишлади. Янги репарацион режа - “Дауэс режа” ишлаб чиқилди. Бу режа 1924 йил июль-августда Лондон конференциясида маъқулланди ва Германия ҳукумати томонидан ҳам қабул қилинди. Франция ва Бельгия қўшинлари 1925 йил ёзида Рурдан олиб чиқиб кетилди. Дауэс режасига мувофиқ, Германияга 1925 йилдан 1929 йилгача ҳар йили репарация тўловини 1 миллиард маркадан 2,5 миллиард маркагача ошира бориб, 1929 йилдан кейин ҳар йили 2,5 миллиард маркадан тўлаш мажбурияти юкланди. Дауэс режаси немис халқини янада оғир аҳволга солган таловчилик плани эди.

1924 йилги Лондон конференциясидан сўнг Европа сиёсатидаги гегемонлик Франциядан Англияга, амалда эса, Дауэс режаси туфайли АҚШга ўтди. АҚШ дунёни молиявий томондан эксплуатация қилиш маркази бўлиб қолди. Германия 1924-1929 йилларда чет эллардан, асосан, АҚШ ва Англиядан 21 миллиард маркадан ортиқ узоқ ва қисқа муддатли кредит олди. Америка монополияларининг вакили Жильберт Паркер репарация иши бўйича бош агент қилиб тайинланди. У амалда Германиянинг иқтисодий диктатори бўлиб қолди.

1928 йилга келиб Германия иқтисодий жиҳатдан анча тикланиб, Версаль шартномаси ва Дауэс режаси томонидан чекланганлигига эътироз билдирди. 1928 йил кузида Германия ҳукумати ғарбий давлатлар қўшинларининг Рейн зонасидан эвакуация қилинишини ва Дауэс режасини қайта кўриб чиқилишини талаб этди. АҚШ Германиянинг бу талабларини қўллаб-қувватлади. АҚШнинг ташаббуси билан америкалик банкир Оуэн Юнг бошчилигида АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония, Германия ва Бельгия молия экспертлари комитети 1929 йилда янги “Юнг режаси”ни ишлаб чиқди. Бу режа

1929 йил августида Гаагадаги халқаро конференцияда маъқулланди ва 1930 йил январида иккинчи Гаага конференциясида тасдиқланди. Юнг режасига мувофиқ, Германиянинг репарация тўлаш муддати 59 йил (1988 йилгача) узайтирилди, бу даврда 113,9 миллиард марка репарация тўлаш кераклиги кўрсатилди. Яқин 37 йил мобайнида репарация тўловининг йиллик миқдори 2 миллиард марка қилиб белгиланди. Энди Германия темир йўлларида келадиган фойдалар ва давлат бюджетининг даромади қисми репарация тўловларининг бирдан-бир манбаи деб ҳисобланди. Герман саноати репарация тўловларидан озод қилинди. Германия экономикаси устидан бўлган назорат АҚШнинг ташаббуси билан бутунлай бекор қилинди.

1925 йил 5 октябрдан 16 октябргача Локарнода (Швейцария) Англия, Франция, Германия, Италия ва Бельгия вакиллари иштирокида халқаро конференция ўтказилди. Конференция охирида Чехословакия ва Польша вакиллари қабирилди. АҚШ конференцияда бевосита қатнашмасида, аммо унинг уюштирилишида ва қарорлар қабул қилинишида четдан туриб қатта таъсир кўрсатди.

Локарно конференцияси Рейн гарантия аҳдномасини қабул қилиш билан тугалланди. Аҳдномада Германиянинг Версаль сулҳ шартномасида белгиланган ғарбий чегараларининг бузилмаслиги, Рейндаги демилитаризация зонаси режимини бундан кейин ҳам бузмаслик кўрсатилди. Гарантия аҳдномасига мувофиқ, Англия билан Италия Франция ва Бельгияни Германия ҳужумидан, Германияни эса Франция ва Бельгия армияси ҳужумидан қўриқлайдиган бўлдилар. 1925 йил 12 октябрда Германия билан СССР ўртасида савдо шартномаси имзоланди.

1926 йилда беш йил муддатга тузилган битим совет-герман муносабатларининг янада ривожланишига йўл очди. Унга кўра иккала давлат учинчи давлат билан низолашган тақдирда бетараф бўлишга келишди. Германия совет давлатига қарши қаратилган ҳеч қандай иттифоққа қўшилмаслик мажбуриятини олди. Бу совет дипломатиясининг улкан ғалабаси эди. Битим Германия етакчилиги қилиши лозим бўлган советларга қарши янги фронтнинг тузилишига ҳалақит берди.

Иккала битим ҳам давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг жадал суръатда ўсишини таъминлади. 1927 йилда СССР ва Германия ўртасидаги савдо муомалалари 1925 йилдагига нисбатан салкам уч бараварга ўсди. СССРга Германиядан асосан техника ва ускуналар импорт қилинарди. Совет давлати барпо этган корхоналарнинг кўпчилиги Германияда ишлаб чиқарилган техника билан жиҳозланган эди. Мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари мунтазам ўсиб борди ва 1931 йилда у энг чўққига кўтарилди. Жаҳонда иқтисодий инқироз авж олган даврда совет корхоналари Германияга юз

минглаб ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва ўнлаб корхоналарни банкрот бўлишдан асрашга кўмаклашди.

1925 йил 12 декабрда Миллатлар иттифоқи Советининг сессиясида қуросизланиш бўйича тайёргарлик комиссияси туздилар. Комиссия ишига Миллатлар иттифоқининг аъзоси бўлмаган давлатлардан АҚШ, сўнгра СССР таклиф қилинди. СССР химия ва бактериология урушини тақиқловчи Женева аҳдномасига кўшилганлигини билдирди. Женева аҳдномаси-1925 йил 17 июнда 37 давлат томонидан имзоланди. СССР 1927 йилда бу аҳдномага кўшилди ва унга тўла амал қилди. Бир қатор капиталистик давлатлар аҳдномага имзо чеккан бўлсалар-да, унга амал қилмадилар. АҚШ эса, бу аҳдномага кўшилмади.

1927 йил апрелида Франция ташқи ишлар министри Бриан Франциянинг позициясини мустаҳкамлаш ва АҚШни ўзига мойил қилиш учун АҚШ давлат секретари Келлогга мурожаат қилиб, ўзаро уруш қилмаслик тўғрисида шартнома тузишни таклиф этди. Келлог Брианнинг ташаббусидан фойдаланиб, бундай шартномага Англия ва бошқа капиталистик давлатларни ҳам жалб этишни таклиф қилди. 1928 йил 27 августда Парижда бир қатор капиталистик давлатларнинг вакиллари томонидан Париж аҳдномаси - “Бриан-Келлог аҳдномаси” имзоланди. Аҳдномада миллий сиёсатнинг қуроли сифатида урушдан воз кечиш, жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш айтилган. Совет ҳукумати бу аҳдномани тезда кучга киритиш учун 1929 йил 9 февралда бир қанча қўшни давлатлар билан протокол тузди. 1929 йил ёзида “Бриан-Келлог аҳдномаси” кучга кирди. Капиталистик давлатларни борган сари кучли ларзага келтираётган Хитой инқилоби авж олиб бормоқда эди.

1926 йил сентябрида Англия ҳарбий кемалари Ваньсянь шаҳрини ўққа тутиб, 6 мингга яқин кишини ҳалок қилди. 1927 йил 3 январда Англия қўшинлари Ухандаги оммавий митингга хужум қилди. Бунда қарийб 30 киши ўлдирилди ва ярадор қилинди.

1927 йил баҳорида инқилобий кураш кескинлашган бир вақтда АҚШ, Англия, Япония ва Франция Хитойга қарши очикдан-очик интервенцияга ўтдилар; уларнинг 170тача ҳарбий кемаси Хитой соҳилларига яқинлашиб, Нанкин каби шаҳарларни ўққа тутди ва Нанкиннинг ўзидагина қарийб 2 минг киши ҳалок бўлди. Миллий озодлик ҳаракатларининг юксалиб бориши, Совет Иттифоқи халқларининг Шарқ халқлари билан ҳамкорлиги ҳукмрон давлатларнинг СССРга нисбатан қаҳру ғазабини ошириб юборди. Англия ва бошқа давлатлар СССРнинг Хитойдаги элчихоналарига ва совет дипломатияси ходимларига қарши бир қанча суиқасд ва фитналар уюштирдилар, СССР билан Хитой муносабатларини кескинлаштириб, бу икки мамлакат ўртасида уруш чиқармоқчи бўлдилар. 1927 йил 12

майда Лондонда Англия-Совет акцияли жамияти - “Аркос” биносига хужум қилинди. Полиция пўлат сандиқларни бузиб, Совет савдо ваколатхонасининг хужжатларини босиб олди. Англия ҳукумати СССРни Англиянинг ички ишларига “аралашиниш”да айблашга уринди ва сохта хужжатни пеш қилиб, 1927 йил 26 майда СССР билан дипломатик алоқани узди.

1927 йил октябрида, ғарбда Советларга қарши асабийлик авжига чиққан бир вақтда СССР билан Эрон ўртасида гарантия ва бетарафлик тўғрисида шартнома тузилди.

1929 йилда халқаро реакция Хитойда ва Хитой-Совет чегарасида СССРга қарши катта иғво уюштирди.

1929 йил июль-август ойларида гоминданчи қўшинлар ва рус ок гвардиячилари Харбиндаги Совет элчихонасини тор-мор қилиб, СССРга қарашли ва Совет Иттифоқи билан Хитой томонидан тенг ҳуқуқлилик асосида бошқарилаётган Шимоли-Шарқий Хитой (Дунбэй)даги Шарқий Хитой темир йўлига (КВЖДга) ва Совет чегара районларига хужум бошладилар. СССР ва Гоминдан Хитойи ўртасида дипломатик алоқа узилди. Бироқ, Гоминдан Хитойининг илтимосига кўра, 1929 йил декабрида КВЖДда олдинги ҳолатни тиклаш юзасидан Совет-Хитой протоколи имзоланди.

Англияда 1929 йили лейбористлар ҳокимият тепасига келгач, СССР билан дипломатик муносабатлар тикланди.

3. Капиталистик мамлакатларда 1929 йилнинг охирига келиб вақтинча, қисман стабиллашув даври тугади ва жаҳон иқтисодий инқирози бошланиб кетди. Бу инқироз биринчи жаҳон урушидан кейинги халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини чулғаб олган биринчи энг чуқур инқироз бўлиб, 1933 йилгача давом этди. Бу инқироз ўзининг келтирган зарарлари ва оқибатлари жиҳатидан биринчи жаҳон уруши етказган зарарларга тенглашди. Ўзининг кучи ва узоқ давом этиши жиҳатидан ғоят зўр бўлган бу иқтисодий инқироз бутун дунёни ларзага келтирди. Капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулоти 36%, пўлат ва чўян эритиш 60-65% камайиб кетди. Ташқи савдонинг ҳажми 60-65% қисқарди. Молиявий аҳвол ёмонлашди. 1933 йилда бутун капиталистик лагерда ишсизлар сони 30 миллион кишидан ошди.

Жаҳон иқтисодий инқироз капиталистик системанинг барча зиддиятларини - йирик давлатлар, яъни АҚШ билан Англия ўртасидаги, АҚШ билан Япония, Франция билан Италия, Англия билан Франция ўртасидаги, жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатлар билан Германия ўртасидаги, мустамлакачи давлатлар билан мустамлака ва қарам мамлакатлар ўртасидаги, меҳнат билан капитал ўртасидаги, капиталистик система билан социалистик система ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириб юборди.

1930 йил майида Франция ташқи ишлар министри Бриан инқироздан қутулиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш баҳонаси билан Европа китъасидаги давлатларнинг “федератив иттифоқи”ни, яъни “пан-Европа” тузишни таклиф қилди. Бу режа аслида Европада яна Франция гегемонлигини ўрнатишга қаратилган эди. “Пан-Европа” режасини фақат Польша ва Чехословакия ёқлаб чиқди. Англия Франциянинг кучайиб кетишидан хавфсираб, бу режани қўллаб-қувватламади. Бошқа бир қатор мамлакатлар Англия позициясини маъқулладилар. Шу тариқа, “пан-Европа” режаси барбод бўлди.

Иқтисодий инқироз йилларида дунёни қайта тақсимлаш учун кураш кескин тус олди. Узоқ Шарқда, Хитойда бозор ва хом ашё манбаларини кўпроқ эгаллаш ҳамда шу йўл билан бу мамлакатларда ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун курашда айниқса Япония, АҚШ ва Англия ўртасида рақобат кучайди. Япония ўз мустамлакаси бўлган Кореянинг шимолий туманларини ҳарбий плацдармга айлантирди. 1931 йил сентябри - 1932 феврилида Япония Хитойнинг шимоли-шарқий районларини-Маньчжурияни босиб олди ва кўғирчоқ Маньчжоу-Го давлатини тузди. Хитойнинг шимоли-шарқи Япониянинг муҳим агрессив плацдармига айлантирилди. Натижада Узоқ Шарқда урушнинг биринчи ўчоғи вужудга келди.

Гарчи Япониянинг Хитойдаги экспансияси ғарбдаги йирик давлатлар, айниқса, АҚШнинг манфаатларига дахл қилган бўлса ҳам, улар аслда япон агрессиясини рағбатлантирдилар, унга иқтисодий ва ҳарбий-техника жиҳатдан ёрдам бериб турдилар. Уларнинг асосий мақсади-Япония кўли билан Хитойдаги инқилобни бўғиш эди.

Миллатлар иттифоқи Япония агрессиясига қарши чора кўрмади: Хитой ҳукумати Миллатлар иттифоқиға мурожаат қилиб, Япония агрессиясига барҳам беришни сўради. Аммо миллатлар иттифоқи Хитойга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. АҚШ ҳукумати эса Япониянинг Хитойдаги агрессиясини сўздагина қоралаб, Хитой ҳудудининг дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган бирор тадбирни кўзламади.

1931-1932 йилларда ва 1933 йил бошида Япония фурсатдан фойдаланиб агрессияни анча кенгайтди. АҚШ, Англия ва Франциянинг манфаатларига қарши жиддий хавф туғилди. АҚШ-Япония, Англия-Япония зиддиятлари кучайди. Шундан кейингина, 1933 йил феврилида Миллатлар иттифоқи қарор қабул қилди. Бу қарорда Японияга бутун Хитойда “очик эшиклар” ва “тенг имкониятлар” принципага амал қилиш, Маньчжурияни Хитой қўл остидаги автономия деб таниш, япон кўшинларини олиб чиқиб кетиш таклиф қилинди. Япония бу қарорни қабул қилмади. 1933 йил мартада Япония Миллатлар иттифоқидан чиқди. Шундай қилиб, Версаль-Вашингтон системаси барбод бўла бошлади. Япониянинг агрессив ҳаракати ва ғарбий давлатларининг қаршилиқ кўрсатмаслик сиёсати Европада,

аввало Германияда реванш ва уруш тарафдорлари кучларини рағбатлантирди. 1933 йил январида Гитлер бошчилигида фашистик диктатура ўрнатилди. Уруш партияси бўлган фашистлар партияси давлат тепасига чиқиб олди. Фашистик диктатура ўтакетган реакцион, энг шовинистик ва ошкора террористик диктатура эди. Шундай қилиб, Европа марказида урушнинг иккинчи ва асосий ўчоғи вужудга келди.

1933 йил июлида Римда тўрт давлат; Англия, Франция, Германия ва Италиянинг “якдиллик ва ҳамкорлик” аҳдномаси тузилди. Бундан кузатилган асосий мақсад Германияни урушдан кейин тузилган шартномаларда кўрсатилган мажбуриятлардан қутқариш, унинг агрессиясига бемалол йўл бериб қўйиш, Германия билан Италияни СССРга қарши йўналтиришдан иборат эди.

1934 йил январида Германия билан Польша ўртасида ўзаро хужум қилишмаслик тўғрисида шартнома тузилди. Гитлерчилар ўз мақсадларини амалга оширишда Польша реакционерларидан фойдаланиб, кейин Польшанинг ўзини ҳам босиб олмоқчи эдилар.

1935 йил январида Версаль шартномасига мувофиқ, Саар областида плебисцит ўтказилди. Гитлерчилар ўз фойдаларига кўпроқ овоз олишга эришдилар. Саар области Германияга қўшилди.

1935 йилдан бошлаб Германия ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини ҳамда куруқликдаги қуроли кучларини кўпайтиришга астойдил киришди. Умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди. Германия бош штаби тикланди.

1935 йил 18 июнда Англия билан Германия ўртасида денгиз битими тузилди. Битимда Германия ҳарбий денгиз флотини Англия сув усти ҳарбий-денгиз флотининг 35%и ҳажмида ва сув ости ҳарбий-денгиз флотининг 45%и ҳажмида қуриш, кейинчалик Германиянинг сув ости флотини Англия сув ости флотига тўла тенглаштириш ҳуқуқи кўзда тутилди. Бу битим амалда Версаль сулҳ шартномасига қарам-қарши ўлароқ Германиянинг ҳарбий-денгиз қуролланишига тўла имкон берди.

Узоқ Шарқда ва Европада уруш ўчоқларининг вужудга келиши халқаро вазиятни ўзгартириб ва кескинлаштириб юборди. Германия ва Япония жаҳонга ҳукмрон бўлишни даъво қилиб чиқдилар. Англия ва Франция эса мудофаа ҳолатига тушиб қолдилар. Шу тариқа, бир томондан, Германия, иккинчи томондан, Англия, Франция ва АҚШ ўртасида денгиз ва мустамлака масалаларида, Япония, АҚШ ва Англия ўртасида Узоқ Шарқ ва Тинч океанда зиддиятлар кучайиб кетди. 1932 йил июлида узоқ музокаралардан кейин СССР билан Польша ўртасида, 1932 йил ноябрида эса СССР билан Франция ўртасида ўзаро хужум қилишмаслик шартномалари тузилди. СССР билан Латвия, Эстония ва Финляндия ўртасида ҳам шундай шартномалар имзоланди.

Женевада чақирилган халқаро қуролсизланиш конференциясида (1932 йил февраль-1934 йил май) Франция ўз халқаро позициясини мустаҳкамлаш мақсадида миллатлар иттифоқи ҳузурида халқаро армия тузишни, Германия хавфига нисбатан Англия ва АҚШдан гарантия олишни, АҚШ ва бошқа рақиблар кучини заифлаштиришни кўзлаб қуролли кучларнинг 1/3 қисмини қисқартиришни таклиф қилди.

Англия томонидан киритилган таклифларнинг бирида Германия қўшинлари сонини 100 минг кишидан 200 минг кишига етказиш, Франция армиясини эса 500 минг кишидан 200 минг кишига келтириб, Европа қитъасида Германия билан Франция қўшинлари сонини тенглаштириш, СССР қўшинлари сонини 500 минг кишидан оширмаслик зарурлиги кўрсатилди.

Германия делегацияси бошқа мамлакатларнинг қуролли кучларини герман қуролли кучлари даражасигача қисқартиришни ёки герман қуролли кучларини бошқа йирик мамлакатларнинг қуролли кучлари даражасига етказишни таклиф қилди. Германия таклифи қабул қилинмагач, унинг делегацияси конференция ишини барбод қилишга уринди ва 1933 йил кузида конференциядан чиқиб кетди. Конференция қатнашчилари мушкул аҳволга тушиб қолди.

Европада Германия ва Осиёда Япония жаҳонга ҳукмрон бўлишни даъво қилиб чиқаётганлигини ҳамда СССРнинг куч-қуввати ва халқаро роли ошиб бораётганлиги туфайли 1934 йил 15 сентябрда Миллатлар иттифоқининг 34 та аъзоси Совет Иттифоқига Миллатлар иттифоқига аъзо бўлиб киришни таклиф қилди ва СССР 1934 йил 18 сентябрда Миллатлар иттифоқига аъзо бўлиб кирди. 1933 йил 16 ноябрда СССР билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида битим тузилди.

1933 йили СССР билан Испания ўртасида, 1934 йили СССР билан Чехословакия, Руминия, Венгрия, Болгария, Албания ўртасида, 1935 йили СССР билан Бельгия, Люксембург ва Колумбия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Франция ҳукумати жамоатчиликнинг қатъий талаблари натижасида ҳамда мамлакатда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва халқаро миқёсда Франция позициясини кучайтириш мақсадида 1935 йил 2 майда Парижа Совет Иттифоқи билан ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузди. 16 майда СССР билан Чехословакия ўртасида ҳам шундай шартнома имзоланди. Айни маҳалда Франция билан Чехословакия ўртасида ҳам шу каби шартнома тузилди.. Чехословакия ҳукуматининг талаби билан Совет-Чехословакия шартномасига агрессия юз берганда Франция ёрдам кўрсатган тақдирдагина ўзаро ёрдам бериш ҳақида модда киритилди.

4. Агрессив давлатлар -Германия, Япония ва Италияда иқтисодиёт ҳарбий мақсадларда қайта қурилганлиги натижасида ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига йўл қўйилмади. 1938 йил Германия

саноат маҳсулоти Англия ва Франциянинг саноат маҳсулотидан ошиб кетди. 1938 йил Японияда саноат маҳсулоти 1929 йилдагига нисбатан 185%ни, Германияда эса 121%ни ташкил этди. Япония, Италия, айниқса Германия бозор ва хом ашё манбаларини, мустамлакаларни қайта тақсимлашни талаб қила бошладилар.

1930 йилларнинг иккинчи ярмида капиталистик дунёда Германия АҚШдан кейинги қудратли давлат эди. У саноатнинг баъзи тармоқлари бўйича (синтетик маҳсулотлар, металл ишлаш ускуналари, алюмин тармоқлари) капиталистик мамлакатлар орасида биринчи ўринни эгаллаган эди. Машиналар экспорт қилишда ҳам Германия АҚШни қувиб етмоқда эди.

Европа, айниқса Марказий ва Шарқий Европа бозорларида Германиянинг иқтисодий позицияси кучайди ва бу районда унинг ғарбий мамлакатлар билан конкуренцияси жуда кескинлашди. Англия, Франция ва АҚШнинг бу жиҳатдан позицияси заифлашди.

Германия Латин Америкасида ҳам кучли позицияни эгаллади. Германиянинг Латин Америкаси мамлакатлари билан савдоси 1938 йил 171% га етди, 1933 йилда эса 11,5% эди, холос. Германия бу мамлакатларнинг импортида биринчи ўринни эгаллади ҳамда АҚШ ва Англия позициясини заифлаштира борди.

1935 йил октябридаёқ Италия қўшинлари уруш эълон қилмай, Хабашистонга (Эфиопияга) хужум бошладилар. Италия-Хабашистон уруши тайёрланаётган жаҳон урушининг янги бир тугуни эди. Италиянинг агрессияси Англия ва Франция манфаатларига зарба берди ҳамда уларнинг Европадан Осиёга борадиган денгиз йўллари учун катта хавф туғдирди. шунга қарамай, Англия ва Франция ҳукмрон доиралари бу гал ҳам агрессорга қаршилик кўрсатмадилар. Фақат Совет делегациясининг қаттиқ туриши натижасида Миллатлар иттифоқи Италияни агрессор деб ҳисоблади ва унга қарши иқтисодий санкция (жазо чоралари) қўллаш, Италияга хом ашёлар ва ҳарбий материаллар киритишни чеклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Лекин Англия ва Франция айби билан бу санкция тўла амалга ошмади. АҚШ ҳукумати 1935 йилда “бетарафлик” сиёсатини эълон қилиб, шу ниқоб остида агрессорларни рағбатлантирди. Италия бундан фойдаланиб, 1936 йил майида деярли бутун Хабашистонни босиб олди ва ўз мустамлакасига айлантирди.

1936 йил мартида Германия Версаль ва Локарно шартномаларини бузиб, Рейндаги демилитаризация қилинган зонага ўз қўшинини киритди. Йирик давлатлар бунга нисбатан юзаки норозилик билдириш билан чекланиб қолдилар.

1936 йил июлида генерал Франко бошчилигидаги испан фашистлари Германия ва Италия ёрдами билан Испания инқилобий демократик кучларига, республикага қарши исён кўтардилар. Тез

орада Германия билан Италия Испания республикасига қарши очикдан-очик ҳарбий интервенция бошлади. 1936-1939 йиллар мобайнида Испанияга Италия 150 минг, Германия 50 минг солдат ва офицер, ҳарбий мутахассислар, техник ва авиация юборди. Улар Англия ва Франциянинг Африка ва Осиёга борадиган денгиз йўлларини эгаллаб ола бошладилар. Урушнинг янги тугуни вужудга келди.

Франция социалистик партиясининг лидери ўша вақтдаги Франция ҳукуматининг бошлиғи Леон Блюм 1936 йил август бошида Англиянинг Болдуин бошчилигидаги консерватив ҳукумати билан биргаликда, мамлакатларни Испаниядаги урушга “аралашмаслик”ка чақирди. Бир қанча мамлакатлар, ҳатто Германия ва Италия бу таклифга қўшилди. Улуғ давлатларнинг Испания ишларига ҳақиқатан аралашмаслиги Испания республикачилари учун фойдали эканлигини назарда тутиб СССР ҳам бу таклифни қувватлади. 1936 йил 9 сентябрда Лондонда Англия дипломати лорд Плимут бошчилигидаги 27 давлат вакилларида иборат “Аралашмаслик комитети” тузилди. Комитет иштирокчилари бетарафликни сақлаб, Испанияга қурол сотмаслик ва Испания учун юбориладиган яроғ-аслаҳаларни ўз мамлакатлари территориясидан ўтказмаслик мажбуриятини олдилар.

Лекин кўп ўтмай, амалда, “Аралашмаслик комитети”нинг сиёсати энг шармандали бир сиёсат эканлиги аниқланди. Фашистик давлатлар дастлаб ўз агрессив мақсадларини якка-якка амалга оширишга киришган бўлсалар, кейинроқ улар бу агрессив ҳаракатларини кенгайтириш учун ҳарбий-сиёсий блока уюшдилар. 1936 йил октябрида Германия-Италия протоколи имзоланди. “Берлин-Рим ўқи” вужудга келди. Германия Италиянинг Эфиопияни босиб олганини тан олди ҳамда унинг Далмация, Албания ва Грецияни босиб олиш йўлидаги интилишларини қувватлади. Италия Германиянинг Австрияни қўшиб олиш мақсадларини маъқуллади. Италия ва Германия Испания масаласида биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида ҳам тил бириктирдилар.

Узоқ Шарқда эса Япония ифвогарлик билан Шарқий Хитой темир йўлига ва ундаги совет ходимларига кетма-кет хужумлар уюштирди. Совет ҳукумати Япония билан муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлган баҳоналарни бартараф қилиш мақсадида КВЖДни Япония ва Маньчжоу-Гога сотди, бу ҳақда 1935 йил мартада шартнома тузилди. Лекин Япония 1935-1936 йилларда Мўғулистон Халқ Республикаси чегараларига бир неча марта хужум уюштириб, Узоқ Шарқда тинчликка таҳдид қила берди. СССР Мўғулистонни қўллаб-қувватлади ва 1936 йил мартада ўзаро ёрдам тўғрисида Совет-Мўғулистон шартномаси имзоланди. Бу шартнома Япония урушқоқ ҳарбийларини бирмунча тийиб қўйди.

1936 йил ноябрида Германия билан Япония ўртасида “Коминтернга қарши ахднома” тузилди, 1937 йил ноябрида Италия ҳам бу ахдномага қўшилди. Уч фашист-агрессор давлатнинг - Германия, Япония ва Италиянинг Коминтернгагина эмас, балки шу ниқоб остида барча мамлакатларга қарши қаратилган, дунёни ўзаро қайта тақсимлашни кўзда тутган агрессив учлар блоки (агрессив “уч бурчак”)- “Берлин-Рим-Токио ўқи” ташкил топди. 1939 йил феврилида Венгрия ва Маньчжау-Го, мартда Франко Испанияси “Коминтернга қарши ахднома”га қўшилди.

1937 йил июлида Япония милитаризми хитой халқига қарши очикдан-очик кенг миқёсда уруш бошлаб юборди. Бу уруш Япониянинг Хитойдаги агрессиясининг янги босқичи эди. Япония қўшинлари Шимолий, Марказий, сўнгра Жанубий Хитойга бостириб кирдилар.

Японлар Хитойнинг Пекин, Тяньцзинь, Шанхай, Нанкин Ханькоу каби катта шаҳарларини, деярли ҳамма портларини ишғол қилдилар. Бироқ япон ҳарбийларининг Хитойда “яшин тезлигида уруш” қилиш плани барбод бўлди.

Европада ғарбий давлатларнинг Гитлер Германияси ва фашистик Италия билан Мюнхенда тузган битимидан (1938 йил сентябрь) руҳланган Япония реакцияси 1938 йил ноябридаёқ “Шарқий Осиёда янги тартиб” эълон қилди, бу “янги тартиб” Шарқий Осиёда фақат Япониянинг мустамлакачилик ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат эди.

Англия, АҚШ ва Франция империалистлари Япониянинг бу ҳатти-ҳаракатидан норози бўлдилар. Улар “Хитой-Япония жанжали”ни бартараф қилиш мақсадида “Халқаро Узоқ Шарқ конференцияси”ни, “Тинч океан конференцияси”ни чақириш тўғрисида фикр билдиришди.

1939 йил 24 июлда Токиода Янглия билан Япония ўртасида “Крэйги-Арита битими”, яъни “Узоқ Шарқ Мюнхени битими” тузилди. Крэйги-Англиянинг Япониядаги элчиси, Арита-Япония ташқи ишлар министри эди. Англия ва Япония бир-бирларининг Хитойдаги манфаатларига қарши ҳаракат қилмаслик тўғрисида, Хитойдаги озодлик курашини бостириш учун Англиянинг Японияга ҳалақит бермаслиги тўғрисида келишиб олдилар. Япон милитаристлари Маньчжуриядан туриб 1938 йил 29 июлда Владивосток яқинидаги Ҳасан кўли районида Совет Иттифоқи чегарасига қўққисдан ҳужум қилдилар. Улар Совет Узоқ Шарқи ҳудудига бостириб киришни мўлжаллаган эдилар. Совет Армияси япон босқинчиларини тор-мор келтириб чегарадан улоқтириб ташлади. Ўша йили 11 августда бу районда уруш ҳаракатлари тўхтади.

1939 йил май-август ойларида японлар Совет Иттифоқига бостириб кириш ва Сибирь темир йўлини ишғол қилиб, Совет Узоқ Шарқини СССРдан ажратиб қўйиш мақсадида Халхин-Гол дарёси районида Мўғулистон Халқ Республикасига ҳужум қилдилар. Совет ҳукумати

билан Мўғулистон Халқ Республикаси ўртасида 1936 йилда тузилган ўзаро ёрдам шартномасига амал қилиб, СССР Мўғулистонни қўллаб-қувватлади. Совет Армияси мўғул Армиясига ёрдам кўрсатиб, бу гал ҳам япон босқинчиларига қақшатқич зарба берди.

Япония билан Германия ўртасида ҳам (гарчи бўлар “Коминтернга қарши аҳднома”нинг иштирокчилари бўлсалар-да) зиддиятлар мавжуд эди. Германия 1938 йил февралига қадар Маньжоу-Гони танимаган эди. Германия Хитойда бир қанча имтиёзларга эга бўлишни, Биринчи жаҳон урушидан кейин ўзининг Японияга ўтиб кетган Тинч океандаги собиқ мустамлакалари масаласининг қайта кўриб чиқирилишини истарди. Германия яширин йўллар билан чан-кай-шичиларга курол-яроғ ва маслаҳатчилар юбориб турди. Япония Германиянинг талабларига рози бўлмади. Шу тариқа, Япония Германия муносабатларида ихтилофлар бўлиб турди. Гитлерчилар Германияси бир қатор тadbирлардан сўнг, 1938 йил 11 мартда зўрлик билан Австрияни босиб олди. Бу Версаль ва Сен-Жермен сулҳ шартномаларининг тўғридан-тўғри бузилиши эди. “Аралашмаслик” ва “бетарафлик” сиёсатлари никоби остида Англия, Франция ва АҚШ Австриянинг босиб олинишини маъқуллади ва таниди. Империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари Австрия масаласининг Миллатлар иттифоқида муҳокама қилинишини истамадилар. Натижада гитлерчилар агрессияси Жануби-Шарқий Европанинг ичкарасига ёйилиб борди.

Герман фашистлари Австрияни босиб олганларидан кейин бутун диққатни Чехословакияга, аввало унинг Судет областига қаратдилар. Германияда Чехословакияга қарши ташвиқот авж олдирилди. Немис-фашист қўшинлари Чехословакия чегараларига тўплана бошлади. “Судет инкироzi”, яъни Германия-Чехословакия жанжали бошланиб ва кескинлашиб кетди. Чехословакияга нисбатан хавф кучайди. 1938 йил 28-29 апрелда Лондонда Англия ва Франция бош министрлари ва ташқи ишлар министрларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашда Европада “тинчлик учун” кураш ва Чехословакияга “ёрдам” масаласи муҳокама қилинди ҳамда Судет области масаласини “тинч” йўл билан ҳал қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Англия ҳукумати томонидан 1938 йил ёзида Чехословакияга юборилган Ренсимен ўтакетган юзсизлик ва мунофиқлик ролини ўйнади. У, Чехословакия ҳукуматидан Судет областини Германияга беришни, Совет-Чехословакия ўзаро ёрдам шартномасини бекор қилишни талаб этди.

Франция ҳукмрон доиралари 1938 йил феврилидаёқ, Чехословакия билан 1935 йилда тузилган шартнома ўз кучини йўқотди, дейишгача бориб етдилар ва Франция Чехословакияга Англиясиз ёрдам бера олмайди, дедилар. Гитлернинг Судет области ҳақидаги талаби тобора катъийлашди; Чехословакиядаги гитлерчилар янада фаоллашди, 1938 йил 13 сентябрда Чехословакияда фашистик исён кўтарилди. Исён

бостирилгач, Гитлер ғазабланиб, чегарадаги кўшинларни жанговар ҳолатга келтирди. Лекин Гитлер бу кучларни ишга солмасданоқ ғарб давлатлари унга жуда эпчиллик билан ёрдам қилдилар. 1938 йил 15 сентябрда Англия бош министри Чемберлен Германияда Гитлер хузурида бўлиб, унинг Чехословакиядаги Судет области ва бошқа территориялар ҳақидаги талабини маъқуллади. 18 сентябрда Лондонда Англия ва Франция ҳукуматларининг бош министрлари ва ташқи ишлар министрларининг яна кенгаши бўлиб, узил-кесил ёрдам беришга қарор қилдилар. Совет ҳукумати Чехословакия билан тузилган шартномага амал қилиб, унга ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини таъкидлаб келди ва бу ҳақда Гитлер ҳукуматини ҳам огоҳлантирган эди.

Бенеш Совет ҳукуматининг бу позициясига эътибор бермади ва совет таклифларини жавобсиз қолдирди. Бенеш 16 сентябрда Англиянинг “воситачиси” Ренсименга уруш бўлган тақдирда ҳам СССР билан ҳеч қандай махсус битим тузилмаслигини, Франциядан ташқари ҳеч қандай чора кўрмаслигини сурбетларча билдирди.

21 сентябрда Англия ва Франциянинг Прагадаги элчилари Бенеш хузурида бўлиб, агар Чехословакия Англия-Франция талабларини қабул қилмаса ва натижада Германия-Чехословакия уруши бошланиб қолса, Англия ва Франциянинг Чехословакияга ҳес қандай ёрдам бермаслиги тўғрисида, агар Чехословакия СССР дан ёрдам олса ва натижада Германия Чехословакияга ва СССРга қарши уруш очса, Англия ва Франциянинг Германия томонида бўлиши тўғрисида огоҳлантирдилар.

22 сентябрда Чемберлен яна Гитлер хузурига келиб, Германиянинг Судет тўғрисидаги “ҳуқуқлари”ни таниди. Шунингдек Чемберлен Гитлернинг Польша ва Венгриянинг ҳудуди талабларини қондириш тўғрисидаги таклифини ҳам қабул қилди.

Англия, Франция ва АҚШ сиёсатидан рағбатланган Гитлер 26 сентябрда сўзлаган нутқида, агар Чехословакия ҳукумати Германиянинг талабларини тезда ва сўзсиз бажармаса, Чехословакия яксон қилинади, деб дўқ қилди. 28 сентябрда эса Гитлер 10 кун ичида Судет областини бутун саноати, транспорти ва истеҳкомлари билан бирга Германияга беришни Чехословакиядан катъий талаб этди.

1938 йил 29-30 сентябрда Мюнхенда халқаро фашист бандитлари-Германия ва Италия диктаторлари Гитлер ва Муссолини Англия ва Франция бош министрлари Чемберлен ва Даладьё билан учрашдилар. Бу халқаро муносабатлар тарихида ўтакетган хиёнаткорона ва шармандали кенгаш Мюнхен конференцияси эди. Унда Чехословакия вакилларининг иштирокидан ташқари чехословак халқининг тақдири ҳал қилинди.

Мюнхенда гитлерчилар талаб қилган районларни Германияга топшириш, Польша ва Венгриянинг талабларини ҳам қондириш тўғрисида шармандали битимлар тузилди. 30 сентябрдаёқ

Чехословакия ҳукумати ва президент Бенеш Мюнхен конференциясининг қарорларини қабул қилди. ва Германия фашизми олдида хиёнаткорона таслим бўлди. Тез орада Мюнхен қарорлари амалга оширилиб, Чехословакия тақсимлана бошланди.

1938 йил октябрида Гитлер Германияси Судет областини ва Чехословакиянинг бошқа чегара районларини босиб олди. 1939 йилнинг мартида эса Германия кўшинлари бутун Чехословакияни ишғол қилди. Чехословакия парчалаб ташланди; Чехия ва Моравия Германиянинг “протекторати” деб, Словакия “мустақил” давлат деб эълон қилинди. Амалда бу “мустақил” давлат Гитлер Германиясининг муштамлакасига айланди. Закарпат Украинаси венгр хортистлари томонидан, Тешин Польша томонидан забт этилди. Германия Австрия ва Чехословакияни босиб олганидан кейин, Европадаги сиёсий ва стратегик аҳвол Гитлер фойдасига ўзгариб кетди. 1939 йил мартида Испанияда фашистик тартиб ўрнатилди. Ўша йилнинг мартида Мемель областини (Клайпедани) Германияга топшириш тўғрисида Литва-Германия битими имзоланди. Руминия иқтисодиёти фашистик Германияга бўйсундирилди. Руминия, сўнгра Венгрия гитлерчилар блокига кирди. 1939 йил апрелида фашистик Италия Албанияга ҳужум қилиб, уни босиб олди. Германия фашизми эса Польшага нисбатан ҳудудий ва бошқа талабларни қўйди. 1939 йилда Гитлер Данцигнинг Германияга топширилишини, Польша коридори орқали Шарқий Пруссияга қадар тор изли темир йўл ва автострада қуришга рухсат берилишини қатъий талаб қилди. Германия ва Польша муносабатлари кескинлашди. Германия 1934 йилги шартномани бекор қилди. 1939 йил 22 майда Германия ва Италия ўртасида ҳарбий-сиёсий шартнома (“Пўлат аҳд”) имзоланди.

Германия ва Италиянинг янги агрессив ҳаракатлари натижасида халқаро муносабатларда жиддий инқироз бошланди. Европа уруш ёқасига келиб қолди. 1939 йил 15 апрелда АҚШ президенти Рузвельт Гитлер ва Муссолинига мурожаат қилиб, уларни Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларининг биронтасига ҳам ҳужум қилмаслик тўғрисидаги мажбурият олишга чақирди. Гитлер ва Муссолини бу талабни кескин суратда рад этдилар. ғарбий Европа икки қарама-қарши ҳарбий-сиёсий блокка: Германия-Италия блокига ва Англия-Франция блокига ажралди.

1939 йил апрелида Англия билан Польша ўртасида Лондонда ўзаро ёрдам тўғрисида декларация имзоланди. Франция Польша билан илгари тузилган шартномага амал қилажагини билдирди.

1939 йил мартида СССР Еропада фашизм ва уруш хавфининг ғоятда кучайиб кетганлиги туфайли, агрессияга қарши биргаликда ҳаракат қилиш масалаларини муҳокама қилиш учун манфаатдор давлатларнинг конференциясини чақириб, музокаралар бошлашни таклиф этди.

Англия ва Франциянинг СССР билан музокаралари 1939 йил март ойидан августгача давом этди. Музокаралар дипломатик йўл билан, сўнгра ҳарбий вакиллар орқали олиб борилди. Совет раҳбарияти Франция ҳам, Англия ҳам коллектив хавфсизлик тизимини ташкил қилиш истаги ва бирор аниқ дастурига эга эмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилди. Музокараларда ҳеч қандай истиқбол кўзга ташланмади. ғарб давлатлари Германия ва Совет Иттифоқининг осонгина уруштириб қўйиши мумкин бўлган шартларни илгари сурдилар.

Музокараларда Англия ва Франция томони АҚШга таяниб тенг муносабатдан ва тенг мажбуриятлар олишдан бош тортди, қаллоблик билан иш кўрди.

СССР билан музокаралар бораётган чоқда 1939 йил июнь-августда Англия фашистлар Германияси билан яширин музокаралар (бош министр Чемберлен кўрсатмаси асосида ташқи ишлар министри Галифакс, савдо ишлари министри Хадсон ва Чемберленнинг маслаҳатчиси Гарольд Вильсон билан Гитлернинг иқтисодий ишлар маслаҳатчиси Вольфганг ва Германиянинг Лондондаги элчиси Дирксен ўртасида музокаралар) олиб борди.

Совет ҳукумати агрессия рўй берган тақдирда Англия, Франция ва Польшага ёрдам кўрсатиш учун совет кўшинларининг Польша территорияси орқали ўтказилишига Польша ҳукуматининг розилик бериши кераклигини билдирди. СССР Болтиқ бўйи мамлакатларини ҳам гарантия қилишни талаб этди: Англия ва Франция бу таклифлардан, ўзларига мажбурият олишдан сурбетларча бош тортди. Уларга суянган Польша реакцион ҳукумати эса, СССР билан ҳамкорлик қилмаслигини, совет кўшинларининг Польша ҳудудига киришига рози эмаслигини билдирди. Литва, Латвия ва Эстония реакцион ҳукуматлари ҳам гарантиядан бош тортдилар.

СССРнинг талаби билан 1939 йил 12-21 августда Москвада бўлган ҳарбий музокараларда ҳам Англия ва Франция СССРнинг конкрет таклифларига эътибор бермадилар.

1939 йил августдаги Москва музокаралари Англия-Франция томонининг айби билан боши берк кўчага кириб қолган ва империалистик давлатлар СССРни яккалантириб, фашистик Германияни унга қарши қўйиш учун зўр бериб уринаётган бир вақтда, СССР сиёсий жиҳатдан батамом яккалаб қўйилган ва СССРга нисбатан икки томондан : ғарбда-Германия ва Узоқ Шарқда Япония томонидан уруш хавфи кучайиб кетган бир пайтда Совет ҳукумати Гитлер ҳукуматининг СССР билан Германия ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик ахдномаси тузиш тўғрисидаги таклифини қабул қилмай иложи йўқ эди. 1939 йил 23 августда Москвада СССР билан Германия ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик ахдномаси тузилди.

Битимга мувофиқ иккала томон бир-бирига қарши ҳужум қилмаслик ва агрессия уюштирмаслик мажбуриятини оларди: учинчи давлат келишувчи томонлардан бирига ҳужум қилган тақдирда бошқа томон ҳужум қилган томонни қўллаб-қувватламаслиги лозим эди. Томонлар давлатларнинг келишаётган томонлардан бирига қарши иттифоқларига қўшилмаслик, ўрталаридаги барча баҳсларни тинч йўл билан ҳал қилиш мажбуриятини олдилар.

Битимнинг эълон қилинмаган махфий бандлари Польшанинг икки давлат ўртасида бўлиб олинишини кўзда тутарди, Совет Иттифоқида Болтиқбўйи мамлакатлари -Литва, Латвия, Эстонияни ҳамда Бессарабияни қўшиб олишга рухсат берарди. Бу ҳудудлар олдин Россия империяси таркибига кирган бўлиб, Брест-Литовск битимида кўра, ундан зўрлик билан ажратиб олинган эди. Улар совет давлатининг стратегик хавфсизлиги нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга эди, чунки ғарбий чегараларни 400-500 км.га нари силжитарди. Улар совет-герман урушида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Гитлерчилар бу ҳудудларни босиб ўтиш учун 2-3 ой вақт ичида Қизил армия Сибирдаги захираларини ғарбга ташлаб улгурди.

ғарб давлатлари Мюнхен сиёсатининг барбод бўлиши Германия, Япония ва Италия блоки билан Англия-Америка Франция блоки ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириб юборди. Бу зиддиятлар натижасида 1939 йил сентябрь бошларида ғарб давлатлари ўртасида иккинчи жаҳон уруши бошланди.

Назорат топшириқлари:

1. Версаль системасини тушунтириб беринг?
2. Миллатлар иттифоқи қачон тузилди?
3. Урушдан кейинги йилларда ғолиб давлатлар ўртасида юзага келган зиддиятларнинг сабабларини тушунтиринг?
4. Вашингтон системаси қайси давлат манфаатини ифодаларди?
5. Уруш қарзлари масаласида қандай конференциялар бўлиб ўтди?
6. Яқин Шарқ инқироzi қандай келиб чиқди?
7. Локарно конференцияси қандай масалаларни муҳокама қилди?
8. Жаҳон иқтисодий инқироzi халқаро муносабатларга қандай таъсир кўрсатди?
9. Узоқ Шарқда уруш ўчоғи қачон вужудга келди?
10. Европада урушнинг ўчоғи қандай вужудга келди?
11. “Аралашмаслик” ва “бетарафлик” сиёсатларининг моҳиятини тушунтиринг?
12. Мюнхендаги тил бириктириш қандай юз берди?
13. Мюнхен сиёсати қандай барбод бўлди?
14. Совет-Герман шартномасининг яширин протоколларида нималар кўзда тутилганди?

Мустақил иш топшириқлари:

- 1.Версаль-Вашингтон тизимининг моҳиятини тушунтиринг.
- 2.1939 йил 23 август Совет-Герман шартномаси халқаро муносабатларга қандай таъсир кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европў и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европў и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европў и США после второй мировой войнў (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европў и судьбў освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европў и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
- 10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.

2-МАВЗУ: 1918-1939 ЙИЛЛАРДА АНГЛИЯ.

Р Е Ж А :

1. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида Англия.
2. Капитализмнинг қисман стабиллашуви йилларида Англия.
3. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Англия.
5. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Англия.

Таянч тушунча ва иборалар: Ллойд-Жорж бошчилигидаги либераллар, консерваторлар ва ўнг либераллардан иборат коалицион ҳукуматнинг фаолияти. 1913 йил бошида парламент томонидан ўтказилган янги сайловлар қонуни ва унинг аҳамияти. Маориф тўғрисидаги қонун. Англия муштамлакаларида миллий -озодлик ҳаракатлари. Доминион ва мандат системалари. Р.Макдональд бошчилигидаги либералларнинг биринчи ва иккинчи ҳукуматлари. 1932 йил ёз фаслидаги Англия ва унинг доминионлари ўртасида Оттова шаҳрида бўлиб ўтган иқтисодий-молиявий конференция ва унинг қарорлари.

Дарсинг мақсади: Икки жаҳон уруши орлиғидаги даврда Англиянинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишини ёритиш, халқаро майдондаги ролининг тушиб кетишини сабабларини кўрсатиш, муштамлакачилик сиёсатининг барбод бўлиши моҳиятини очиқ бериш ва ниҳоят унинг иккинчи жаҳон урушини тайёрланишидаги иштирокини кўрсатишдир.

1. 1-чи жаҳон уруши йилларида ишлаб чиқариш ва капитал концентратияси ўсди. Саноатнинг нотекис ривожланиши кучайди. Тошқўмир ва кemasозлик саноатларида маҳсулот ишлаб чиқариш камайсада, саноатнинг автомобиль, кимё, авиация ва қуролсозлик тармоқлари тез ўсди, натижада уруш даврида Англия монополияларининг фойдаси 4 миллиард фунт стерлинг ҳажмида кўпайди. Уруш инглиз монополиялари учун улкан фойда манбаига айланди. У инглиз иқтисодиётининг барча кучларини жамлашни тақозо этди. Бу эса ўз навбатида саноатнинг ва капиталнинг бирлигини кучайтирди. Кичик ва ўрта корхоналарнинг мажбурий кооперативлаштирилиши ҳамда банкларнинг бирлашуви рўй берди. Аини шу жараёнда йирик Лондон банклари - “Ллойд”, “Барклай”, “Мидлэнд”, “Вестминистер” ва инглиз банкидан иборат “катта бешлик” вужудга келди. Уларнинг тасарруфида Англия пул ресурсларининг 85 фоизи жамланган эди. Саноатда олти йирик монополия пайдо бўлди. Булар “Ройял Датч шелл” (нефть), “Инглиз-Эрон нефть компанияси”

(нефть), “Юнилевер” (кенг истеъмол маҳсулотлари), “Империял кемикл индастриз” (кимё саноати), “Данлоп рабберс” (каучек, резина) ва “Виккерс” (курол-яроғ) эди. Мазкур олти йирик монополия амалда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ҳукмрон эди. Бешта энг йирик банк билан биргаликда улар Англия ички ва ташқи сиёсатининг йўналишларини ҳам белгилардилар.

Уруш йилларида Англия меҳнаткашлари ва мустамлака халқлари янада кўпроқ таланди. Ишчилар синфининг аҳволи жиддий равишда ёмонлашди. Уруш мобайнида аҳолининг турмуш даражаси анча пасайди. Иш ҳақининг реал даражаси ҳам пасайиб борди. Деярли чекланмаган иш куни, фавқулодда тезкор иш суръати, оз иш ҳақи, ёмон уй-жой ва маиший шароитлар, озиқ-овқатларнинг юқори нархлари ўлим ва касб касалликларининг юксак даражада бўлишига олиб келди.

Айни пайтда бўлиб ўтган уруш инглиз меҳнаткашлари ижтимоий онгининг юксалишида катта аҳамиятга эга бўлди. 1916 йилда Ирландия миллий озодлик ҳаракати кўтарилди. Бу кўзғолон ҳукумат томонидан шафқатсизлик билан бостирилди.

Сиёсий вазият кескинлашган вақтда, 1916 йил охирида либераллар партиясининг раҳбари Ллойд Жорж (1863-1945 йй) бошчилигида либераллар, консерваторлар ва ўнг лебористлардан иборат 1-чи коалицион ҳукумат тузилди. Ллойд Жорж ҳукумати Германия устидан ғалаба қозониш муносабати билан шовинистик кайфиятни авж олдирди. Ҳукумат Англиянинг ҳарбий қудрати ва халқаро роли ошиб бораётганидан фойдаланиб ўша вақтда ташкил топган халқаро ташкилот Миллатлар Иттифоқи орқали мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун алоҳида режими бўлган мандат системасини жорий қилди. Бунинг натижасида Германия мустамлакалари (Африкада-Танганьика: бундан ташқари Франция билан бўлишиб олиш асосида Того ва Камеруннинг катта қисми) ва Туркия империяси территорияси (Фаластин, Трансиордания ва Ироқ) ҳисобига Англиянинг мустамлака ерлари кенгайди.

Бироқ, Германия ва унинг иттифоқчилари устидан қозонилган ғалаба кўп зарарлар эвазига бўлди. Англия жаҳонда молия устунлигидан маҳрум бўлди. Уруш харажатлари 11 миллиард фунт стерлингга ташкил этди. Давлат қарзи 1913 йилда 645 миллион фунт стерлинг бўлса, 1919 йилда қарийиб 7 миллиард 800 миллион фунт стерлингга етди. Урушдан олдин кўпгина мамлакатларга ҳатто АҚШга ҳам қарз бериб келган Англиянинг ўзи АҚШдан (1919 йилда 850 миллион фунт стерлингдан ортиқ) қарздор бўлиб қолди. Урушда Англия томонидан 747,7 минг киши ҳалок бўлди, 1 миллион 693 минг киши ярадор бўлди. У савдо флотининг 70 % идан ажралди. Жаҳон бозорида Англиянинг позицияси сезиларли даражада бўшашиб қолди. АҚШ ҳарбий флоти тез ривожланиб

кетганлигидан Англия ҳарбий - денгиз флотининг жаҳон флотидаги салмоғи камайди.

Урушдан сўнг Англиянинг эканомикаси анча заифлашиб, кейинчалик узоқ вақтгача деярли турғунлик ҳолатида бўлди. Саноат маҳсулотининг ҳажми 1913 йилдагига нисбатан 1920 йилда 61%, 1921 йилда 62%, 1924 йилда 88%, 1929 йилда 99,1% ни ташкил қилди.

1918 йил декабрида Либерал партия етакчиси Ллойд Жорж бошчилигида тезкор сайловлар ўтказди. У халққа тинчлик, ижтимоий ислохотлар, уруш айбдорларини жазолаш ваъдаларини берди. Сайлов халққа берилган ҳарбийларнинг овози эвазига Ллойд Жорж ғалаба қозонди.

1919 йил январда Л.Жорж бошчилигида консерваторлар ва либераллардан иборат иккинчи коалицион ҳукумат тузилди. Мазкур ҳукумат мамлакатни 1922 йил кузигача бошқарди. Консерваторлар ҳукумат тепасида эпчил либерал Л.Жоржнинг бўлишини афзал кўрдилар, асосий министрликлар эсаўз қўлларида бўлди. Консерваторлар партиясининг вакиллари Керзон ташқи ишлар министри қилиб, Черчель ҳарбий министр қилиб тайинланди.

Англия мустамлака ва доминионларида миллий озодлик ҳаракатлари кўтарилди ва ривожланди. 1918 йилги сайловларда “Шинн феин” инглиз парламентининг ирландияликлар учун ажратилган барча ўринларини эгаллаб олдилар ва Англия парламентида қатнашишдан бош тортдилар.

1919 йил 21 январда Англия парламентининг Ирландия депутатлари Дублинда йиғилишиб, мустақил Ирландия парламентини туздилар: Ирландия республика деб эълон қилинди. Муваққат ҳукумат ва армия тузилди. Эдмон де Варле Ирландия республикаси биринчи президенти қилиб сайланди.

Ирландия ва Англия қўшинлари ўртасида жиддий ҳарбий тўқнашувлар бўлди ва жанглар бошланиб кетди. Миллий озодлик курашига раҳбарлик миллий буржуа кучлари - шинфейнерлар (“ёлғиз ўзимиз”) қўлида бўлди. 1921 йил декабрида инглиз ҳукумати ўнг шинфейнерлар, яъни миллий буржуазия кучлари билан Англия-Ирландия битимини имзолади. Битимга кўра, Ирландия иккига бўлиб юборилди: Шимолий Ирландия Англия составида қолаверди ва Англия шундан бошлаб “Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма қироллиги” номини олди. Жанубий Ирландия “Озод Ирландия давлати” деб эълон қилинди ва доминион ҳукуқини олди.

Ллойд Жорж ҳукумати (1918-1922 йй) Англиянинг халқаро мавқеини сақлаб қолишга интилди. У Россиянинг ички ишларига қўпол равишда аралашди. Инглиз қўшинлари Мурманск ва архангельск шаҳарларига киритилди, маҳаллий ҳокимият ағдарилди. 1918 йил ёзида инглиз қўшинлари Ашхобод ва Боку шаҳарларини эгалладилар ва

Каспий денгизда ўз флотилияларини яратиб, денгиздаги барча катновни назорат остига олдилар. Шунингдек, улар Боку-Батуми темир йўли устидан назорат ўрнатдилар, Грузия, Озарбайжон ва Арманистонда мустақил ҳукуматлар тузилишига кўмаклашдилар. Англиянинг мақсади Россияни бўлиб юбориш, 1916 йилда Франция билан битимда қайд этилган ва 1918 йил 13 ноябрда тасдиқланган ҳудудлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш эди. Англиянинг ўзида Россияга қарши ҳарбий юриш халқнинг кескин норозилиги ва намоийшларига сабаб бўлди. Инглиз ҳукумати кулолли йўл билан Россия ҳукуматини йўқ қилишга уринишдан воз кечишга мажбур бўлди. Бу эса Ллойд Жорж ҳукуматига берилган оғир зарба эди.

Ҳиндистонда инглиз империализмига қарши революцион ҳаракат юксалди. Амритсар шаҳрида қонли воқеа (1919 йил 13 апрель) Панжоб вилоятида кўзғолон (1919 йил апрель-май) ва Ҳиндистоннинг бошқа жойларида кучли оммавий чиқишлар юз берди. Инглиз ҳукумати ўз мустамлакачилик режимини сақлаб қолиш мақсадида ён беришларга, конституцион реформа ўтказишга мажбур бўлди. Ҳиндистон миллий буржуазиясининг юқори табақаси ва помещиклар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида қатнашадиган бўлдилар.

1919 йилда Афғонистон халқи ўз мамлакатига бостириб кирган инглиз босқинчиларига қарши кулолли курашга отланди ва учинчи Англия-Афғонистон урушида ўз мустақиллиги учун мардонавор курашиб ғалаба қилди. Англия Афғонистоннинг мустақиллигини танишга мажбур бўлди.

1919 ва 1921 йилларда Мисрда инглиз мустамлакачиларига қарши катта намоийшлар, иш ташлашлар, полиция билан тўқнашувлар ва кулолли кўзғолонлар бўлди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари бу кураш ва кўзғолонларнинг асосий кучлари эди. 1922 йил феввалида Англия ён беришга мажбур бўлиб, Миср устидан бўлган ўз протекторатини бекор қилажагини билдирди. Миср расман мустақил давлат деб эълон қилинди. Лекин инглиз қўшинлари илгаридек Мисрда қолдирила берди.

Англия стратегик жихатдан муҳим Ўрта Ер денгизи ҳудудида таянч нуқтасига эга бўлишни истар эди. Кипр Англия тасарруфида бўлиб, Грецияни ҳам ўз таъсир доирасига олиш Ўрта Ер денгизи минтақаси тақдирида Англиянинг ролини ошириб юборар эди.

Англиянинг режаларини Туркия бузиб юборди. 1920 йилда Измирнинг греклар томонидан босиб олинishi билан бошланган грек-турк уруши 1922 йилгача давом этди. Англия Эгей денгизининг ҳар икки томонида Буюк Греция давлатини яратиш ниятида бўлган грекларнинг даъвосини қўллаб-қувватлади. Инглиз сиёсатининг моҳиятини яхши тушунган Франция ва Италия эса Грециянинг

кучайишига қарши чиқдилар. Англия биринчи жаҳон урушидан кейин биринчи марта яккаланиб қолди.

1922 йил 9 сентябрда Муддания яқинидаги жангда грек қўшинлари тор-мор этилди ва турк қўшинлари Измирга кирди. Англиянинг Туркияга қарши урушда ёрдам сўраб Югославия ва Руминияга қилган мурожаатларидан натижа чиқмади. У ўзига қарам давлатлардан ҳам рад жавобини олди. Биринчи жаҳон урушида ғалаба қозонган Англия турк миллий-озодлик ҳаракати билан урушда мағлуб бўлди.

Грек-турк урушидаги бу мағлубият Ллойд Жорж ҳукуматининг ҳам мағлубияти эди. Ллойд Жоржга қарши матбуотда аёвсиз кампания бошланди.

1919-1922 йилларда Туркия ва Эронда миллий озодлик ҳаракати, революцион-демократик курашнинг юксалиши натижасида Англиянинг бу мамлакатлардаги сиёсати мағлубиятга учради. Инглиз империалистлари ва Греция босқинчиларининг Туркиядаги интервенцияси тор-мор қилинди. Империалистларнинг Туркияда зўрлик билан ўрнатган таслимчилик режими тугатилди. 1919 йилда Англиянинг Эрон билан имзолаган оғир шартли шартномаси ҳам 1921 йил феввалида бекор қилинди. Англия Афғонистондан ташқари, Туркия билан Эроннинг мустақиллигини ҳам эътироф қилишга мажбур бўлди.

Ллойд Жорж ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати хусусан Ирландиядаги воқеалар мамлакатда норозиликни кучайтирди. ташқи сиёсатнинг муваффақиятсизликлари ва мустамлака масалаларида бошқа давлатларга ён бериш 1922 йил октябрида консерваторларни Л.Жорж бошчилигидаги либераллар билан алоқани ўзишга мажбур этди, ҳамда 1922 йил октябрида Бонар Лоу бошчилигида ва 1923 йил майида Стенли Болдуин бошчилигида консерваторлар ҳукуматларининг тузилишига олиб келди.

Англия 1919-1920 йилларда вужудга келган империалистик Версаль системасининг асосий ташкилотларидан бири бўлди. Англия Париж сулҳ конференциясининг тор доирадаги кенгашларида (масалан Тўртлар кенгашида) актив қатнашди.

Англия 1919 йилги париж конференциясида ташкил топган Миллатлар Иттифоқининг бошлиқларидан бири бўлиб қолди.

Осиё ва жанубий Америка базалари учун, жаҳонда ҳукмронлик қилиш учун Англия билан АҚШ ўртасидаги зиддият, Тинч океан зонаси ва Узоқ шарқда Англия билан Япония ўртасидаги зиддият, Европада ва Яқин Шарқда гегемонлик қилиш учун Англия билан Франция ўртасидаги кураш кескинлашди. Англия, айниқса, урушдан кейинги йилларда Европанинг Шарқи ва Жануби-шарқида Франция позициясининг кучайишига, Франция бошчилигида Чехословакия, Руминия ва Югославиядан иборат Кичик Антантанинг тузилишига эътиборсиз қарай олмас эди, албатта.

АҚШдан олдинги қарзлар масаласида ҳам Англия билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар жиддий тус олди. АҚШ қарзларнинг Англия учун анча оғир бўлган шартларда тўлашини талаб қилди. Ниҳоят, 1923 йил феврилида икки ўртада битим тузилиб, Англиянинг АҚШдан олган қарзлари 30% камайтирилди ва Англия қарзларнинг қолган қисмини 62 йил мобайнида тўлаш мажбуриятини олди.

2. 1924 йилдан бошлаб кўпгина капиталистик мамлакатларда, шу жумладан Англия халқ ҳўжалигида қисман стабиллашув даври бошланди. Лекин Англиядаги стабиллашув жуда бўш ва қисқа стабиллашув эди. Унинг иқтисодиёти асосан турғунлик ҳолати билан характерланди; у АҚШ ва ҳатто Франциядан ҳам анча орқада қолиб кетган эди. Турғунлик ҳолати кўпроқ металлургия, кўмир, тўқимачилик ва кemasозлик саноатларида рўй берди. Ҳатто 1929 йилга келганда ҳам Англиянинг саноат маҳсулоти 1913 йилдаги даражасининг 99,1% ини ташкил этди. Ишсизлар 1 млн. кишидан ортиқ эди. ташқи савдода ҳам англия ҳиссаси камая борди. жаҳон бозори учун курашда АҚШ ва Япониядан ташқари, тикланиб келаётган Германия ҳам Англияга рақобатчи бўлиб қолмоқда эди. Англия ҳукмрон доиралари ҳўжаликдаги турғунлик ҳолатидан чиқиш ва иқтисодиётда барқарор стабиллашувга эришишга барча чоралар билан уриндилар. Болдуин Буюк Британия саноатини сурункали хасталик - ишсизлик ва корхоналарнинг тўла қувват билан ишламаслигидан холос этмоқчи бўлди. Шу мақсадда эркин тижоратни бекор қилди ва миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор бож солиқлари жорий этди. Аммо бу чоралар фойда бермади ва инглиз иқтисодиётидаги турғунлик 1929 йилгача давом этди. Бунинг устига Англия 1923 йил охирига келиб яна иқтисодий жиҳатдан боши берк кўчага кириб қолди. Бирорта ҳам партия ундан чиқиш йўлини топа олмади. Консерваторларнинг бож сиёсати ҳам кўпчилик сиёсий арбоблар томонидан рад этилди Британия сайловчилари ҳам бу сиёсатни рад этдилар ва 1923 йил декабрида бўлиб ўтган сайловларда консерваторлар парламентдаги нисбатан кўпчилик мавқеини бой бердилар. Либерал партия эндиликда муҳолиф партия ролини бажара олмас эди. Икки партияли тизимда унинг ўрнини эгаллайдиган янги куч зарур эди. Қирол Георг Бешинчи 1923 йил 23 декабрда Лейборист партияси раҳбари **Рамсей Макдональдга** Англия тарихида биринчи марта лейбористлар ҳукуматини тузишни топширди.

1924 йил январида лейбористлар раҳбари Рамсей макдональд бошчилигида янги, биринчи лейбористлар ҳукумати “ишчилар ҳукумати” тузилди. Бу ҳукумат “ишчилар ҳукумати” деб аталган бўлсада, ҳақиқатда ҳукмрон буржуазия манфаатини кўзлаб сиёсат юритди.

Лейбористлар ҳукумати очикдан-очик корхона эгаларини ёқлаб чиқди, мустамлакачилик тарафдори бўлиб иш кўрди. “Ишчилар

хукумати”нинг сиёсати амалда консерваторлар ҳукуматининг сиёсатидан фарқ қилмади. Ишчиларнинг норозилиги кучая борди. Ўзига-ўзи иснод келтирган “ишчилар ҳукумати” 1924 йил ноябрь бошидаёқ (ҳукуматнинг тузилганига бир йил тўлмай туриб) истеъфо беришга мажбур бўлди. 1924 йил 29 октябрда янги парламент сайловларини ўтказди. Консерваторлар парламентда 413 та лейбористлар 151 та ва либераллар 40 та депутатлик мандатига эга бўлдилар. 1924 йил ноябрь бошида Болдуин бошчилигида консерваторлар ҳукумати тузилди ва мамлакатни 1929 йилгача бошқарди.

Стэнли Болдуин 1924 йилда ҳукуматга қайтиб келди ва 1929 йилгача Бош вазир бўлиб турди. Иқтисодиётдаги турғунлик ҳамон бош муаммо бўлиб қолмоқда эди. Ишбилармонлар ва сиёсий арбоблар қачонлардир жаҳон бозорида Британия ҳукмронлигининг асоси бўлган ҳамда Британия саноатининг юксак фойда олишини таъминлаган тижорат эркинлигини тиклашни талаб эта бошладилар. Аммо бунинг учун, энг аввало, инглиз валютасининг (фунт стерлинг) олтин асосини яратиш лозим эди. Фақат шундай тадбиргина инглиз пул тизимининг олдинги барқарорлигини тиклаши мумкин эди. Аммо ҳукумат бошқа мамлакатларнинг пул бирликларига нисбатан фунтнинг қийматини юксак даражада белгилаганлиги туфайли инглиз маҳсулотларининг нархлари кескин ошиб кетди, натижада инглиз маҳсулотлари рақобатга бардош беролмайдиган бўлиб қолди. Бу эса турғунликни янада кучайтирди ва ишсизликни кескинлаштирди.

Инглиз саноатчилари кўпгина салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган энг сўнгги чорага қўл урдилар - ишчиларнинг усиз ҳам паст даражада бўлган иш ҳақини қисқартиришга қарор қилдилар. Бунга жавобан **Тред-юнионлар Бош кенгаши** (инглиз касаба уюшмаларининг раҳбар органи) барча ишчиларни ялпи иш ташлашга чақирди. 1926 йил 4 майда Англияда ишчиларнинг ялпи иш ташлаши бошланди. Саноатнинг иш ташлаган соҳаларида фаолият тамомила тўхтади.

Ишчилар ўз ҳаракатларини ғалабага қадар давом эттиришга рози эдилар. Аммо уларнинг етакчилари - Лейборист партияси ижроия қўмитаси ва Тред-юнионлар Бош кенгаши кураш энг қизиган пайтда - 1926 йил 12 майда уни тўхтатишга қарор қилдилар.

Ишчи ташкилотларининг раҳбарлари ишчиларнинг мағлуб бўлишидан кўра, уларнинг ғалаба қозонишидан кўпроқ кўрқардилар. Чунки бундай курашнинг сиёсий низога айланиб кетишидан ниҳоятда чўчирдилар. Касаба уюшмалари раҳбарлари Британия ижтимоий-сиёсий тизимининг таркибий қисмига айланган ва бу тизимни сақлаш, Британия иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш борасида кўпроқ ташвишланардилар.

Болдуин ҳукумати томонидан 1925 йилда молия реформаси ўтказилиб қадрсизланиб кетган пул (фунт стерлинг)нинг олтин

стандарти (банкнотни олтинга тенглаштириш ва олтинга алмаштира олиш) тикланди.

Консерваторлар ҳукумати 1925 йил октябрида Локарно битимларини тузишда, Германия агрессиясини Шарққа қаратиш учун замин ҳозирлашда актив қатнашди. Англия “Дауэс плани”га кўра, Германия ҳарбий саноатининг тикланишига катта ёрдам қилиб турди ва янги “Юнг плани”ни қабул қилишда қатнашди.

Жаҳон бозори, хом ашё манбалари ва четга капитал чиқариш объектлари учун курашда, айниқса Англия-Америка зиддияти кескинлашди. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча ривожланган Буюк Британия доминионлари Канада, Австрия ва бошқалар ўзларига Англия билан тенг иқтисодий ҳуқуқлар берилишини талаб қилдилар. Инглиз буржуазияси ён беришга мажбур бўлди. 1926 йили империя конференциясида доминионлар Британия империяси составида қолгани ҳолда ички ва ташқи сиёсатда мустақилликка эришдилар ва Англия билан юридик жиҳатдан тенглашдилар.

1931 йилда парламент акти (Вестминистр статуту) билан кучга киритилди ва Британия мустамлака империяси “Британия миллатлар ҳамкорлиги” деган ном олди.

3. Кризис Англия иқтисодиётини янада орқага суриб юборди. 1930 йилдаги саноат маҳсулоти 1929 йилдаги кўрсаткичнинг 92,4% га, 1931 йилда эса 83,8% га 1932 йилда эса 82% га тушиб қолди.

Кўмир, машинасозлик, кемасозлик ва бошқа баъзи саноат тармоқларининг маҳсулоти 40% га камайиб, 1897 йилдаги даражага тушиб қолди. Англиянинг жаҳон савдосидаги роли ҳам пасайди. Ташқи савдонинг ҳажми икки ҳисса камайди. Англияни анъанавий бозорлардан сиқиб чиқариш жараёни авж олди. Инқироз натижасида жуда кўп мамлакатлар касодга учраб, Англия маҳсулотларини рад этдилар. Бир вақтнинг ўзида хорижий рақиблар Англияни ҳатто унинг ички бозоридан ҳам сиқиб чиқаришга уриндилар. Европа ва АҚШда рўй берган молиявий инқироз, Марказий Европадаги банкларнинг касодга учраши Англия пулининг қадрсизланишига олиб келди ва унинг олтин билан таъминланишига барҳам берди.

Англия иқтисодиётининг энг заиф жойи ишсизлик бўлди. 1929-1932 йиллардаги инқироз ишсизликнинг Англия тарихида бўлмаган даражада ўсишига олиб келди. Расмий маълумотларга кўра, 1930 йилда барча ишчиларнинг 17% и узоқ вақт давомида ишсиз эдилар, 1931 йилда ишсизлик даражаси 23% га, 1932 йилда эса 25% га ўсди. 1932 йилда ҳар тўртинчи ишчи ишсиз эди. Иқтисодий кризиснинг бошланиши лейбористлар партиясининг яна ҳукумат тепасига келиш вақтига тўғри келди. 1929 йил майидаги парламент сайловларида консерваторлар ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатидан норози бўлган ишчилар лейбористларга кўп овоз бердилар. 1929 йил июнида

Р.макдональд (1866-1937 йй) бошчилигидаги лейбористларнинг иккинчи ҳукумати тузилди.

Макдональд реалист сиёсатчи бўлиб, Англиянинг собиқ буюклигини қайтаришни хомхаёл деб ҳисобларди. Бироқ у Англияни бостириб келаётган ҳалокатдан қутқаришга ва мамлакатнинг жаҳондаги мавқеини энг аввало муваффақиятли дипломатик комбинациялар уюштириш ҳамда Миллатлар Лигасидан фойдаланиш йўли билан сақлаб қолишга уринди.

Р.макдональд бошчилигидаги иккинчи лейбористлар ҳукумати қийин аҳволда қолди. Бир томондан, иш бериш ва яшаш шароитларини яхшилашни талаб қилган мамлакат аҳолисига берилган ваъдаларни бажариш, иккинчи томондан эса давлат ижроия ҳокимияти вазифаларини бажариш ва мамлакатни босиб келаётган иқтисодий инқироздан сақлаб қолиш лозим эди. Лейбористлар ўз мажбуриятларини қисман бажардилар. Кўмир конларида 7 соатлик иш куни жорий этилди. 1930 йилда ишсизлик бўйича суғурта тўғрисидаги янги қонун қабул қилинди, ишсизлик бўйича нафақалар олиш муддати 3 ойдан 12 ойгача узайтирилди. Ишсизликка қарши кураш бўйича махсус вазирлик ҳамда ишсизлар учун иш қидириш бўйича махсус кўмита ташкил қилинди. Бу чоралар ишсизларнинг аҳволини маълум даражада яхшилашга хизмат қилди.

Бироқ, умуман олганда, иккинчи лейбористлар ҳукумати инқироз оғирлигининг катта қисмини мамлакат меҳнаткашлари елкасига юклашга уринди. 1930 йил баҳорида Англияни яна синфий кураш тўфони ларзага солди. Бутун мамлакат ишсизларнинг ҳаракатида иштирок этди. 1930 йил мартдан апрелгача ишсизлар ва очларнинг оммавий юриши бўлиб ўтди ва у Лондонга Гайд-паркдаги улкан намоёиш билан якунланди. Англияда вазият кундан-кунга кескинлашиб борарди. Ишлаб чиқаришда оммавий иш ташлашлар бошланди, тадбиркорлар бунга жавобан оммавий ишдан бўшатишлар билан жавоб бердилар. Фақат тўқимачилик саноатида 250 минг ишчи, темир йўллар, жунни қайта ишлаш саноатининг юз минглаб ишчилари ишдан бўшатилди.

Лейбористлар ҳукумати молиявий кризисдан қутулиш учун 1931 йилдан ижтимоий эҳтиёжларга оид харажатларни янада қисқартириш ва эгри солиқларни оширишни мўлжаллади. Бу эса лейбористлар партиясининг ўзида ҳам норозилик туғдирди, натижада партия кризиси, ихтилоф ва ажралиш рўй берди. Лейбористларнинг иккинчи ҳукумати 1931 йил августида истеъфо берди. Англия ҳукмрон доиралари йирик сиёсий найрангларни амалга оширишга аҳд қилдилар. 1931 йил августида Р.Макдональд ҳукумати истеъфога чиқди, бироқ эртаси куниёқ кирол Георг V (1865-1936, 1910-1936 йилларда ҳукмронлик қилган) унга ҳамкорлик асосида консерваторлар иштирокида янги

ҳукумат ташкил қилиш вазифасини топширди. Ҳукуматдаги кўпчилик ўрин консерваторларга тегишли эди, бироқ Бош вазир курсисида Макдональд қолдирилди. Бу янги сиёсий хийла-найранг бўлиб, унда лейбористлар раҳбарлик, консерваторлар эса ҳукмронлик қилардилар.

Янги ҳукумат меҳнаткашларнинг ижтимоий имтиёзларига қарши ёппасига хужум бошлади. Ишсизлик бўйича нафақа 10% га пасайтирилди. Ўнг лейбористлар, консерваторлар ва либераллар билан бирлашиб, макдональд бошчилигидаги Реакцион “миллий ҳукумат” 1935 йил ёзигача ҳокимият тепасида турди.

Миллий коалиция ҳукумати Британия иқтисодиётини оёққа турғизиш бўйича қизғин ишга киришди. 1931-1932 йилларда парламент Англияга олиб кирилувчи барча турдаги маҳсулотларга нархининг камида 10%и миқдорида божхона солиғи белгилади. Англия тарихда биринчи марта эркин савдо тамойилларига қарши бориб, миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш (протекционизм) йўлини тутди.

Англия “Миллий ҳукумати” ташқи сиёсатида АҚШ ва Франция ҳукуматлари билан биргаликда Япониянинг манъчжурияни босиб олишига, Германияда ҳокимиятнинг гитлерчилар қўлига ўтишига, уруш ўчоқлари ва тугунларининг пайдо бўлишига, уруш оловининг кучайиб боришига йўл бериб қўйди ва фашист агрессорларни рағбатлантирди. 1933 йилда Англия, Франция, Германия ва Италия ўртасида “Тўртлар ахдномаси” тузилди ва фашист агрессорлар билан тил бириктирилди.

Инглиз мустамлакачилари ўз мустамлакаларини, айниқса, Ҳиндистонни тобора кўпроқ талашга зўр эътибор бериб келдилар. Улар Ҳиндистонга чиқариладиган инглиз саноат товарларининг нархини пасайтирмасликка, Ҳиндистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон баҳода олиб туришга интилдилар (1929-1923 йилларда инглиз саноат товарларининг нархи фақат 20-25% пасайган бўлса, Ҳиндистон озиқ-овқат маҳсулотларининг 2-3 баравар пасайиб кетди). Кризис йилларида Англия капиталининг Ҳиндистонга чиқарилиши 3 марта кўпайди, оғир шартлар билан заёмлар берилди. Ҳинд аҳолиси ҳаддан ташқари таланиб, Англияга кўплаб олтинлар келтирилди. Шу билан бирга Англия Ҳиндистон миллий кучларининг жипслашувига йўл қўймаслик ҳамда қонли террор ва жазо-таъқиб сиёсатини кучайтирди. Унга кўра Германияга Англия ҳарбий-денгиз флотининг 1ғ3 га тенг ҳарбий-денгиз флоти тузишга рухсат этилди. Бундай флотни тузиб Германия бутун Болтиқ денгизда хўжайинга айланарди. Англия-Германия битими Версаль битимини бузарди, бироқ бузғунчи бу сафар Англия бўлиб, у Германиянинг бундай бузғунчиликларига қарши норозилик билдиришга маънавий ҳуқуқни йўкотарди. Фашистлар томонидан Рейн худудининг босиб олинишини Англия жим туриб кузатди. Бу Германияга қилинган тажовузни давом эттириш ҳақида қилинган таклифдан бошқа нарса эмасди. Англия Испания республикаси

такдирида ҳам салбий роль ўйнади. 1936 йил августида Лондонда Англия ҳукуматининг ташаббуси билан Европа мамлакатлари Испанияга қурол-яроғ (шу жумладан самолётлар)ни экспорт ва транзит қилишни тақиқловчи Испания ишларига аралашмаслик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу тақиқнинг бажарилишини кузатиш ва назорат қилиш учун инглиз лорд Плимут раҳбарлигида Аралашмаслик қўмитаси тузилди. Бу қўмита фашист давлатларига Испания республикасини йўқ қилишга қўмаклашди. У Испания республика учун курашаётган республикачи ва демократлар учун қурол-яроғ ва ҳатто озиқ-овқат келтирилишининг йўлини тўсди ва фашист исёнчиларини таъминлаш учун барча йўللарни очиб берди. Полиция ва қўшинлар билан тўқнашувлар бўлиб, уларда юзлаб намойишчилар ўлдирилди. Мирутда касаба уюшмалари ҳаракати фаолларининг иши бўйича жараён ўтказилди. Уларга жуда оғир жазолар белгиланди - айримлар умрбод каторга ишларига, бошқалар эса 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Шундай қилиб Англия ҳукумати ўз мустамлакаларини тарк этиш нияти йўқлигини билдирди.

Англия ҳукмрон доиралари доминионлардаги аҳолига нисбатан бир қанча ён беришларга боришга мажбур бўлди. 1931 йилда Англия парламенти унинг бирор-бир қонуни доминионларга уларнинг расмий розилигисиз тадбиқ этилмаслигини кўзда тутувчи ҳужжатни қабул қилди. Доминионлар қабул қилган қарорлар энди. Англия парламенти томонидан тасдиқланмасди. Англия парламентининг бу ҳужжати ***Вестминистр низоми*** номини олди. У Англия парламентининг мустамлака ва доминионларда қабул қилинган исталган қонунни бекор қилиш ҳуқуқига барҳам берди. Вестминистр низоми доминионларнинг мустақиллигини жиловловчи сўнгги ҳуқуқий чекловларни йўқ қилди (Канада, Янги Зеландия, Австралия). Шу билан бирга, Британия ҳукумати мустамлака ва доминионларнинг Англияга қарамлигини мустаҳкамлашга уринди. Улар Англиянинг саноат устахонаси бўлиб қолишлари лозим эди.

4. Иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қурилган тадбирлар ҳамда саноатнинг ривожлантирилиши натижасида 1934 йилдан бошлаб умуман Англия саноат ишлаб чиқариши бир мунча ўсди ва 1929 йилдаги даражага етиб ундан бир оз ошди. Бу эса авиация химия ва бошқа бир қатор саноат тармоқларининг юксалиши ҳисобига бўлди. Ташқи савдо абороти кўпайди. Лекин мамлакат илгариги вақтлардагидек, янги иқтисодий юксалиш даврига киролмади. Уруш хавфига қарши, тинчлик учун бўлган умумдемократик ҳаракат сезиларли даражада ривожлана борди. 1935 йилда “тинчлик плебисцити” ўтказилди. Овоз беришда 11,5 миллион киши қатнашди. Плебисцит иштирокчиларининг мутлоқ кўпчилиги коллектив хавфсизлик учун қуролсизланиш ва агрессив давлатларга қарши

таъсирли санкция қўлланиш учун овоз берди. Хукмрон доиралар плебисцит натижаларини ҳисобга олиб, ҳукумат таркибини қайтадан туздилар.

“Миллий ҳукумат”нинг бош министри Макдональд 1935 йил июнида истеъфо берди ва консерваторлар лидери Болдуин бош министр қилиб тайинланди. 1935 йил ноябрида навбатдаги парламент сайловида Болдуин бошлиқ консерваторлар халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, коллектив хавфсизлик сиёсатини юритиш каби ваъдалар бериш йўли билан ғалаба қилдилар. Консерваторлар кенг жамоатчилик олдида ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун 1937 йилга қадар миллий лейбористлар ва миллий либераллар билан бир блокда бўлдилар ва Болдуин бошчилигида иккинчи консерватив “Миллий ҳукумат” туздилар. 1937-1940 йилларда Невил Чемберлен ушбу консерватив ҳукумат тепасида турдилар.

Болдуин ва Чемберлен бошлиқ консерватив ташқи сиёсатда ҳукуматлар лейбористлар партиясининг қўллаб-қувватланиши билан Англия-Германия, Англия-Япония зиддиятларини СССР ҳисобига бартараф қилишга интилди. Болтиқ денгизида Германиянинг позициясини кучайтириш мақсадида 1935 йил 18 июнда Англия Германия билан денгиз битими тузди.

Англия АҚШ ва Франция билан биргаликда “аралашмаслик” сиёсати ниқоби остида иш кўриб, фашист давлатларининг агрессиясини рағбатлантирди, 1935-1936 йилларда Италиянинг Хабашистонга қарши, 1936-1939 йилларда Германия ва Италиянинг Испанияга қарши интервенция қилишлари ва 1937 йилда Япониянинг Узоқ Шарқда Хитойга қарши уруш очиш учун кенг имконият берди. Англия, АҚШ ва Франция ғарбда (мавжуд ҳолатни) сақлаб қолиш фашизм агрессиясини Шарққа-СССРга қарши қаратиш учун зўр бериб уриндилар. 1937 йил ноябрида Англия ҳукумати лорд Ралифаксни Германияга юбориб, СССРга қарши Англия, Германия Италия ва Франциядан иборат иттифоқ тузишни Гитлерга таклиф қилди. Шу билан бирга Гитлерга Германиянинг Данцигни Австрия ва Чехословакияни босиб олишга Англиянинг рози эканлигини билдирди. Англиянинг розилиги билан Германия 1938 йил 12 мартда Австрияни босиб олди.

Н.Чемберлен фашист агрессор давлатлари билан жуда яқинлашиш натижасида консерваторлар партиясида ва ҳукуматда оппозиция вужудга келди. Оппозиция ташқи сиёсатда фашист агрессорларига қарши, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш, эҳтиёж чоралари кўришни талаб қилди. Лекин оппозиция ташқи сиёсат методлари муносабатлари билан вужудга келган эди. СССРга қарши кураш масаласида эса уларнинг ҳаммаси бир маслакда эди. Оппозиция муносабати билан ҳукумат составида ўзгаришлар бўлиб турди. (1937 йил майида бош министр Болдуин ўрнига Чемберленнинг келиши, 1938

йил феввалида ташқи ишлар министри Иден ўрнига Ралифаксининг келиши ва ҳоказо).

Уч йил давомида Н.Чемберлен Гитлери кўп сонли ён беришлар йўли билан “тинчлантириш” сиёсатининг ташаббускори ва ижрочиси бўлди. Н.Чемберленнинг сиёсий мақсади тўрт давлат - Англия, Германия, Италия ва Франция ўртасида битим тузишдан иборат эди. Унинг фикрича, бундай битим Европанинг қолган қисмига ҳукмини ўтказувчи иттифоқнинг тузилишига олиб келарди. Шу сабабли Н.Чемберлен ҳукуматининг ташқи сиёсати Германия билан мурося йўлларини излашдан иборат бўлди. Н.Чемберлен шармандали Мюнхен келишувининг бош муаллифларидан бири эди. Гитлер ўзининг Чехословакияни тўлиқ йўқ қилиш режаларини яширмас ва бу билан Судет вилояти фақат бошланиши эканини уқтирарэди. Н.Чемберлен бунга қаршилиқ билдирмади ва Чехословакия ҳукуматидан Гитлернинг Судет вилоятини бериш тўғрисидаги талабини қондиришни талаб қилди.

Англия ҳукумати, Чехословакия ҳукумати билан немис фашистлари ўртасида воситачилиқ қилиш учун махсус миссияни Ренсименни Прагага юборди. Чемберленнинг ўзи эса икки марта (1938 йил 15 ва 22 сентябрда) Германияда Гитлер ҳузурида бўлди.

1938 йил 29-30 сентябрда Германиянинг Мюнхен шаҳрида АҚШнинг қўллаб-қувватланиши билан тўрт давлат - Германия, англия, Италия ва Франция ҳукуматлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб, шармандали битим тузилди. Мюнхен битими Чехословакия халқиға нисбатан ўта кетган хоинлик ва катта жиноят эди.

Кўп ўтмай Англия ҳукумати Германия Шарқда Совет Иттифоқиға қарши эмас, ғарбда Англия ва Францияға қарши уруш бошлаши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотни қўлга киритди. Бу маълумот 1937 йилдаёқ Гитлернинг ғарбда уруш бошлаш, аввал Версаль битими муаллифлари ва йирик мустамлакалар эгаларини бир ёқли қилиб, сўнг Шарққа юз буриш ниятида эканидан далолат берарди. Англия армиясини қуроллантиришға харажатлар 1938 йилдагига нисбатан икки баравар оширилди. 1939 йил июнида харажатлар миқдори яна оширилди. 1939 йил 15 апрелда Англия тарихида биринчи марта тинч даврда умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди. 1938 йил охириға келиб Англия авиацияси сон жиҳатидан ўсди ва сифат жиҳатидан Германия авиациясидан устун янги самолётлар билан таъминланди.

1939 йил мартада Н.Чемберлен Польшаға ҳарбий қўлолатлар берилишини маълум қилди. Худди шундай қўлолатни Польшаға Франция ҳам берди. Бу Германия Польшаға ҳужум қилган тақдирда Англия ва Франция унга барча, шу жумладан, ҳарбий воситалар билан ҳам ёрдам кўрсатишини англатарди. Шундай қўлолатлар Греция ва Руминияға ҳам берилди. Бироқ, бу “қўлолат”ларға жуда кам одам

ишонарди. Н.Чемберлен ҳануз Германия билан дунёни бўлиб олиш ва Совет Иттифоқига қарши салб юриши юшштириш тўғрисида яхшиликча келишиш мумкинлигига ишонарди.

1939 йил мартида Гитлер Германияси Чехословакиянинг ҳамма қисмини босиб олгандан кейин Чемберлен ҳукумати ташқи сиёсат ва ҳарбий соҳаларда баъзи тадбирларни кўришга (бир қанча мамлакатларнинг иттифоқчиси бўлишга тайёр эканлигини билдиришга, ҳарбий харажатларни оширишга, мажбурий ҳарбий таълимни жорий қилишга) мажбур бўлди.

1939 йил баҳорида Совет ҳукумати коллектив хавфсизлик системаси тузишни ҳамда бу ҳақда музокаралар бошлашни Англия ва Франция ҳукуматларига таклиф қилди. Мазкур ҳукуматлар бу таклифнинг халқаро таъсир кучини ва фашизмга ён бериш сиёсатидан меҳнаткашлар оммасининг норозилиги кучайиб бораётганлигини ҳисобга олишга мажбур бўлдилар. Олдин (март июлда) дипломатик йўл билан сиёсий музокаралар сўнгга (августда) Москвада ҳарбий музокаралар бўлиб ўтди. Айни бир вақтда Англия ва Франциянинг иғвоси натижасида Польшанинг ўша пайтдаги реакцион ҳукумати СССР билан ҳеч қандай битим тузмаслигини ва фашист агрессиясига қарши курашда совет қўшинларининг бошқа мамлакатларга ёрдам қилиши учун уларни Польша территориясидан ўтказмаслигини билдирди. Музокаралар натижасиз тугади. Шундан сўнг 1939 йил августда Германиянинг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқи Германия билан хужум қилишмаслик тўғрисида шартнома тузди.

Кескинлашиб бораётган халқаро аҳвол Англия, Франция ва АҚШ ҳукмрон доиралари умид қилганидек ривожланмади. 1939 йил 1 сентябрда Фашистлар Германияси Польшага хужум қилди. Шундан кейин Англия ва Франция ҳукуматлари халқ оммаси олдида узил-кесил шарманда бўлмаслик учун ва Германия дунёни қайтадан таъсир доираларига бўлиш тўғрисида Англия билан келишмай, Европа ва жаҳонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш йўлига бутунлай ўтиб кетганлиги учун 1939 йил 3 сентябрда Англия ва Франция, Германияга уруш эълон қилдилар.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Биринчи жаҳон урушининг Англия иқтисодиётига таъсири қандай бўлди?
2. Англияда 1-чи лейбористик ҳукумат қачон тузилди?
3. Англияда 1931 йилги ҳукумат инқирозининг келиб чиқиш сабабини айтинг?
4. Болдуин ва Чемберлин консерватив ҳукуматлари ташқи сиёсатда қандай йўл тутди?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Вестминстер низомини изоҳлаб беринг.
2. Англиянинг Мюнхен битимида иштирок этишидан мақсади нима эди?
3. Англия Польшага нега амалий ёрдам кўрсатмади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европў и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
10. Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.

3-МАВЗУ: 1918-1939 ЙИЛЛАРДА ФРАНЦИЯ.

Р Е Ж А :

1. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида Франция.
2. Капитализмнинг қисман стабиллашуви йилларида Франция.
3. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Франция.
4. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Франция.

Таянч тушунча ва иборалар: Биринчи жаҳон урушининг Франция учун иқтисодий ва сиёсий оқибатлари. Франциянинг Париж конференциясида ўтказган мавқеи. Францияда стабиллашувнинг ўзига хос хусусиятлари.

Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Франция мамлакат ичкарисида синфий зиддиятларнинг кескинлашуви. Халқ фронтининг юзага келиши. Парламентга сайловга Халқ Фронтининг ғалабаси. Халқ Фронтининг инқирози. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Франциянинг ташқи сиёсати. Даладье ҳукуматининг мюнхенчасига сиёсат юритиши ва унинг оқибатлари.

Дарснинг мақсади: Икки жаҳон уруши оралиғидаги йилларда Франциянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини, унинг сиёсий тузумини, ташқи сиёсатдаги мувафақиятсизликларини ёритиб беришдир.

1. Уруш 10 та саноат депортаментини ва кўпгина қишлоқ районларни бутунлай вайрон қилди. Урушда 1 миллион 400 минг киши ҳалок бўлди. Уруш харажатлари натижасида кўрилган зарарнинг умумий суммаси 200 миллиард франкка етди. Уруш сутхўр империализм мамлакати бўлган Франциянинг молиявий қувватига катта зарба берди. Франция АҚШ дан 4 миллиард доллар ва Англиядан 650 миллион фунт стерлинг қарздор бўлиб қолди. Франция шундай катта зарар эвазига ўз иттифоқчилари билан биргаликда Германия ва унинг устидан ғалаба қозонди. У Германиядан Эльзас-Лотарингияни қайтариб олди. Марокаш устидан протекторатини мустаҳкамлади; Туркия мустамлакалари бўлган Сурия ва Ливанни идора қилиш мандатини олди. Германиянинг Африкадаги мустамлакалари Того ва Камерунни Англия билан бўлишиб олди. Франция Европада ўз гегемонлигини ўрнатишга зўр бериб уринди. У 1919 йилги Париж конференциясида Саар областининг ўзига берилишини, Франция “ҳимоясида” Рейн автоном давлатини тузишни, Баварияга мустақиллик беришни, Польша территориясини кенгайтиришни талаб қилди. Франциянинг бундан кўзлаган мақсади Германияни анча заифлаштириш, Баварияни ўзига бўйсундириш ва Польшани кучайтириб,

ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш эди. Бироқ, бунга Англия ва АҚШ давлатлари рози бўлишмади. Конференция қарорига биноан, урушда кўп зарар кўрган Францияга Саар области тошкўмирини олиб туришга ижозат берилди, лекин унинг Германиядан оладиган репарация ҳиссаси тезда аниқланмади, кўп тортишувлардан кейин, 1920 йилга келиб у репарациянинг 52%ини (8 млрд олтин марка) олиш ҳукукига эга бўлди. Аммо Франция оладиган суммаси унинг АҚШдан олган қарзларидан оз эди. Шунга қарамасдан, урушдан кейинги йилларда Франциянинг жанубий ва ғарбий-жанубий томонларда янги саноат районлари пайдо бўлди. Вайрон бўлган жойлар тиклана бошлади. Ички бозор кенгайди. Эльзас-Лотарингиянинг Францияга қайтарилиши ва Саар кўмирини Францияга берилиши билан унда муҳим хом ашё манбалари вужудга келди. Металлургия, автомобиль, авиация, тўқимачилик ва химия саноатлари ривожланди. Эльзас ва Лотарингиянинг қўшиб олиниши натижасида француз металлургия саноатининг қуввати 1,5 марта ошди. Темир рудаси қазиб олиш бўйича Франция Европада биринчи ўринга чиқди. Саар кўмир хавзасидан фойдаланиш ҳукуки уни 15 йил давомида кўмир билан таъминлар эди. Ниҳоят, Германиядан олинган 8 миллиард марка товон пули саноатни технология жиҳатидан тўла қайта қуриш имконини берди. Айниқса, оғир саноат, ҳарбий саноат тараққий қилди. Ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси кучайди. Банк ва давлат аппарати билан боғлиқ бўлган гигант монополистик бирлашмалар (“200 оила”) кучайиб кетди. Француз банкининг роли ғоят ошди. Қудратли банклар пайдо бўлди, “Мирабо”, Ротшильдлар оиласи, ака-ука Лазарлар, Вормс, Малле ва бошқаларга қарашли энг йирик банклар ўз сармояларини кўпайтирдилар, натижада уларнинг мамлакат ҳаётига таъсири кучайди. Саноатнинг етакчи тармоқларида “Рено”, “Ситроен”, “Пежо”, “Симка” каби улкан компаниялар ташкил топди. Бунга жавобан Германия билан Россия 1922 йилда, Генуя конференцияси пайтида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида шартнома тузди. бу аҳдлашув кенг миқёсли иқтисодий муносабатлар ўрнатиш йўлини очар эди. Шундай қилиб, Германия биринчи бўлиб Россияни иқтисодий жиҳатдан қамал қилиш ҳақидаги келишувни бузди. Германия ва Россия ўртасидаги шартнома Генуя яқинидаги Ропалло деган жойда имзолангани учун шу ном билан аталди. У иккала мамлакатнинг ҳам халқаро мавқеини мустаҳкамлади. Лекин бошқа саноат тармоқлари, айниқса, енгил саноат орқада қолди ва 1939 йилгача урушдан олдинги даражага етолмади, майда саноат корхоналари эса аввалгидек кўп эди. Жаҳон микёсида Франция саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам бошқа бир қатор йирик капиталистик мамлакатлардан орқада қолди. Барча капиталистик мамлакатларнинг биргаликда олинган умумий саноат маҳсулотида Франциянинг ҳиссаси 1913 йилда 7,2% бўлса, 1937 йилда

5,1% ни ташкил қилди, холос. Уруш Франция қишлоқ хўжалигига оғир таъсир қилди. Аҳолининг анчагина қисми (1936 йилги маълумотида кўра 47,6%и) қишлоқ аҳолиси эди. Уруш деҳқонлар ўртасида табақаланишни кучайтирди, вайрон бўлган майда хўжаликлар ҳисобига катта ер эгаллиги ўсди, ер майдонинг кўп қисми ер эгалари қўлида тўпланди. 1917 йил ноябридан бери мамлакатни Клемансо бошлиқ радикаллар ҳукумати бошқариб келди. Радикаллар партияси майда ва ўрта буржуазияга таянувчи партия бўлиб, унинг лидери Клемансо монополияларнинг одами эди. У мамлакатда ярим ҳарбий-диктаторлик режимини ўрнатди. Кейинчалик, шароитга қараб Францияда турли буржуа партияларидан иборат “миллий блок” ва “сўл блок”лар тузилди. “Миллий блок” 1919 йилда революцион ҳаракат юксалиб бораётган шароитда ташкил топди. Энг реакцион буржуа партиялари Республикачилар федерацияси, Республикачи-демократик иттифок ва бошқа партиялар 1919 йил ноябрида навбатдаги парламент сайловларида ўта кетган реакционер Пуанкара ва Мильеран бошчилигида “Миллий блок” туздилар, ҳамда бунга радикаллар радикал-социалистлар партиясини ҳам жалб қилдилар. “Миллий блок”нинг мақсади революцион ҳаракатни бостириш, Германиянинг урушда мағлубиятга учраганлиги фактидан кўпроқ фойдаланиб, Европада Франция гегемонлигини ўрнатиш, мустамлакаларни янада кенгайтириш ва уларни талаш эди. “Миллий блок” майда ва ўрта буржуазия сайловчиларини революция хавфи билан кўрқитиб ва шовинистик кайфиятни кучайтириб, уларни анча чалғитди; Германия билан тузилган Версаль сулҳи Француз аҳолиси учун жуда манфаатли бўлади деб авради. “Миллий блок” сайловларда кўп овозга ва депутатлар палатаси мандатларининг 2/3 қисмига эга бўлиб, катта ғалабага эришди. 1920 йил январидан 1924 йил майигача мамлакатни “Миллий блок” ҳукумати (Мильеран, Лйег, Бриан, Пуанкара ҳукуматлари) бошқарди. Кўп ўтмай Мильеран президентлик лавозимини эгаллади. Антанта билан Германия ва унинг собиқ иттифокчилари бўлган Австрия, Болгария, Венгрия ва Туркия ўртасидаги сулҳ шартномаларининг ҳаммаси 1919-1920 йилларда Францияда Париж ёнидаги жойлар ва саройларда (Версаль, Сен-Жермен, Нейи, Трианон, Севрда) имзолаганди. Ушбу шартномаларда расмийлаштирилган халқаро муносабатлар системаси Версаль системаси номини олди. Франция Англия билан биргаликда 1919 йилги париш конференциясида ташкил топган халқаро ташкилот Миллатлар иттифокида етакчи роль уйнади. Германия билан Версаль сулҳ шартномасини тузишда Франция Европада гегемонлик позициясини эгаллашни ва Германияни анча заифлаштиришни мўлжаллаган эди. Аммо юқорида айтилганидек, Англия ва АҚШ бунга йўл қўймади. Шунга қарамай, Франция Эльзас-Лотарингияни Германиядан қайтариб

олишдан ташқари, Германия ва Туркия мустамлакалари ҳисобига ўз мустамлакаларини кенгайтирди, яқин Шарқда Туркия мустамлакаларидан Сурия ва Ливанни эгаллади. У Туркиянинг Ўрта Ер денгиз соҳилидаги Александреттани, Кликияни, Сурия чегараси яқинидаги бир қатор районларни босиб олди. Француз ҳарбий кемалари бошқа давлатларнинг ҳарбий кемалари билан бирга Истамбул ёнида, Дарданель ва Босфор бўғозларида сузиб юрди, Франция ҳам Туркияда ўз таъсир доирасини кенгайтиришни мўлжаллади. Лекин французлар турк халқининг жиддий қаршилигига учради. 1919 йилдаёқ Кликияда турк партизанлари француз босқинчиларига қарши чиқди. 1921 йил ёзида турк қўшинларининг инглиз-грек босқинчилари устидан қозонган ғалабаси Француз агрессорларини шошириб қўйди ва ўша йилнинг октябрида Туркия ҳукумати билан сепарат сулҳ шартномаси тузишга мажбур қилди. Кликиядан Француз қўшинлари олиб чиқиб кетилди. Кликия Туркия таркибига кирди. Александреттада Франция имтиёзлари чеклаб қўйилди. Туркия ҳукумати Сурияга яқин чегара районларига айрим ерларни Француз компаниясига концепцияга беришга рози бўлди. 1921 йилда Франция Польша билан, 1921-1922 йилларда Чехословакия, Югославия ва Руминия билан иттифоқчилик битимларини ва Франция таъсири остида кейинги уч давлатдан иборат бўлган иттифоқ тузди. Бу битимлар ва уч давлат иттифоқидан иборат бўлган Кичик Антантанинг тузилиши аввало Совет Россиясига, сўнгра Германияга қарши қаратилган ва Франциянинг Европада гегемонлик мақсадларига қаратилган эди. Ўз навбатида Европада, шу жумладан Болқонда гегемонлик қилиш учун уринаётган АҚШ, Англия ва Италия давлатлари билан Франция ўртасидаги зиддиятлар ҳам кучайиб борди. Тинч океан ва узоқ Шарқ районларида Франция билан АҚШ ва Англия ўртасидаги зиддият кучайди. 1923 йили Франциянинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида муҳим воқеалар бўлиб ўтди.

1922 йил ёзида Буюк Британия ва АҚШ томонидан қўллаб-қувватланган ҳамда Раполло шартномасидан руҳланган Германия ҳар йилги товоонни тўлашдан бош тортди. Бунга жавобан Франция, Бельгия ва Италиянинг қўллаб-қувватлаши билан 1923 йил январидан ўз қўшинларини Германиянинг оғир саноат маркази бўлган Рур областига ва Рейн вилоятининг бир қисмига киритиб, бу ерларни босиб олди. Аммо Франция ҳукмрон доираларининг режаси амалга ошмади. Германия ҳукумати даъвати билан Рур аҳолиси ишдан бош тортди. Францияга Рур кўмири бутунлай бормай қолди. Натижада чўян ва пўлат қуйиш кескин қисқарди. Француз франки курси тушиб кетди. Рурнинг босиб олинishi ички сиёсий инқироз ва халқаро муносабатлардаги чигалликлар билан якунланди. Рурнинг оккупация қилиниши ва Германияда революцион вазиятнинг етилиши АҚШ ва Англия давлатларини безовта қилди. Улар Европада ўз ролини ошириш учун

уринаётган эдилар. АҚШ ва унинг ҳимоясидаги немис буржуазияси ва хукмрон доиралари Франция олдида таслим бўлмади. Молия қийинчиликлари натижасида Франция АҚШдан қарз сўрашга мажбур бўлди. АҚШ қарз беришдан олдин Рурни бўшатиб чиқишни талаб қилди. Франциянинг империалистик агрессияси сиёсати ва Рур авантюраси шу тариқа мағлубият билан тугади.

2. 1924 йилдан бошлаб бошқа капиталистик мамлакатлардаги сингари Францияда ҳам стабиллашув бошланди. Урушда зарар кўрган мамлакат халқ хўжалигини тиклаш, машина ускуналарини янгилаш ва айрим стратегик аҳамиятга эга бўлган қурилишлар бошланди. 1924-1925 йилларда Франция саноат маҳсулоти урушдан олдинги даражадан узиб кета бошлади. 1925 йилда кўмир қазиб чиқариш урушдан илгариги даражага нисбатан 107 % га, пўлат эритиш бўйича 102 % га етди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг консетрациялашуви кучайди. Монополистларнинг фойдаси кўпайди. 1924 йил майида навбатдаги парламент сайлови арафасида радикал ва радикал-социалистлар партияси бошқа майда ва ўрта буржуа партияларидан (республикачи социалистлар, мўътадил антиклерикаллардан), социалистик партиядан иборат, “Сўл блок” тузди. Сўл иттифок ўз дастурида ижтимоий соҳада ижобий ўзгаришлар қилиш, Миллий иттифокнинг халққа қарши қаратилган тадбирларини бекор қилиш, Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, Германиядан қўшинларни олиб чиқиш ва у билан ярашиш, Англия ва АҚШ билан мустаҳкам алоқаларни тиклашни ваъда қилган эди. Сайловда бу блок ғалаба қозонди, “миллий блок” эса мағлубиятга учради. Мамлакатда “сўл блок”нинг Эдуард Эррио бошлиқ ҳукумати тузилди. “Сўл блок” мамлакатни 1924 йил июнидан 1925 йил апрелигача бошқарди. Аввал бошда Эдуард Эррио бошчилигидаги радикаллардан иборат тузилган сўл буржуа ҳукумати халқ оммасининг қатъий талабларини ҳисобга олиб, “сўл блок” программасининг баъзи моддаларини амалга оширишга мажбур бўлди. Чунончи, қисман сиёсий амнистия эълон қилинди, 1920 йилда иш ташлашда қатнашганлиги учун ишдан бўшатишган темир йўлчилар қайтадан ишга олинди, уй-жой қурилишига бир оз маблағ ажратилди. Рурдан француз қўшинлари олиб чиқилди, франкнинг қадрини ошириш мақсадида мажбурий заёмлар чиқариш тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламентга киритилди. 1924 йил октябрида ўнг партияларнинг қаршилигига қарамай Франция билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Лекин Эррио ҳукуматининг меҳнаткашларга баъзи ён беришлик сиёсати монополистик буржуазиянинг молия олигархиясига мутлақо ёкмади. Молия олигархияси франкни қадрсизланишидан манфаатдор эди. Сенат мажбурий заёмлар ҳақидаги лойиҳани рад этди. Бундай оммавий норозилик ва кураш шароитида социалистик партия “сўл блок”дан

чиқишга мажбур бўлди. “Сўл блок” тарқалиб кетди. 1925 йил апрелида Пуанкаре бошчилигида йирик буржуазиянинг “Миллий бирлик” ҳукумати тузилди. Ҳукуматда радикаллар иштирок этди. “Миллий бирлик” ҳукумати мамлакатни уч йил идора қилди. Ўнг социалистлар блокидан ташқарида бўлсада, Пуанкаре ҳукуматини қўллаб-қувватлади.

Пуанкаре инфляцияга қарши кураш, франкни барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашни ўз ички сиёсатининг муҳим вазифаси деб эълон қилди. Ҳукумат давлат харажатларини қисқартирди, янги солиқлар жорий этди ва саноат корхоналарига имтиёзлар берди. АҚШ ва Англиядан олинган йирик кредитлар ҳисобига франк курси барқарорлаштирилди. 1926 йилга келиб давлат даромадлари урушдан кейин биринчи марта харажатлардан ортиқ бўлди. Франк барқарор валютага айланди.

Валюта-молия муносабатларининг барқарорлашуви француз иқтисодиётининг умумий юксалиши бошланганидан далолат эди. Табиийки, бу урушдан кейинги инқирозни бартараф этган жаҳон иқтисодиёти равнақининг умумий жараёнлари билан ҳам узвий боғлиқ эди. 1925 йилда Франция саноати маҳсулоти ҳажми биринчи марта урушдан олдинги даражадан ортиқ бўлди. Орадан беш йил ўтгач, 1930 йилда Францияда урушлар оралиғидаги энг юксак саноат ишлаб чиқариши ва савдо ҳажми қайд этилди. Франция саноат тараққиёти суръатлари бўйича (йилига ўртача 5%) Англия ва Германияни ортида қолдириб, АҚШга яқинлашди. Ўнлаб янги йирик заводлар, электр станциялари, темир йўллар қурилди. 1924 йилдан 1929 йилгача мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш даври бўлди. Бу давр аҳоли турмушига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Нархлар барқарорлашиб, пулнинг кадрсизланиши барҳам топди. Бу эса ҳукуматга аҳолининг бир қатор қатламлари ижтимоий аҳволини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш имконини берди. 1926 йилда ишсизлик нафақаси жорий этилди, кексалик нафақаси, касаллик, ногиронлик ва ҳомиладорликда ёрдам пули бериладиган бўлди.

Ташқи сиёсатда Райлеон Пуанкаре ҳукумати мустамлакачилик тадбирларини кучайтирди. 1926-1927 йиллар Марокаш ва Суриядаги миллий озодлик ҳаракати ёвузларча бостирилди. Шовинистик ва фашистик ташкилотлар активлашди ва полковник Де Ля Рок бошчилигида 1927 йилда “жангавор крестлар” номли янги ҳарбий-фашистик ташкилот тузилди. (Петен ва Де Голл фашистик ташкилотнинг яширин аъзолари бўлганлар). Буржуа парламентаризмининг резиси кучайди. Монополистик буржуазия меҳнаткашлар оммасига қарши ўз позициясини мустаҳкамлаш учун курашди. Ўнг буржуа партиялари 1928 йил апрелида бўлган навбатдаги парламент сайловларида кўпчилик ўринни эгаллади. Сайловда кам ўринни эгаллаган радикаллар ҳукуматдан четлашиб борди ва оппозицияга ўтишга мажбур бўлдилар.

Пуанкаре ҳукумати таркибида ўта кетган реакционерлар мамлакатни идора қилди.

3. Франция 1929 йилда бошланган жаҳон иқтисодий кризисига кечроқ, 1930 йилдан кирди. Чунки бу мамлакатда жаҳон урушида хароб бўлган хўжаликни тиклаш стратегик қурилиш саноат машина ускуналарини янгилаш давом этмоқда эди. Кризис Францияда бир неча йилларга чўзилиб кетди ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқлари эса иккинчи жаҳон урушигача кризисдан қутила олмади, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қисқарди саноат маҳсулотининг учдан бири, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва ташқи савдонинг бешдан иккиси, Миллий даромаднинг учдан бири қисқариб кетди. Ишчиларнинг иш ҳақи 40% га камайтирилди. Ишчилар иш ҳақининг умумий фонди 23 млрд франкка камайиб кетди. Штрафлар олиш авжига чиқиб кетди. Ишлаб чиқариш тобора ихчамлаштирилиб, меҳнат жараёни жадаллаштирилди ва иш куни 10-12 соатга узайтирилди. Хотин-қизлар ва болалар ҳаддан ташқари эксплуатация қилинди. Нарх-наво кўтарилди. Эгри солиқлар ошди. Ишсизлар кўпайиб уларнинг сони 1,5 млн кишидан ошди, ишчиларнинг 50% бутунлай ва қисман ишсиз қолди.

4. Инқироз мамлакатдаги сиёсий беқарорликни кучайтирди ва ҳукуматдаги гуруҳлар ўртасидаги курашнинг авж олишига олиб келди. Фақат 1937 йилдагина Франция саноати ва ташқи савдоси инқироздан олдинги даражага қайтди, бироқ 1938 йилда янги таназзул бошланди ва у деярли иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар давом этди. Франция иқтисодий ривожланишнинг нормал ўзанига қайтиб туша олмади. Франциядаги сиёсий вазият кескин ўзгарди, кенг омманинг норозилиги кучайди. Бу, жумладан, француз буржуазиясининг анъанавий йирик партиялари обрўсининг тушишида акс этди. Маълумки, молиявий олигархия ва йирик саноат монополияларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи бу партиялар Францияда ҳокимият тепасига 1926 йилда келган эдилар. 1929 йил ноябридан 1932 йил майгача мамлакатда 8 ҳукумат алмашди.

1932 йил майидаги сайловлар Франция инқирознинг икки йили давомида сўлга қараб бурилганини кўрсатди. Сайловлар социалистлар ва радикал-социалистлар блокига ғалаба келтирди. Янги ҳукуматни яна Эдуард Эррио бошқарди. Депутатлар палатасидаги 594 ўриндан 386 тасини сўл блок вакиллари олиб, ўз дастурларини амалга ошириш имкониятини қўлга киритдилар. Бироқ, улар бу имкониятни бой бердилар. Ўнг доиралар сўл ҳукуматга қарши кучли ҳужумни авж олдирдилар ва бу ҳукуматнинг нормал фаолият кўрсатишига имкон бермади. Э.Эррио ҳукумати бор-йўғи 6 ой ишлаб, истеъфо беришга мажбур бўлди. 1932 йил декабридан 1934 йил январига қадар Францияда сўлларнинг 5 ҳукумати алмашди ва уларнинг ҳар бири уч

ойдан оз хукмронлик қилди. Уларнинг энг сўнггиси Эдуард Даладьё (1884-1970) ҳукумати бўлди.

Ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг оммавий революцион чиқишлари монополистик буржуазияни Лавал ва Тардьё ҳукуматларини (1931-1932) ғоят зўр ташвишга солди. Монополистик буржуазиянинг парламент методларидан кўра фашизмга мойиллиги ошиб борди. 1932-1933 йил июлларда “Француз бирдамлиги”, “францистлар” деган янги фашистик партия ва союз тузилди. Илгари тузилган “Жанговар крестлар”, “француз ҳаракати” каби фашист ташкилотлари активлашди. Бу ташкилотлар бир неча 10 минг (кейинроқ эса бир неча юз минг) аъзога эга бўлди, ҳамда тўп ва пулемётлар билан қуролланиб олдилар. Уларнинг ихтиёрида юздан ошиқ самолёт ҳам бор эди. Фашистик ташкилотларнинг бошлиқлари (Де Ля Рок) ва бошқалар Гитлер ва Муссолини билан алоқада бўлдилар. Бунинг устига, Франция хукмрон доиралари халқаро вазият кескинлашиб бораётганига ва Германиядан репарация олиш тўхтаганлигига қарамай, Герман фашизмини қўллаб-қувватладилар.

Гитлернинг ҳокимиятга келганидан руҳланган Франция йирик молия ва саноат сармоясининг ўнг доиралари Францияда ҳам фашистлар диктатурасини ўрнатишга уриндилар. Реакцион доиралар мамлакатни фашистлар тўнтаришига ва ҳокимиятни фашистлар эгаллашига руҳан тайёрлаш мақсадида оммавий тарғиботни авж олтирдилар. Бир вақтнинг ўзида буйруқ берилгани заҳоти ҳокимият учун курашни бошлашга тайёр кўп сонли фашистлар ташкилотлари ташкил қилинди. 1933 йил охирида фашистларнинг ташкилотлари ҳукуматда юзага келган инқирозни баҳона қилиб ҳокимиятни эгаллашга очик-ойдин тайёрлана бошладилар. 1934 йил 6 февралда, ҳукумат инқирози сиёсий инқирозга ўсиб ўтганидан сўнг, Парижда фашистлар исёни бошланди. Бир неча ўн минг қуролланган фашистлар кўчаларга чиқдилар ва Бурбонлар саройи, парламент биносига ёриб ўтишга уриндилар. Ҳукуматнинг бепарволигидан фойдаланиб, фашистлар почта, телеграф, вокзаллар ва Елисей даласидаги Мурса майдонига ҳужум қила бошладилар.

Ҳукуматнинг фаолиятсизлигини кўриб, Франция пойтахтининг турли туманларида юз минглаб ишчилар кўчаларга чиқдилар. Германия фожиясининг Францияда такрорланишини истамаган одамларнинг барчаси оёққа турди. Бундай оммавий намоёишлар мамлакатнинг Марсел, Лион, Руан, Нант, Нанси ва бошқа шаҳарларида бўлиб ўтди.

Мамлакат меҳнаткашлари Франция тарихидаги энг муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Фашистлар миллат демократик кучлари фронти олдида чекинишга мажбур бўлдилар. Бироқ, кураш шу билан тугамади. Реакцион ва консерватив кучлар ҳокимиятни худди Германиядаги сингари сиёсий найранглар йўли билан эгаллашга қарор

қилдилар. 1934 йил 7 февралда Э.Даладьё ўзига ишонч билдирганига қарамай истеъфо берди. Бош вазир қилиб фашизмнинг очик тарафдори бўлган Гастон Думерг (1863-1937) тайинланди.

Франция меҳнаткашлари фашистлар тўнтариши муаллифлари режасини барбод қилдилар. Ҳокимият тепасига Думерг келгани тўғрисидаги хабар тарқалгани ҳамон яна исёнчи ва ишчилар ўртасида ашаддий жанглар бошланди. Бутун Парижда, ҳар бир туманда, Франциянинг ҳамма ерида ишчилар фашистларни ҳокимиятга қўймаслик шашти билан ёндилар. мамлакатда демократия ва Франция озодлиги учун курашувчиларнинг умумий фронти вужудга кела бошлади.

Намойишлар тақиқланганига қарамай, 9 февраль кечкурун 50 минг парижлик фашистларга қарши намойишга чиқди. Шаҳарда полиция ва ишчилар ўртасида ҳақиқий кўча жанглари авж олди. Париж касалхоналари ярадорлар билан тўлиб-тошди. Ишчилар ҳукумат фашистлар томонида эканига ишонч ҳосил қилдилар, зеро, унинг буйруғига кўра полиция ва қўшинлар де ля Рок бандаларига қарши эмас, Париж меҳнаткашларига қарши чиқдилар. 1934 йил 9 февралда Париж ва бошқа шаҳарларда антифашист кучларининг катта намойишлари бўлиб, полиция билан тўқнашувлар юз берди бир неча киши ҳалок бўлди.

12 февралда бутун Францияда умумий иш ташлаш бошланди. Унда 4,5 млн. киши қатнашди. Шу куни Францияда фашистларга тарафдор реакцион кучлар томонидан тайёрланган давлат тўнтариши барбод бўлгани ойдинлашди. Фашизм Францияда ғалабага эришолмади.

Февраль воқеалари сўл кучларнинг фашизмга қарши курашга, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун бирлашишларига кучли туртки берди.

1936 йил январида Халқ Фронтининг дастури эълон қилинди. Уни ишлаб чиқишда мамлакат демократик кучларининг вакиллари иштирок этдилар. Дастур фашистларга қарши демократик хусусиятга эга эди. Барча фашистларнинг ташкилотларини қуролсизлантириш ва тарқатиш талабидан ташқари, у кенг халқ оммасининг аҳволини яхшилаш - иш ҳафтасини қисқартириш, ишсизларга ёрдам кўрсатиш миллий жамғармасини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қатъий нархларни белгилашни кўзда тутувчи дастурни ҳам илгари сурадди.

1936 йил баҳорида Францияда депутатлар палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Халқ фронти партиялари биргаликда, умумий дастур асосида иштирок этдилар. Сайловларда Халқ фронти умумий ҳисобда 57% овоз тўплаб, ғолиб чиқди.

Халқ фронти ҳукумати Социалистик партия етакчиси Леон Блюм (1872-1950) раҳбарлигида Францияда инқирознинг янги босқичи

бошланаётган бир пайтда иш бошлади. Шунга қарамай, у ўз дастурини амалга ошириш ва берган ваъдаларини бажариш борасида жуда катта ишларни амалга оширди. 1936 йил ёзи давомида парламент Халқ фронти дастурига мос келувчи 100 дан ортиқ қонунларни қабул қилди. Фашистларнинг ташкилотлари тақиқланди. Ўз ваъдаларига мувофиқ, ҳукумат парламент орқали учта қонунни ўтказди: 40 соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги қонун ва жамоавий шартномалар тўғрисидаги қонун. Хизматчиларнинг маошлари ва нафақалар оширилди. Ишсизлик бўйича нафақага солиқ солинишига барҳам берилди. Ишсизлар учун жамоат ишлари ташкил қилина бошланди.

1934 йил февраль воқеалари фашизм хавфининг кучайганлигини, шу билан бирга, фашизмга қарши демократия томонининг катта кучга эга эканлигини, бирдамлик билан чиқишнинг ғоят муҳим аҳамиятини кўрсатди ва бирлашган фронт тузиш учун замин яратди. Фашизм енгилган бўлсада, лекин унинг хавфи батамом йўқолмаган эди. Германия ва Италия фашистлари эса кенг агрессияга зўр бериб тайёрланмоқда эди. Шунга қарамай, Думерг ҳукумати, хавфсизлик тадбирларини кўрмади. Ҳукуматнинг айрим аъзолари масалан, ташқи ишлар министри Луи Бартунинг эҳтиёткорлик чораларини кўриш ҳақидаги таклифлари маъқулланмади. Барту Германия фашизми хавфига қарши бўлган буржуа номаёндаси эди. У 1934 йил баҳорида марказий ва Жанубий Шарқий Европа мамлакатларини айланиб чиқди, ҳамда фашизм агрессияси хавфига қарши бир қанча давлатлар иттифоқини тузиш ғояларини илгари сурди. Лекин ўша йили октябрь ойида Барту Франция ҳукумат доираларининг паноҳидаги Гитлерчи агентлар ва Харват фашист террорчилари томонидан ўлдирилди. Ишчилар оммаси талабларининг ва социалистик партиядан бирлашган фронт тарафдорларининг кўпайиб бораётганини назарда тутиб социалистик партия раҳбарлари коммунистик партия таклифини қабул қилишга мажбур бўлдилар. 1934 йил 27 июлда коммунистик партия билан социалистик партия ўртасида фашизм хавфига қарши курашда биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида аҳднома тузилди. Бу ишчилар синфининг катта ғалабаси эди. 1935 йил майида Франция коммунистик партиясининг ташаббуси билан сўл партия ва группаларининг кенгаши ўтказилиб, фашизм ва янги жаҳон уруши хавфига қарши халқ фронти тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1935 йил 14 июлда, миллий байрам куни 2 млндан ортиқ киши кўчаларга чиқиб намоёйиш қилди. Парижда 500 мингдан ортиқ киши митинг ўтказди ва фашистларнинг ҳокимият тепасига келишларига йўл қўймаслик, тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш учун кураш олиб боришга қасамёд қилдилар. Шундай қилиб, 1934-1936 йилларда кенг халқ оммаси - ишчилар, деҳқонлар, шаҳар майда буржуазия, меҳнаткаш зиёлиларнинг антифашистик халқ фронти вужудга келди.

1936 йил январида Халқ фронтининг дастури эълон қилинди. Уни ишлаб чиқишда мамлакат демократик кучларининг вакиллари иштирок этдилар. Дастур фашистларга қарши демократик хусусиятга эга эди. Барча фашистларнинг ташкилотларини қуролсизлантириш ва тарқатиш талабидан ташқари, у кенг халқ оммасининг аҳволини яхшилаш - иш ҳафтасини қисқартириш, ишсизларга ёрдам кўрсатиш миллий жамғармасини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қатъий нархларни белгилашни кўзда тутувчи дастурни ҳам илгари суларди.

1936 йил баҳорида Францияда депутатлар палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Халқ fronti партиялари биргаликда, умумий дастур асосида иштирок этдилар. Сайловларда Халқ fronti умумий ҳисобда 57% овоз тўплаб, ғолиб чиқди.

Халқ fronti ҳукумати Социалистик партия етакчиси Леон Блюм (1872-1950) раҳбарлигида Францияда инқирознинг янги босқичи бошланаётган бир пайтда иш бошлади. Шунга қарамай, у ўз дастурини амалга ошириш ва берган ваъдаларини бажариш борасида жуда катта ишларни амалга оширди. 1936 йил ёзи давомида парламент Халқ fronti дастурига мос келувчи 100 дан ортиқ қонунларни қабул қилди. Фашистларнинг ташкилотлари тақиқланди. Ўз ваъдаларига мувофиқ, ҳукумат парламент орқали учта қонунни ўтказди: 40 соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги қонун, икки ҳафталик ҳақ тўланувчи таътиллار тўғрисидаги қонун ва жамоавий шартномалар тўғрисидаги қонун. Хизматчиларнинг маошлари ва нафақалар оширилди. Ишсизлик бўйича нафақага солиқ солинишига барҳам берилди. Ишсизлар учун жамоат ишлари ташкил қилина бошланди.

Аҳолининг ўрта табақалари аҳволи ҳам яхшиланди. Ҳукумат саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг қарз тўлаш муҳлатларини кечиктирди ва бу билан минглаб майда ишлаб чиқарувчиларни касодга учрашдан асраб қолди. Майда корхоналардан олинувчи солиқлар миқдори камайтирилди, йирик корхоналардан олинувчи солиқлар эса оширилди. Франция банки ва қатор ҳарбий заводлар давлат тасарруфига ўтди. 1937 йилда Темир йўллар миллий жамияти тузилиб, унинг қўл остига мамлакатдаги барча темир йўллар ўтказилди. Европанинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби, Францияда ҳам иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш жорий қилина бошланди.

Халқ fronti ҳукумати ўз қонунларини амалга тадбиқ этишда жуда катта қийинчиликларга тўқнаш келди. Давлатда пул йўқ, демакки, тадбиркорларни қабул қилинган қонунларни бажаришга мажбур қилиш учун маблағ ҳам йўқ эди. Ҳукумат нисбатан онгли йўлни танлади - у Франция валютаси бўлган франкни француз халқининг барча ижтимоий ютуқларини йўққа чиқарган ҳолда 30% га девалвация қилди.

1937 йил феввалида Л.Блюм мамлакатнинг оғир моддий аҳволини баҳона қилиб, Халқ fronti дастурини бажаришда танаффус эълон қилиш таклифини киритди. У куч тўплаб, сўнг ютуқларни мустаҳкамлаш учун “нафас ростлаш” лозимлигини уқтирди. Бу аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. 1937 йил июнида Блюм истеъфо берди.

Реакцион кучлар Халқ fronti ҳукуматига қарши очик ҳужум бошладилар, унинг фаолиятини халққа қарши йўналтиришга уриндилар. Улар давлатнинг ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларини қисқартиришга эришдилар, ҳукуматнинг моддий аҳволини оғирлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширдилар. Ҳукумат тамаки маҳсулотлари, гугурт, спиртли ичимликлар, почта-телеграф ва темир йўл ташувларига янги солиқлар белгилашга мажбур бўлди. Халқ фронтининг янги ҳукумати - Шотан ҳукумати янги девалвацияни амалга оширди. Икки девалвация натижасида Францияда яшашнинг қиймати 1936 йил майдан 1937 йил декабргача 40% қимматлашди.

Халқ fronti обрўсизланди. Унинг сафларида парчаланиш юз берди. Эдуард Даладье бошчилигидаги гуруҳ Халқ fronti партиялари билан орани узиш ва ўнг реакцион партияларга таянган ҳолда бир партияли ҳукуматни тузишни талаб қилди. Эдуард Эррио бошчилигидаги иккинчи гуруҳ эса Халқ fronti дастурига содиқ қолди. Радикал-социалистларнинг 1938 йил октябрида Марселда бўлиб ўтган съездида Халқ фронтдан ажралиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Франциянинг халқ fronti парчalandи.

Халқ фронтининг парчаланиши реакцион кучларга йўл очди. 1938 йил 10 апрелдан 1940 йил 18 майгача ҳокимиятни бошқарган Э.Даладье ҳукумати давридаёқ Франция меҳнаткашлари учун Халқ fronti ҳукумати жорий қилган имтиёзларга барҳам берилди. Барча маҳсулот ва хизмат турларига солиқлар оширилди. Тадбиркорлар оз миқдорда ҳақ тўлаган ҳолда хизмат вақтидан ташқари ишларни жорий қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Иш ҳафтаси 5 кундан 6 кунга узайтирилди. Ижтимоий ҳимоя солиқлар миқдори 13 баравар оширилди, йирик корхоналарга солинувчи солиқлар эса камайтирилди.

Мамлакат меҳнаткашлари бунга оммавий намойишлар билан жавоб бердилар. 1938 йил 30 ноябрда Францияда умумий иш ташлаш бошланди. Ҳукумат қўшинларни сафарбар қилди, аскарларга жанговар ўқлар тарқатилди. Ҳукумат ва тадбиркорлар биргаликдаги ҳаракатлари билан иш ташловчилардан шафқатсиз ўч олдилар. Кўплаб заводлар ёпилди, 1,5 млн. киши ишдан бўшатилади, минглаб ишчилар қамоққа олиндилар.

Э.Даладье ҳукумати “миллий хиёнат” ҳукуматига айланди. Остонада эса душман - биринчи имконият туғилгандаёқ Францияни

босиб олиш ниятини ҳеч кимдан яширмаган фашистлар Германияси турарди.

Хиёнат, хўрланиш ва мағлубиятлар йўли Франция ташқи сиёсатини бу даврда Франция йирик сармояси билан яқин алоқада бўлган реакцион ва фашистларга тарафдор қарашларини ҳеч кимдан яширмаган давлат ва сиёсат арбоблари белгиладилар. Булар 1931 йил январдан 1932 йил февралгача, 1935 йил июндан 1936 йил январгача Франция Бош вазирлиги бўлган П.Лавал, 1934 йил октябрдан 1936 йил январгача ташқи ишлар вазирлиги лавозимида ишлаган П.Тардье, Э.Даладье, Ж.Боне, А.Сарро ва бошқалар эдилар. Франциянинг Европада гегемонлиги қарор топишига ишончи йўқолган бу давлат ва сиёсат арбоблари Германия ва Италия фашистлари билан тил бириктириш йўлига тушдилар, шу тахлит улар билан тўқнашишдан қутулиб қолишга умид қилдилар. Улар мудоаага асосланган уруш ғоясини илгари сурдилар.

Германияда фашистларнинг ҳокимиятга келиши, 1934 йил февраль воқеалари ва халқ фронтининг 1936 йилдаги муваффақиятлари реакцион қарашларни янада мустаҳкамлади ва фашистларни ва фаол ҳаракатлар бошлашга даъват этди. Уларнинг миллатга қарши қарашлари давлатнинг расмий сиёсати даражасига кўтарилди. Франция ташқи сиёсатининг асосий концепцияси фаоллигини Шарққа йўналтириш Франция дипломатиясининг бош мақсадига айланди. 1940 йилда Франция бу сиёсати учун ҳарбий мағлубият ва миллий мустақилликни бой бериш билан ҳақ тўлади.

Франция ҳукумрон доираларининг бир қисми фашистлар Германиясини Франциядаги мавжуд тузумни сақлаб қолишнинг кафолати деб ҳисобладилар. Бундай сиёсатчиларни коллаборационистлар деб номладилар, улар Гитлернинг ташқи сиёсатини амалга ошириши учун йўл очиб бердилар.

1933 йил июнида Франция дипломатияси фашистлар билан келишувга борди. 1933 йил 7 июнда Англия, Франция Италия ва Германия ўртасида “Тўртлар битими” имзоланди. У кучга кирмади, бироқ Франция ташқи сиёсатининг моҳиятини очиқ кўрсатди. 1934 йил октябрида Франция бош вазирлигига П.Лавал тайинланди. У икки ёқлама ўйин олиб борди, яъни фашистларнинг давлатлари эътиборини жалб қилиш мақсадида ўзини гўёки Совет Иттифоқи билан яқинлашмоқчидек қилиб кўрсатди. 1935 йил 2 майда ўзаро ёрдам тўғрисидаги совет-француз битими имзоланди. Унга қадар Франция дипломатлари “Франциянинг Германия билан тўла ва узил-кесил келишиши учун зарур бўлса” совет-француз битимидан воз кечишга тайёргарликларини айтиб, Германия билан тил топишга роса уриндилар. Гитлер рад жавоб берди.

1936 йил мартида Гитлер қўшинлари ҳарбийсизлаштирилган Рейн худудига кирди. Бу билан Гитлер Францияни очик-ойдин майдонга чақирди. Версаль битимининг 42- ва 43-моддалари бузилганига қарамай, Франция чекинди, фашистлар Германиясининг биринчи тажовузкор ҳаракатига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади. Коллаборационистлар Гитлер тузумига қарши зарба меҳнаткаш оммани инқилобга руҳлантиради, ватанпарварлик туйғуларини ошириб, фашизмга қарши курашнинг кучайишига олиб келади, деб кўрқдилар.

1936 йил июлида Гитлер Австрияни ҳам босиб олди. Франция ўзининг сўнгги иттифоқчисидан айрилди. 1936 йил 27 апрелда Белгия ўзини бетараф деб эълон қилди, яъни Франциянинг шарқий чегараларини қўриқловчи Рейн битимининг кафолатчиси бўлишдан бош тортди.

Рейн воқеаларидан кўп ўтмай, 1936 йил июлида, Испанияда фуқаролар уруши бошланиб, Германия ва Италия фашистлари исёнчиларга очик-ойдин ёрдам бера бошлаганларидан сўнг, Франция Испания ишларига ўзининг аралашмаслигини эълон қилди ва Испания республикачиларига қурол-яроғ сотишни ман этди. Франция ҳукумати Гитлернинг малайига айланди. 1938 йилда Гитлер янги қурбон - Чехословакияни талаб қилди. Франция Бош вазири Э.Даладье Чехословакия ҳукуматининг фикрини суриштирмай Судетни Германияга беришга розилик билдирди.

1938 йил 4 октябрда Франция Миллий Мажлиси шармандали Мюнхен битимини ратификация қилди ва бу мамлакатнинг фашистлар Германияси билан тил бириктириш йўлига очик-ойдин тушганини тасдиқлади.

Мюнхен битими ратификация қилинган, Франция коллаборационистлари ниҳоят енгил тин олдилар. Улар Гитлерга Шарқ томон йўл очдилар. Энди Германиядан “келишув” тўғрисида сўраш мумкин эди. Германия рози бўлди ва Мюнхен битимидан икки ой ўтиб, 1938 йил 6 декабрда Парижда Франция ташқи ишлар вазири Ж.Боне ва Германия ташқи ишлар вазири И.Риббентроп ўзаро хужум қилмаслик тўғрисидаги битимдан умуман фарқ қилмаган қўшма декларацияни имзоладилар.

1938 йил 16 ноябрда Даладье Франциянинг мустамлака масаласи асло ён бермаслигини очикдан-очик айтди. Даладье ҳукумати Германиясининг агрессиясини шарққа қаратишга уринди. 1938 йил 6 декабрда ўзаро хужум қилмаслик тўғрисида Франция-Германия декларацияси имзоланди. 1939 йил март август ойларида олиб борилган музокоралар Франция ва Англия ҳукуматларининг айби билан натижа бермади. Франция ҳукмрон доираларининг сиёсати ҳам иккинчи жаҳон урушининг бошланишини тезлаштирди.

Назорат топшириқлари:

1. Биринчи жаҳон уруши Франция иқтисодиётига қандай таъсир қилди?
2. “Миллий блок” ҳукуматининг ўз олдида қўйган дастури нималардан иборат эди?
3. “Сўл блок” ҳукумати қачон ҳокимият тепасига келди?
4. Францияда 1934 йилги февраль воқеаларининг сабабини айтинг?
5. Францияда антифашистик Халқ фронти ҳукумати қачон ҳокимият тепасига келди?
6. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Франция ҳукумати ташқи сиёсатининг моҳиятини айтинг?

Мустақил иш топшириқлари.

- 1.»Миллий блок» ва «сўл блок» ҳукуматларининг моҳиятини тушунтиринг?
- 2.Франциянинг Мюнхен битимида иштирокнинг мақсади нима эди?
- 3.Франция иттифоқчи сифатида нега Польшага амалий ёрдам кўрсатмади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европў и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европў и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европў и США после второй мировой войнў (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европў и судьбў освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европў и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
- 10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.
11. Смирнов В.П. Новейшая история Франции. М., 1979.
- 12.История Франции. Под.рук. А.З.Манфреда в 3-х томах. М., Наука, 1972-1973.

4-МАВЗУ: 1918-1939 ЙИЛЛАРДА ГЕРМАНИЯ.

Р Е Ж А :

1. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида Германия.
2. Капитализмнинг қисман стабиллашуви йилларида Германия.
3. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Германия. Фашистик диктатуранинг ўрнатилиши.
4. 1933-1939 йилларда фашистик диктатура даврида Германия.

Таянч тушунча ва иборалар: Урушнинг охирида Германиядаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият. Германиянинг Антанта олдида таслим бўлиши. Уруш келтирган зарарлар. Версаль сулҳ шартномаси. Фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши. Фашизмнинг ички ва ташқи сиёсати. Германиянинг Миллатлар Иттифоқидан чиқиши ва Версаль системасининг емирилиши. Австриянинг босиб олиниши. Чехословакия парчалаб юборилиши. 1939 йил 23 август Совет Герман шартномаси ва унинг яшин протоколлари.

Дарсининг мақсади: Икки жаҳон уруши оралиғидаги даврда Германиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, Биринчи жаҳон урушининг бошланишида бош айбдорлардан эканлиги, фашизмнинг ҳокимият тепасига келишини ва унинг иккинчи жаҳон урушини тайёрлашдаги ҳиссасини, уруш арафасидаги ташқи сиёсати ҳамда Польшага ҳужум қилиб иккинчи жаҳон урушини бошлаб берганлигини тушунтириб бериш.

1. Биринчи жаҳон уруши арафасида Германия энг кучли империалистик мамлакатлардан бири эди. Саноат тараққиёти соҳасида Германия, Англия ва Франциядан ўзиб кетган мамлакат эди.

Германия империализми ўтакетган реакцион, йиртқич ва босқинчи империализм бўлиб, биринчи жаҳон урушининг энг асосий айбдорлардан бири ҳисобланади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ишлаб чиқариш ҳамда капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви, монополияларнинг ўсиши тезлашди. Уруш пайтида йирик немис концернлари, олий рутбали ҳарбийлар ва Кайзернинг яқинлари бойиб кетдилар. Фақатгина Крупп концернининг даромади 15 марта ошди.

Германиянинг йирик бизнеси урушдан катта фойда олди, мамлакатдаги қудратли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий кучга айланди. Ҳарбий буюртмалар ва ҳарбий ишлаб чиқаришдаги чайқовчилик амаллари немис монополистларини ниҳоятда бойитиб юборди, уларнинг сафларини кенгайтириб, ҳукумат сиёсатига таъсирини кучайтирди.

Майда ва ўрта корхоналар тобора вайрон бўлди. Монополистик капитал давлат-монополистик капиталига айланди. У молия олигархияси билан бирлашиб кетиб давлат аппаратини ўзига буйсиндира борди. Иқтисодий ва сиёсий тизимда ҳали феодализм қолдиқлари бор эди. Давлат тузуми эса ярим абсалют монархиядан иборат эди. Капиталистик эксплуатация зулмининг ярим феодализм формалари (ерни ижарага олганлик эвазига ишлаб бериш-рентаси, “Хизматкорлар ҳақида ярим крепостнойлик қонуни) билан қўшилиб кетган эди.

Ишчилар синфи мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил этар эди. 1920 йилда Германияда ёлланган ишчи кучлари сони 19,5 миллион киши бўлиб, шундай 13 миллион киши саноат, савдо ва транспортда 3,8 миллион киши қишлоқ хўжалигида ишлар эди. Биринчи жаҳон уруши мамлакатда катта зарар, халқ оммасига оғир кулфатлар келтирди. Иқтисодий ва сиёсий зулм кучайди. Саноат корхоналарида ҳарбий каторга режими ўрнатилди. Иш соатлари оширилиб иш ҳақи пасайтирилди. Қишлоқ хўжалиги чуқур кризисга учради. Экин майдонларининг яримидан ортиғи қисқарди. Кўп саноат марказлари вайрон бўлди. Молиявий аҳволи ёмонлашиб давлат қарзи кўпайди. Очлик ва эпидемия натижасида 900 мингдан ортиқ киши ўлди. Урушда 1 миллион 800 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди, 1 миллион 500 минг киши майиб мажруҳ бўлиб қолди.

1918 йил августида Антанта ғарбий фронтда ҳужумга ўтди. Германия ва унинг иттифоқчилари жиддий мағлубиятга учради. 1918 йил кузида Туркия, Болгария, Австрия-Венгрия бирин-кетин Антантага таслим бўлди.

Фронтлардаги ҳарбий ҳолат сиёсий кризисни чуқурлаштириб юборди. Германия империализмини қутқариб қолишга интилган АҚШ президенти Вильсоннинг маслаҳати билан 1918 йил 3 октябрда социал партия ўнг қанотининг вакиллари билан (Шейдеман ва Бауэр) иштирокида шахзода Макс Баденский бошчилигида янги, коалицион ҳукумат тузилди. Лекин ҳукумат ўзгариши ички сиёсий аҳволни енгиллаштира олмади. Меҳнаткашлар оммасини инқилобий чиқишлари кучайиб, Вильгелм 11 нинг монархия ҳокимиятини йўқотиш катъий талаб қилинмоқда эди.

1918 йил 3 ноябрда Килда ҳарбий флот матросларининг кўзғолони бўлиб, Германияда инқилоб бошланиб кетди. Кил шаҳри кўзғолончилар қўлига ўтди. Инқилоб бир ҳафта ичидаёқ мамлакатнинг шимолий, марказий ва жанубий томонларига ёйилди. Айниқса, пойтахт Берлинда инқилоб авж олди. Бу ерда спартакчиларнинг чақириғи билан 9 ноябрда умумий иш ташлаш бошланди ва қурулти кўзғолон кўтарилди. Солдатларнинг бир қисми кўзғолончиларни қўллаб-қувватлади. Стратегик пунктлар ишғол қилинди. Монархия ҳокимияти ағдарилиб ташланди. император Вильгелм 11 Голландияга қочди.

10 ноябрда Берлин Советининг биринчи пленуми янги ҳукуматни “Халқ вакиллари Совети”ни тузди. Пленумда кўпчилик социал-демократлараро ва “мустақил” социал-демократлар бўлганлигидан, бу ҳукумат социал-демократик ҳукумат эди.

Эберт ва Шейдеманлар ҳукумат бошлиқлари бўлиб олдилар ва ҳукуматни “Соф социалистик ҳукумат” деб атадилар. “Топилмас мутахассислар” баҳонаси билан ҳукуматга буржуа амалдорлари бир қанча собиқ министрлар ҳам киритилди. Бу ҳукумат аслида буржуа юнкерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи буржуа ҳукумати эди.

1918 йил 12 ноябрда Германия билан Антанта ўртасида Германиянинг батамом таслим бўлиши тўғрисида яраш битим имзоланди. 1918 йилнинг 16-21-декабрида Советларнинг биринчи умумий Германия съезди бўлиб ўтди. Съездда ўнг социал-демократлар ва “Мустақил” социал-демократлар кўпчиликини (485 кишидан 375 киши) ташкил этди. Съезд бутун ҳокимиятни Эберт ҳукумати қўлида қолдириш ва Таъсис мажлисига сайловлар ўтказиш тўғрисида қабул қилди.

1919 йил 19 январда Миллий таъсис мажлисига сайловлар ўтказилди. Кўпчилик ўринни буржуа партиялари “Христиан демократик партия”, “католик” “Марказ” партия, савдо-саноат буржуазия партияси бўлган “Демократик партия” саноат ва молия магнатлари партияси бўлган “Халқ партияси” ва бошқа партиялар эгаллади.

1919 йил 6 февралда кичик Веймар шаҳрида Таъсис Мажлиси очилди шу куни ўнг социал-демократлар қўлида бўлган ишчи ва солдат депутатлари марказий Совети ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини Таъсис Мажлисига топширди. Германия ишчи демократлари советлари батамом тугатилди. Шейдеман бошчилигида социал демократлардан, демократик ва католик партиялари вакилларида иборат янги ҳукумат тузилди. Эберт президент қилиб сайланди.

1919 йил 31 июлда Миллий мажлис томонидан қабул қилинган конституцияга (Веймар конституцияси) мувофиқ Буржуа парламенти формасидаги буржуа республикаси қарор топди. Буржуа-юнкерлар иттифоқида раҳбарлик буржуазия қўлига ўтди. Конституцияга мувофиқ, федератив тузум сақланганлиги ҳолда, марказий ҳокимият кучайтирилди. марказий ҳокимият - рейхстаг (қонун чиқарувчи орган - қуйи палата), рейхсрат (Ўлкалар вакиллари Совети-юқори палата) ва президентдан иборат бўлиб, президентга катта ҳуқуқлар берилди ва унинг ваколати етти йил қилиб белгиланди.

Икки палатадан иборат бўлган қонун чиқарувчи ҳокимият таъсис этилди. Қуйи палата - Рейхстаг ялпи овоз бериш йўли билан сайланар, юқори палата - Рейхсрат ўлка ва вилоятлар вакилларида иборат бўлар эди.

Рейхсрат вето ҳуқуқига эга бўлган назорат органи эди. Ижроия ҳокимияти раҳбари - президентга фавқулодда кенг ваколатлар

берилганди. У мамлакат қуролли кучлари Рейхсвернинг бош қўмондони ҳисобланар, чет элларда давлат номидан фаолият олиб борар, вазирлар ва канцлерни тайинлар ва ишдан бўшатар эди. У рейхстагни тарқатиб юбориш ва янги сайловлар белгилаш ҳуқуқига ҳам эга эди.

Конституциянинг 48-моддаси президентга фавқулодда декретлар чиқариш, яъни мамлакатни декретлар воситасида бошқариш, мажбурлаш чораларини қўллаш, конституциянинг муҳим моддалари амалиётини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини берар эди. Амалда ижроия ҳокимияти диктатура ўрнатиш учун конституциявий асосларни қўлга киритганди. Президент ваколатлари уни қонун чиқарувчи ҳокимиятдан юксакка қўйган, у рейхстагга ҳам боғлиқ эмас эди, чунки ялпи овоз бериш йўли билан 7 йилга сайланарди.

Веймар конституцияси давлатдаги раҳбарлик роли буржуазияга ўтганлигидан далолат эди. Аммо йирик ер эгалари - помещиклар ҳам ўзларининг кучли мавқеларини сақлаб қолгандилар. Германияда эълон қилинган буржуа-демократик республикаси буржуазия сиёсий ҳукмронлигининг энг тўлиқ шакли эди. Веймар конституцияси буржуазиянинг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатган бўлса-да, Германия демократик кучларининг ҳам муҳим ютуғи бўлди.

Социал-демократик партия рейхстагда кўпчилик ўринга эга бўлмаса ҳам, Германия ҳукмрон доиралари ҳокимиятни социал-демократлар қўлига топширишга қарор қилдилар. Германия социал-демократик партияси (ГСДП) раиси Фридрих Эберт мамлакат президенти қилиб сайланди, партия бошқаруви аъзоси Филипп Шейдеман эса канцлер этиб тайинланди.

Республика қурилиш муҳокамаси давом этаётган бир пайтда социал-демократлар бошчилигидаги ҳукумат икки муҳим қадам қўйди. Дастлаб бавария совет республикаси тор-мор қилинди. Бу воқеа 1919 йил 1 майда рўй берди. Сўнгра янги ҳукумат вакиллари Парижда Версаль тинчлик шартномасини имзоладилар. 1919 йил 28 июнда Версалда Германия билан Антанта ўртасида тузилган сулҳ шартномаси мамлакатнинг иқтисодий аҳволини янада ёмонлаштириб юборди.

Версаль сулҳининг ижодчилари аввало АҚШ, сўнгра Англия ва Франция давлатлари эди. Шу сулҳ шартномасига мувофиқ Германия ўз мустамлакаларидан ва европадаги ерларининг 8 дан бир қисмидан масалан (Познань, Силезиянинг бир қисми, Эльзас, Лотаренгия ва бошқалардан) маҳрум бўлди. Данциг (Гданск) ўша вақтда таъсис этилган Миллатлар иттифоқи ихтиёрида (эркин шаҳар) деб аталди. Польша қаридори туфайли шарқий Пруссия Германиянинг марказий районларидан ажратиб қўйилган, Польшанинг бир қанча ерлари эса Германия таркибида қолдирилган эди. Англия ва Америка давлатлари Германиянинг заифлашиб қолишини истамадилар Рейн бўйи қирғоқлари демилитризация зонаси (қўшин киритиш ва истехком қуриш ман этилган

зона) деб эълон қилинди. Шарқий чегаралар ва Болтиқ бўйида эса Германия қўшин сақлаш ҳақли дейилган эди. Рейн дарёси сўл томони, Кёльн ва Майнц шаҳарлари билан бирга 15 йил муддат билан Антанта қўшинлари томонидан назорат қилиб туриладиган бўлди. Саар вилояти 15 йил муддат билан Миллатлар иттифоқи ихтиёрига топширилди.

Версаль сулҳи халқ хўжалигига катта зарар етказди, меҳнаткашларга кулфат келтирди. Германия темир руданинг 75% дан, кўмирининг 33,9% дан, чўян ишлаб чиқаришнинг 33% дан, ғалла ва картошка маҳсулотларининг 25%дан маҳрум бўлди. Сулҳ шартномасига кўра, Германия урушда Антанта мамлакатларига етказилган барча зарарларни қоплайдиган бўлди. Умуман тўланадиган репарация суммаси кейинроқ (1921 йил майида) олтин билан 132 млрд олтин марка қилиб белгиланди.

1919 йилда собиқ кайзер армиясининг жиноятчи офицер ва солдатларидан, энг реакцион ва шовинистик энг элементлардан иборат фашистик партия тузилди. Бу партия “қора рехевер” билан яқин алоқада бўлди ва ниқобланиш мақсадида ўзини “Миллий социалистик ишчи партияси” деб аталди. Фашистик партиянинг 25 банддан иборат бўлган дастурида ишчиларнинг иш кунини қисқартириш ва иш ҳақини ошириш, деҳқонларга ер бериш ва судхўрлик процентини бекор қилиш майда савдогарларга арзон кредит бериш, универсал магазинларни йўқотиш, трестларни давлат ихтиёрига олиш, Версаль шартномасини бекор қилиш, Австрия ва Германияни бирлаштириш, яҳудийларни немис фуқаролигидан маҳрум этиш ваъда қилинди.

Нацистлар дастури барча немисларни бир давлатда - Буюк Германияда бирлаштиришни талаб этарди. Бу эса немислар яшайдиган ҳудудларни - Чехословакия, Австрия, Польшанинг бир қисми, Бельгия, Голландия, Болтиқбўйини Германияга қўшиб олишни билдирарди. Дастурда “ерлар” ва “мустамлакалар” зарурлиги илгари сурилиб, улар гўё Германия аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва ортиқча аҳолини жойлаштириш учун лозим бўлиши кўрсатилган эди. АҚШ ҳам, Англия ва Франция ҳам бунга эътибор бермади ва фашистларга жиддий ёндошмади. Адольф Гитлер 1920 йилдан бошлаб фашистлар партиясининг лидери бўлиб қолди. У собиқ Кайзер армиясининг ефрейтори ва урушдан сўнг Мюнхен шаҳар полициясининг махфий агенти эди. Фашистлар штурм отрядларини туздилар. “Ирқий озодлик” шиори остида реакцион-шовинистик пропаганда авж олиб кетди. Версаль сулҳига қарши, босқинчилик урушларига тайёрланиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Мамлакатда аҳвол кескинлашиб бормоқда эди. 1921 йил августидан эътиборан Германия репарация тўлай бошлади. Урушда ғалаба қозонган давлатлар-АҚШ, Англия ва Франция, Германия молиясини ўз назоратлари остига қолиш хавфини кучайтирди ва

мамлакатнинг молиявий ҳаётига ёмон таъсир қилди. Натижада мамлакатда сиёсий вазият кескинлашиб, ҳукумат кризиси юз берди. Йирик буржуазия ва ҳарбий-монархист доиралар репарация тўламасликни талаб қилиб чиқдилар. Германия ҳукумати репарация тўловини тўхтатишга мажбур бўлди. Франция билан Бельгия Германиянинг репарация тўлашдан бош тортганлигидан фойдаланиб, 1923 йил 12 январда Рур саноат вилоятини оккупация қилди. Рур хавзасида Германия аҳолисининг 10 фоизи яшар эди, мамлакатда ишлаб чиқариладиган пўлатнинг 40%и, чўяннинг 70%, кўмирнинг 88%, Рур вилоятида ишлаб чиқариш эди.

Оккупация қилиш натижасида Рурда саноат ишлаб чиқариш қисқарди, ишсизлик кўпайди, ишчиларнинг иш ҳақи камайиб кетди. Кўпгина саноат корхоналари ёпилди. Ишсизлар сони кўпайиб, қарийиб 5 миллион кишига етди. Қоғоз пул янада қадрсизланди, бинобарин, инфляция ғоят кучайди. 1923 йил маркага Американинг бир доллари 10 минг маркага, октябрда 8 миллиард маркага тенглашди. Меҳнаткашлар амалда иш ҳақидан маҳрум бўлдилар. 1923 йилнинг сентябрида малакали ишчи бир ҳафтада 126 миллион марка оларди, бу пул ҳисобига эса фақат икки кун тирикчилик қилиши мумкин эди. Мамлакат очлик ва қашшоқлик гирдобидида қолди.

Рейн вилоятида Германиядан ажралиб чиқиш ва мустақил Рейн Республикаси тузиш учун айирмачилик ҳаракати авж олиб борарди. Унга Кёльн шаҳри бургомистри, Гфрнинг бўлажак канцлери Конрад фон Аденауэр бошчилик қилди.

1923 йил 8 ноябрда Гитлер бошчилигидаги куролли нацистлар гуруҳи Бавариянинг амалдаги диктатори томонидан ташкил этилган мажлис залига бостириб кирди. Адольф Гитлер “халқ инқилоби” амалга оширилганлигини эълон қилди. Эртаси куни полиция намоёйишга чиққан нацистларни тарқатиб юборди. Исён шу тариқа якун топди. 11 ноябрь куни Гитлер ва Людендорф камоққа олинди.

2. Немис буржуазияси ҳукуматга қарши юз берган ҳаракатларни бостириб ўзининг иқтисодий ва сиёсий мавқеини вақтинча мустаҳкамлаб олди. 1923 йил охирида ўтказилган пул ислоҳоти инфляцияни бир мунча бартараф қилди. 8 соатлик иш куни ногиронлар ва кексаларга бериладиган нафақалар бекор қилинди. 1924 йил бошида ҳарбий ҳолат йўқотилиб, яна парламент методларига ўтилди.

Германия иқтисодиётини издан чиқариш АҚШ режасида йўқ эди. Шу сабабли Америка ҳукумати вазиятни ўзгартиришга қарор қилди. АҚШнинг таклифи билан америкалик банкир, генерал Дауэс бошчилигида экспертлар комиссияси ташкил этилди. Комиссия Германиянинг тоvon тўловларини тартибга солиш режасини ишлаб чиқди. Унинг таклифлари 1924 йил 16 июлда Лондонда бўлиб ўтган мамлакатлар конференциясида қабул қилинди.

Дауэс режасига кўра Германия саноатини чет эл заёмлари ва кредитлари ёрдамида, шунингдек, Германия ва Россия ўртасидаги савдони ривожлантириш йўли билан тиклаш кўзда тутилганди. Режа бўйича Германия 1924-1925 бюджет йўлида ғолиб давлатларга олтин билан 1 миллиард марка товон тўлаши керак эди. Кейинги йилларда тўлов миқдори йилига 2,5 миллиардгача кўпайиши кўзда тутилганди. Аста-секин тўловлар камайтирилиб, Германия иқтисодиётининг ахволига кўра амалга оширилиши мўлжалланган эди. Бу шарт қабул қилинган тақдирда АҚШ Франциянинг қарзларидан воз кечишини билдирди. Французлар бу режани қабул қилдилар ва 1925 йилда сўнгги француз аскарлари Рурдан чиқиб кетди. “Дауэс режаси”га мувофиқ, АҚШ Германиянинг молия ишларини ўз назоратига олди, ҳамда Германиянинг оғир саноати ва ҳарбий саноатини тиклаш учун мўлжалланган узоқ муддатли заём ва кредитларнинг 70% ини берди. 1924-1929 йилларда чет элдан Германияга берилган узоқ муддатли қарз 10-15 миллиард маркани ва қисқа муддатли қарз 6 миллиард маркани ташкил қилди. Бу эса Германиянинг шу йиллардаги репарация тўловларидан икки ҳисса кўп эди.

Дауэс режаси қабул қилингач, Германияга Америка сармояси тўхтовсиз оқиб кела бошлади. АҚШда Германия саноатини зарурий хом ашё билан таъминловчи қўшма корхона ташкил этилди. Германиянинг ўзида ҳам Америка компаниялари ўз шўъбаларини очиб, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлади. 1925 йилдан 1930 йилгача АҚШ Германия иқтисодиётига 10 миллиард доллар сармоя киритди. Бу эса Германия иқтисодиётининг тез суръатлар билан юксалиши учун замин яратди.

Хорижий сармоя ёрдамида Германия саноатчилари саноатни тамомила қайта тикладилар ва замонавийлаштирдилар. Сармоя ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш ва марказлаштириш тез суръатлар билан давом этди. Германияда кимё, пўлат қуйиш ва бошқа соҳаларда улкан монопол бирлашмалар (ИГ Фарбениндустри, “Пўлат трести” ва бошқалар) вужудга келди. 1930 йилда бундай йирик концернлар сони 2100 тага етди. Хўжалик соҳаси, транспорт, газета-журналлар, киностудиялар, кўнгилочар эрмаклар, спорт уларнинг тасарруфида эди. Иқтисодиёт ва жамоатчилик фикрини белгилашда улар ҳал қилувчи мавқега эришдилар.

Германия иқтисодий тараққиётда катта муваффақиятни қўлга киритди. Веймар республикаси йирик буржуазиянинг бойиши ва саноатнинг ривожланиши учун ниҳоятда қулай шароитлар яратган идеал сиёсий устқурма бўлиб чиқди. Давлат иқтисодий юксалишни фаоллаштириш мақсадида ўзининг бюджет маблағларидан ўринли фойдаланди.

Веймар республикаси эски сармоя соҳиблари гуруҳини бойитибгина қолмай, янги саноатчиларнинг пайдо бўлишига ҳам имконият яратди. Масалан, 1925 йилда ташкил этилган “ИГ Фарбениндустри” кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича Европадаги энг йирик трестга айланди. Германиянинг бутун кимё саноати унинг тасарруфида эди. 1926 йилда ташкил этилган бирлашган “Пўлат трести” барча темир ва пўлатнинг 40 фоизини, кўмирнинг 25 фоизини ишлаб чиқарди.

1928 йилда Германияда 1913 йилга нисбатан 5 баробар кўп электр энергияси, 7 баробар кўп автомобиль, 32 баробар кўп алюминий ишлаб чиқарилди. Шу йили Германия кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллади. 1929 йилда Германия 16 млн. тонна пўлат ишлаб чиқарди (Англия - 10 млн., Франция-10 млн.), машиналар экспорти бўйича дунёда иккинчи ўринни олди. Капитализмнинг стабиллашуви йилларида Англиядан, айниқса, АҚШдан олинган қарзлар ҳисобига Германия саноатига рационализация кенг авж олди. Ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси ҳамда марказлашуви янада кучайди. Ҳарбий саноат қуввати тикланиб борди. Қудратли “Пўлат трести”, “И.Г.Фарбениндустри” химия консерни ташкил топди.

1927-1928 йилларда саноат ва ташқи савдо урушдан олдинги даражадан ўтиб, Англия ва Францияни орқада қолдирди. Немис-Америка, Немис-Инглиз монополияларнинг алоқалари кенгайди. Германияда хусусан Америка капиталининг, айниқса, Морган, Рокфеллер, Меллон молия группаларининг мавқеи тобора мустаҳкамланди.

Германия ғарб давлатлари билан ярашиш йўлини қидирарди, Шарқда эса, ўзининг азалий ҳудудларини қайтариб олиш ниятида эди. Шу мақсадда, Германия 1925 йил октябрда Англия, Франция, Италия, Белгия, Польша ва Чехословакия билан бирга Локарно (Швецария) конференциясида қатнашди. Конференцияда бир қанча битимлар, жумладан Рейн ахдномаси имзоланди. Собиқ душманлар музокаралар столи атрофида Европада янги тартиблар ўрнатиш ҳақида келишиб олдилар. Франция ва Германия Версалда белгиланган ўзаро чегараларнинг қонунийлиги ва бузилмаслигини тасдиқладилар. Англия ва Италия бу битимнинг кафолатчиси бўлди. Локарно конференциясида қатнашган давлатлар Германиянинг ғарбий чегараларини бузмаслик тўғрисида ўзаро келишиб олдилар, лекин унинг шарқий чегаралари ҳақида ҳеч қандай мажбурият олишмади.

Германия Локарно битимларига биноан, 1926 йил 10 сентябрда Миллатлар Иттифоқига кирди. Айни пайтда Германия Версаль тартибини йўқотиш ва иттифоқчилар назорати остидан холос бўлишга интиломда эди.

Германия Америка-Англия молия капиталининг ёрдами ва АҚШ вакили Юнгнинг актив иштироки билан 1929 йил февраль-августда репарация плани

ўрнига янги “Юнг плани” қабул қилинди ва у 1930 йил январидан кучга кирди. Бу планга мувофиқ, репарация тўловлари 20% камайтирилди, репарациянинг умумий суммаси 113,9 миллиард маркага келтирилиб, йиллик тўлаш суммаси 2 миллиард маркагача қилиб белгиланди, тўлаш 59 йилга (1988 йилгача) узайтирилди. Антантанинг Германия иқтисоди устидан назорати батамом тугатилди.

Стабиллашув йилларида немис буржуазиясининг сиёсий мавқеи ҳам бирмунча мустаҳкамланди. Буржуазия билан юнкерлар блоки тузилди. 1923 йил охиридан 1928 йил июнигача мамлакатни “Кичик коалиция”- ўнг буржуа республикаси партиялари (католик “Марказ”, “Халқ партияси”) коалицияси бошқарди. Вильгелм Маркс ва Лютер шу даврда тузилган ҳукуматлар тепасида турдилар. 1925 йил Эберт вафотидан кейин Кайзер армиясининг фельдмаршали, биринчи жаҳон уруши жиноятчиларидан бири бўлган ашаддий монархист Гинденбург президент қилиб сайланди.

Гинденбург реакция кучларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1928 йил мартда рейхстагни тарқатиб, май ойида янги сайловлар ўтказилди.

Гинденбургнинг топшириғига муфовиқ, 1928 йил июнида рейхстагдаги Социал-демократик фракциясининг лидери Герман Мюллер социал-демократлардан ва ўнг буржуа партиялари вакилларида иборат “Катта коалиция” ҳукуматини тузди ва 1930 йил мартгача мамлакатни бошқарди.

3. 1928 йилдаёқ мамлакатда иқтисодий кризиснинг яқинлашаётганлиги сезила бошлаган эди: ишлаб чиқариш суръати пасаймоқда, ишсизлар сони ортмоқда, аҳолининг харид қуввати тобора камаймоқда эди. Беқарор негиздаги стабиллашув 1929 йилга келиб барбод бўлди. Бошқа капиталистик мамлакатлар қаторида Германияда ҳам иқтисодий инқироз бошланди.

Версаль шартномаси ва репарация тўловлари туфайли Германия ғарб давлатларига молиявий жиҳатдан қарам бўлиб қолганлигидан бу инқироз чуқур кризисга айланди. Инқироз халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини чулғаб олди. Саноат инқирози аграр инқироз билан қўшилиб кетди ва узок давом этди. 1932 йилда саноат маҳсулоти 1929 йилдагига қараганда 40,6% ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш эса 53% камайди. Саноат ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш 23% пасайиб кетди. 1929 йилда 16,1 миллион тонна пўлат эритилган бўлса, 1932 йилда 5,6 миллион тонна эритилди. Германия саноатининг барқарорлик йилларидаги (1924-1929) ўсишига хорижий давлатлардан олинган қарзлар ва кредитлар сабаб бўлган эди.

Инқирознинг илк аломатлари кўзга ташланиши билан барча хорижий сармоялар Германия иқтисодиётидан қайтиб олина бошланди. Бу инқирозни янада чуқурлаштирди.

Иқтисодий инқироз ва репарация тўловлари меҳнаткашларнинг аҳволини жуда ҳам ёмонлаштириб юборди. Ишсизлар сони 1932 йилда 7 миллион кишига етди. Буржуазия Германияни фашистлаштира бошлади. Немис монополиялари гитлерчиларни молиявий жиҳатдан тобора кўпроқ қўллаб-қувватладилар. 1931 йил октябрида Ганцбургдаги фашистлар партияси ва ташкилотлари бошлиқларининг ўнг буржуа партиялари ва йирик монополиялар вакиллариининг, 1932 йил январида Дюссельдорфда Гитлер иштирокида саноатчиларнинг кенгашлари ўтказилди ва мамлакатда фашистлар диктатурасини ўрнатиш тадбирлари муҳокама қилинди.

1930 йил 1 апрелда президент Гинденбург Мюллер ўрнига рейхканцлер қилиб католик “Марказ” партиясининг лидери Генрих Брюни тайинлади. Янги ҳукумат фавқулодда декретлар чиқарди. Меҳнаткашларнинг моддий турмуш даражасини янада пасайтириб юборди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, ишсизларга бериладиган нафақалар анча камайтирилди. Тўғри ва эгри солиқлар оширилди. Жазо чоралари кучайтирилди. У буюк иқтисодчи ҳисобланарди, халққа унинг асосий мақсадлари иқтисодиётни туширишдан иборат, деб тушунтиришди. У бу ниятларининг бирортасини ҳам амалга оширишни уддалай олмади. Ақсинча, Гитлернинг ҳокимият тепасига келишини айнан у таъминлади, деб ҳисоблаш учун барча асос бор. АҚШ ҳукумати 1931 йилда репарация тўловлари муддатини кечиктирди. 1932 йилда эса, бу тўловларни бутунлай бекор қилди. Америка монополистлари фашистлар партиясини қўллаб-қувватладилар. 1929-1931 йилларда улар Гитлерга 25 миллион доллар бердилар.

Мамлакатда фашистлар ва милитаристлар активлашди, террор сиёсати кучайди. Улар Германияда Версаль сулҳ шартномасини бекор қилишга чақирдилар. Фашистлар партияси қолоқ ишчилар ва ишсизларни, деҳқонлар ва майда буржуазияни ўз томонига кўпроқ жалб этиш учун инқироз қийинчиликларидан фойдаланиб, ишсизликни тугатиш, аграр ислохот ўтказиш, трестлар устидан давлат назоратини ўрнатиш каби шиор ва ёлғон ваъдалар билан, миллатчилик ва шовинизм, тажовузкор ирқий “назария”ни тобора кенг ташвиқот қилиш йўли билан, “Буюк германия” барпо қилиш шиори билан ўз ижтимоий таянчини кенгайтди. Улар “СС” (соқчи кўрикчи отрядлари) ва “СА” (штурм отрядлари) туздилар. Улар Тюрингияда, Брауншвейг ва Олденбургда ҳокимиятни қўлга олдилар. 1930 йил сентябрида, айниқса, 1932 йил июлидаги рейхстагга бўлган сайловларда фашистлар ҳам анча кўп (6,4 ва 13,7 миллион) овозга эга бўлди. (1928 йилги сайловларда эса 800 минг овоз олган эдилар). Уларнинг депутатлик мандатларининг

сони 230 га етди. 1932 йилда президентликка Гитлер номзоди кўрсатилди. Гитлер сайловнинг биринчи давраида 11,3 миллион (30%), иккинчи давраида 13,4 миллион (37%) овозга эга бўлди. Сайлов компанияларида Гитлерчиларнинг муваффақият қозониши ўнг буржуазия лагерида уларнинг мавқеини кучайтирди. Буржуа ҳукумати эса фашизмга кенг йўл очиб бермоқда эди. Социал-демократия хоинлари 1932 йил март-апрель ойларида халқ оммасига мурожаат қилиб президент сайловларида Гинденбург учун овоз беришга чақирдилар. Гинденбург 19 миллион овозга эга бўлиб, 83 ёшда бўлишига қарамай президентликка қайта сайланди.

Брюнинг парламентнинг эмас, шахсан Гинденбургнинг қўллаб-қувватланишига таяниб мамлакатни 2 йил давомида бошқарди. Иқтисодий аҳвол яхшиланмади, сиёсий вазият эса кескинлашиб борди. Брюнинг Германия ҳукмрон доираларидаги консерватив кучларнинг кўмагидан маҳрум бўлди. 1932 йил 30 майда Брюнинг вазифасидан четлаштирилди ва унинг ўрнига Франц фон Папен (1879-1969) тайинланди. “Баронлар кабинети” деган ном олган ҳукумат таркибига президент ўғли ва Биринчи жаҳон урушида ном чиқарган бир нечта ҳарбий арбоблар киритилди. Рейхстаг фаолияти тўхтамади, янги кабинет бир неча ой давомида назоратсиз ҳукмронлик қилди.

1932 йил майида президент томонидан католик “марказ” партиясининг реакцион арбоби Фон Папен гитлерчилар билан алоқада эди. Гинденбургнинг қайта сайланиши ва Фон Папен (1932 йил декабрида эса генерал Шлейхер) ҳукуматининг тузилиши фашистлар учун тағин ҳам қулай шароит яратди. Мамлакат янада фашистлашиб борди. Худди шу ҳукуматнинг ёрдами билан Тюренгия каби баъзи ўлкаларда миллий-социалистларнинг ҳукуматлари тузилди.

Гитлернинг ҳокимиятга бундай тез кўтарилишига Германия йирик сармояси кўмаклашди.

Гитлернинг ўз ҳомийлари билан биринчи учрашуви 1932 йил 27 январда бўлиб ўтди. “Пўлат трести”нинг директори Тиссен уни Германия саноатчиларига таништирди. Гитлернинг 4 соатга чўзилган нутқи шундай иборалардан тузилган эди: “Демократия - ахлоқлар иши”, “Биз Германияда марксизмнинг илдизини қуритишга қарор қилдик”, “Оқ ирқ Ер қуррасида яшовчи бошқа барча халқларни ўзига бўйсундириши лозим”. Стайннеснинг “Бунинг учун нима керак?” - деган саволига, Гитлер қисқа қилиб: “8 млн. кишилик армия”, деб жавоб берди.

Германия саноатчилари мамнун эдилар. Уларга серҳаракат одам керак эди, Гитлер уларнинг миллат раҳбари борасидаги талабларига тўлиқ жавоб берарди. Улар Гитлерни расман фюрер, яъни дохий деб атаб бошладилар. Саноатчилар Гитлернинг ҳокимиятга келишини таъминлаш учун жуда қаттиқ иш олиб бордилар.

Гитлернинг бошқа ҳомийлари ҳам бор эди. Йирик Америка тижоратчилари Гитлерга Германия саноатчиларидан ҳам олдинроқ эътибор бергандилар. Американинг автомобиль қироли Генри Форд Гитлерни 1922 йилдаёқ маблағ билан таъминлай бошлади. 1938 йилда, ҳокимият чўққисида бўлган пайтда Гитлер Г.Фордни Германиянинг олий ордени - Катта Хоч билан мукофотлади. Гитлернинг ҳокимиятни эгаллашига кўмаклашган яна бир Америка компанияси “Женерал Электрик” эди. Шу икки компания кўмагининг ўзи Гитлерни бутун Америка йирик тижорати қўллаб-қувватлаши учун етарли бўлди. Гитлер - уруш деган сўз эканини ҳамма яхши тушунарди, Европадаги уруш эса Америка тижорати учун даромад манбаи эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Форд иккала томондан - Гитлер вермахти учун транспорт воситалари ишлаб чиқарган Франция ва Германиядаги корхоналари ҳамда Америка армияси учун ундан ҳарбий автомобиллар харид қилган АҚШ ҳукуматидан фойда олгани маълум.

1932 йил сентябрда Фон Папен Рейхстагни тарқатди. генерал Шлейхер ҳокимият тепасида турган вақтда (1932 йил декабрь - 1933 йил январь) Гитлерчилар, “Пўлат Дубулға”, рейхсвер ва ўнг буржуа партиялари билан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида қатъий битимга келдилар. Барча энг реакцион партия ва блокларнинг “Миллий концентрация” деган блоки пайдо бўлди. Йирик монополиялар, банкларнинг вакиллари ва генераллар узил-кесил фашистлар томонга ўта бошладилар. Генденбургга Германиянинг 20 дан ортиқ молия магнатлари имзолаган нома юборилиб, унда Гитлерни дарҳол рейхсканцлер этиб тайинлаш талаби қўйилди. 1933 йил 4 январда Гитлер Германиянинг йирик ва етакчи саноатчи ва сармоядорлари иштирокида мажлис ўтказди, унда Гитлер канцлер бўлиши керак, деган қарорга келинди. 1933 йил 30 январда президент Генденбург фашистлар партиясининг бошлиғи Гитлерни рейхсканцлер қилиб тайинлади. Фон Папен вицеканцлер лавозимини эгаллади. Шундай қилиб, Германияда ошқора фашистик диктатура-молия капиталининг энг реакцион, энг шовинистик ва энг империалистик элементларининг террористик диктатураси ўрнатилди.

Нацистлар партиясининг қатъий низомга бўйсундирилган тизими ва оммавий сиёсий тарғибот тоталитар тузум аппаратини вужудга келтирди. У йирик сармоя манфаатларининг ижрочиси, ҳукмрон синфларнинг қуролига айланди, бироқ унинг оммавий таянчи шаҳарлар ва қишлоқлар, улардаги синфсизлашган унсурлар ҳисобланарди. Бу ижтимоий гуруҳлар олдинги ҳукуматлар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлиб, умидсизликка тушган ва қашшоқлашган, кескин ўзгаришлар рўй беришига муштоқ эдилар. Гитлер уларга иш, фаравонлик ва яшаш шароитларини яратиб берувчи ҳукумат ваъда қилди. У буюк ва қудратли Германияни тиклашга, Германия халқининг

барча мусибатлари сабабчиси бўлган Версаль битимини бекор қилишга сўз берди. Бу унинг байроқлари остига жуда кўпчиликни жалб қилди, улар Гитлерга кўр-кўрона эргашилди. 1933 йил июлида Германияда штурмчилар назорати остида умумхалқ плебисцити ўтказилиб, унда 36 млн. аҳоли Гитлер сиёсатини қўллаб-қувватлашларини билдирди. Бу Гитлерни руҳлантирди ва ўз сиёсатининг амалга ошишига тўлиқ ишонч бағишлади.

Нацистлар раҳбариятининг бош мақсади Европа қитъасида ҳукмронлик ўрнатиш эди; бунга олдин барча немисзабон халқларни бирлаштириш, сўнг эса ҳаётий кенглик (“лебенстраум”) учун кураш шиори остида ҳудудларни босиб олиш йўли билан эришиш кўзда тутилди. Гитлер асосий эътиборини шу мақсадни амалга оширишга қаратди.

4. Ҳокимиятни қўлга олган фашистлар сўл кучларга ва уларнинг барча ташкилотларига қарши мислсиз террорни авж олдириб юбордилар. Гитлерчилар коммунистларни ва прогрессив кишиларни кўплаб қириш мақсадида қабих ифвогарлик билан 1933 йил 27 февралда рейхстаг биносига ўт қўйиб, бу воқеада коммунистларни айбладилар. Социалистлар партиясидан бошқа барча сиёсий партияларни тарқатиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Вахшиёна миллатчилик, яҳудийларга қарши погром (ур-йикит)лар, кучайтирилди. Дунё маданиятига қарши кураш авж олдирилди. Кўчаларда китоблар гулхан қилиб ёқилди. 5 мингдан ортиқ олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар мамлакатдан ҳайдалди ва канцлагерларга юборилди.

1933 йил март ойи бошларида Германияда яна сайловлар бўлиб ўтди. Нацистлар унда 44% овоз олдилар. Гитлер ўзининг нацистлар ҳукуматини тузди ва 23 мартда рейхстаг Гитлерга ўз декретлари билан мамлакатни бошқариш ҳуқуқини берувчи қонун қабул қилди. Гитлер чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлди. Рейхстаг сақлаб қолинсада, унинг аҳамияти қолмади. Немис ўлкаларининг автономияси бекор қилинди: ўлкалар Гитлер тайинлаган махсус кишилар томонидан бошқарила бошлади. 1934 йил августида Гинденбург вафотидан сўнг президентлик лавозими битирилди. Гитлер президентлик ҳуқуқини ва ваколатини ҳам ўз қўлига киритиб олиб тотал (умумий, ялпи) диктатура ўрнатди ва умрбод “фюрер” (доҳий) ва “рейхсканцлер” унвонига эга бўлди.

Ҳокимиятни эгаллагач, Гитлер нацистлар партиясидан бошқа барча сиёсий партия ва ташкилотларни таъқиқловчи фармон чиқарди. Рейхстаг тарқатилди, касабаб уюшмалари ўрнига нацистлар партиясига тўлиқ бўйсунувчи ва корхоналарнинг хўжайинлари иродасига итоат этувчи “Германия меҳнат фронти” ташкил қилинди. Барча матбуот нашрлари (газеталар, журналлар, бюллетенлар) ёпилди ёки нацистлар партиясини назорати остига ўтказилди. Барча болалар ва ўсмирлар

ташкilotлари тарқатилди ёки нацистлар ташкilotларига бўлажак аъзоларни тарбияловчи “Гитлерюгенд” ёшлар ташкilotига қўшиб олинди. Давлат аппаратида пухта тозалаш ишлари амалга оширилди.: нацистлар мафкурасидан озгина чекингани сезилган юз минглаб хизматчилар ишдан бўшатиладилар, уларнинг ўринларини эса жигарранг мундирдаги “партайгенноссе” (яъни нацистлар партияси аъзолари) эгалладилар.

Қуролли кучларда барча офицерлар нацистлар партиясига аъзо бўлишлари ва Гитлер мафкурасига сўзсиз итоат этишлари шарт эди. 1933 йил охирига келиб мухолиф марраларда турган барча ташкilotлар йўқ қилинди. Террор фақат сиёсий рақибларни йўқ қилиш воситаси эмас, немис халқини қўрқитиш омили ҳам ҳисобланиб, ҳар бир немис фуқароси қаршилик кўрсатишнинг бефойдалигини, қаршилик кўрсатган муқаррар ҳалок қилинишини ва нацистлар раҳбариятига сўзсиз итоат этиш зарурлигини англаб етиши лозим эди. Нацистлар тузумининг бош жазо идораси хавфсизлик отрядлари (СС) бўлиб, уни Генрих Гиммлер (1900-1945) бошқарди.

ССнинг таркибий қисмини махфий полиция (гестапо) ва СС қўмондони (рейхсфюрери)нинг хавфсизлик хизмати - СД ташкил қилди. Улар халқ ва босиб олинган ҳудудларнинг аҳолиси устидан ялпи назорат ўрнатдилар.

“Рейх душманлари”, яъни ўзгача фикрловчилар, демократик ташкilotларнинг вакиллари, ҳарбий асирларни оммавий равишда қирғин қилиш учун махсус концентрацион лагерлар барпо этилиб, уларда одамлар оммавий қирғин қилинди. Бундай лагерлар жами 15 та бўлиб уларда 10 млн.га яқин одам йўқ қилинди. Нацизм яҳудий аҳолини тўлиқ қириб ташлашнинг махсус дастурини ишлаб чиқди. Нацистлар ҳокимиятни қўлга киритганларидан сўнг антисемитизм расмий сиёсатга айланди. Бу инсоният тарихидаги энг шафқатсиз, ғайриинсоний ва кенг миқёсли ирқий таъқиб бўлди. Нацистлар антисемитизмдан “оммани алангалатувчи руҳий учкун” сифатида фойдаландилар. Яҳудийлар махсус ажратилган жойлар (гетто)да яшашлари лозим эди, улар давлат идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар, шунингдек, улар кийимларида махсус белги (олти қиррали юлдуз) тақиб юришга мажбур эдилар. Махсус дастур (“холокаст” - яқуний қарор)нинг амалга оширилиши натижасида Европада 6 млн.дан ортиқ яҳудий қириб ташланди.

Германия иқтисодиётида мамлакат саноатининг асосини ташкил қилувчи 30 та энг йирик саноат концернлари - “ИГ Фарбениндустри” (кимё маҳсулотлари, дори-дармон, порох, синтетик бензин ва каучук ишлаб чиқариш), “Ферайнигте Штальверке” (пўлат ишлаб чиқариш), “Крупп”, “Флик”, “Маннесман”, “Сименс”, АЭГ ва бошқалар етакчи ўрин эгаллаб турарди. Бутун нацистлар сиёсий тизими уларнинг имкон

кадар кўп фойда қилишлари асосига қурилди ва бутун немис халқи уларнинг хизматига жалб қилинди. Гитлер уларнинг бойиши учун энг қулай шароитларни яратиб берди. “Крупп”нинг даромади 1934-1940 йилларда 4 баравар, “ИГ Фарбениндустрі”нинг даромади 17 баравар, “Флик”ники - 65 баравар ошди.

1936 йилда милитаристик “4 йиллик план” қабул қилинди. Автаркация сиёсати (босқинчилик урушига тайёрланиш учун мамлакат мустақил иқтисод эга бўлишга қаратилган иқтисодий сиёсат) “ёғ ўрнига замбарак” сиёсати юргизилди. 1937 йилгача қайта қуролланиш учун 46 млрд марка сарфланди. Тўрт йил ичида барча мамлакатларнинг армиясидан бир неча баравар устун бўлган энг замонавий армия ташкил қилиниши лозим эди. Бутун сиёсат фақат уруш олиб бориш нуқтаи назаридан кўздан кечирилди. Қисқа вақт ичида саноатчилар энг замонавий қурол-аслаҳаларни яратдилар. Танклар, самолётлар ва артиллерия бошқа мамлакатларнинг қуролларида сифат жиҳатидан анча устун эди. Барча имкониятлар қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга сафарбар этилди. “Мой ўрнига тўплар” - нацистлар раҳбариятининг шиори шундай эди. Германиянинг урушга тайёргарлик кўриш борасидаги харажатлари беш йил ичида 10 баравар ошди, бу даврда 90 млрд. марка сарф қилинди. 1939 йилда қуролланишга мутаносиб нархларда Англия - 5 млрд., Франция - 2,3 млрд. марка пул сарфлагани ҳолда, Германиянинг бу борадаги харажатлари 18 млрд. маркани ташкил қилди.

1938 йилда Германия саноат маҳсулотининг ялпи хажми жиҳатидан Англия ва Франциядан яна ўзиб кетди ва капиталистик дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади. 1933 йил Октябрида Германия Миллатлар иттифоқидан чиққан. У Версаль сулҳ шартномасини ва Локарно шартномасини қўпол равишда бузди. Гитлер Германияси Англия ва Франция мустамлакаларини босиб олишни, Англия ва Францияни, хатто АҚШни ҳам ўзига бўйсундириб капитализмни “бирлаштирилган” кучларини Шарққа қарши қаратишни, жаҳонда ўз ҳукмронлигини ўрнатишни асосий мақсад қилиб қўйди.

1935 йил майда эса Версаль битимининг қуролланишга тегишли бандларини бекор қилганини эълон қилди. Капиталистик давлатлар ўртасида кучлар нисбати Германия фойдасига ўзгара бошлагач, 1936 йилдан эътиборан Герман фашистлари мустамлакалар ва таъсир доираларини қайта тақсимлашни қатъий талаб қилдилар. 1936 йилда империя мустамлака союзи тузилди. 1938 йилда унинг аъзолари 1 млн. кишига етди. Шовинистик мустамлакачилик ташвиқоти авж олди. АҚШ, Англия ва Франция ҳукмрон доиралари Германия империализмининг раҳбарлантириб, унинг қайта қуролланишига ёрдам бердилар. 1933 йил июлида Англия ва Франция ҳукуматларининг ташаббуси билан Римда Англия, Франция, Германия ва Италия ҳукуматлари ўртасида

“бирдамлик ва ҳамкорлик аҳдномаси” (“Тўртлар аҳдномаси”) имзоланди. 1934 йил январида Германия билан Польша ўртасида ўзаро хужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузилди. Бу шартнома СССРга қарши агрессия тайёрлашда муҳим бир қадам бўлиши билан бирга, Франциянинг Шарқий Европадаги позициясига ҳам зарба берар эди. 1935 йил январида фашистлар Саарда “плебисцит” ўтказиб, уни Германияга қайта қўшдилар ва Германия Европада Саардан бошқа жойларга нисбатан ҳудуди масаласида бирор талаб билан чиқмайди, деб найранг ишлатдилар. 1935 йил мартда Гитлер ҳукумати умумий ҳарбий мажбурият жорий қилди, доимий армия тузилишини расмий эълон қилди. Юз минглаб немис ёшлари армияга олинди немис бош штаби қайта тикланди. 1934 йил майида бош штаб монополияларининг вакиллари билан биргаликда қуролланишнинг махфий планини ишлаб чиқиб, 1935 йил июнида Англия-Германия денгиз битими асосида ҳарбий денгиз флоти қурила бошлади. 1936 йил 7 мартда эса, Версаль ва Локарно шартномаларига мувофиқ демилитаризация-лаштирилган Рейн зонасига қўшин киритди ва босиб олди. Бу Версаль битимининг тўғридан-тўғри бузилиши эди. 1936 йил июлида Германия Австрия билан битим ва яширин протоколини имзолаб, амалда Австрияни ички ва ташқи сиёсатини ўз назорати остига олди, бу эса герман фашистларининг Австрияни Германияга қўшиб олиш (“аншлюс”) режалариларини амалга ошириш учун қулайлик туғдирди. Гитлер Германияси 1936-1939 йилларда Испания республикасига қарши фашистик Италия билан биргаликда интервенция уюштирди. 1936 йил октябрида Германия билан Италия ўртасида иттифоқ шартномаси тузилди. 1936 йил ноябрида Германия билан Япония “Антикоминтерин пакти” туздилар. 1937 йил ноябрида “Коммунизмга қарши кураш” шиори остида тузилган бу ҳарбий сиёсий блокка Италия ҳам қўшилди ва “Берлин-Рим-Токио учбурчаги” вужудга келди. Гитлерга айниқса, икки мамлакат- Австрия ва Чехословакия зарур эди. Иккала мамлакат ҳам ривожланган оғир саноатга эга бўлиб, Марказий Европада муҳим мавқени эгалларди. Чехословакия Руминия, Венгрия, Польша, Австрия ва СССР билан умумий чегараларга эга эди, Австрия эса Германияга Югославияга бостириб кириш имконини берарди. 1938 йил 13-14 март кунлари Гитлерчилар Австрияни босиб олдилар.

1938 йил 21 апрелда Гитлер Бош штаб бошлиғи генерал Кейтел (1882-1946)га Чехословакияга бостириб кириш ва уни ишғол қилиш режасини ишлаб чиқиш тўғрисида кўрсатма берди. Бундан ҳам олдин Судет немислари нацистлари раҳбари Конрад Генлейн (1898-1945) Гитлердан Чехословакия ҳукуматига бажариб бўлмайдиган талаблар қўйиш, ҳукумат уларни қабул қилса, янада оғирроқ талаблар билан мурожаат қилиш тўғрисида кўрсатма олди. Чехословакия ҳукумати Генлейннинг асосан немислар яшовчи Судет вилоятига мухторият

бериш тўғрисидаги талабларини қондиришдан бош тортди. Берлиндан берилган буйруққа мувофиқ бутун Чехословакияда немис аҳолиси бош кўтарди, полиция билан куролли тўқнашувлар рўй берди. 1938 йил 29 сентябрда Мюнхенда АҚШ нинг маслаҳатига кўра Германия, Италия, Англия ва Франция ҳукумат бошлиқларининг конференцияси бўлиб ўтди, шармандали ва жиноий битим имзоланди. 10 октябрда конференция қарорига кўра Чехословакия Тешен вилоятини Польшага берди, 2 ноябрда эса Германия ташқи ишлар вазири Риббентроп ва Италия ташқи ишлар вазири граф Чиано Венгрияга Словакиянинг бир қисмини бериш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Шу тахлит Чехословакияни бўлиб ташлаш амалга оширилди. Мюнхен битимига мувофиқ - 1938 йил кузида Гитлер кўшинлари Чехословакиянинг Судет вилоятини, 1939 йил мартида Чехословакияни бутун вилоятини босиб олди. Чехословакия парчалаб юборилди. Словакия расман мустақил, амалда Германияга тобе давлатга айланди. Чехословакиянинг асосий қисми Богамая ва моравия “Протекторати” номи билан Германия составига қўшиб олинди.

Гитлерчилар ўша йилнинг 1939 йил мартида Литванинг Клайпет вилоятини ишғол қилдилар. Фашистлар Европанинг шарқи ва шарқий жанубида ўз позицияларини тобора кучайтирди. 1939 йил бошларида Венгрия ва Испания “Антикомминтерин пакти”га жалб қилинди. 1938 йил октябр ва 1939 йил мартида Гитлер Германия Данцигни Германияга қўшиш, Германиянинг асосий туманлар худудини шарқий Пруссия билан боғлаш учун Польша худудида автомашиналар қатнайдиغان махсус ускуналанган йўл ва тор изли темир йўл куриш тўғрисида Польшага талаблар топширилди. Германия билан Польша ўртасида жиддий низо бошланди. Гитлернинг топшириғи билан 1938 йил ноябрида Польшани босиб олиш “Вейс” режаси ишлаб чиқилди.

Германия ҳаддан ташқари тезкор усулда ҳарбийлаштирилди. 1933 йилдан 1939 йилгача куролланишга жуда катта пул 90 миллиард рейх марка сарфланди. Урушга тайёрланишга ҳар йили давлат бюджетини 2/3 қисми ажратилди. 1938 йилга келиб Германия хўжалиги ва армиясининг “катта уруш”га тайёрлиги асосан тугалланди. Реваншист Герман армияси қайта тикланди солдат ва офицер сони 1,5 миллион кишидан ошди. Дивизиялар сони 1939 йилда 51 тага етди. Ҳарбий ҳаво флоти тез ривожланди. 1939 йилда чегара истехкомлари қурилиши тамомланди.

Англия 1938 йил сентябрида, Франция 1938 йил декабрида Германия билан ҳужум қилмаслик тўғрисида битимлар туздилар. Гитлер Германияси олдин ғарбий давлатларга ҳужум қилишни, шу билан бутун Европани куч қудратини ўзига бўйсундиришни режалаштирди.

Бироқ, Чехословакия босиб олинганидан сўнг ғарб мамлакатлари ташвишга тушиб қолдилар. 1939 йил 31 мартда Англия ҳукумати Польшани четдан унга қарши агрессия уюштирилган тақдирда, “ҳар томонлама ёрдам” беришига ишонтирди. Франция ҳукумати ҳам худди шу гапни тақрорлади. Бироқ, Гитлер Англия ҳам, Франция ҳам Польша учун урушмасликлари, бунинг устига улар урушга тайёр эмасликлари, бунинг устига улар урушга тайёр эмасликларини яхши тушунарди. 1939 йил 11 апрелда “Вайс режаси”нинг узил-кесил варианты тузилиб, унда Гитлер “Польшани ниҳоят бир ёқли қилиш”, “Польшанинг ҳарбий қудратини яқсон қилиш” ва Польшани давлат сифатида тугатиш зарурлигини уқтирди. Польшага ҳужум 1939 йил 1 сентябрга белгиланди.

1939 йилнинг ёзида СССРга мурожаат қилиб ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузишни таклиф қилди. 1939 йил 23 августда Германия билан СССР ўртасида ҳужум қилмаслик аҳдномаси имзоланди. Энди Польшага ҳужум қилиш учун йўл очик эди. 1939 йил 1-сентябрда Гитлер Германияси Польшага ҳужум қилди ва иккинчи жаҳон урушини бошлаб берди. Бундан ташвишга тушган Англия ва Франция 3 сентябрдан Германияга уруш эълон қилишга мажбур бўлдилар шундай қилиб, иккинчи жаҳон уруши бошланди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Биринчи жаҳон урушининг Германия учун натижалари қандай бўлди?
2. Версаль сулҳ шартномасининг Германия иқтисодиётига таъсирини айтинг?
3. Рур инқироzi қачон юз берди?
4. Дауэс режасининг моҳиятини тушунтириб беринг?
5. Юнг режаси нега қабул қилинди?
6. Германияда фашизм ҳокимият тепасига қандай келди?
7. Герман фашизми томонидан Версаль сулҳ шартномаси шартларининг бузилишини нималарда кўрамиз?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Биринчи жаҳон уруши туфайли Германия қайси ҳудуд ва мустамлакаларидан ажралди?
2. Анилюс қачон амалга оширилди?
3. Босқинчилик «Ост» режасининг моҳиятини тушунтириб беринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
- 10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.

5-МАВЗУ: 1918-1938 ЙИЛЛАРДА АВСТРИЯ.

Р Е Ж А :

1. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий кризис йилларида Австрия.
2. Капитализмнинг қисман стабиллашуви йилларида Австрия.
3. Жаҳон иқтисодий кризиси йилларида Австрия.
5. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Австрия.

Таянч тушунча ва иборалар: Австриянинг ана шу давридаги сиёсий тарихига бағишланган манбалар ва тарихшунослик. 1918 йил октябрь-ноябрь ойларидаги демократик инқилоб ва мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши. Немис Австриясининг муваққат миллий мажлиси ва унинг Австрия давлатини барпо этишдаги роли. 1919 йилги таъсис мажлисида ўтказилган сайловлар ва Австрия сиёсий системасининг такомиллашуви. 1920 йилги Австрия Конституцияси. 1934 йил февраль воқеалари.

Дарсинг мақсади:Биринчи жаҳон урушидаги мағлубияти сабабли Австрия-Венгрия империясининг парчаланишини, 1918 йилги Австриядаги ноябр инқилоби оқибатларини, республика тузумининг жорий этилишини, фашистик диктатурининг ўрнатилиши ва Германия томонидан Австриянинг қўшиб олиниши сабабларини ёритишдир.

1. Кўп миллатли Австрия-Венгрия империяси Европанинг энг қолоқ мамлакатларидан бири эди. Меҳнаткашлар оммаси капиталистик ва феодал зулм остида азоб чекди. Биринчи жаҳон уруши меҳнаткашларнинг аҳволини янада ёмонлаштириб юборди.

Саноат капиталининг концентрацияси ва марказлашуви, молия монархияси кучайиб кетди. Германиянинг ёрдами билангина Австрия-Венгрия тўла ҳалокатга учрамай, урушни маълум вақтга қадар давом эттира олди. Лекин урушда Австрия-Венгрия кўп талофат кўрди, 4 млндан ортиқ киши ўлди, ярадор бўлди ва асир тушди. Австрия-Венгрия 1918 йил 3 ноябрда таслим бўлиш тўғрисида Антанта битим имзолади. Австрия-Венгрия монархияси урушда енгилиши ва революцион озодлик ҳаракатининг юксалиб бориши тўғрисида Антанта билан битим имзолади. Австрия-Венгрия монархияси урушда енгилиши ва революцион озодлик ҳаракатининг юксалиб бориши натижасида ҳалокатга учради. Ўша вақтда Венгрия ва Чехословакия мустақил давлат сифатида империя таркибидан чиқдилар. Жанубий славян вилоятларида Сербия билан биргаликда янги Югославия давлати барпо этилди. Триент, Триест ва жанубий Тироль Италияга ўтди. Трансильваниянинг бир қисми, Банат ва Буковина Руминияга

кўшилди. Шу тариқа, реакцион Австрия Венгрия империяси яксон бўлди. Мамлакатда монархияни битириш ва республика тартибини жорий қилиш талаблари илгари сурилди. 1918 йилда 29-30 октябрларда Венада халқ оммасининг ишчилар ва солдатларнинг республика барпо қилиш шиорлари остида оммавий намоёишлари бўлди. Ноябрь ойида ҳам кураш давом этди. Шу тариқа, сиёсий кураш кескинлашаётган бир шароитда, 1918 йил 12 ноябрда муваққат миллат мажлиси Австрияни республика деб эълон қилди. Габсбурглар монархияси даврида буржуазия Австрия меҳнаткашларининг ва 52 млн. кишидан иборат бўлган словян аҳолисини қаттиқ эксплуатация қилиш ҳисобига яшади ва бойлик орттирди. Монархия парчаланиб кетгандан сўнг янги Австрия давлатининг ҳудуди анча торайиб аҳолисининг сони 6,1 миллион кишини ташкил қилди, холос.

Австрия саноати аграр мамлакат эди. Ишга лаёқатли аҳолининг 33% саноат ва хунармандчиликда, 31% қишлоқ хўжалигида ва ўрмон хўжалигида ишлар эди. 1919 йил 16 февралда Таъсис мажлисига сайловлар ўтказилди, демагогия методларини ишга солган социал-демократлар 170-депутатлик мандатидан 72 тасини эгалладилар. Социал-демократлар буржуа партиялари билан бирга 1919 йил мартида яна коалицион ҳукумат тузди. Асосий министрлик лавозимларини ва ҳатто муҳим давлат мансабларини эгалладилар: Социал-демократлардан Карл Зейц республика президенти қилиб сайланди. Карл Реннер давлат канцлери ва ичи ишлар министри қилиб сайланди. 1919 йил 10 сентябрда Париж ёнидаги Сен-Жерменда Антанта билан Австрия ўртасида сулҳ шартномаси тузилди. Шу шартномага мувофиқ, Австрия илгари босиб олган бир қанча ҳудудларидан маҳрум бўлди, ҳамда кўпгина ерлар Италия, Югославия, Чехословакия ва Руминия каби давлатлар ихтиёрига ўтди. Австрияга фақат 30 минг кишилик армияга эга бўлиш ҳуқуқи берилди ва мамлакатда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинди. Австриянинг Дунай флотилиясида ва бошқа ерлардаги ҳамма ҳарбий кемалари Антанта давлатларига топширилди. Австрия 30 йил давомида Антантага репарация тўлайдиган бўлди. Махсус репарация комиссияси тузилиб, Австрия иқтисодиёти устидан Америка, Англия ва Франция давлатларининг назорати ўрнатилди. 1920 йил 1 октябрда таъсис мажлисида Австрия республикаси конституцияси қабул қилинди. Конституцияга мувофиқ Австрия бир неча ўлкалардан (Юқори Австрия, Қуйи Австрия, Штирия, Каринтия, Тироль, Форарльбург, Зальцбург, Бургенланд ва Венадан) ташкил топди ва “федератив давлат” де аталди. Кейинроқ бу давлат “Австрия республикаси” номини олди, ўлкалар автоном ҳуқуқга эга бўлиб, уларда қонун чиқарувчи маҳаллий органлар - ландтаглар ташкил қилинди. Австрия парламенти қуйи палата - “Миллий Совет” ва юқори палата - “Федерал Совет”дан иборат эди. “Миллий Совет” эса, ландтагларнинг

вакилларидан тузилди. “Федерал Совет” кенг ҳуқуқларга эга бўлди. Президент икки палатанинг қўшма мажлисида сайланди ва унинг ҳуқуқлари чекланди. 1920 йил 17 октябрда янги конституция асосида “Миллий Совет”га сайловлар ўтказилди. Католик черкови деҳқонларга кучли таъсир кўрсатганлиги натижасида ҳукумат Христиан-социалистлардан тузилди. Йирик помещик Гайниш республика президенти қилиб сайланди. Социал-демократик партия ҳукумат таркибидан чиқиб, “Оппозиция”га ўтиб олди ва амалда, шу ниқоб остида буржуа -помешчиклар ҳукуматини қўллаб-қувватлади. Австрия буржуа реакциясининг асосий партияси бўлган Христиан-социал партия ишчилар синфининг янги революцион кўтарилишига қарши курашда хеймвер (“ватанни ҳимоя қилиш союзи”) қуроли фашист тўдаларига таяниб иш кўрди. Хеймвер 1919-1920 йилларда тузилганди. 1922 йил майида Христиан-социал партия ўнг группасининг лидери Игнац Зейпель бошчилигида “кучли” ҳукумат тузилди. Немис национал партияси вакиллари ҳам шу ҳукумат составига кирди. Бу ҳукумат ички сиёсатда реакцион диктатура режимини ўрнатишга, ташқи сиёсатда Марказий ва шарқи-Жанубий Европада ўз ҳукмронлигини тиклашга, Дунай федерацияси лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди. 1922-1924 ва 1926-1929 йилларда мамлакатни Зейпель ҳукумати бошқарди.

2. Австрияда беқарор стабиллашув 1925 йилдан бошланди. Лекин инқироз давом этди. Ҳукумат инқироздан қутулиш мақсадида чет эл давлатларига Миллатлар иттифоқига ёрдам сўраб мурожаат қилди. 1924 йил 4 октябрда Женевада Австрия билан Англия, Франция, Италия ва Чехословакия ўртасида битимлар имзоланди. Женева битимларига мувофиқ Австрияга иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ёрдам бериш учун олтин баҳосида 650 млн крон узоқ муддатли заём берилди: репарация тўлаш муддати 20 йилга узайтирилди. 1923 йилда Рурнинг Франция томонидан оккупация қилиниши натижасида ғарбий Германия саноатининг оғир аҳволда қолиши муносабати Австриядан темир ва метал буюмлари кўп экспорт қилинди. Натижада мамлакатнинг хўжалик аҳволи бир мунча яхшиланди. Бироқ, Рур оккупацияси тамом бўлиши билан Австрия экспортининг қисқариши оқасида 1924 йилда янги иқтисодий инқирози сўнгра депрессия бошланди. 1927 йили Австрия саноат ишчиларининг 1/3 қисми ишсиз қолди. Фақат 1928 йилга келиб саноат ишлаб чиқариши ривожланиб, урушдан олдинги даражага етди. Социал-демократик партия сиёсати ва тактикаси Австрия буржуа реакциясига жуда ҳам қўл келди. Мамлакатда фашистик тенденция ва фашистик ташкилотлари кучая борди. Ҳукмрон доиралар ишчилар ҳаракатига қарши кураш олиб бориш учун фашист ташкилотларининг ўсишига йўл очиб берди. Герман фашизмнинг тўғридан-тўғри агентлари бўлган нацист группалар ва партия расмийлашди ва активлаша борди. Бунинг устига хеймвер ва

фронтавиклар (жаҳон уруши қатнашчиларининг қолоқ қисмлари) кўплаб қуроллантирилди, фашистик хейнвер нацистларнинг террори кучая борди. Социал демократия эса фашизмга қарши кураш ниқоби остида 1923 йилда янги ҳарбийлаштирилган ташкилот Шутцбунд (ҳимоя қилиш союзи) тузди. Фашизмга қарши кураш мақсадида унда жуда кўп ишчилар ва коммунистлар кирдилар. Шутцбунд аъзоларининг сони тезда юз минг кишидан ошди. Лекин социал демократия лидерлари 1925 йилда Шутцбунддан коммунистларни чиқариб юбордилар. Шутцбунд амалда буржуазия реакциясига хизмат қилди ва ревалюцион ҳаракатга қарши қаратилди. Шобер 1929 йил сентябрда ҳокимият тепасига келди у социал демократиянинг қўллаб-қувватлаши билан конституцияни очикдан-очик фашистик гуруҳда ўзлаштирилишига эришди. 1929 йил декабрида янги конституция қабул қилинди: Сайловчилар сони чекланди, президентнинг ҳуқуқлари оширилди. У парламентни тарқатиш ва ҳукуматни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди. парламент муассасаларига фашистик корпаратив элементлар киритилди. Тоифалар (саноатчилар, ер эгалари ва ҳоказо) совети деган учинчи палата тузилди. 1929 йилда конституция Австрия буржуа давлатини фашистлаштириш йўлида катта бир қадам бўлди.

3. Австрия-капитализмнинг заиф бўғинларидан бири эди. Австриянинг иқтисоди чет эл монополистларига қарам бўлганлиги ва жанубий Шарқий европа мамлакатлари билан савдо алоқалари сусайиб кетганлиги сабабли жаҳон иқтисодий инқирози Австрияга қаттиқ таъсир қилди. Фабрика ва заводлар кўплари ёпилди. 1931 йилда темир ва пўлат маҳсулотлари кризисдан олдинги маҳсулотнинг фақат 17,8 % ташкил этди. 1932 йилда ёғоч тилиш заводларнинг 60%ини тўхтатди. Ишсизлар сони 1934 йил бошига 600 минг кишига етди. Бундан ташқари мамлакатда 100 минг кишидан ортиқ қисман ишсиз бор эди. Қишлоқ хўжалигининг ҳам ҳамма тармоқлари инқирозга учради. Маҳсулот нархлари анча пасайиб кетди. Кўп минглаб деҳқонлар ер ва мулкдан маҳрум бўлдилар. Савдо дан келадиган фойда камайиб қолди. Ташқи савдо 1934 йилда 1929 йилдагига нисбатан 66% камайди. Мамлакатнинг молиявий аҳволи янада ёмонлашди. Ишчилар синфи ва меҳнаткашлар оммасининг турмуш даражаси тағин ҳам оғирлашди.

1930-1931 йилларда Австрия реакцион буржуазиясининг германияга таянувчи қисми билан Англия ва Франция таъсиридаги қисми ўртасида кураш кескинлашиб кетган эди. Бу кураш “аншлюсс” тарафдорлари группаси, яъни германпарастлар (немис национал партияси, нацист ва бошқалар) билан “аншлюсс”га қарши бўлган группа, яъни итальянпарастлар (хеймвер, христиан социал партия) ўртасидаги кураш эди. Австрия фашизмнинг Германия ва Италиядаги фашизмга нисбатан ўзига хос хусусияти шунда эдики, у бир-бирига қарама-қарши турган икки асосий оқимдан: Хеймверчилар ва

нацистлардан иборат эди. 1931 йил 19 мартда Германия билан Австрия ўртасида божхона иттифоқи тузилди. Лекин “Аншлюсс”га қарши бўлган группанинг норозилиги ҳамда Англия ва Франциянинг аралашуви натижасида бу иттифоқ бекор қилинди. 1932 йил майида Шобер ҳукумати истеъфо берди. Христиан социал партия ўнг қисмининг лидери Дольфус бошчилигида янги ҳукумат тузилди. Дольфус ҳукумати Хейнверга таяниб иш кўрди. Бу ҳукумат Италия фашизми билан яқинлашиш сиёсатини юргизди. Иқтисодий инқироздан қутилиш қийин бўлганлиги сабабли 1932 йил 15 июлда Лозанно шаҳри (Швецарияда)да Италия, Франция ва Англия билан махсус протоколлар тузди. Шунга мувофиқ, Австрияга 300 млн. шиллинг микдорида заём берилди. Бунинг эвазига Австрия “аншлюсс” режасини амалга оширмасликга ваъда берди.

4. 1933 йил январида Германияда Гитлерчиларнинг ҳокимият тепасига келиши ва террористик сиёсати Австрия ҳукуматини рағбатлантириб юборди. 1933 йил 15 мартда Дольфус парламентни тарқатиб фашистик диктатура ўрнатди. Хеймвер расмий суратда танилиб, ёрдамчи полицияга айлантирилди, унинг сони 100 минг кишига етказилди. Дольфус ҳукумати Италия фашист ҳукумати билан яқин алоқа ўрнатди. 1933 йилда Дольфус Муссолини билан уч марта учрашди. Италия-Австрия-Венгрия иттифоқи тузулди. Фашистик диктатурани мустаҳкамлаш мақсадида ҳукмрон синфлар 1934 йил 1 майда янги конституцияни қабул қилдилар. Австрияда Италиядагидек фашистик корпоратив тузум ўрнатилди. Австрия авторитор давлат деб эълон қилинди. Бу давлат ҳокимиятга кўр-кўрона бўйсунишга асосланган давлат эди. Қонун чиқариш деярли президент ихтиёрига топширилди. Ишчилар сиёсий ҳуқуқлардан бутунлай маҳрум қилинди. Фашистик “ватан fronti” бирдан-бир сиёсий партия деб танилди. Дольфус ҳукуматининг Мамлакатда мустаҳкам таянчи йўқ эди. У асосан Австрия фашистларининг Италиянпараст қисмига суянар эди. 1934 йил 17 мартда Италия-Австрия-Венгрия ўртасида алоқа ва маслаҳатлашиб туриш мақсадида ахднома Рим протоколи имзоланди. Австрия ҳукмрон, доиралари мамлакатнинг миллий манфаатларига хиёнат қилдилар. австрия фашистик Италияга қарам бўлиб қолди. Шундай вазиятда “аншлюсс” тарафдорлари бўлган германпарастлар, Австриядаги гитлерчилари тарафдорлари бўлган нацистлар исён кўтариб, Австрияни Германияга қўшиб олиш режасини амалга оширишга уриндилар. Германия фашизмнинг кўрсатмасига мувофиқ 1934 йил 25 июлда Австрия нацистларининг қуролли гуруҳи исён кўтарди. Нацистлар радио станцияга ва ҳукумат биноларига ҳужум қилдилар. Исёнчилар канцлер Дольфусни ўлдирдилар ва ҳокимиятни қўлга олишга уриндилар. Штирия ва Коринтияда ҳам шундай исёнлар кўтарилди. Германия қўшинлари аншлюссни амалга ошириш мақсадида Австрияга

бостириб киришга тайёрландилар. Лекин Австрия гитлерчилари ва Германия ўз мақсадларига эриша олмадилар. Австрия ҳукумат кўшинлари исённи бостирди. Австрия Италиянинг розилигисиз атрофдаги мамлакатлар билан музокоралар олиб бормаслик мажбуриятини олди. Лекин кейинчалик Мусоллинининг Гитлер билан яқинлаша бошлагани сабабли Шушнинг ҳукмати германпараст элементлар билан яқинлаша бошлади. Италиянинг Хабашистон урушида (1935-1936 йиллар) заифланиб қолганлиги ва Германиянинг ҳарбий жиҳатдан кучайиб бораётганлиги сабабли Шушнинг ҳукумати узил-кесил Германия томон бурилди. 1936 йил 11 июлда Австрия билан Германия ўртасида “Нормал ва дўстлик алоқаларини тиклаш тўғрисида” шартнома имзоланди. Гитлер ҳукумати Австрия суверенитетини тан олди. Шунга биноан, австрия расман мустақил давлат бўлиб қолсада, амалда у Германия таъсиридаги мамлакатга айланди. Шушнинг ҳукуматни Австрия национал социалистларига яна легал ишлаш ҳуқуқини берди. Гитлер агентлари Австрия давлат органларига ва армияга кўплаб суқилиб кирдилар. Австрия сиёсати Германия манфаатларига бўйсундирилди. 1938 йил бошидан эътиборан немис фашист матбуоти Австрияни Германияга қўшиб олиш компаниясини кучайтириб юбордилар. 1938 йил 12 февралда Шушнинг Гитлер ҳузурига чақирилди ва унга ультиматум топширилди. Гитлер Шушнингдан қамокқа олинган барча нацистларни озод қилишни, нацист Зейс Инквартни ижтимоий тартиб ва ҳавфсизлик министри қилиб тайинлашни, нацистларнинг агитациясига тўла эркинлик беришни талаб қилди. Шушнинг олдида Гитлер Кейтелни чақириб унинг Австрияга бостириб киришга тайёр турган кўшинлар ҳақидаги ахборотини тинглади. Шушнинг Гитлер талабларини қабул қилди. Венада ва бошқа шаҳарларда иш ташлашлар, намоёишлар ва митинглар бўлиб турди, 1 млн 600 минг киши Шушнинг сиёсатига қарши ёзилган хужжат меморандиумга қўл қўйиб, мамлакат мустақиллигини сақлаб қолишга тайёр эканлигини билдирдилар. Шушнинг халқ оммасининг қатъий талабига мувофиқ Австриянинг мустақиллиги масаласига 13 мартда плебисцит ўтказишни эълон қилишга мажбур бўлди. Шушнинг Гитлернинг талабларини қабул қилиб, истеъфо берди ва радио орқали сўзлаб, армия билан халқни немис кўшинларига қаршилиқ кўрсатмасликка даъват этди. Нацист Зейс Инкварт Австриянинг янги канцлери қилиб тайинланди. 11 март куниёқ 250 минг кишилиқ немис армияси Австрия чегарасидан ўтиб уни ишғол қилди. 13 мартда Зейс Инкварт ҳукумати чиқарган қонунда Австрия Германиянинг бир қисми деб эълон қилинди. Ўша куни Гитлер Австрияни Германия составига қўшди. 10-апрелда эса Гитлер террор ва шовинистик кайфият авж олдирилган бир шароитда Австрия ва Германияда плебисцит ўтказиб, Австриянинг Германияга қўшиб

олинганлигини “қонунлаштирди”. Шу тариқа бутун бир давлат Европа харитасидан йўқотилди, ҳатто Австрия номи ҳам ўчирилди. Австрия 7-область (ГАУ)га бўлинди. “Остмарк” (Шарқий марка) номини олди. Остмарк ҳудуди Гитлер боқинининг муҳим стратегик райони бўлиб қолди. Австрия бойлиги, ҳарбий саноат потенциали ва армияси Гитлер Германияси ихтиёрига ўтди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Биринчи жаҳон урушининг Австрия учун натижаларини тушунтиринг?
2. Сен-Жермен сулҳ шартномасига кўра Австрияга қандай мажбуриятлар юкланди?
3. Женева битимлари Австрияга нима берди?
4. Австрияда Дольфус фашистик диктатураси қачон ўрнатилди?
5. Герман фашизми томонидан Австриянинг босиб олинishi қандай юз берди?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Габсбурглар империясидан қайси ҳудудлар ажралиб мустақил бўлди?
2. Австрия қанча миқдорда репарация тўлайдиган бўлди.
3. Аншлюс нима?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.

8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
- 10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.
- 11.Мухин А.И. Австрия. М., 1979.

6-МАВЗУ: 1918-1939 ЙИЛЛАРДА ИТАЛИЯ.

Р Е Ж А :

1. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий инқироз йилларида Италия.
2. Фашистик тоталитар режим ўрнатилиши йилларида Италия.
3. Жаҳон иқтисодий инқироз йилларида Италия.
4. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Италия.

Таянч тушунча ва иборалар: Биринчи жаҳон урушининг Италия учун оқибатлари. Италияда фашистик партиянинг вужудга келиши. Италиянинг Париж тинчлик конференциясидан норозилиги. Италия фашизмнинг ички ва ташқи сиёсати. Стабиллашув йилларида Италиянинг ички ва ташқи сиёсати. Жаҳон иқтисодий инқироzi йилларида Италия. Хабашистонда олиб борилган қонли уруш. Италия фашизмнинг Мюнхен тил бошқарувида иштироки. Албаниянинг босиб олиниши.

Дарснинг мақсади:Икки жаҳон уруши оралиғидаги даврда Италиянинг иқтисодий-сиёсий ривожланишни, ташқи сиёсатини, фашизмнинг ҳокимият тепасига келишини ва иккинчи жаҳон урушни тайёрлашдаги фаол иштирокини ёритиб беришдир.

1. Биринчи жаҳон уруши халқ хўжалигига катта зарар келтирди. Уруш ҳаракатлари натижасида Италиянинг шимолий-шарқий вилояти вайрон бўлди. Қишлоқ хўжалиги жуда катта зиён кўрди. Савдо флотининг 60% ишдан чиқди. 635 минг киши ҳалок бўлди, 2 млн киши ярадор бўлди ва асир тушди. Мамлакатнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб кетди. Италиянинг кўпроқ Англия ва АҚШга қарамлиги кучайди ва улардан катта қарздор бўлиб қолди. Уруш Италия империализмининг бутун ички заифлигини яққол крсатди. Уруш йилларида иқтисодиётда тенгсизлик кучайиб кетди. Милитаристик сиёсатнинг авж олдирилиши ва чет элдан олинган заёмлар натижасида машинасозлик металлургия, химия саноати каби айрим саноат

тармоқлари ривожланиб, мамлакат аграр мамлакатдан индустриал мамлакатга айланди. Саноат бир ёқлама тараққий қилди, давлат буюртмалариига мувофиқ, уруш эҳтиёжларига керакли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ташқи савдо ривожланди. Ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси кучайди. “Онсальдо”, “Фиат”, “Бреда” каби концернлар ўсди.

Бу каби иқтисодий гигантлар Италия саноатининг ўзагини ташкил этган автомобилсозлик, қора металлургия, кончилик ва кимё саноатида ҳукмрон мавқега эришдилар. Айни пайтда умумий сони 120 мингга етган кичик корхоналар ҳам мамлакат иқтисодий ҳаётида катта ўрин эгалларди. Уларда 800 мингдан ортиқ ишчи ишларди.

Италия иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқ хўжалигининг ниҳоятда қолоқ эканлиги эди. 40 минг йирик заминдор 10 млн. гектар ерга эга бўлса, 2,5 млн. деҳқоннинг бор-йўғи 6 млн. гектар ери бор эди. Деҳқонларнинг ярми ерсиз бўлиб, йирик заминдорлардан дала ижара олишга мажбур қилинганди. Ижара учун деҳқон ҳосилнинг ярмини берарди. Урушдан кейин хўжалик қийинчиликлари кучайиб кетди. Аҳоли харид қувватининг пасайиб кетиши, хомашё ва ёқилғи етишмаслиги ҳарбий буюртмаларнинг камайиши натижасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми қисқарди. Ишсизлар сони аста секин кўпайиб борди. Реал иш ҳақи урушдан олдинги даврдагига қараганда камайиб кетди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси янада пасайди.

Италия иқтисодиёти катта ҳарбий харажатларни кўтара олмади. Ички давлат қарзлари тўрт йил ичида уч баробар кўпайди. Бундан ташқари, Италия ўз иттифоқчиларидан ҳам анчагина қарздор бўлиб қолди. Натижада солиқлар кескин ошиб кетди, пул қадрсизланди. Пулнинг қиймати 1920 йилнинг охирига келиб 1914 йилга нисбатан беш баробар пасайди. Италия буржуазиясининг Орландо бошчилигида, 1919 йил июнида Нитти бошчилигида тузилган сўл либерал ҳукумати зўрлик ва цензура йўли билан, шунингдек айрим ён бериш ва найранглар йўли билан инқилобий ҳаракатни бостиришга уринди. Нитти ҳукумати 8 соатлик иш куни тўғрисида конун чиқарди. Бир қанча туманларда нарх-наво қисман пасайтирилди, сиёсий маҳбусларга амнистия эълон қилинди, ҳатто ерларнинг деҳқонлар томонидан эгалланганлиги ҳам тан олинди. Италия давлати 1919 йилги париш сулҳ конференциясидан норози бўлди, чунки ҳудудлар масаласида Антанта 1915 йилги Лондон шартномасида берган ваъдаларини бажармаган эди. 1919 йил майидаёқ Италия Туркиянинг жанубий-ғарбий қисмини ва биринчи галда Смирнани босиб олиш мақсадида Туркиянинг ғарбий қирғоқларига қўшин туширди. Бу эса Италиянинг халқаро позициясига янада салбий таъсир этди. Смирна масаласида Италия ва Греция ўртасида низо пайдо бўлди. Италия муваффақиятсизликка учради.

1919 йил сентябрида Антанта билан Австрия ўртасида имзоланган Сен-Жермен шартномасига мувофиқ, Италия фақат Трентино ва Жанубий Тиролни олди, Албанияни бошқариш мандатига эга бўлди. Албаниянинг Влора портидан Сарандада портигача бўлган денгиз қирғоқ туманларини итальянлар оккупация қилиб турдилар. Лекин ваъда қилинган бир қанча жанубий славян ерлари, масалан Дольмация, Туркия Смирнаси (Измир) Италияга берилмади. Италия давлати агрессив сиёсатни давом эттирди. Улар Адриатик денгиз бўйларида ҳукмрон бўлиб олиш ва албан халқининг оккупантларига қарши курашини бостириш учун Албанияга қарши ҳарбий авантюрани режалаштирди: албанларга қарши Триполитанияга қўшин юборишга тайёрландилар. Ўша йилларда ҳукмрон доиралар инқилобий ҳаракатларни бостириш ва агрессив сиёсатни кучайтириш мақсадида янги реакцион партия ва ташкилотлар (“Харакат лигаси”, “Антибольшевистик халқ союзи” ва бошқалар) туза бошлади ва Ватиканга тобора кўпроқ таяндилар. Ватикан ташаббуси билан 1919 йил январиди катolik “Халқ партияси” тузилди. Бу партиянинг социал базаси кулоқлар ва майда буржуазияси эди.

Италия буржуазиясининг энг илғор ва зарбдор кучи сиёсий демоғог, авантюрист, собиқ социалист, ренегат Бенито Муссолини бошчилигида 1919 йил бошида тузила бошлаган фашист союзлари ва уларнинг қуроли фашист отрядлари эди. Террористик тоталитар тузум рамзига айланган “фашизм” атамаси Италияда туғилган ва у итальянчадан “боғлам, даста” деган маънони англатади. Бу атама 1919 йилда, фронтдан қайтган собиқ аскарлар ўз манфаатлари ҳимояси учун “Фаши ди комбаттименто” (“Қуролидошлар уюшмаси”) деб номланган ташкилот тузган пайтда туғилган. Муссолининг “миллий социализм” дастурига кўра, давлатнинг моҳияти ўзгариши, у меҳнат ва сармоя ўртасидаги ҳамкорлик шаклига, “корпорация”га айланиши лозим эди. Меҳнат ва сармоянинг самарали ўзаро таъсири натижасида Италия ягона корпорацияга айланиши, барча сармоя эгалари ва ишчилар, заминдорлар ва деҳқонлар бир оила аъзолари сифатида ишлашлари ва тарғиб қилинади. Албатта, бунда демократик ва прогрессив кучлар сиёсий ҳаётдан қувилиши керак эди. Фашистлар кенг демоғогик “дастур” билан иш бошладилар ва фашистик партия бўлиб уюшдилар. Улар монархия ва сенатни йўқотишни ҳамда Таъсис мажлисини чақиришни, йирик капиталга солиқ солишни, ҳарбий саноатни национализация қилишни, аграр ислоҳат ўтказишни, меҳнаткашларга яхши турмушни ваъда қилдилар.

1919-1921 йиллардаги ички кураш буржуазияни мамлакатда “тартиб” ўрната оладиган кучли ҳокимият қидиришга мажбур қилди. Фашистлар бу мақсадга энг мос келадиган куч эдилар. 1920 йилнинг кузидан бошлаб фашист ташкилотлари тез кўпая борди. Фашистлар

“Улуғ Италия” шиори остида кенг босқинчилик ғояларини ашаддий шовинизмни тарғиб қилдилар. 1920 йил августида Антанта билан Туркия ўртасида тузилган Севр сулҳ шартномасига биноан, Италия Эгей денгизидаги Додеканес ороллариغا эга бўлди. Италияга Миллатлар Иттифоқи советидан доимий ўрин берилди. 1921-1922 йиллардаги Вашингтон конференциясида катта ҳарбий кемалар бўйича Италиянинг ҳарбий денгиз флоти Франция флоти билан тенглаштирилди. Италия кўп қийинчиликлар эвазига ўз ҳудудини анча кенгайтира олганлиги ва айрим имтиёзларга эга бўлиши натижасида унинг улуғ давлат сифатидаги аҳамияти ошган бўлсада, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи бекарор бўлиб қолаверди.

Фашистлар йирик монополияларнинг қўллаб-қувватланишидан, буржуа ҳукуматларининг кенг йўл бериб қўйиши ва социалист ислохатчиларнинг мурасачилигидан фойдаландилар.

Фашистлар шиддат билан ҳокимият сари интилдилар. 1921 йил май ойидаги сайловларда улар парламентда 35 ўринга эга бўлдилар. 1922 йил кузига келиб, кўпгина муниципалитетлар устидан назорат ўрнатдилар. Мамлакатнинг Эмилия, Тоскана ва ломбардия каби энг нуфузли вилоятлари ҳам фашистлар назорати остига ўтди. 1922 йил октябрида улар ўз вакиллариغا бир неча вазирлик лавозимини бериш талаби ҳукуматга мурожаат қилдилар. Римга юриш қилиш учун тайёрланиш мақсадида фашист гуруҳларининг ялпи сафарбарлиги эълон қилинди.

Қирол фашист исёнига қарши армияни қўллаш ҳуқуқини берадиган фармонни имзолашдан бош тортди. Бунинг ўрнига 29 октябрь куни у Миланга телеграмма йўллаб Муссолинига бош вазир бўлишни таклиф қилди.

1922 йил 27-28 октябрда фашист отрядлари “Римга юриш” қилдилар. Ҳукумат қўшинлари ва полиция уларга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмади. Йирик саноат эгалари конфедерацияси король Виктор Эммануэл 111 га мурожаат қилиб, Муссолини бошчилигида янги ҳукумат тузилишини талаб этди. Муссолини 30 октябрда фашистик партиянинг 4 та, либерал католик ва монархистларнинг 10 та вакилидан коалицион ҳукумат тузди. Фашистлар ҳукуматда асосий лавозимларни эгаллаб олдилар.

Шундай қилиб, Италия ҳукмрон доираларнинг қўллаб-қувватланиши билан мамлакатда молия капитали ва ер аристократиясининг энг реакцион, энг шовинистик, энг империалистик элементларининг диктатураси - Муссолини фашистик диктатураси ўрнатилди.

1922 йил 23 ноябрда қирол ва парламент Муссолинига чекланмаган ҳокимият берди. Энди у вазифаларга тайинлаш тартибини ҳам белгилар эди. Шундан кейин барча амалдорлар ва давлат

хизматчилари фашист партияси аъзолари бўлиши ёки партия раҳбарлари розилиги билан тайинланиши зарурлиги белгилаб қўйилди.

1924 йил охирида Муссолинининг тазйиқи остида парламент сайлов қонунини ўзгартирди. Янги қонунга кўра, сайловларда энг кўп овоз олган партия (камида 25 фози овоз) депутатлар палатасида ўринларнинг учдан икки қисмини олар эди. 1924 йилги сайловларда фашистлар катта ғалабага эришдилар ва депутатлар палатасини тўла ўз назоратлари остига олдилар.

2. 1923-1924 йилларда Италия саноат ишлаб чиқариши бир мунча жонланди. Ҳарбий саноат тармоқларига кўпроқ аҳамият берилди. Италия фашизми чет эл империалистларига аввало АҚШ монополистларига таянди. Банкир Морган хонадони 1924 йили Муссолини ҳукуматига 100 миллион доллар миқдорида заём берди. Америка империалистлари Италия акцияли жамиятларига қарийиб 200 миллион доллар маблағ қўйди. Баъзи муниципалитетлар Америка монополияларидан 20-30 миллион долларлаб маблағ олдилар. мамлакатда норозилик кучайиб борди ва Муссолинига қарши суиқасдлар бўлди. Ана шу баҳона билан 1926 йил ноябрида бир қанча террористик фавқулодда қонунлар қабул қилинди. Фашистик партиядан ташқари ҳамма сиёсий партиялар тарқатиб юборилди. Муссолинига чекланмаган диктаторлик ҳуқуқлари берилди. “Давлатни қўриқлаш тўғрисида”ги қонун ўлим жазосини тиклади. “Махсус трибунал” тузилди. Сиёсий жиноятчун ўлим жазоси жорий қилинди. Фашист охрани (”Овра”) тузилди. Фашистлар тоталитар режимни ниқоблаш мақсадида синфларни “яраштириш” назариясини корпоратив, яъни гўё ғайри синфий давлат тузишни тарғиб қилдилар. 1927 йил апрелида “Меҳнат хартияси” чиқарилди. “Меҳнат хартияси”да капиталистик ишлаб чиқариш усули мақталди: ”корпоратив давлат” ва капиталистлар ҳамда фашистик партия ва синдикатлар вакилларида иборат “корпорация” тузиш ҳақида гапирилди. Италия диктатори ўзининг мамлакатдаги ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим кадам қўйди.

1928 йил феврилида Муссолини Ватикан билан битим (Лютеран аҳдномасини) тузди. Ватикан билан кароллик ўртасидаги эски низолар бартараф қилинди. Ватикан тўла суверен давлат ҳуқуқига эга бўлди. Актив реакцион куч - Ватикан халқни чалғитиш йўли билан фашизмга катта ёрдам кўрсатди. Шундай қилиб Италияда тоталитар (чекланмаган) фашистик диктатура режими тузилди.

Италияда ғарбдаги биринчи тоталитар тузум ташкил топди. Бу тузум иқтисодий қайта қуриш соҳасида ниҳоятда катта вазифаларни илгари сурди. Фашист давлати мамлакатдаги бутун ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни камраб оладиган “корпоратив тартиб” яратишни режалаштирган эди. Бу тартибнинг асосий тамойиллари Катта фашист

кенгаши томонидан 1927 йилда қабул қилинган “Меҳнат харитаси”да баён этилган эди. У ишлаб чиқариш муаммоларини биргаликда ҳал этиш учун касаба уюшмаларини ва ишбилармонларни тенг асосда корпорацияларда бирлаштиришни назоратда тутарди. Ишбилармонлар ва ишчилар бир ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланардилар. Халқ хўжалигининг саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, банклар, транспорт каби соҳаларига мос келадиган 22 корпорация тузилди. Бу бесўнақай ташкилотнинг тепасида Корпорациялар миллий кенгаши турарди.

Италиядаги воқеалар халқаро империалистик буржуазияга жуда маъқул келди, Рим халқаро реакцион доираларининг зиёрат маркази бўлиб қолди. 1925-1929 йиллар давомида Англия-Америка банкирлари Италияга 7 млрд. лира кредит бердилар. 1928 йил яна бир қанча қонунлар қабул қилиниб, амалда парламентчилик режими тугатилди. Парламент батамом ўз аҳамиятини йўқотди. Йирик буржуазия ва помещиклар манфаатини кўзлаб “Улуғ Рим империяси” тузиш режаси ишлаб чиқилди. Бу режага мувофиқ Болқон, Туннис, Миср, Англия-Миср Судани, Балеор ороллари ва Корсикани босиб олиш мўлжалланди. Ўрта денгизни Италиянинг ички денгизига айлантириш кўзда тутилди. Италия фашистлари Яқин Шарқда ҳам ҳукмрон бўлиб олишни хаёл қилдилар. 1923 йилда Италия Болқонда устун бўлишга интилиб, Грецияга қарши агрессив ҳаракат бошлади ва Корфу оролини босиб олди. Бирок, Англия жиддий эътироз билдиргач, Италия ўз қўшинларини Корфудан олиб чиқиб кетди. 1923 йил сентябрда Италия 1920 йилга Раполло шартномасини бузиб, Фьюменни босиб олди. 1924 йил январида Италия билан Югославия ўртасида Римда имзоланган шартномага мувофиқ “Фьюмен шаҳри ва Фьюмен порти Италияники” деб танилди. Италия фашистлари 1920 йилда қўлга киритилган Эгей денгизидаги Додеканес оролларини бутунлай ўзлариники қилиб олдилар. Югославиянинг қаршилигига қарамай, Италия Албанияни ўзига тобе қилди. Италия 1926 йили Албания билан дўстлик тўғрисида, 1927 йили эса “иттифоқлик” тўғрисида шартнома тузди ва Албания устидан ўз протекторатини ўрнатди. Италия 1926 йили Испания билан, 1927 йили руминия ва Венгрия билан, 1928 йили Греция ва Туркия билан “Дўстлик” тўғрисида шартномалар тузди. У Европа шарқий жанубида, ҳатто унинг марказий туманларида ҳукмрон бўлишга зўр бериб уринди. Бу масалаларда Италия билан Франция ўртасидаги зиддиятлар кескинлашди.

3. 1929 йилда Италия иқтисодий инқирозга дучор бўлди. Инқироз йилларида саноат маҳсулоти 33%, ташқи савдо 3 марта қисқарди. меҳнаткашларнинг турмуш даражаси янада пасайиб кетди. Иш ҳақи кескин суратда камайди. Ишсизлар сони 200 минг кишидан 1 млн. кишига етди. Солиқлар кўпайди. Кўп минглаб майда ўрта корхона эгалари, ҳунармандлар хонавайрон бўлди. Йирик саноат

компанияларининг таянчи ҳисобланган учта энг йирик банк касодга учради. Давлат биринчи навбатда касодга учраган учта энг йирик банкни кутқариш чораларини кўрди. 1933 йил бошида Италияда давлат молия идораси - Саноатни қайта қуриш институти тузилиб, у касодга учраган банкларнинг қимматбаҳо қоғозларини давлат ҳисобига сотиб олди. Бу ҳаракат натижасида Саноатни қайта қуриш институти банклар устидан, улар орқали эса металлургия ва машинасозлик корхоналарининг аксар қисми, кемасозлик ва деярли бутун ҳарбий саноат устидан назорат ўрнатди.

Буржуазия позициясини бутунлай молия капиталига бўйсундириш мақсадида 1933-1934 йилларда мамлакатда “Корпоратив система” тузилди. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини қамраб оладиган 22 та корпорация тузулди. Корпорациялар таркибига фашистик касаба союзлари (синдикатлар)дан ҳам вакиллар киритилди. Фашистик матбуот, корпаратив тузум шароитида гўё меҳнат билан капитал ўртасида низолар синфий ҳамкорлик асосида ҳал қилинмоқда деб, ишчилар ишлаб чиқаришни ва давлатни бошқаришда иштирок этмоқдалар деб жар солди. Корпарациялар Муссолини бошчилигидаги махсус корпарациялар министрлигига бўйсунтирилди. Корпарация системаси парламентчилик қолдиқларини раҳбарлик ролини уйнади.

Италия фашизми ўттизинчи йилларда мамлакат ҳаётининг барча томонларини ўзига бўйсундириб, тоталитар диктатурани ўрнатди. Демократиянинг барча, ҳатто расмий белгилари, шу жумладан, парламент ҳам тугатилди. Парламентнинг сайланувчи палатаси ўрнига фаши ди комбаттименто ва корпарациялар палатаси тузилиб, унга тайинланувчи “депутатлар” кирдилар. Фашистлар партияси эса давлат тизимига тўлиқ қўшилди. Партия низомига кўра у дуче Муссолини буйруқларига бўйсуниб, давлат хизматини бажарувчи “фуқаролар милицияси” (лотинча “*milicia-қўшин*”)га айланди.

Оммавий ахборот воситалари фашизмга хизматга ўтиб, фашист цензурачилари томонидан қаттиқ назорат қилиндилар. Дорилфунунларда профессорлар дучега (Дуче - (итальянча *duce-доҳий*)- Италиядаги фашистлар диктатори Б.Муссолинининг унвони.) содиқликка қасамёд қилдилар. Оммавий ташкилотлар тизими, фашистик матбуот ва мактаб орқали, сершовқин тарғибот компаниялари ёрдамида фашист ғоялари оммага сингдирилди.

Бироқ, фашизм италияликларнинг онгини заҳарлай ёки унга чуқур синга олмади. Фашизм Италия миллати онгига, унинг диний ва демократик анъаналарига тамомила зид эди. Демократик кучларнинг вакиллари яширин шароитда фашистларга қарши курашни давом эттирдилар. Фашистларнинг ташкилотларига жойлашиб, уларга қарши фаол кўпоровчилик ишларини олиб бордилар, ёшлар орасида фашизмга қарши кайфиятларнинг уйғонишига сабаб бўлдилар. Фашизмга қарши

курашда католик черковининг қатор вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Корпарация системаси парламентчилик қолдиқларини тугатиш ва милитаризмни кучайтиришга имкон берди. Турли фашистик ташкилотлар қўпайтирилди ва уларнинг аъзолари сони 12 млн. кишига етди.

4. Мамлакат иқтисодиёти империалистик агрессияга тайёрланди. Куролли кучлар қўпайтирилди. Италия ва Франция ўртасида зиддият кучайди. Италия билан Германия ўртасида Австрия масаласида низо пайдо бўлди. Италия Австрияни ўз таъсирига олиш учун ҳаракат қилар эди. Италия фашистлари эса Австрия ҳукумати ва Хеймверни қўллаб-қувватлар эди. 1934 йил июлида Гитлер Австрияни босиб олишга урунган вақтда Муссолини бунга эътироз билдирди. Италия фашизми Япония ва Германия фашист агрессорлари томонидан Версаль-Вашингтон системаси (Италия бу системадан норози эди) поймол қилина бошлаган шароитда фойдаланиб, “улуғ Рим империяси” тузишга киришди. “Буюк Италия” давлати бутун Ўрта Ер денгизи бўйларида ўз ичига олиши ва у “Буюк Италия”нинг ички денгизига айланиши лозим эди. Бу давлат бир пайтлар Рим империяси таркибига кирган барча ҳудудларни бирлаштиришни кўзда тутарди. Муссолини италияликларни Ўрта Ер денгизини “ўз денгизимиз”га айлантиришга чақирди. 1934 йилда жадал суръатларда ҳарбий-денгиз флоти ва ҳарбий авиацияни куришга киришилди.

1935 йил 3-октябрда Африкада янги мустамлакаларга эга бўлиш, шунингдек, Европадан Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлларида Англияни заифлаштириш мақсадида Италия фашистлари уруш эълон қилмасдан, Хабашистонга қарши уруш бошладилар. Хабашистон қоқоқ, феодал мамлакат эди. Хабаш халқи босқинчиларга қарши қахрамонона курашди. Лекин кучлар баробар эмас эди. Агрессорлар энг янги техника билан қуролланган 600 минг кишилиқ армияни Хабашистонга юбордилар ва вахшийларча қирғинчилик уруши олиб бордилар, ҳатто заҳарли газлардан фойдаландилар. 1936 йил майида Хабашистон Италия томонидан босиб олинди. Италия-Хабашистон уруши вақтида Италия Германия билан яқинлашди. 1936 йил июлида Италия ва германия фашистлари республикачилар Испаниясига қарши исён, кейинроқ интервенция уюштирдилар. Италия қўшинлари бир неча марта (айниқса, 1937 йил мартада Гвадалахара ёнида) жиддий талофатга учради. Германиягина Италиyani ҳалокатдан қутқариб қолди. Италия Германиянинг Европа марказидаги етакчилик ролини тан олди. 1936 йил октябрида Италия билан Германия ўртасида иттифоқлик шартномаси (Берлин-Рим ўқи) тузилди. 1937 йил 6-ноябрида Италия, германия билан Япония ўртасида тузилган “Антикомментерн ахдномаси”га қўшилди ва “Берлин Рим Токио уч бурчаги” вужудга келди. Бу эса “коммунизмга қарши кураш” ниқоби остида барча

демократик ҳаракатларни бўғиш ва янги агрессияни амалга ошириш мақсадида тузилган фашист давлатлари иттифоқи эди.

Муссолини уни атрофида бутун Европа бирлашиши лозим бўлган “доира” сифатида таърифлади. (“Берлин-РИМ-Токио доираси” деган ном шундан келиб чиқди). Ушбу битимга кўра Германия Эфиопиянинг босиб олинишини тан олди., халқаро алоқаларда умумий бўлган йўналиш белгиланди, ҳарбий авиацияни ривожлантиришнинг ягона сиёсати ишлаб чиқилди. Болқон ва Дунайбўйи давлатларидаги таъсир доиралари чегараланди.

1937 йил 11-декабрда Италия миллатлар иттифоқидан чиқди. 1938 йил мартда Муссолини ҳукумати Австриянинг Герман фашистлари томонидан босиб олинишига розилик берди. 1938 йил сентябрида фашистик Италия шармандали Мюнхен битимини тайёрлашда иштирок этди. Бу битим эса Гитлер Германиясининг Европадаги Агрессиясига кенг йўл очиб берди. 1939 йил апрелида Италия Албанияни босиб олди. Ўша йили 22 май ойида Муссолини ҳукумати Германия билан ҳарбий сиёсий иттифоқ тўғрисидаги “Пўлат битим”ни имзолади.

Назорат топшириқлар:

1. Италия 1-чи жаҳон урушини қандай натижалар билан якунлади?
2. Италияда фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши қандай юз берди?
3. Корпоратив система нима?
4. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги фашистик Италиянинг тажовузкорлик ташқи сиёсатини нималарда кўрамиз?

Мустақил иш топшириқлари:

- 1.Италия биринчи жаҳон уруши тугагандан кейин Антанта давлатларидан нега норози бўлди?
- 2.Италия фашизмнинг Германиядаги фашизмдан фарқини тушунтиринг.
- 3.Муссолин қачон осиб ўлдирилди?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.

4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
- 10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.
- 11.История Италии в 3-х томах. М., Наука, 1970-1971.

7-МАВЗУ: 1918-1939 ЙИЛЛАРДА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ.

Р Е Ж А :

1. Урушдан кейинги иқтисодий ва сиёсий инқироз йилларида АҚШ.
2. Капитализмнинг қисман стабиллашуви йилларида АҚШ.
3. Жаҳон иқтисодий инқирози йилларида АҚШ.
4. Иккинчи жаҳон уруши арафасида АҚШ.

Таянч тушунча ва иборалар: Биринчи жаҳон урушининг АҚШ учун иқтисодий ва сиёсий оқибатлари. АҚШнинг дунё кредиторига айланиши. АҚШ ва Версаль системаси. АҚШнинг доллар дипломатияси. Вашингтон системаси. АҚШда стабиллашув даври. АҚШда жаҳон иқтисодий инқирозининг бошланиши. АҚШнинг иккинчи жаҳон уруши арафасидаги йилларда ташқи сиёсати.

Дарсининг мақсади:Икки жаҳон уруш оралиғидаги АҚШнинг иқтисодий тараққиёти сабабларини, сиёсий тузуми ва халқаро майдонда гегемонлик қилишга уриниши омилларини. Иккинчи жаҳон уруши арафасида АҚШнинг иккиюзламачилик сиёсат олиб бориш сабабларини ёритиб беришдан иборатдир.

1. Биринчи жаҳон уруши йилларида АҚШ қирғинчилиқ урушини чўзиш, янада кўпроқ фойдани қўлга киритиш бошқа мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб қўйиш мақсадларини кўзда тутдилар. АҚШ урушининг дастлабки йилларида “бетарафлик” йўлини тутди, 1917 йил апрелидан жаҳон урушига иштирок этди. АҚШдан урушда ҳалок

бўлган ва ярадор бўлганларнинг сони 300 минг кишидан сал ошди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрациялашуви янада кучайиб кетди. Бунинг натижасида йирик монополистик бирлашмалар жуда катта трестлар вужудга келди. Нефть ишлаб чиқариш, пўлат эритиш сингари йирик саноат тармоқлари, темир йўллар Рокфеллер, Морган, Дьюфон Вандербилд, Меллон каби йирик миллиардерлар қўлида тўпланди. Бундай монополистларнинг фойдаси икки баробардан ортиқ кўпайди. Уларнинг олган фойдаси 1914 йил 3 млрд. 940 млн. Доллар бўлса, 1919 йилда 9 млрд. 411 млн. долларга етди. Чет мамлакатларга маҳсулот ва капитал чиқариш тезлашиб кетди. 1920 йилда чет элга чиқарилган маҳсулот суммаси 8 млрд. долларга, капитал чиқариш 6,4 млрд. долларга етди. Экспорт импортдан анча ошиб кетди. АҚШ бошқа давлатлардан қарз олувчи мамлакатдан қарз берувчи мамлакатга айланди. 1914-1919 йилларда ташқи мамлакатларнинг АҚШдан қарзи 3,5 млрд. доллардан 6,5 млрд. долларга етди. Америка компаниялари уруш даврида жами 35 млрд. доллардан ортиқ соф даромад олдилар. Бундан ташқари, Европадаги 20 мамлакат АҚШдан 10 млрд. доллар қарздор бўлиб қолди. Улар ҳар йили АҚШга камида 1 млрд. доллардан тўлаб туришлари лозим эди. АҚШ 1914-1919 йилларда дунёдаги олтин захирасининг 50%дан кўпроғига эга бўлди. Дунёни молия жиҳатидан эксплуатация қилиш маркази Франция, Германия ва Англиядан АҚШга кўчди. Олти йил ичида - 1914 йилдан 1920 йилгача мамлакат миллий бойлиги 2,5 баравар ошди. 1920 йилда АҚШда бутун дунёда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 47%и яратилди. Бошқа айрим кўрсаткичлар бўйича АҚШнинг ютуқлари янада салмоқлироқ эди. Мамлакатда дунёдаги жами автомобилларнинг 80%и, нефтнинг 67%и ишлаб чиқариладди. Америка флоти уруш давомида 10 бараварга ўсди. АҚШ Англия катори дунёдаги етакчи денгиз давлатига айланди.

Урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ АҚШда мамлакат тарихидаги энг шафқатсиз ва кенг миқёсли қатағон авж олдирилди. 1918 йил майида АҚШ ҳукумати “Даъваткорлик тўғрисидаги ҳужжат”ни эълон қилди. Унга кўра мамлакатдаги мавжуд тузум тўғрисида билдирилган барча салбий фикрлар жиноий деб эълон қилинди. Бундай айб билан қамоққа олинган ҳар қандай одамга 10 минг доллар жарима солиш ёки 20 йил муддатга қамоқ жазоси кўзда тутилди. 1920 йил январида АҚШ полицияси 70 шаҳарда тараққийпарвар ташкилотларнинг аъзоларига қарши тадбир уюштирдилар. 10 минг кишидан ортиқ киши қамоққа олинди. Худди шу йили касаба уюшмалари ҳаракати фаоллари саналган италиялик мухожирлар - Сакко ва Ванцетти қамоққа олиндилар. Улар банкни ўғирлаш ва полицияни ўлдиришда айбландилар. 1927 йилда улар электр курсида қатл қилиндилар. Фақат Иккинчи жаҳон урушидан сўнг уларга сохта гувоҳликлар асосида айб қўйилгани маълум бўлди.

20-йиллар ўртасига келиб АҚШда ўзгача фикрловчилар ва сўл ташкилотларга барҳам берилди. Радикал ғоялари билан фарқ қилувчи сўл йўналишдаги касабаб уюшмалари - Жаҳон саноати ишчилари деярли тугатилди (1917 йилда унинг сафларида 100 минг аъзо бор эди. 1922 йилга келиб фақат 1000 та аъзо қолди). Ҳукумат томонидан амалга оширилган қатағон АҚШдаги сўл ҳаракатнинг таназзулига олиб келди.

АҚШ-Париж сулҳ конференциясида империалистик Версал системасини тузушда катта роль уйнади. У Германияни заифлаштириб юбормасликка, ҳатто Чехословакиянинг бир қисмини Германия фойдасига ажратиб олишга, кучли немис армиясини сақлаб қолишга, бинобарин, Германиянинг Антанта давлатларига, аввало Совет Россиясига, шунингдек, Англия ва Францияга қарши кучли бир давлат бўлиб қолишига интилди. АҚШ урушдан кейинги халқаро муносабатларга етакчи роль уйнашга, Англия Франция Японияни Хитой ҳамда бошқа мамлакатлардан сиқиб чиқаришга урунди. Версаль сулҳ шартномаси Англия ва Франция давлатларининг манфаатларига мувофиқ бўлиб чиқди. Германиянинг мустамлакалари Англия, Франция ва Япония қўлига ўтди. Германиянинг Хитойдаги мустамлакаси Шандун вилояти масаласида Париж конференциясида кўп тортишувлар бўлди. Вильсон бу вилоятни кейинчалик АҚШга буйсиндириб олиш мақсадида Шандунни “коллектив бўлиб идора қилиш”ни таклиф этди. Хитой делегацияси Шандунни Хитойга қайтарилишини талаб қилди. Япония делегацияси эса Шандунни Японияга бўйсундириш учун курашди. Пировардида президент Вилсон Япониянинг Англия томонидан қўллаб-қувватланган Шандун ҳақидаги талаблари олдида таслим бўлди. Шандун Японияга ўтди. 1921 йилда АҚШ Германия ва унинг собиқ иттифоқчилари билан сепарат сулҳ шартномаларини тузди. Европа ишларидан четда туриш, “изоляционизм” (ажралиб ва яққаланиб туриш) ниқоби остида АҚШ Европа ишларида активлашиб борди. “Изоляционизм” Америка буржуазиясининг Вильсонизмга қарши бўлган қисмининг дунёда ҳукмронлик қилишга эришиш мақсадидаги ниқобланган методи эди: У буржуазиянинг ўта кетган реакцион доираларидаги сиёсий оқим эди. АҚШ Германия ва бир қанча мамлакатларнинг савдо саноат корхоналари ва муассасаларини ўзига қаратиб олди, Германия монополияси билан яқин алоқада бўлди. Европада “доллар дипломатияси”ни ишга солди. 1919 йил апрелидаёқ АҚШ федерал захира бюроси Германияга заём беришга қарор қилди. АҚШ капитал чиқариш йўли билан бошқа мамлакат халқларини иқтисодий ва сиёсий асоратга солишга зўр бериб уринди. АҚШ давлати Марказий ва Жанубий Америка, Лотин Америкаси мамлакатларига оғир шартлар билан қарз бериш, уларнинг ҳукмрон доираларини пора бериб сотиб олиш, ҳукумат ўзгаришлари қилиш орқали бу мамлакатларда ўз иқтисодий ва сиёсий позициясини мустаҳкамлай бошладилар. 1923

йилда “Монро Доктринаси”ни янгидан юзага чиқариб уни амалга оширишга ҳаракат қилдилар. АҚШ бир неча йиллар давомида бу мамлакатларга бошқа капиталистик мамлакатларга нисбатан олти бараваридан кўпроқ капитал чиқариб, Латин Америкаси мамлакатларини бирин-кетин ўзига бўйсундирди. АҚШ тинч океанига, Узоқ Шарққа, Хитойга ҳам катта эътибор берди. 1919 йил париж конференцияси натижаларидан норози бўлиб қолган АҚШ ўзининг иқтисодий ва молиявий қувватидан фойдаланиб, Узоқ Шарққа (хусусан Хитойда) ва тинч океандаги ўз рақибларига (Япония ва Англияга) жиддий шикаст етказишга бир қанча империалистик давлатларнинг Узоқ Шарқ ҳудудларидаги зиддиятларидан фойдаланиб бу ерда (айниқса Хитойда) ва тинч океанда ўз позициясини кучайтиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда АҚШ 1921 йил ноябридан 1922 йил февралига қадар Вашингтонда халқаро конференция чакирди. Конференциянинг энг асосий қарорлари куйидаги учта шартномада ўз ифодасини топди:

1) Тўрт давлатнинг (АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Япониянинг) “Тинч океандаги бир-бирларининг муштамлака ерларининг дахлсизлиги тўғрисидаги шартномаси”:

2) Тўққиз давлатнинг (конференцияда иштирок этган ҳамма давлатларнинг) “Хитойнинг территориял ва маъмурий муштақиллиги принципини таниш тўғрисидаги шартномаси”;

3) Беш давлатнинг (АҚШ, Англия, Франция, Япония ва италиянинг) “Денгиз қурулларини чеклаш тўғрисидаги шартномаси”;

АҚШ иттифоқчилари бўлган мамлакатларнинг Қўшма Штатлардан олган қарзларини тўлашларини вақти-вақти билан қистаб турди ва бу масалада АҚШ билан қарздорлар мамлакатлар ўртасидаги, айнқса, АҚШ билан Англия ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. АҚШ Англиянинг қарзларини анча оғир шартлар асосида тўлашини талаб қилди ва ниҳоят, 1923 йил февралда Вашингтонда имзоланган АҚШ-Англия битимиға биноан, Англия ўз қарзларини 30% камайтирилган ҳолда, 67 йил муддат ичида АҚШга тўлаш мажбуриятини олди.

2. 1922-1929 йилларда АҚШда вақтинча қисман стабиллашув йиллари бўлди. АҚШдаги стабиллашув Европа мамлакатларидаги стабиллашувидан илгарироқ (1922 йил охирида) бошланди, ҳамда Англия, Франция, Германия, Италия ва Япониядан олдинда борди. 1923-1929 йилларда АҚШдаги саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 20% ошди, ёлланма ишчилар сони эса 7,6% камайди. 1926-1929 йилларда АҚШ саноат маҳсулоти юқоридаги 5 та мамлакат маҳсулотини 9% ортиқ бўлди. 1928-1929 йилларда АҚШ иқтисодиётининг жуда юксалган йиллари бўлди. Стабиллашув йилларида капитал тез концентрациялашди ва марказлашди. Жуда кўп саноат корхоналари бирлаштирилди минглаб кичик ва ўрта корхоналар тугатилди. Қишлоқ

хўжалигида ҳам йирик фермер капиталистлар хўжалиги майда фермерларнинг хонавайрон бўлиши, ҳисобига кенгайди. Ўсиш янги техникавий асосда, энг янги техника ускуналари, конвейер тизими, стандартлаштириш, модернлаштириш усуллари кенг тадбиқ этиш йўли билан амалга оширилди. Ишлаб чиқаришда янги фан ва техника кашфиётлари, серияли ишлаб чиқариш усули кенг қўлланила бошланди. Ишлаб чиқаришда ақл бовар қилмас ўсиш рўй берди. 1927 йилга келиб АҚШда йилига 7 млн. автомобиль ишлаб чиқариладди. Автомобилсозликнинг ўсиши кенг шоссе йўллари кенг барпо этилишига туртки бўлди, шаҳар ва қишлоқ қурилишининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши Америка монополияларига улкан даромадлар келтириб, уларнинг рақобатдошлигини оширди.

Иқтисодиётдаги жадал ўсиш ўз қўлларида катта иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни жамлаган улкан ишлаб чиқариш ва молия бирлашмаларининг ташкил топишига олиб келди. Автомобилсозликда уч йирик компания - “Форд”, “Женерал Моторс” ва “Крайслер” бутун автомобиль саноатини ўзига буйсундирди. Кимё саноатида “Дюпон” фирмаси, пўлат қўйиш саноатида “Пўлат трести” ҳукмронлик қилди. Банкларнинг ҳукмронлиги айниқса бекиёс бўлди. Морган ва Рокфеллер назорати остидаги олти йирик банк мамлакатдаги жами сармоянинг ярмидан ортиғини назорат қилди. Американинг барча йирик молия ва саноат компаниялари биргаликда мамлакат ички ва ташқи сиёсатини, Америкадаги бутун сиёсий тизимни назорат қилдилар. Улар Америка давлат сиёсатининг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатдилар.

20-йилларда мамлакат сиёсий ҳаётида янги шароитга мослашишга эришган Республикачилар партияси муҳим роль уйнади. 1920 йилдаги президентликка сайловларда Демократлар партияси мағлубиятга учради ва Оқ уйни республикачилар эгалладилар. Улар Оқ уй ва Конгрессда 1932 йилгача ҳукмронлик қилдилар. Бу даврда президентлик курсида У.Гардинг (1921-1923), К.Кулиж (1923-1924 ва 1925-1929) ва Г.Гувер (1929-1932) ўтирди. Бу давр Америка иқтисодиётининг гуллаб-яшнаш (просперити) даври бўлди. Унга У.Гардинг асос солди. 1922 йилда у қўшимча фойда солиғини, нарх-наво устидан назоратни бекор қилди ва компанияларга ишчилар билан муносабатларда тўлиқ эркинлик берди.

У.Гардинг ишини давом эттирган К.Кулиж 1925 йилда: “Американинг иши - тижорат”, деб эълон қилди. Бу жумла Америка ҳукмрон доираларининг бош тамойилига айланди. Америка иқтисодиётчилари АҚШнинг стабиллашувини, мамлакатнинг гуллаб яшнаши деб атадилар, Америка капитализмининг “алоҳида капитализм” деб мақтадилар, энди инқирозлар бўлмайди деб жар солдилар. 1925 йили Дейтон шаҳрида ёш биология ўқитувчиси Жон Скопе мактабда дарвин эволюция таълимотини ўқитганлиги учун қамоққа олиниб суд қилинди.

бу суд “маймун суди” деган ҳажвий номни олди. Ҳукумат ишчилар ҳаракатини бўғиш учун ҳамма чораларни кўрди. Фабрика кассирини ўлдиришди ноҳақ айбланган Италиялик инқилобчи ишчилардан Сакко ва Ванцетти турмада 7 йиллик қамокдан кейин, 1927 йили суд қилинди. Тухматларни очиб ташлаган 100 дан ортиқ гувоҳларнинг сўзларини азар эътиборга олишмади. Суднинг адолатсиз ҳукмига биноан, 1927 йил 23 августга Сакко ва Ванцетти электр токи ўтказилган столда азоблаб ўлдирилди. Кулиж ҳукумати жаҳон миқёсида агрессив сиёсатини кучайтириб юборди. Америка буржуазияси жаҳонда ҳукмронлик қилиш учун курашнинг ниқобланган изоляционистик методидан фойдаланишини давом эттирди. 1924 йилда Америкалик банкир Чарлиз Дауэс ташаббуси билан Германиядан олинадиган репарация баҳонаси билан “Дауэс режаси” деган махсус режа тузилди. Бундан мақсад Германия иқтисодиётни АҚШнинг молиявий позициясини кучайтириш, катта фойда олиш, Германия оғир саноатини ривожлантириш эди. 1924-1929 йилларда АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатларнинг Германияга берган қарзлари 23 млрд. марка миқдорига бўлса, шундан 70% АҚШ берган қарз эди. Шимолий Америка зўравонлари “катта таёқ” сиёсатига амал қилиб, бутун Америка қитъасида ҳукмрон бўлиб олиш учун курашдилар. Марказий Америка мамлакатларига (масалан, Гайити, Гондурас, Куба ва бошқаларга) қарши қуроли интревенсия уюштирилди. панамадаги аскарлар сони оширилди. Панама АҚШнинг ҳарбий стратегик плацдармига айлантирилди. Мексика нефть бойлигининг 73% АҚШ монополистлари қўлига ўтди. 1928 йилга келиб лотин Америкасидаги 20 та мамлакатдан 14 таси АҚШга қарам бўлиб қолди. АҚШ 1929 йилда Филиппиндаги миллий озодлик ҳаракатини қурол кучи билан ёвузларча бостирди.

Америка Қўшма Штатлари ғарбий Европадаги молия тизимларида ҳам етакчи марраларни қўлга киритиб, бундан қитъа устидан ўз сиёсий ҳукмронлигини ўрнатиш йўлида фойдаланди. Дауэс режаси (1924) кўмагида молия сармояси ғарбий Европага киритилди ва Германия ҳарбий-ишлаб чиқариш қудрати ҳамда Германия милитаризмининг тикланишига кўмаклашди. Америка компанияларида айниқса Польша катта қизиқиш уйғотди, Америка сармояси бу ерда Польша қазилма ва металлургия саноатининг 50%и устидан назорат ўрнатишга эришди. 1928 йилги президент сайловларида республикачилар партияси президентликка Герберт Гувер номзодини кўрсатди. Гувер демократлар партиясининг номзоди Смитга нисбатан кўпроқ овоз олди ва президентликка сайланди.

3. Мамлакат иқтисодини ўрганиш учун Г.гувер бошчилигида тузилган махсус ҳукумат комитети 1929 йил февралда ўзининг текшириш ишини тамомлаб, “юқори иқтисодий активлик”,

“барқарорлик” ва “мустаҳкам иқтисод”, “ажойиб тараққиёт” ҳақида ҳисобот ёзди. Аммо орадан кўп ўтмасдан, 1929 йил октябридаёқ зўр иқтисодий иқтисод бошланиб кетди. АҚШ 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий иқтисодининг асосий ўчоғи бўлиб қолди. 1929-1933 йиллар иқтисодий инқирози АҚШ саноат маҳсулотини 56% камайтириб, 1905-1906 йиллардаги ишлаб чиқариш даражасига тушириб қўйди. Пулат куйиш ва 76% қисқарди, яъни 1901 йилги даражага тушиб қолди. Саноат ишлаб чиқариши деярли ярмига қисқарди. автомобиллар чиқариш 80%га, экспорт, импорт, чакана савдо айланмаси икки баробарга камайди. Ушбу инқироз “Буюк депрессия” деб номланди, зеро, 1929-1932 йилларда 130 мингга яқин фирмалар банкротликка учради.

Қишлоқ хўжалигидаги вазият ҳам кескин ёмонлашди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари тушиб кетганлиги фермер хўжаликларининг бор-буди сотиб юборилди. Уларнинг эгалари эса ишсизлар сафига қўшилишди. Ишсизлик америкаликлар учун ҳақиқий офатга айланди. 1933 йили мамлакатда 17 млн. ишсиз бўлиб, ҳар учинчи ишчи иш ҳақидан маҳрум эди.

Буюк депрессия оммавий иш ташлашчилик ҳаракатига туртки берди, ишчилар ва фермерларнинг чиқишлари бошланди. 1931 йил декабрида ва 1932 йили ишсизларнинг Вашингтонга юришлари ташкил этилди. Улар “очарчилик юришлари” деб номланди. ғалаёнлар қишлоқ хўжалик ҳудудларига ҳам тарқалди. 22 штатни фермерларнинг чиқишлари қамраб олди. Давлат бешафқат қатағон йўли билан чиқишларни бостирди. 130 мингга яқин савдо ва саноат фирмаси, 58 та темир йўл компанияси, 10 минг банк (ҳамма банкларнинг 40%) синди. Инқироз ва синфий кураш энг кучайган, 1932 йили навбатдаги президент салови ўтказилди. Республикаси Гувер бу сайловда мағлубиятга учради. Демократлар партияси тажрибали ва тадбирли сиёсатчи бўлган Франклин Рузвельтни президентликка номзод қилиб кўрсатди. Америка буржуазияси шундай президент бўлишини талаб қилмоқда эди. Чунки буржуазия олдида иқтисодий инқирознинг жиддий социал ва сиёсий инқирозга айланиб кетиш хавфи туғилган эди. Ф.Рузвельт молия магнатлари билан қариндошлик алоқасида бўлган, буржуа сиёсий арбобларидан, Нью-Йорк штатининг губернатори эди.

Ф.Рузвельт АҚШнинг ўттиз иккинчи президенти ҳамда Америка тарихидаги энг машҳур президентлардан бири эди. У 1932 йилдан 1944 йилгача президентликка тўрт марта сайланган ягона президент ҳам эди. Зеро, конституцияга кўра, президент фақат икки муддатга сайланиши мумкин. Рузвельт президент бўлгач, Америка иқтисодиётида “янги йўналиш” сифатида шуҳрат қозонган кенг миқёсли ислохотларни бошлади. Бу йўлнинг моҳияти ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик тўлиқ сақланган ҳолда давлат бошқарувини иқтисодиётга ва

ижтимоий муносабатларга кенг жорий этишдан иборат эди. Рузвельт ҳамда уни қувватловчи сиёсий арбоблар дадил қадам ташлай олишди - мамлакат иқтисодиётини бошқаришнинг давлат дастакларини қўллаш кўзда тутилар, меҳнат ҳуқуқини жиддий қайта кўриш, ишсизликка қарши курашга катта маблағлар ажратиш ва ижтимоий суғурта асосларини яратиш (пенсиялар, касаллик бўйича нафақалар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимини такомиллаштириш) режалаштирилганди. Шундай қилиб, Рузвельтнинг “янги йўналиш”идаги асосий вазифа давлатнинг иқтисодий фаолият жараёнига фаол аралашуви йўли орқали мамлакатни инқироздан чиқаришдан иборат эди.

1933 йил 16 июнда кучга кирган саноатни қайта тиклаш ҳақидаги қонун “янги йўналиш” доирасидаги яна бир муҳим тадбир бўлди. Бу қонун саноатнинг давлат томонидан бошқарилиши тизимини жорий қилди. Саноатнинг ҳар бир соҳаси учун давлат қонуни сифатида тадбиқ қилинган “ҳалол рақобат кодекслари” ишлаб чиқилди. Мазкур кодекслар ҳар бир корхона учун муайян ишлаб чиқариш ҳажмини, маҳсулот нархини, савдо бозорини белгилаб берарди.

Қонун ишбилармонларга иш ҳақининг энг кам даражасини ва иш ҳафтасининг максимал вақтини кодексларда қатъий қайд этишни ҳам белгиларди. Шунингдек, ишчиларнинг касаба уюшмалар вужудга келтириш ва жамоавий шартномалар тузиш ҳуқуқи эълон қилинганди. Саноатни қайта тиклаш ҳақидаги қонун бўйича ишсизларга ёрдам чоралари кўзда тутилганди. Ижтимоий ишлар махсус қўмитаси тузилиб, унинг ихтиёрига йўллар қуриш, мактабларни таъмирлаш, спорт мажмуалари ва бошқа иншоотлар барпо этиш учун катта миқдорда маблағ берилди. мазкур тадбирлар 8 млн. америкаликларни иш билан таъминлади. Ажратилган маблағларга 10.000 км. катта йўллар қурилди. 77 минг кўприк ва 800 та аэродром барпо этилди, ўнлаб ҳарбий кемалар яратилди. Қашшоқ оилалардаги 18 дан 25 ёшгача бўлган ишсизлар учун махсус лагерлар барпо этилди. Бу ерда давлат ҳисобидан таълим олиб, саноатнинг янги тармоқлари учун зарур ихтисосликларни эгаллашарди. Ҳар бир штатга ишсизларга ёрдам кўрсатиш учун дотациялар ажратилди.

Рузвельт америкалик фермерларни қутқаришга алоҳида эътибор қаратди. Инқироз АҚШ қишлоқ хўжалигига улкан зиён етказди. Анъанавий бозорларидан маҳрум бўлган, банк кредитларини ёўкотган кўплаб фермер хўжаликлари ҳалокатга учради. Жоржия, Алабама, Оклахома, Техас фермерлари ўз фермаларини тарк этиб, бошқа штатларга иш ва ер топиш учун жўнаб кетишди.

1933 йил 12 майда фермерларга ёрдам ҳақидаги қонун қабул қилинди. Уларнинг маҳсулотларига бўлган нархларни ошириш зарур эди. Фермерларга экинзор майдонини ва чорва сонини қисқартириш ҳақида давлат билан контракт тузиш таклиф этилди. Бунинг учун

уларга мукофотлар берилди. Фермерларнинг қарзлари давлат ҳисобига қабул қилинди ва номаълум муддатга тўхтатиб қўйилди. Давлат юзминглаб фермерларга кредитлар берди.

“Янги йўналиш” АҚШдаги ижтимоий муносабатларни либераллаштириш учун ижтимоий қонунчилик соҳасида муҳим силжишни амалга оширди. 1935 йили АҚШ Конгресси “Вагнер қонуни”ни қабул қилди. мазкур қонун бўйича ишчилар жамоавий шартномалар тузиш ҳуқуқига ва иш ташлаш ҳуқуқига эга бўлишди. Бундан буён иш ташлашда қатнашганлиги учун таъқиб қилиш ман қилинди. Худди шу йили АҚШ тарихида биринчи марта ижтимоий суғурталаш ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонунда кексаларни таъминлаш ва ишсизлик бўйича компенсация тўлаш, кўзи ожизларга, мажруҳларга, ёлғиз оналарга ва етимларга ёрдам бериш кўзда тутилди.

АҚШ конгресси 1933 йилда 3,5 ой ичида 70 та қонун қабул қилди. Булар орасида айниқса “Миллий саноатни тиклаш тўғрисида акт”, “Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш тўғрисида акт” (“Фермерларга ёрдам бериш тўғрисида қонун”) муҳим қонунлар эди. Рузвельт ҳукумати саноат, савдо ва транспорт компанияларини, банкларни, суғурта жамиятларини ҳалокатдан қутқаришга уринди ва шу мақсадда ссуда (қарз)лар берилди. Ҳукумат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларини оширишни кўзда тутди. Конгресс томонидан қабул қилинган ва 1933 йил 12 майда кучга кирган 2 чи асосий қонунга кўра, қишлоқ хўжалиги соҳасида “Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш тўғрисида” ААА ва қишлоқ хўжалиги кредити маъмурияти тузилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни “режали равишда” камайтириш ва уларнинг нархларини ошириш вазифаси ана шу маъмуриятга (АААга) юкланди. ААА қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархини ошириш билан бирга, фермерларнинг харид қувватини ҳам оширишни ва ички бозорни кенгайтиришни, шу билан бир қаторда фермерлар ҳаракатининг юксалишига йўл қўймасликни назарда тутди. “Янги йўл” сиёсати АҚШда давлат-монополистик капитализмининг кучайтириш ва мустаҳкамланишида, буржуазиянинг заифлашиб қолган позициясини кучайтиришда уларнинг инқироздан чиқиб олишда маълум роль уйнади. 1934-1935 йилларда АҚШда инқироз алоҳида шаклдаги қатоғонга ўтди, сўнгра 1936 йилда ишлаб чиқариш жамлана бошлади. Агар 1932 йилда саноат компаниялари 3,42 млрд. доллар дефицит билан якунланган бўлса, 1936 йилда компанияларнинг соф фойдаси 4,27 млрд.долларни ташкил этди.

4. Рузвельт президентлиги даврида ички сиёсатнинг либераллаштирилганлиги ташқи сиёсатда ҳам акс этди. АҚШнинг ташқи сиёсати янада мослашувчан ва ҳаққонийроқ бўлиб қолди. Янги маъмуриятнинг ташқи сиёсатдаги биринчи йирик иши - 1933 йил ноябрида Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар

ўрнатилганлигидир. Икки мамлакат ўртасида муносабатлар меъёрлашганлиги уларнинг иқтисодий алоқаларини фаоллаштирди. 1935 ва 1937 йилларда АҚШ билан СССР ўртасида икки мамлакатнинг ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлари ривожланишига имкон берувчи савдо битимлари тузилди.

1933 йили АҚШ ҳукумати Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан “яхши қўшничилик” сиёсатини эълон қилди. Ф.Рузвельт Гаитидан Америка қўшинларини чақириб олди. Куба билан шартнома тузилиб, АҚШнинг интервенция ҳуқуқи бекор қилинди. Лотин Америкаси давлатлари билан улар чун қулай савдо битимлари тузилди. Сиёсатининг янги усуллари туфайли АҚШ Жанубий Америкадаги асосий рақиблар - Англия Германияни тезда қисиб қўйишга эришди.

30-йиллар ўрталаида АҚШдаги ҳукмрон доираларнинг диққат марказини Европа ва Узоқ Шарқ сиёсати муаммолари эгаллади. Бу масалалар бўйича ўткир сиёсий кураш авж олди. Изоляционистларнинг мавқеи Американинг кенг халқ доираларида ҳукмрон бўлган урушга қарши кайфиятлар, шунингдек Демократик партиянинг ўзида “бетарафлик-урушга қарши воситачи” шиорини илгари сурадиган кучли сенаторлар гуруҳи мавқеи туфайли кучая борди. Бу сенаторлар гуруҳи кўпгина ҳолатларда ташқи сиёсат масалалари бўйича муҳим қарорлар қабул қилинишига фаол таъсир кўрсатишга муваффақ бўлди. 1935 йил августида уларнинг тазйиқи билан бетарафлик ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун Европа қитъасидаги урушаётган мамлакатларга қурол-аслаҳа ва ҳарбий материаллар етказилишини тақиқларди. Ўша йилларда Хитой ва Узоқ Шарқ районларида АҚШ билан Япония Европа ва Лотин Америкасида АҚШ билан Англия, АҚШ билан Германия ўртасидаги зиддиятлар кучайиб бормоқда эди. Ташқи савдо, капитал чиқариш ва нефть маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида АҚШ Англиядан ўзиб кетди, лекин жаҳон нефть бойлигининг 75%и Англия назоратида эди.

Рузвельт 1937 йил 5 октябрь куни Чикагода сўзлаган нуткида агрессорлар атрофида “карантин” ўрнатишга чақирди. У фашистик давлатларнинг босқинчилик ҳаракатларини ҳам кескин қоралади. Шундай бўлсада, АҚШ давлат департаменти раҳбарлари Мюнхень битимидан мамнун бўлиб, у “янги халқаро тартиб” ўрнатади, дедилар. Йирик монополист Пудсен Гитлерни табриклаб телеграмма юборди. Реакцион дипломат Буллит ўзининг бир мактубида Шарқда Германия билан Россия тезроқ ҳарбий тўқнашувини истаётганлигини билдирди. Мюнхен битимидан кейин Германия агрессиясининг кенгайиши ва Япония агрессиясини Хитойнинг жанубий томонларга қаратилиши АҚШ ҳукмрон доираларини анча ташвишга солиб қўйди.

1936 йил 26 июль куни АҚШ Япония билан савдо шартномасини бекор қилди. 1939 йил 4 ноябрда Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан

сўнг бетарафлик ҳақидаги қонун қайта кўриб чиқилди ва бу Англия ҳамда Францияга АҚШдан қурол-яроғ сотиб олиш имконини берди. АҚШ демократик давлатлар томонидаги ўз ҳолатини қатъий белгилади.

1941 йил 11 мартда Конгресс президент Рузвельтга ҳимоясини “президент АҚШ мудофааси учун ҳаётий муҳим ҳисоблаган ҳар бир миллатга” қурол ва ҳарбий анжомлар қарзга (ленд), ёки ижарага (лиз) учун имкон яратган ленд-лиз ҳақидаги қонунни қабул қилди. АҚШ ленд-лиз бўйича амалда Англияга, Совет Иттифоқи ва Хитойга қурол билан катта ёрдам берди. Империалистик зиддиятларнинг кучайиб бориши шароитида АҚШ ҳукумати Японияга дипломатик норозилик билдирди. Америка маҳсулотлари учун бозорларни кенгайтиришга урунди. Иқтисодий ва ҳарбий тайёргарлик янада кучайтирилди. Ташқи сиёсат масалалари юзасидан АҚШнинг ҳукмрон лагерида мунозара зўрайди. Агрессор давлатларнинг, хусусан Германиянинг жаҳонда ҳукмронлик қилиш учун зўр бериб курашаётганини ҳисобга олиб ва бунинг АҚ маънафатларига хавfli эканлигини англаб президент Ф.Рузвельт 1939 йил мартда “бетарафлик” тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқишни таклиф этди. Бу масала конгрессда қизғин равишда муҳокама қилинди. Вакиллар палатасида изоляционистлардан иборат кўпчилик (188 овозга қарши 200 овоз билан) “бетарафлик” тўғрисидаги қонунни ўз кучида қолдирди. Бу билан фашист агрессорлари учун қулай шароит сақланиб қолинди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. АҚШ 1-чи жаҳон урушини қандай кўрсаткичлар билан якунлади?
2. Вашингтон конференцияси орқали АҚШ нималарга эришди?
3. 1929-1933 йилларда АҚШда юз берган иқтисодий инқирознинг зарарини таърифланг?
4. Ф.Рузвельтнинг “Янги йўли”нинг моҳиятини тушунтириб беринг?
5. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги АҚШ ташқи сиёсатидан кўзланган мақсад нима эди?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Париж тинчлик конференциясида АҚШ нега яққалаб қўйилди?
2. АҚШнинг Дауэс ва Юнг режаларини Германияга қабул қилдиришдан кўзлаган мақсади нима эди?
3. 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодиёти инқирози АҚШга қандай таъсир кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
- 10.Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.
11. История США в 4-х томах. М., Наука, 1980-1987.

8-МАВЗУ: 1918-1939 ЙИЛЛАРДА ССЖИ.

Р Е Ж А :

1. Россия 1917 йил тўнтаришидан кейинги йилларда Халқаро интервенция ва фуқаролар уруши.
2. Иқтисодий бошқаришнинг марказлаштирилиши ва мустабид Совет тузумининг ички сиёсати.
3. ССЖИнинг ташқи сиёсати.

Таянч тушунча ва иборалар: Россияда 1917 йил февраль буржуа демократик инқилобининг амалга оширилиши ва 1917 йил октябрь тўнтариши. Брест тинчлик шартномаси Чет эл интервенцияси. Фуқаролар уруши. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш. Ижтимоий-иқтисодий тизим. Бошқаришнинг марказлаштирилиши. Мамлакатни саноатлаштириш. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш. Маданий инқилоб. Большевикларнинг террор ва қатагон сиёсати ССЖИнинг ташқи сиёсати.

Дарсинг мақсади: Россияда 1917 йил инқилоби ва унинг урушдан чиқишини, фуқаролар уруши ва чет эл интервенцияси сабабларини, мамлакатнинг иқтисодий сиёсий аҳволини, Гитлер Германияси билан яқинлашиши ва 1939 йил 23 август битимининг моҳиятини ёритиб беришдир.

1. 1917 йилнинг февраль ойи охирида Россияда рўй берган инқилоб Романовлар сулоласининг подшоҳлик тузумига барҳам берди. 1917 йил 2 мартда подшоҳ Николай 11 ўз укаси Михаил фойдасига тахтдан воз кечди. Аммо ҳокимиятнинг подшоҳлик шаклига қарши норозиликлар туфайли Михаил Романов бу таклифни қабул қилмади. Фақатгина Таъсис мажлиси розилиги билан тахтга ворислик қилиши мумкинлигини билдирди.

Мамлакатда амалда икки ҳокимиятчилик қарор топди. Ҳокимият буржуа партиялари вакилларида иборат Муваққат ҳукумат билан ишчи ва аскар депутатлари органи бўлган Советлар ўртасида тақсимланган эди. Икки ҳокимиятчилик - икки диктатуранинг якка ҳукмронлик учун кураши даври 1917 йилнинг 1 мартдан 2 июлигача давом этди. Муваққат ҳукумат парламентар монархияни эълон қилиш тарафдори эди. Ишчи ва аскар депутатлари пролетариат ва деҳқонларнинг инқилобий-демократик диктатурасига таяниб, демократик республика ўрнатиш учун кураш олиб борардилар. 1917 йил 4 июлда Петроградда ишчилар намоёишининг ўққа тутилиши билан икки ҳокимиятчилик барҳам топди ва Муваққат ҳукумат ҳокимияти ўрнатилди.

Муваққат ҳукумат асосан ўрта ва йирик буржуазия манфаатлари ифодачиси бўлган конституциявий демократлар (кадетлар) партияси аъзоларидан тузилган эди. Советлар социалист-инқилобчилар (эсерлар) ва Россия социал-демократ ишчилар партияси (РСДРП) томонидан ташкил этилган бўлиб, ўша даврда раҳбарлик меньшевиклар қўлида эди. 1917 йилнинг февралда большевиклар РСДРП ичида кичик бир гуруҳни ташкил этарди. Россия большевиклари доҳийси В.Ленин Швейцарияда муҳожирликда яшар, Россиядаги инқилобий воқеалар хусусида ҳам газеталар орқали хабар топган эди. Германия ҳукумати уни ўз мамлакати ва Финляндия орқали Петроградга жўнатишга розилик берди.

1917 йилнинг 3 апрель кун кечкурун В.Ленин Петроградга етиб келди. Россияга келган заҳоти у мавжуд тузумни “социалистик инқилоб” йўли билан ағдариш дастурини илгари сурди. Ленин томонидан қўйилган вазифа инқилоб йўли билан янги ҳокимият ўрнатиш ва бу ҳокимият воситасида чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган пролетариат диктатурасини қарор топтириш эди. Амалда у большевиклар партиясининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишни, иқтисодиётда эса барча корхоналар, завод ва фабрикаларни давлат ихтиёрига ўтказиш, шунингдек ерларни мулкдорлардан олиб, деҳқонларга бўлиб беришни назарда тутар эди.

Давлат ҳокимиятининг Ленин томонидан илгари сурилган пролетариат диктатураси шакли тоталитар ҳокимиятнинг ёрқин намунаси эди. Ленин шундай деб ёзганди: “Пролетариат диктатураси қонунга эмас, кўпчиликнинг зоҳирий иродасига эмас, балки тўғридан-тўғри зўравонликка таянади. Зўравонлик- ҳокимиятнинг қуролидир”. Ленин шундай дерди: “Инқилобда энг асосийси - ҳокимият, у қўлга киритилгач, ҳеч қандай қонуннинг ва кўпчилик иродасининг ҳожати йўқ”.

Муваққат ҳукумат қиёфасидаги бошқарувнинг республикачи - демократик шакли ҳокимият тепасида узоқ тура олмади. Янги ҳукумат пайтида тузилган махсус назорат муассасалари фаолияти йирик банклар ва корхоналар зимдан қаршилиги туфайли тўхтаб қолди.

Муваққат ҳукумат вазирлари урушни ғалабагача давом эттириш, иттифоқчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш ҳақида кўпроқ гапирар эдилар. Йирик банклар ва корхоналар эгаларидан иборат ҳукумат ўзининг чекланмаган ҳокимиятига хавф туғилишини истамасди. Чунки бу уруш туфайли улар қурол-яроғ сотиш ва пулнинг кадрсизланишидан катта фойда кўрмоқда эдилар.

Большевикларнинг асосий шиори - “Халқларга тинчлик!” - мамлакат аҳолисининг катта қисми томонидан қўллаб-қувватланди. Халқ урушдан чарчаган ва бошқа урушишни истамас эди. Мамлакатда Муваққат ҳукуматни ағдаришга қаратилган ҳаракат бошланди. Ана

шундай тарғибот ишлари натижасида аскарлар фронтдан оммавий шаклда қочиб кела бошладилар. Бундан кейин уларни тўхтатишнинг иложи йўқ эди.

Муваққат ҳукумат ўз ишларини ҳарбий муваффақиятлар билан тузатиб олиш умиди билан 1917 йил июнь ойи бошида қўшинларга ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ берди.

Муваққат ҳукуматнинг июль инқироzi, 18 июнда рус армияси Львов томондан ҳужумни бошлаб юборди ва душман мудофаасини ёриб ўтди. Аммо ҳужум муваффақиятлари узоқ давом этмади. Немис қўмондонлиги ғарбий фронтдан бир неча дивизия ташлади. Шарқий фронтнинг бошқа участкаларидан кучларни бу фронтга олиб келиб қарши ҳужумга ўтди. Рус қўшинлари Галициядан сиқиб чиқарилди. Рус армияси 60 минг кишисини йўқотди.

Фронтда ҳужумга ўтиш уюштирилиши билан аксилинкилобчилар ҳам бош кўтарди. Инқилобий қисмлар тугатилиб, ундаги аскарлар бошқа жойларга юборила бошлади, ишчиларни қамаш бошланди, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида реакцион ҳарбийларнинг роли кучайди.

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи тобора ёмонлашди. Корхоналар кетма-кет ёпила бошлади. Кўпгина капиталистлар саноат моллари нархини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйдилар. Шахталарда ва металлургия заводларида кўмир ҳамда металл захиралари тоғ-тоғ булиб уюлиб қолди, булар атайлаб истеъмол қилинадиган жойларга жўнатиlmас эди, ваҳоланки, корхоналар кўмир ва металл бўлмаганлиги учун тўхтаб ётар эди. Май-июль ойларида 439 завод ёпиб қўйилди. Очарчилик шафқатсизлик билан яқинлашиб келмоқда эди. ғалла, дон билан савдо қилувчилар нон танқислигини атайлаб кучайтирар эдилар. Буржуазия юксалиб келаётган инқилобни очликнинг ёвуз чангали билан бўғиб ташлашга уринмоқда эди. Буржуа ҳукумати ёпирилиб келаётган иқтисодий ҳалокатнинг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмади.

Урушнинг чўзилиб кетганлигидан, озиқ-овқат маҳсулотларининг тобора қимматлашаётганлигидан, мамлакатдаги иқтисодий ва умумий вайронагарчиликдан, ер тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинмай келаётганлигидан, буржуа Муваққат ҳукуматнинг мамлакатни инқироздан чиқаришга ноқобиллигидан халқ оммасининг норозилиги кундан-кунга кучайиб кетаётган эди. Бунинг устига ҳужум йирик ҳарбий мағлубият билан якунланди. Петрограднинг ғазабланган аҳолиси 1917 йил 4 июлда оммавий намоишга чиқди. Унда 500 мингдан ортиқ киши қатнашди. Намойишчилар Муваққат ҳукуматнинг истеъфога чиқишини ва ҳокимиятнинг Советлар қўлига берилишини талаб қилдилар. Намойиш ҳукумат қўшинлари томонидан бостирилди. Икки ҳокимиятчилик тугатилди, ҳокимият тўлалигича Муваққат ҳукумат қўлига ўтди.

8 июлда эса А.Ф.Керенский Муваққат ҳукумат бошлиғи қилиб тайинланди. Меньшевик-эсерлар Советларининг Марказий Ижроия Комитети Керенский ҳукуматини инқилобни қутқариб қолувчи ҳукумат” деб эълон қилиб, унга фавқулодда ваколатлар берди. Керенский ҳукумати бундан фойдаланиб фронтда ўлим жазосини тиклади, ҳарбий-дала судларини жорий қилди, ҳарбий цензура ўрнатди, большевикларнинг марказий газетаси “Правда”ни ва бошқа шаҳарлардаги бир қанча большевистик газеталарни таъқиқлади.

24 июлда Керенский бошлиқ буржуа ва майда буржуа партиялари вакилларида иборат иккинчи коалицион муваққат ҳукумат тузилди. Ҳукумат состави аксилинқилобдан иборат бўлиб, буржуазия манфаатини ифодалар ва унинг ҳокимиятини таъминлар эди. Буржуазия беҳад хурсанд, у инқилобига барҳам бердим, деб ўйлар эди. Аммо хурсандчилик қилишга ҳали эрта эди. Июль воқеалари мамлакатдаги сиёсий вазият тубдан ўзгарганлигини кўрсатди ва буржуа-демократик инқилобининг ўсиб социалистик инқилобга ўтиш жараёнида бурилиш нуқтаси бўлди.

Июль намоёниши бостирилганидан сўнг большевиклар партиясининг эътибори ва таъсири анчагина ўсди. 1917 йил сентябрь ойида партиянинг аъзолари сони 300 мингдан ортиб кетди. Бу пайтда мамлакат сиёсий ҳаётининг икки асосий маркази - Петроград ва Москва Советлари большевиклар назорати остига ўтганди.

Июль воқеаларидан кейин буржуазия инқилобни батамом тор-мор келтириш учун ва империалистик урушни охирига етказишни таъминлай оладиган очик ҳарбий диктатура ўрнатиш учун куч тўплашга киришди.

Олий бош қўмондон генерал Л.Г. Корнилов Ставкаси аксилинқилобий кучларини сафарбар этувчи асосий марказлардан бири бўлиб, буржуазия уни диктатор деб эълон қилишни мўлжаллаган эди.

12 августда Москвада Давлат кенгаши очилди, Муваққат ҳукумат бу кенгашни бутун аксилинқилобий кучларини жипслаштириш мақсадида чақирган эди. АҚШ президенти Вильсон кенгашга табрик телеграммаси юборди, унда “барча ички ва ташқи душманларга қарши” курашда Россия ҳукуматига ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатишни ваъда қилган эди. Шундан кейиноқ АҚШ Муваққат ҳукуматга 100 млн. доллар миқдорида янги заём берди.

25 августда Корниловнинг буйруғи билан махсус тузилган “Петроград армияси” А.И.Кримов қўмондонлигида юришни бошлади. Петроград устига бу аксилинқилобий юришни фронтларнинг қўмондонлари, мамлакатдаги барча аксилинқилобчи кучлар табрикладилар. Антанта давлатлари Корниловнинг исёни ёрдамида Россияда ҳарбий диктатура ўрнатишни, ўсиб бораётган социалистик инқилобни тор-мор келтиришни ва ғарбда кучайиб бораётган

инқилобий ҳаракатни барбод қилишни мўлжаллаган эдилар. Большевистик партия бир неча кун ичида пойтахтда уни ҳимоя қилиш учун Қизил гвардиячилар, инқилоби солдат ва матрослардан (ҳаммаси бўлиб қарийб 60 минг кишидан) иборат йирик қуроли кучларни барпо қилишга муваффақ бўлди. Ўн мингларча меҳнаткашлар Петроград атрофида окоплар қовладилар, сим тўсиқлар қўйдилар. Пойтахт корниловчилар кира олмайдиган мустаҳкам қалъага айланди. Большевистик пропаганда таъсири остида солдатлар ва казаклар ишчилар томонига ўта бошладилар. Генерал Кримов ўз солдатларини ташлаб Петроградга қочиб кетишга мажбур бўлди, чунки солдатлар уни қамоққа олишни талаб қилган эдилар. Корнилов авантюраси барбод бўлганлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин Кримов ўзини-ўзи отиб ўлдирди.

1917 йил кузида умуммиллий инқироз беҳад тез етилиб борди. Бу аввало хўжалик вайронагарчилигининг кескин чуқурлашиб кетганлигида, ишчилар синфи ва кенг меҳнаткашлар оммаси аҳволининг янада ёмонлашганлигида намоён бўлди. Мамлакат устига хўжалик ҳалокати ва очарчилик раҳмсизлик билан ёпирилиб келмоқда эди. 1917 йилда саноат ялпи маҳсулоти 1916 йилдагига нисбатан 36,5 фоиз қисқарди.

Чайқовчилик мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетди. Майдан то августгача кенг истеъмол моллари нархи қарийб икки марта ошиб кетди. 1917 йилда ишчиларнинг реал иш ҳақи 1913 йилдагига нисбатан икки баравар камайиб кетди. меҳнаткашларнинг аҳволи кун сайин ёмонлаша борди.

Мамалкат чуқур молия инқирозини бошидан кечираётган эди: 1917 йил бюджетининг танқислиги қарийб 82 фоизга етиб, буни қоплаш учун борган сари кўп миқдорда қоғоз пул - “керенка” (халқ бу пулни масхара қилиб шундай деб атар эди) чиқарилди. Бу эса сўмнинг харид қувватини кескин равишда пасайтириб юборди: 1917 йил октябрида унинг реал қиммати урушдан олдингидан ўн баравар кам эди.

Россия чет эл давлатларига тобора кўпроқ қарам бўлиб бормоқда эди. Муваққат ҳукумат вақтида давлатнинг чет давлатлардан қарзи икки ҳисса кўпайиб, жуда катта миқдорга - 16 млрд. сўмга етди.

Марказий комитетнинг қарорига биноан, Ленин 7 октябрда яшириш ҳолда Финляндиядан Москвага келди ва кўзғолонни тайёрлаш ишларининг ҳаммасига раҳбарлик қилди. Эртаси куни Ленин “Чеккадаги кишининг маслаҳати” деган мақола ёзиб, унда қуроли кўзғолон ўтказишнинг батафсил ва аниқ режасини белгилаб берди.

1917 йил 25 октябрда большевиклар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Амалда Петербургда тўнтаришга қарши турадиган куч қолмаган, ҳеч кимнинг Муваққат ҳукуматни ҳимоя қилиш нияти ҳам йўқ эди. Советларнинг иккинчи съезди тўнтариш якунланганидан кейин

хокимиятга большевиклар партияси келганлигини тасдиқлади, ер ҳақида, тинчлик ҳақида декретлар ва “Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси”ни қабул қилди.

25 октябрга ўтар кечаси большевикларнинг қуроли гуруҳлари Николай ва Болтиқ вокзалларини, марказий электр станциясини эгаллади. Соат 13 да Муваққат ҳукумат жойлашган Мариин саройи қўлга киритилди. Соат 18 да Қишки сарой ўраб олинди ва тез орада забт этилди. Муваққат ҳукумат тўла таркибда қамокқа олинди. Ҳарбий-инқилобий қўмита давлат тўнтаришини амалга ошириб, 25 октябрда ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Россияда октябрь тўнтаришидан бошқа йўл бормиди? Россия тараққиётнинг бошқача йўлидан кетиши мумкинмиди? Айрим олимларнинг фикрича, агар подшоҳ ҳокимияти буржуа - демократик республикаси билан алмаштирилганида эди, Россия жаҳоннинг саноати энг ривожланган иккинчи мамлакати бўлиши, террор, оммавий қатогонлар, ҳаётнинг паст даражаси ва ахлоқий таназзул каби аянчли қисматдан қутулиши мумкин эди.

Аммо ҳар қандай инқилобий воқеа - уни вужудга келтирган моддий ва маънавий шароитларнинг инъикосидир. Россияда феодал ақидаларнинг сақланиб қолганлиги, шунингдек, буржуазиянинг кучсизлиги, унинг сиёсий жиҳатдан тарқоқлиги, эскирган бошқарув тизимига асосланган автократиянинг шафқатсизлиги туфайли вазият мураккаблашган эди. Россиянинг энг асосий нуқсони иқтисодий таракқиёт хорижий сармояга қарам бўлиб қолганлиги эди. Буюк империя сўнгги Романовлар ҳукмронлиги даврида ярим мустамлака эди, дейиш мумкин. Россия кўмир конларининг 90 фоизи, кимё саноатининг 50 фоизи, машинасозлик корхоналарининг 40 фоизи, банк жамғармаларининг 42 фоизи ғарб давлатларига тегишли эди. Миллий сармоя жуда оз, миллий даромад мамлакат эҳтиёжларини қондириш ва иқтисодий таракқиёт учун камлик қиларди. Миллий даромаднинг ярмидан кўпини аҳолининг энг фақир қисми бўлган деҳқонлардан олинадиган солиқлар ташкил этарди.

XIX аср охири - XX аср бошларида барпо этилган Россия темир йўллари хорижий сармоя ҳисобига қўрилган эди. 1917 йил октябрь воқеаларидан кейин Европа саноатчилари ўз даромадларини яна Россия саноатига қайта олиб киришдан манфаатдор эмас эдилар. Россия фақатгина сармоя тўплаш бўйича фавқулодда чоралар қўриш, кишлок хўжалигидаги барча имкониятларни сафарбар этиш, ўз ишчиларини эксплуатация қилиш эвазига саноат равнақига эришиши мумкин эди. Большевикларнинг дастурига кўра, иқтисодий тадбирларнинг асосини хорижий мулкларни миллийлаштириш, подшоҳ ҳукуматининг қарзларини тўлашдан воз кечиш ва мажбурий меҳнат ташкил этарди.

табийки, буржуа-демократик ҳукумат буларнинг бирортасини ҳам амалга оширмаган бўлур эди.

Ишчилар амалда большевиклар партияси қўллаб-қувватладилар. Аммо улар аҳолининг шу қадар оз қисмини ташкил этардиларки, Россия тарихи жараёнига ҳал қилувчи таъсирлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аммо ишчиларнинг 80 фоизи Петроград ва Москвада жамланган эди. Бу эса ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ишчилар эски дунёни бузиш ва янгисини қуриш иштиёқи билан банд эдилар. Улар бутун жамиятни социаллаштириш, яъни барча ишлаб чиқариш воситаларини умумийлаштириш, ишлаб чиқариш устидан ишчи назорати жорий этиш ва давлатда ўз ҳокимиятларини ўрнатиш ниятида эдилар.

Большевиклар тактик ҳаракатлар учун кенг имкониятга эга бўлдилар. 1918 йил 3 мартда Брест-Литовск шаҳрида Германия билан тинчлик шартномаси имзоланди. Шу тариқа инқилобнинг асосий шиори “бажарилди”. Брест-Литовскдаги тинчлик шартномаси аслида Германияга тасдим бўлиш билан баробар эди. Аммо Россия оғир ва таҳқирловчи бўлса-да, узок кутилган тинчликка эришган эди. Шартномага кўра, Россиядан Литва, Курляндия, Лифляндия, Эстляндия, Белоруссиянинг бир қисми ажратиб олинди, Карс, Ардахан ва Батуми Туркияга берилди.

Совет ҳокимиятининг ҳаёт мамотини ҳал қиладиган туб масала сулҳ масаласи эди. Россиянинг бундан буён ҳам урушда иштирок этиши Совет ҳокимиятига герман найзаларидан муқаррар равишда ҳалок бўлиш хавфини туғдирган эди. АҚШ, Англия, Франциянинг ҳукмрон доиралари сулҳ тузиш тўғрисида эшитишни ҳам истамас эдилар. Совет ҳукуматининг бу масала юзасидан қилган барча мурожаатларини улар жавобсиз қолдирдилар.

Совет ҳукумати сулҳ музокараларини бошлаш тўғрисида бир неча бор қилган таклифига Антанта ҳукуматларидан жавоб олмаганидан кейин Германия ва унинг иттифоқчилари билан бир ёқлама музокаралар бошлашга мажбур бўлди. 2 (15) декабрда Совет Россияси билан Германия блокадаги мамлакатлар (Германия, Австрия-Венгрия, Болгария ва Туркия) ўртасида яраш битими тузилди. Бир ҳафтадан кейин Брест-Литовскда сулҳ шартномаси тузиш тўғрисида яна музокаралар бошланди.

1918 йил 9 январда ўн кунлик танаффусдан кейин сулҳ конференцияси ишини яна давом эттирди. Танаффус кунларида Совет ҳукумати Россиянинг собиқ иттифоқчиларини музокараларга жалб қилишга яна бир карра уриниб кўрди. Германия делегацияси Россия иттифоқчилари сулҳ музокараларида иштирок этишдан бош тортганлигини баҳона қилиб, аннексиясиз ва контрибуциясиз сулҳ тузиш принципини рад этди. У Россия билан Германия ўртасида янги

чегара белгилашни таклиф қилди, ўшанда Польша, Литва, Эстониянинг бир қисми, латвия, Белоруссия, Украина, Моонзунд ороллари ва Рига қўлтиғи Германияга ўтар, бу эса Германияга Фин ва Ботнический кўрфазларига олиб борадиган денгиз йўллари н назорат қилиб туриш имконини берар ва Петроградни хавф остида қолдирар эди. Немисларнинг сулҳ шартномасини имзолаш тўғрисида ультиматум тарзидаги талабларига жавобан Брестда Совет делегациясига бошчилик қилган Троцкий 10 февралда, Совет Россияси шартномани имзоламайди, аммо урушни тўхтатади, армияни эса тарқатиб юборади, деб баёнот бергандан кейин вазият яна ёмонлашди.

Троцкийнинг сулҳ шартномасини имзолашдан бош тортганидан фойдаланиб, немис кўмондонлиги яраш шартларини бузди ва ўз кўшинларини бутун фронт бўйлаб рус армиясига қарши хужумга ташлади. Немис кўшинлари Петроградга хужумни давом эттирдилар, Украина ва Белоруссияга бостириб кирдилар, бутун Литвани, Эстонияни босиб олиб, у ерларда Совет ҳокимиятини тугатдилар. Мамлакат муҳим хавф остида қолди. Ҳамма ерда Қизил Армия қисмлари тузилиб, фронтга жўнатилди. 23 февралда Псков ва Нарва ёнида Қизил Армия отрядлари душман кўшинлари билан шиддатли жанг қилди. Немисларнинг “бир зарба билан” ғалаба қозониш плани барбод бўлди. Уруш давомли тус олмоқда эди. Бу ҳол немис кўмондонлигини қайтадан сулҳ музокаралари бошлашга мажбур этди. Бироқ улар янги, янада оғирроқ шартлар қўйди.

3 мартда Брест-Литовскда сулҳ шартномаси имзоланди. Унинг шартлари мамлакат учун жуда оғир ва мушкул эди. Латвия, Литва, Польша, Эстония, Украина, Белоруссиянинг бир қисми, Ардаган, Карс, Батум Совет Россиясидан ажратиб олинди. Совет ҳукумати Украинани немис империалистларига бериб қўйган Марказий Рада билан шартнома тузиши ҳамда армия ва флотни демобилизация қилиши керак эди. 1918 йил августида Германия Брест шартномасига қўшимча равишда РСФСР ни иқтисодий масалалар юзасидан тузилган шартномани имзолашга мажбур этди, бу шартномага кўра Германияга 6 миллиард марка контрибуция тўланиши керак эди. Украина ва Финляндия мустақил давлатлар деб эътироф этилди. Россия ўзининг 780 минг кв.км.худудини йўқотди. Россия, шунингдек, бутун армиясини дарҳол тарқатиб юбориши, флотини портларга қайтариши ва қуролсизланиши зарур эди.

1916 йилда Россия билан иттифоқчи мамлакатларнинг сиёсий доираларида ғалати бир ҳужжат пайдо бўлди. Иттифоқчилар урушдан кейин Россияни бўлиб олиш ҳақида яширинча шартнома туздилар. Режа қуйидагича эди: Россия Германия билан урушда мағлуб бўлади, армия ва флотини йўқотади ва сиёсий жиҳатдан қучсизланади. Шундан кейин Германия билан ярашиш ва биргаликда Россияни бўлиб олиш мумкин.

Бу пайтда Россия Германия армиясининг катта қисмини ўзига жалб этиш учун сўнгги кучларини сафарбар этган, иттифоқчиларни қўллаб-қувватлаш учун немисларга қарши ёмон қуролланган, ёмон тайёргарлик кўрган полкларни ҳужумга ташламоқда эди. Иттифоқчилар эса Россияни мағлуб қилиш ва уни давлат сифатида йўқотишни мўлжалламоқда эдилар. Украина Франциянинг протекторатига айланиши, Кавказ ва Туркистон эса Англия протекторати бўлиши кўзда тутилганди. Узоқ шарққа японлар даъвогарлик қилар, америкаликлар эса Россия темир йўллари эгаллаб олиш иштиёқида эдилар.

Гарчи сиёсий душманлари шармандали битим деб ҳисобласа-да, Ленин Германия билан сулҳ тузиб, Россияни миллий фалокатдан сақлаб қолди. Орадан 8 ой ўтгач, Германияда инқилоб рўй берди ва мазкур шартнома бекор қилинди. ғарб давлатлари Россияни куч билан жангда ушлаб туришга аҳд қилдилар. 1918 йил март ойида Россияга қарши интервенция бошланди.

1918 йилнинг баҳори ва ёзида Россиянинг шимоли (мурманск, Архангельск) инглиз, француз ва американ қўшинлари томонидан оккупация қилинган эди; Узоқ Шарққа япон, инглиз ва американ интервентлари, буларнинг кетидан эса Франция, Италия, Канада қўшинлари, Ўрта Осиё ва Бокуга инглиз қисмлари келиб тушдилар. Интервентлар пайдо бўлган жойларнинг ҳаммасида Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаб, унинг ўрнига аксилинқилобий оқ гвардиячилар диктатурасини, шафқатсиз оккупация режимини ўрнатардилар. Шундай тасаввур пайдо бўлдики, гўё бу ҳаракат олдиндан режалаштирилгану, ҳамлага бир ишора керак бўлган холос. ғарб давлатларининг Россиядаги ҳаракатлари мустамлакачилик, босқинчилик йўналишига эга эди. Аммо қанчалик мантиққа зид туюлмасин, мазкур интервенция большевикларнинг ғалабасини таъминлади. Интервентлар билан бирга мамлакатга йирик мулкдорлар, фабрика ва заводларнинг эгалари ҳам қайтиб келди. Халқ уларнинг ҳокимиятга қайтишини истамас эди. Большевикларнинг халқни уларга қарши курашга чақирди ва кўпчилик большевикларни қўллаб-қувватлади. Сиёсат иқтисодиётдан устун чиқди - халқ большевикларнинг мантиқсиз иқтисодий янгиликларини кечириш ва улар билан бирга интервентларга қарши жанг қилишга тайёр эди. Урушдан тинқаси қуриган халқ яна қўлига қурол олди.

Жанубда интервенцияни авж олдириш билан бир вақтда Антанта Шимолда ва Шарқда ҳам уруш ҳаракатларини фаоллашаштирди. Мурманск ва Архангельскда интервентларнинг инглиз-француз-американ кучлари тўхтовсиз тўлдириб турилди, натижада уларнинг сони 1918 йил охирларида оқ гвардиячи қисмлар билан бирга 40 минг кишига етди. Улар Котласга ёриб кириш мақсадида жануби-шарққа караб юрдилар, бундан мудда шарқ томондан Сибирдан ҳужум қилиб келаётган Колчак қўшинлари билан ўша Котласда бирлашиш эди.

1918 йил 18 ноябрга ўтар кечаси Омскда собиқ чор адмиралли Колчак Антанта давлатларининг кўрсатмасига ва бевосита мададига таяниб тўнтариш қилди ва ҳокимиятни ўз қўлига олди. Антантанинг планига биноан Колчак барча ички аксилинқилобий кучларини ўз атрофида бирлаштириши керак эди. 18 ноябрда Колчак “Бутун Россия ҳукумати Министрлар Советининг қарори билан у олий ҳукмдор қилиб тайинланганлиги ва Россиянинг бутун пиёда ҳамда денгиз кучлари устидан олий қўмондонлик вазифасини ижро этишга киришганлиги” тўғрисида буйруқ чиқарди. Колчак ҳокимиятини Деникин, Юденич ва Россия аксилинқилобчиларнинг кўзга кўринган бошқа раҳбарлари тан олдилар. Колчак тамомила АҚШ ва Антанта хизматига ўтди. У подшо қарзларини тўлаш мажбуриятини олди, бутун темир йўл транспортини Антанта мамлакатлари контролига топшириш баёноти берди. Ҳарбий операцияларга умумий раҳбарлик ишлари ҳам Антанта ҳарбий миссиялари қўлига ўтди. 1919 йил январидида Француз генерали Жаненни “Байкалдан ғарбгача бўлган Сибирь ва Шарқий Россиядаги рус ва иттифоқчи кучлар қўмондони” қилиб тайинлаш тўғрисида Колчак билан Антанта вакиллари ўртасида тузилган конвенцияга қўл қўйилди. Колчак оқ гвардиячи қўшинларни қайтадан тузиб ва тўлдириб, АҚШдан жуда кўп миқдорда қурол-аслаҳа олиб, 1918 йил ноябрининг охирида Пермга ҳужум бошлади.

АҚШ, Англия, Франция ҳукуматлари Деникинга Колчакка, Юденичга ва Россиянинг бошқа аксилинқилобчи кучларига жуда кўп миқдорда қурол-аслаҳа, ўқ-дори юбордилар. Улар Совет республикасига қарши уруш олиб боришга мажбур қилиш мақсадида Руминия, Польша, Финляндияга қаттиқ тазйиқ кўрсатдилар. Балтика бўйидаги аксилинқилобчиларга ёрдам бериш учун Болтика денгизига инглиз флоти юборилди. 1919 йилнинг январидидаёқ интервентлар ва ички аксилинқилобчиларнинг бирлашган кучлари Эстонияда Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга муваффақ бўлди. ғарб давлатлари ўзлари истамаган ҳолда ўз ҳаракатлари билан большевиклар тузумини мустаҳкамладилар ва кучайтирдилар. АҚШ, Англия, Франция ва Япония иштирок этган чет эл интервенцияси Россияда ички ва ташқи қамални вужудга келтирди. Мамлакат нонсиз, ёқилғи ва хом ашёсиз қолди. Большевиклар ўз фаолиятларини ҳаёт учун аёвсиз курашдан бошлашга мажбур бўлдилар.

Чет эл интервенцияси ва фуқаролар уруши Совет давлатидан мамлакат иқтисодиётини ҳарбий изга солиб юборишни, интервентларни ва оқ гвардиячиларни тор-мор келтириш учун республиканинг барча хўжалик ресурсларини сафарбар этишни, вазиятга мувофиқ иқтисодий сиёсат олиб боришни талаб қилди.

Ҳарбий иқтисодиётнинг энг қийин ва ҳаётий муҳим вазифаларидан бири - озиқ-овқат масаласи эди. Интервентлар ва оқ гвардиячи

кўшинлари Совет республикасидан мамлакатнинг асосий ғаллакор районларини: Украина, Шимолий Кавказ, Қрим, Урал, Сибирь ва бошқа районларни кесиб кўйган эди. 1918 йил ноябрида Совет республикасининг ҳудуди 25 губерна (шу жумладан 15 таси истеъмол қилувчи губерна)дан иборат эди. ғалла кулоқлар кўлида эди, аммо улар уни давлатга сотишдан мутлақо бош тортар эдилар. Маълум миқдорда ортиқча ғалласи бўлган ҳатто ўрта деҳқон ҳам ғалласини харид қуввати жуда тез пасайиб кетаётган қоғоз пулларга сотишни истамас эди. Ўша пайтда унинг ғалласи эвазига етарли миқдорда саноат моллари беришнинг иложи йўқ эди. 1918 йил ёзида кўрилган кескин тадбирлар (озик-овқат диктатураси, комбедлар тузилиши, қишлоқларга ишчилардан иборат озиқ-овқат отрядларининг юборилиши) ғалла, озиқ-овқат тайёрлашни анча кучайтиришга имкон берди. Бироқ, бу тадбирлар мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш вазифасини ҳал қилолмади. 1918 йил 30 октябрда жорий қилинган озиқ-овқат солиғи ҳам қутилган натижани бермади.

Совет ҳукумати зарур бўлган энг минимум миқдордаги ғаллани развёрстка йўли билан йиғиб олишга мажбур бўлди. Бу декрет 1919 йил 11 январда жорий қилинган эди. Озиқ-овқат развёрсткаси синфий белгига қараб олинар эди: камбағал деҳқонлардан ҳеч нарса олинмас эди, Ўрта деҳқондан - нормага биноан деҳқонларга истеъмол қилиш ва экин экиш учун зарур миқдорда дон-дун, шунингдек моллар учун зарур миқдорда ем-хашак қолдирилар эди. Қолган ҳамма ғалла қатъий баҳоларда тортиб олинар эди. Декретда ўжар ва ўз запасларини қасддан яширувчи деҳқонларга нисбатан мол-мулкни мусодара қилишга ва халқ суди ҳукми билан озодликдан маҳрум қилишгача чора кўриш кўзда тутилган эди.

Очарчиликни енгиш, ишчиларни тўйдириш, чайқовчиликни тугатиш, ишчилар синфини таназзул ва тушкунликдан қутқариш - инқилобий ҳукумат олдида турган асосий вазифалар мана шулар эди. 1918-1919 йилларда Ленин шу муносабат билан мамлакат иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг янги концепциясини ишлаб чиқди. Бу коммунизмга тўғри олиб бориши керак бўлган “ҳарбий коммунизм” сиёсати эди.

мазкур концепция асосида мамлакатда дон учун “ҳарбий юриш” эълон қилинди. “Темир пролетар интизоми” жорий этилди, донни давлатга беришдан яширган “кулаклар” аёвсиз жазоланди. 1918 йил май ойида дон топишучун қуроли гуруҳлар ташкил этилди. Пролетар давлати ўз халқига зўравонлик қилди, меҳнат билан етиштирган донини тортиб ола бошлади. Айрим қуроли гуруҳлар босқинчилик билан шуғулландилар. Улар қишлоқлардаги донни тамомила олар, ҳар қандай қаршиликни исён деб баҳолаб, аёвсиз шаклда бостирар эдилар.

Ленин бир қаторда қатъий чора-тадбирлар воситасида хусусий тижоратни тугатиш, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол коммуналари ўртасида режали озиқ-овқат алмашувини йўлга қўйишни мўлжаллаган эди. Тижоратни режали, давлат миқёсида ташкил этилган озиқ-овқат тақсимооти билан алмаштириш кўзда тутилганди. Пулни йўқотиш, унинг ўрнига омонат дафтарчалари, чеклар, жамоат озиқ-овқатини олиш ҳуқуқини берувчи қисқа муддатли билетлар жорий этиш режалаштирилган эди. Шу муносабат билан мазкур сиёсатнинг ўзи ҳам коммунизм деб аталди - пулни бекор қилиш, хизматлар, транспортда юриш, уй-жойни текин қилишга уриниш унинг асосий белгилари эди.

Озиқ-овқат развёрсткаси деҳқонни ўз ишлаб чиқаришини кенгайтиришга моддий рағбатлантирмас эди, албатта, шунингдек, у шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги хўжалик алоқаларининг мақсадга мувофиқ бир формаси ҳам эмас эди. Бундай тадбирни кўришга уруш, муҳтожлик, очарчилик мажбур этган эди. “развёрстка “идеал” эмас, - деб таъкидлаган эди большевиклар доҳийси В.И.Ленин, - балки аччиқ ва ачинарли заруратдир”.

“Ҳарбий коммунизм”, сиёсати уруш ҳамда вайронлик натижасида мажбуран киритилган эди. У пролетариатнинг хўжалик вазифаларига жавоб бера оладиган сиёсат бўлган эмас ва бўла олмас эди ҳам. У муваққат бир чора эди - деб тан олган эди большевиклар доҳийси В.И.Ленин.

1918 йил баҳорида қишлоқдан донни мажбурий олиш бошланди. Фавқулодда озиқ-овқат гуруҳлари қишлоқларга юборилиб, ортиқча дон давлат ихтиёрига олина бошланди. Буларнинг ҳаммаси фуқаролар урушига сабаб бўлди. У 1918 йилдан 1920 йилгача давом этди. Дон (Каледин, Краснов), Кубань (Деникин), Жанубий Урал (Дутов), Сибирь (Семёнов), Қрим (генерал Врангель), мамлакат шимоли-ғарби (генерал Юденич) ички аксилинқилобнинг асосий марказлари эди.

Фуқаролар уруши жараёнида Россиянинг келгуси тараққиёт йўли учун кураш борарди. Деҳқонларнинг барча талаблари пировардида шу шиорларга бориб тақаларди: “Коммунистларсиз Советлар учун” ва “Тижорат эркинлиги учун”. Йирик буржуазия, дворянлар ва оқ армия раҳбарияти чекланган монархияни тиклашга интиларди. “Инқилобий демократия” йўналишидаги партиялар (меньшевиклар, эсерлар) Россиянинг демократия ва эркин ишбилармонлик йўлидан ривожланиши тарафдорлари эдилар. Большевиклар эса пролетариат диктатураси асосиқа қурилган “социалистик” давлат барпо этишни ўйлардилар.

Фуқаролар уруши большевиклар ғалабаси билан якунланди. Чунки улар совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш учун оммани бирлаштирадиган янги мафкурани (жаҳон урушидан чиқиш, ер ҳақидаги Декретни амалга ошириш, 8 соатли иш куни жорий этиш ва

хоказо) шакллантиришга муваффақ бўлдилар. Ҳарбий коммунизм сиёсати иқтисодиётда ва давлат сиёсатида салбий оқибатларга олиб келди. Бунинг натижасида совет ҳукумати 1921 йил баҳорида чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозга дуч келди.

Қишлоқда бошланган деҳқон қўзғолонлари чинакам деҳқонлар урушига айланиб кетди, уни бостириш учун йирик ҳарбий қўшинлар ташланди. Туркистон миллий-озодлик ҳаракати алангаси ичида эди. 1921 йил 2 мартда бир пайтлар большевикларнинг таянч нуқтаси бўлган Кронштадт қўзғалди. Исёнчи денгизчилар партияни инқилобга хиёнат қилишда, ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашда айблаб, рус халқи коммунистларнинг ҳукмронлигига қарши бош кўтаришга чақирдилар. Партия ичида ҳам бўлиниш рўй берди, марказий комитет фракцияларга ажралди.

Булар объектив воқелик томонидан большевикларнинг хомхаёлига қарши берилган биринчи аёвсиз дарс эди. Деҳқон қўзғолонлари золимона тарзда бостирилди, Кронштадт исёни тор-мор қилинди, иш ташлашлар тинчитилди, исёнкор Туркистоннинг чет билан алоқаси кесилди. Аммо большевиклар раҳбарияти зўравонлик билан вазиятни яхшилаб бўлмаслигини, “ҳарбий коммунизм” воситасида мамлакатни тўйдириш, кийдириш ва иситиш мумкин эмаслигини яхши англади. Бу тоталитар тузумнинг биринчи мағлубияти бўлиб, хусусан, шиорлар ва даъватлардан ҳам кучлироқ нарсалар борлигини, чунончи, бозор, эркин тижорат, ишлаб чиқариш ва истеъмол эканлигини яққол намоён этди.

Ҳарбий коммунизм сиёсати ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ғов бўлиб қолди. Озиқ-овқат развёрсткаси туфайли ўз омборида ортиқча ғалла сақлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган деҳқонлар маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга моддий жиҳатдан қизиқмай қўйди. Деҳқонлар ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳатто камайтирмоқда эди. “Шаҳардаги қурилиш вазифаларига бевосита коммунистик йўл билан яқинлашишдан иборат бўлган развёрстканинг қишлоқда жорий қилиниши ишлаб чиқарувчи кучларни юксалтириш ишига халақит берди ва бизлар 1921 йил баҳорида йўлиққан чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирознинг асосий сабаби бўлиб чиқди”- деб хатосини тан олган эди В.И.Ленин.

Шу муносабат билан 1921 йил март ойида Ленин большевиклар тактикасида кескин бурилиш ясади. мамлакатда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) жорий этилди. 1921 йил 15 мартда РКП (б)Х съезди “Развёрсткани натура солиғи билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди, бу қарорда: “...давлатнинг озиқ-овқат, хом ашё ва ем-хашак тайёрлаш усули бўлган развёрстка натура солиғи билан алмаштирилади” дейилган эди. Бу сиёсат иқтисодиётнинг кўп тарзли бўлишини эътироф этди, эркин тижорат ва хусусий мулкни

қонунлаштирди. Концессиялар бериш воситасида хорижий сармоянинг мамлакатга кириш йўли очилди. Майда тижоратчиларнинг катта армияси пайдо бўлди. Миллионлаб косиблар мамлакат истеъмол молларининг тўртдан уч қисмини ишлаб чиқара бошлади. Натижада ишчи ва деҳқонлар турмуши яхшиланди, дастлабки жиддий ижтимоий тадбирлар ҳаётга жорий этилди.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш большевикларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига муносабатлари жиддий ўзгарганини англатарди, ва балки, у муваффақият қозонган ёки узоқ вақт давом этган тақдирда, мамлакатда самарали иқтисодий тизимнинг яратилишига олиб келиши ҳам мумкин эди.

Янги иқтисодий сиёсат хўжаликни ривожлантириш муаммосини ярим-ёрти ҳал қиларди. Совет ҳокимияти барча йирик саноат, транспорт, банклар, ташқи савдо, ерни ўз қўлига олиб, хусусий сармояни чеклади ва тартибга солди, жамоавий секторни ўстириш ва мустаҳкамлашга зўр берди.

Қишлоқда ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Бу ерда “озиқ-овқат развёрсткаси”, яъни ортиқча озиқ-овқатларнинг куч билан тортиб олиниши озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилди. Энди деҳқон давлат солиғини бажарганидан сўнг ортиқча маҳсулотини бозорда эркин нархларда сотиши мумкин эди. Савдога хусусий сармоя қўйилди. давлат энг аввало саноат маҳсулотларини таклиф қилувчи йирик улгуржи савдонинг ташкилотчисига айланди.

Деҳқонлар 1921 йили баҳорги экишни баланд руҳ билан ўтказдилар. 1921 йилда Совет давлати қишлоқларга ўн минглаб плуг, борона, сеялкалар, пичан ўриш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари юборди ва шу билан деҳқонларга каттагина ёрдам қилди. 1921 йили Волга бўйи, Украина, Қрим, Шимолий Кавказ ва бошқа жойларда бўлган жуда каттиқ қурғоқчилик қишлоқ хўжалигига ғоят катта зарар етказди. Қурғоқчилик натижасида 22 миллион киши очликка учради. Очликдан бир миллионга яқин киши ўлди. Икки миллион бола етим қолди.

Совет ҳукумати очликка учраганларни ўлимдан сақлаб қолиш учун чоралар кўрди. Қурғоқчиликдан зарар кўрган районларга 85 миллион пуд ғалла юборди, ижтимоий ишлар йўлга қўйилди (бу ишларда қатнашганларга озиқ-овқат паёклари берилди), умумий овқатланиш ташкил этилди. Давлат очарчилик ҳукм сураётган районлардаги болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатди. Юқумли касалликларнинг пайдо бўлишига ва тарқалишига йўл қўймаслик учун бу районларга кенг миқёсда тиббий ёрдами берилди. Давлат очарчиликка қарши курашга олтин ҳисобида 156 миллион сўм сарфлади.

1919 йилда тузилган “Совет Россиясига техника ёрдами бериш АҚШ ва Канада жамияти” ҳамда 1921 йилда АҚШда ташкил этилган

“Совет Россияси дўстлари жамияти” бу соҳада катта иш бошлаб юборди. Бу жамиятлар машина, трактор ва бошқа ишлаб чиқариш қуролларини сотиб олиш учун маблағлар йиғдилар, Совет Россиясига юбориш учун ихтисосли ишчилар орасидан кишилар тўпладилар.

1921 йил ёзида мамлакатга америкалик агроном Гарольд Вэр бошлиқ бир группа ишчилар келди. Америка ишчилари ўзлари билан 21 та трактор келтирдилар, бу тракторлар “Совет Россияси дўстлари жамияти” тўплаган маблағларга сотиб олинган эди.

2. Янги иқтисодий сиёсат билан бир вақтда совет давлати иқтисодиётни бошқаришни имкон қадар марказлаштириш чоратадбирларини фаол амалга оширди. 1920 йил декабрда ГОЭЛРО режаси - мамлакатни давлат миқёсида электрлаштириш режаси қабул қилинди. У саноат соҳасидаги ишлаб чиқаришни урушдан олдинги даражага етказиш, бутун иқтисодиётни янги техник база ва йирик саноат асосида қайта қуришни кўзда тутарди. Хусусий саноат, кишлок меҳнатини жамоалаштириш, халқнинг фаровонлиги ва маданиятини ошириш режалаштирилди.

Мамлакат халқ хўжалигини бюрократик марказлаштиришда 1921 йилда ташкил этилган Россия Давлат банки муҳим аҳамиятга эга эди. У барча пул ва кредит операцияларини бошқарарди. Ҳукумат кўрсатмалари асосида Давлат банки мамлакатда пул массасининг айланишини тартибга соларди.

Халқ хўжалигининг алоҳида соҳаларини бошқариш мақсадида соҳалар бўйича халқ комиссарликлари ташкил этилди. Улар хўжаликни бошқаришнинг қатъий марказлаштирилишига, ҳокимият тизгинининг марказий давлат аппарати қўлига ўтишига эришдилар.

Шундай қилиб, мамлакатда бир вақтнинг ўзида икки бир-бирига зид жараён кечди. Иқтисодиётнинг табиий ривожланиши большевикларни хусусий тадбиркорлик, эркин бозор муносабатлари билан ҳисоблашишга мажбур қилди, бироқ ғоявий ва сиёсий мулоҳазаларга ишлаб чиқариш воситаларига давлатнинг эгалик қилишига асосланган улкан хўжалик бирлашмаларининг тузилишига олиб келди. Бундай иқтисодиёт барча корхона, завод, фабрика, ер, савдо ва молия ташкилотларининг тўлиқ миллийлаштириш кўзда тутарди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг биринчи йилиёқ катта фалокат - қурғокчилик рўй берди. Россиянинг улкан ҳудуди очлик сиртмоғида қолди. Очарчилик рўй берган ҳудудларда 20 млн.га яқин аҳоли яшарди. Фалокат бу ерда салкам бир йил давом этди. Юз минглаб одамлар очликдан, тўйиб овқат емаслик оқибатида пайдо бўлган касалликлардан ҳалок бўлдилар. Кўплаб одамлар озиқ-овқат сероб ўлкалар, хусусан, Ўрта Осиёга кўчди.

Ғарб давлатларининг совет давлатига муносабати бу бекарорликни янада чуқурлаштирди. Англия ва Франция Россияни 1924 йилгача тан

олдмади, Мамлакат иқтисодий қамал исканжасида эди. Ўзаро ҳисоб-китоб қоидалари йўқлиги сабабли валюта-пул муносабатлари ўрнатилмаганди. Совет ҳукуматининг савдо алоқаларини ривожлантириш тўғрисидаги барча таклифларига ғарб подшо давридаги қарзларни тўлаш ва миллийлаштирилган мулкни қайтариш талаби билан жавоб берарди. 1924 йилгача савдо-сотик фақат Германия ва қатор Скандинавия давлатлари билан олиб борилди. Ҳатто ўта фойдали шартлар асосига кўрилган таклифлар ҳам ғарбнинг муносабатини ўзгартирмади.

Совет давлати ижтимоий таъминот соҳасида муҳим ислохотларни амалга ошира бошлади. 8 соатлик куни жорий этилди, аёлларнинг меҳнатига эркаклар меҳнати билан тенг ҳақ тўлаш белгиланди, нафақалар, ҳақ тўланувчи таътиллار, меҳнат қобилятини йўқотганлар учун касаллик варақалари, ишчи ва хизматчиларга бепул тиббий хизмат жорий қилинди. Қримдаги собиқ шоҳ саройлари, Кавказда, Қора денгиз бўйида, Москва ва Петроград теъарагида курортлар, санаторийлар, ишчиларнинг дам олиш уйлари очилди. Юз минглаб ишчи ва хизматчилар биринчи марта ўз ёзги таътилларини оромгоҳларда ўтказиш имкониятига эга бўлдилар. Кўпчилик дам олувчиларга йўлланмалар бепул берилди.

Бироқ, иқтисодий қонунларнинг бузилиши иқтисодий ривожланишдаги беқарорликка олиб келди. Фақат 1927 йилга келибгина ишлаб чиқариш 1913 йил даражасига етди. Қишлоқ хўжалиги бу йили урушдан олдинги даражага ҳам ета олмади. Ҳосилдорлик беқарор эди. 1924 йил ҳам қурғоқчил келди. Чорвачилик 20-йилларда урушдан олдинги даражага ета олмади, деҳқон хўжаликларининг 30%и отсиз эди.

Хўжаликни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари қийматни белгилашда тартибсизликларни келтириб чиқарди. Саноат маҳсулотлари нархлари сунъий равишда пасайтирилди. Натижада қишлоқ аҳолиси саноат маҳсулотларини харид қилиш имкониятидан маҳрум бўлди, саноат маҳсулотлари омборларда қолиб кета бошлади, корхоналар ишчиларга ҳатто маош тўлай олмасдилар. Большевиклар иқтисодий концепциясининг барбод бўлгани кўзга аниқ ташланиб қолди. “Давлат социализми”нинг маъмурий буйруқбозлик тизими иқтисодий юксалишни таъминлай олмади. Амалдорларнинг ўзбошимчалиги, чайқов бозори, коррупция, интизомсизлик, режани бажариш йўлида ишлаб чиқариш технологиясини бузиш ва шу каби қатор иллатлар кўзга ташланиб қолди.

Ишчилар орасида ишсизликнинг пайдо бўлиши энг жиддий ҳодиса бўлди. Қишлоқ аҳолиси тирикчилик илинжида шаҳарга кўчиб кела бошлади. Бу ерда эса иш йўқ эди. 1923 йили мамлакатда ишсизлар сони 641 минг кишини ташкил қилди, 1924 йилда бу сон 1240 минг

кишига етди. Уй-жой танқислиги сезилди. янги қурилишлар деярли олиб борилмасди. Аксарият ишчилар сув, электр ва бошқа ҳаётий зарур шароитлар бўлмаган барак ва ертўлаларда кун кечирардилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари муттасил етишмасди. Давлат шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан етарли миқдорда таъминлай олмасди.

Ташқи савдога давлат якка ҳокимлиги 1917 йилдаёқ жорий этилган бўлиб, унга доир масалалар Москвадаги амалдорларнинг қисқа доираси томонидан кўрилиши, жуда кўпчилик билан келишилиши лозим эди. Бу ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. ғарб билан алоқа қилишдан, ғарб тараққиёти ва маданиятининг таъсиридан кўрқиш, кенг авж олган жосуслик васвасаси совет иқтисодиётини дунё миқёсида ривожлантириш йўлига тўғанок бўлди.

1925-1926 йилларда хусусий, шу жумладан, майда ва хунармандчилик ишлаб чиқариши жами ишлаб чиқаришнинг бор-йўғи 23%ини, хусусий секторнинг умумий ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси эса атиги 15%ни ташкил қилди. 1922 йил декабрида тўртта мустақил Совет республикалари: Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси (РСФСР), Закавказье Совет Федератив Республикаси (ЗСФСР), Украина Совет Социалистик Республикаси ва Белоруссия Совет Республикаси билан иттифоқ давлати - Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) бўлиб бирлашдилар. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг ташкил топиши мамлакат раҳбариятида Сталин бошчилигидаги ўта экстремист улуғ давлатчи кучларнинг ғалабаси бўлди. Совет Иттифоқининг бутун ҳудудида маъмурий-буйруқбозлик тизими қарор топди. Шу билан бирга Миллий Республикаларнинг хом ашё манбаларини саноатлаштириш эҳтиёжлари учун истаганча ва деярли бепул олиб чиқиб кетиш имконини берувчи ягона ҳўжалик тизими вужудга келди.

Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожлантирилиши мамлакатдаги барча тўқимачилик фабрикаларини пахта, кимё саноатини эса махсус компонентлар билан таъминлаш ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш имконини берди. Донбасс кўмири, Озарбайжон нефти, Украина ғалласи ва шакари, Қозоғистоннинг чорвачилик маҳсулотлари, Қирғизистон берган жун саноатлаштиришнинг ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлди.

Республикалар Советларининг 1924 йил январь ойида бўлган съездлари СССР Конституциясини ратификация қилди. СССР Конституцияси 1924 йил 31 январда Советларнинг Бутуниттифоқ 11 съездида узил-кесил тасдиқланди.

СССР Конституцияси текстига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузиш ҳақидаги Декларация ва Шартнома текстлари ҳам киритилди. Конституцияда СССР олий ҳокимият

органлари ҳал қиладиган бир қанча масалалар: ташқи сиёсат, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш, СССР ва республикаларнинг чегаралари, СССР составига қабул қилиш, СССР Қурулли Кучлари, транспорт ва алоқа, халқ хўжалигини планлаштириш масалалари белгиланди. Булардан бошқа ҳамма масалаларни ҳар қайси республика ўзи мустақил равишда ҳал қилишга ҳақлидир. Ҳар қайси республика учун СССРдан эркин ажралиб чиқиш ҳуқуқи сақланди. Барча мавжуд совет топиши мумкин бўлган совет социалистик республикаларининг ҳам, келгусида ташкил топиши мумкин бўлган совет социалистик республикаларининг ҳам Совет Иттифоқи составига кириши учун кенг йўл очиб қўйилди.

СССРни ташкил қилиш тўғрисидаги шартнома ўта марказлашган қўшма давлатни вужудга келтирди. Унда марказий ҳукумат қўлига имкон қадар кўпроқ ҳокимиятни олишга уринди, миллий республикаларнинг ҳуқуқлари эса жуда озчиликни ташкил қилди. Бюджет марказ томонидан белгиланди, пул марказдан туриб тақсимланди, республикалардаги халқ комиссарликлари, марказий халқ комиссарликларига бўйсунди, марказ армия, ички ишлар халқ комиссарлиги, ташқи сиёсат ва ташқи савдо, алоқа ва алоқа йўллари йўз қўлига олди.

Тўғри, Шартноманинг 26-моддаси ҳар бир республика Иттифокдан чиқиш ҳуқуқига эгаллигини кўзда тутарди. Бироқ, ҳеч бир республика ҳеч қачон бу “ҳуқуқ”дан фойдалана олмади. Жиноий ҳуқуқ Иттифокнинг яхлитлигига қарши ҳар қандай дахлни оғир жиноят деб ҳисоблаб, уни содир этганлик учун ўлим жазосини кўзда тутди. Марказнинг ихтиёрида армия ва ОГПУнинг жазо идоралари бўлиб, улар мустақилликка бўлган ҳар қандай интилишни шафқатсиз жазоларди.

1924 йилнинг сентябрида Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети сессияси, шунингдек, Советларнинг V Бутун V Бухоро курултойи ва Советларнинг Бутун Хоразм курултойи миллий давлат чегараланиши ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди. 1924 йилнинг октябрида СССР Марказий Ижроия Комитетининг 2-сессияси бу қарорларни тасдиқлади. Миллий-давлат чегараланиши натижасида ўзбек халқи ягона Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига, туркман халқи Туркменистон Совет Социалистик Республикасига бирлашди, тожик халқининг яхлит яшовчи асосий кўпчилик қисми Тожикистон АССРни ташкил қилди. Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР составига кирди, қирғизлар Қорақирғистон автоном областига бирлашдилар (1925 йилдан эътиборан у Қирғизистон автоном вилояти деб юритила бошлади), бу автоном вилоят РСФСР составига кирди; қорақалпоқлар Қорақалпоғистон автоном вилояти барпо қилдилар, бу автоном вилоят Қozoғистон АССР составига кирди. Туркистон АССРнинг қозоқлар яшаб келган вилоятлари Қozoғистоннинг қолган

қисми билан янгидан бирлашди. Бухоро ССР ва Хоразм ССР, шунингдек Туркистон АССР тугатилди.

1925 йилнинг феврида Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари Советларининг съездлари бўлди, бу съездларда шу республикаларнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига кириши тўғрисида қарор қабул қилинди. 1925 йил 13 майда СССР Советларининг учинчи съезди Ўзбекистон ССР билан Туркменистон ССРни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига қабул қилди. Тожикистон АССР 1929 йилда Ўзбекистон ССР составидан чиқиб, ўзини мустақил деб эълон қилди ва иттифокдош республика ҳукукидан СССР составига кирди.

Ҳукуматнинг юқори доираларида ҳокимият учун мунтазам кураш кетарди. Бироқ, Лениннинг обрўси катта бўлгани сабабли унинг тириклигида ички ихтилофлар яширин кечди. 1922 йилда Ленин оғир бетоблиги туфайли фаол сиёсий ҳаётдан деярли кетди. 1924 йилда Лениннинг ўлими ҳокимият учун курашнинг бошланишига туртки бўлди. Партия раҳбариятида икки бош гуруҳ юзага келди. Бирини Троцкий (Л.Бронштейн, 1879-1940), иккинчиси эса 1922 йилда партия Бош қотиби қилиб тайинланиб, партиядо ва мамлакатда улкан ҳокимиятни қўлга киритган Сталин (И.Жугашвили, 1879-1953) бошқарди.

Қизил армияга бош қўмондонлик қилган Троцкий тинч аҳолига қарши оммавий террор уюштириш, ҳарбий асирларни йўқ қилиш, ўзига ёқмаган командирларни отиб ташлаш каби айбларни содир этган эди. У энг қатъий чораларни қўллаш - “касаба уюшмаларини давлатга бўйсундириш” тарафдори ҳисобланарди. Шунингдек, Троцкий “ҳарбий коммунизм” дастури муаллифларидан бири бўлиб, “меҳнат армиялари”ни ташкил қилиш ва давлатни ҳарбий лагерга айлантиришни талаб қиларди. У айниқса деҳқонларга нисбатан шафқатсиз эди. Ўша пайтда машҳур бўлган “деҳқоннинг елкасида коммунизмга қадам қўйиш” ибораси Троцкийга тегишли бўлиб, у деҳқондан социализм куриш учун зарур барча нарсани тортиб олиш лозимлигини англатарди.

Биринчи зарба Троцкийга қарши қаратилди. 1927 йилда у эгаллаган барча лавозимларидан бўшатилади, партиядан ҳайдалди ва мамлакатдан бадарға қилинди. Троцкийдан сўнг бошқаларга ҳам навбат келди. Уларнинг биринчиси Бухарин бўлди. Бухарин ақлли, назарий жиҳатдан кучли сиёсатчи бўлиб, эркин дунёқараши билан ажралиб турарди. У Россияда “социализм куриш” режалари борасида эркин фикр билдирди. Бухарин саноатлаштириш ва жамоалаштириш билан боғлиқ авантюристик режалар, иқтисодиёт, транспорт ва молия соҳасининг ҳаддан ортиқ марказлаштирилишига қарши турди ва иқтисодиёт устидан бундай зўрлий ижтимоий тараққиёт қонунлари ҳамда иқтисодиётдаги табиий алоқаларнинг бузилишига олиб келиши ҳақида огоҳлантирди.

1929 йили Сталин Н. Бухарин ва унинг тарафдорларини ўз ғояларининг хато эканини тан олиш ва тавба қилишга мажбур қилди.

Партиянинг атоқли арбоби, таниқли назариётчи, публицист саналган Бухариннинг таслим бўлиши Сталин учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди - бу Сталиннинг мамлакатда мутлақ ҳокимиятни қўлга киритганлигидан далолат берарди. Партияда энди ҳар қандай мустақил сиёсий фикр бўғилган, баҳсларга, дохийнинг қарорлари муҳокама қилинишига йўл қўйилмас, унинг даҳолиги ва узоқни кўра билишига шубҳа қилиш ҳам мумкин эмас эди. Партия йиғилишлари Сталиннинг халқ ва жаҳон пролетариати олдидаги хизматларини кўкка кўтариб мақташдан иборат бўлиб қолди, партиянинг ўзи эса унга мадҳиялар куйловчи яқдил ва жўр овоз хорга айланди.

Совет давлати раҳбарлари қолақ Россияни саноатсиз қудратли замонавий давлатга айлантириб бўлмаслигини яхши тушунардилар. 1925 йил декабрда ялпи иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида саноатлаштиришга ўтиш тўғрисида эълон қилинди. Мамлакатда янги замонавий саноатни барпо этиш бўйича улкан ишлар бошланди. Қисқа вақт ичида ўнлаб янги электр станциялари барпо этилди, Керч, Кривой Рог, Магнитогорск, Кузнецк ва Сибирда дунёда энг йирик металлургия корхоналари қурилиши бошланди. Кимё саноати, машинасозлик, трактор ва автомобилсозлик саноатларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. 1926-1927 йилларда жами 582 та янги корхона барпо этилди.

Мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойлаштириш ҳамда миллий республикаларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолақлигига барҳам бериш вазифаларини ҳал қилишга катта эътибор қаратилди. Бунда 1927-1930 йилларда қуриб битказилган туркистон-Сибирь темир йўли (Турксиб) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Узунлиги 1500 км бўлган бу темир йўл ғалла, ўрмон ва кўмирга бой Сибирни Ўрта Осиёнинг пахтакор республикалари билан боғлади. Қурилишда 50 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилди.

Янги саноат корхоналарининг барпо этилиши ишчи кучи ва муҳандис-техник кадрларга бўлган катта талабни пайдо қилди. Янги саноат базаси янги, замонавий фан-техника даражасидаги ишчилар синфи ва техник кадрларни дунёга келтирди. 1926 йилда завод ва фабрикаларда 2 млн. ишчи меҳнат қилди, бир йилдан сўнг уларнинг сони 3 млн.га етди. Техник кадрларнинг етишмаслиги кўплаб янги олий техника ўқув юртларининг очилишига туртки бўлди. Талабалар сони қисқа вақт ичида 48 мингтадан 235 мингтага етди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик режаси қабул қилиниши мамлакатнинг саноатлаштиришда муҳим босқич бўлди. бу режада ақл бовар қилмас вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилди. Умумий саноат ишлаб чиқариши беш йил ичида икки ярим

бараварга ўсиши лозим эди. Асосий эътибор электрлаштириш, қора ва рангли металлургия, кимё саноати, кўмир, нефть, торф қазиб чиқариш, машинасозлик, электр саноатини ривожлантиришга қаратилди. Оғир саноатдаги умумий ўсиш 230%ни ташкил қилиши, электр энергиясини ишлаб чиқариш тўрт бараварга, чўян ишлаб чиқариш уч бараварга, кўмир қазиб олиш эса икки бараварга ошиши лозим эди.

Совет давлати халқ хўжалигидаги асосий камчилик турли соҳаларнинг мутаносиб ривожланиши бўлди. Халқ хўжалигида асосий эътибор саноат маҳсулотларини оширишга қаратилиб, бу 30-йиллардаёқ карточка тизимининг жорий этилиши ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи енгил саноатнинг хиссаси дунё миқёсида энг оз бўлиб қолди. Енгил саноатни ривожлантиришга фақат бир фоиз сармоя жалб қилинди. мамлакатда кенг эҳтиёж моллари-кийим-кечак, мебель, уй жиҳозлари, пойафзалнинг доимий тақчиллиги кузатилди.

Саноатлаштириш янги техника бўлган улкан талабни пайдо қилди. Харажатли иқтисодиёт техника ва янги технологияларнинг ривожланиши, фан-техника ютуқларининг тадбиқ қилинишига имкон бермасди, шу сабабли янги техниканинг асосий оқими фақат ривожланган ғарб давлатларидан келиши мумкин эди. Бунинг учун давлатда пул йўқлиги, уни техника ускуналарини ривожланган Европа мамлакатларидан олтин, ўрмон, ғалла ва шу кабиларни сотиш эвазига харид қилишга мажбур қилди. Эрмитаж хазинасидаги Рембрандт, Рубенс, Ван Дейк каби мусаввирларнинг бебаҳо асарлари сотилиб, улар хусусий коллекциялардан ўрин олди. Ҳукумат черков таъсирига қарши кураш ва атеизмни жорий қилиш баҳонасида рус православ черковининг улкан бойликларини мусодара қилди. Черковлар таланди, олтин ва кумуш буюмлар - олтин крестлар, иконалар қопламлари, шамдонлар мусодара қилинди. мамлакат ҳукумати аҳолидан ҳам олтин буюмларни ола бошлади, махсус ташкил қилинган “Торгсин” (Хорижий давлатлар билан савдо) дўконлари озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол моллари (кийим-кечак, пойафзал, уй жиҳозлари)ни фақат олтин ва тилла буюмлар эвазига сота бошлади. Бу йўл билан халқдан олинган тилла буюмларнинг умумий миқдори қарийб 3 минг тоннани ташкил қилди. Уларнинг барчаси ғарбдан мол ва ускуналар сотиб олишга сарфланди.

Саноатлаштиришни маблағ билан таъминловчи бошқа бир муҳим манба - чет миллий ўлкаларни Россия саноатининг хом ашё “думи”га айлантириш бўлди. Мавжуд марказлашган ва режали иқтисодиёт ҳамда кўп сонли маъмурий каналлар саноатлаштириш учун маблағнинг катта қисмини миллий республикалардан жалб қилиш имконини берди.

Совет тоталитаризми халқни янги саноатлашган давлатни куришга сафарбар қила олди. У қоқоқ давлатнинг иқтисодий

ривожланишида самарали восита бўлди. 1929-1932 йилларда, Европадаги барча мамлакатлар ва АҚШ жаҳон иқтисодий инқирозини бошдан кечираётган бир пайтда, СССР ташаббускорлик ва мажбурий меҳнатга асосланган улкан қурилиш майдонига айланди.

30-йилларда СССР саноатни жадал ривожлантириш даврига қадам қўйди. Умумий ишлаб чиқариш 1928 йилдан 1939 йилгача бўлган даврда 6 баравар, электр энергиясини ишлаб чиқариш - 14, қора металлургия - 6, кимё ва нефть-кимё саноати - 15, машинасозлик - 15 баравар ўсди. Янги шахарлар, саноат гигантлари, ишлаб чиқариш комплекслари барпо қилинди. Бироқ, бу ривожланиш ҳануз бир томонлама эди. Асосий эътибор оғир саноат - металл, пўлат, кўмир, электр энергиясини ишлаб чиқаришга қаратилди. Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш паст даражада қолди. Оғир саноатни ривожлантириш учун маблағ бу йилларда, ички эҳтиёжга хилоф бўлса-да, чет мамлакатларга ғалла сотиш эвазига олинди.

СССР халқ хўжалигининг бир маромда, барқарор ривожланишига 1929-1932 йилларда ўтказилган қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш қаттиқ зарба берди. У қишлоқнинг янгиланиши ғоясини қўпол маъмурийлаштириш, зўравонлик, хўжасизлик ва аҳолининг қашшоқлашиши билан боғлади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги табиий иқтисодий қонунлар асосида эмас, юқоридан берилган буйруқ ва йўл-йўриқларга кўра ривожлана бошлади.

Бу бузилишлар, биринчидан, коллективлаштириш суръатлари ниҳоятда жадаллаштирилиб, деҳқонларнинг колхозларга ихтиёрий кириш принципи қўпол суратда бузилганлигида; иккинчидан, коммуналар оммавий равишда жорий этилиб, асосий ишлаб чиқариш воситаларигина эмас, балки уй-жой бинолари, қўй-эчки, парранда ва шу сингарилар ҳам умумлаштирилганлигида ифодаланди; учинчидан, қулоқ қилиш кўп ҳолларда ёппасига коллективлаштириш билан қўшиб олиб борилмади ва колхозларга киришни истамаган ўрта ҳол деҳқонларни ҳам қулоқ қилиш ҳоллари учраб турди; тўртинчидан, мамлакатнинг бир қанча туманларида маҳаллий бозорлар ёпиб қўйилиб, деҳқонларга ўз маҳсулотларини бозорда сотиш тақиқланди ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш деҳқонларнинг жиддий норозилигига сабаб бўлди. 1929 йилда ВКП (б) Марказий Комитетининг ноябрь пленумида “Колхоз қурилишининг якунлари ва бундан буёнги вазифалари тўғрисида”ги масала муҳокама қилинганда баъзи обрўли партия раҳбарларининг тутган позицияси ҳам бузилишларнинг келиб чиқишига имкон берувчи вазиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Масалан, ВКП (б) Шимолий Кавказ ўлка комитетининг секретари А.А.Андреев Марказий Комитет Пленумида, Шимолий Кавказда коллективлаштириш асосан 1931 йил ёзига келиб амалга оширилиши мумкин, деган мўлжални айтган бўлса, В.М.Молотов: “Биз Шимолий

Кавказда коллективлаштиришни 1930 йил ёзида асосан тугаллаймиз”, - деб қатъий қилиб айтди.

Бузилиш ҳолларининг сабабларидан бири шунда эдики, деҳқонларнинг ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришни ўтказиш ҳақида жойларга аниқ конкрет кўрсатмалар берилмаган эди. 1930 йил 6 февралда эълон қилинган қишлоқ хўжалик артелининг намуна Уставида колхозчиларнинг томорқалари ҳақида, чорва молларини умумлаштириш тартиби тўғрисида ва шу сингарилар ҳақида ҳеч гап айтилмаган эди.

Жойларда ходимлар йўл қўйган кўпгина хатоларнинг сабаби, шубҳасиз, шунда эдики, уларнинг кўплари сиёсий жиҳатдан етарли даражада етук бўлмай, ана шундай жуда мураккаб социалистик ўзгаришни ўтказиш тажрибасига эга эмас эди ва ҳоказо. ВКП (б) Марказий Комитети 1930 йил 25 февралдаги қарорида бу ҳақда яна бир марта огоҳлантириб, бу қарорда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш соҳасида Ўзбекистон ССРнинг баъзи туманларида, Шимолий Кавказнинг бир қанча миллий вилоятларида йўл қўйилган ярамас методларни қоралади.

Колхозлар даврининг биринчи йилиёқ Россия тарихида бўлмаган очарчиликни юзага келтирди. У 30 млн. аҳолини қамраб олди. Очарчилик Украина, Дон, Шимолий кавказ, Волгабўйи, Жанубий Урал, Қозоғистондаги ғалла етиштирувчи ҳудудларда рўй берди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан энг кам даражада таъминлаш мақсадида мамлакатда карточка тизими жорий қилинди.

Ғалла тайёрлаш кампаниялари 1932 йилдан бошлаб деҳқонларга қарши чинакам урушларга айланди. Ҳар кузда қишлоқларга ғалла бўйича махсус ваколат олган ходимлар ёпирилди. Сабр қосади бўлган деҳқонлар қўлга қурол олдилар. “Қулоқлар исёнлари”ни бостиришга Қизил армия қисмлари ташланди. Ўн минглаб деҳқонлар судсиз отиб ташланди, юз минглаб деҳқонлар бадарға қилинди, уларнинг кўпчилиги сургун қилинган ерларида ҳалок бўлдилар. “Қулоқ” - иқтисодий жиҳатдан эркин товар ишлаб чиқарувчи - иқтисодиётни маъмурий бошқариш тизими доирасига сиғмас эди. Ўз хўжалигида ёлланган ишчи кучидан фойдалангани учун у эксплуатация қилувчи, демак, совет ҳукуматининг душмани деб эълон қилинди. Хўжалигини йўлга сола билган миллионлаб деҳқонлар синфий душман деб эълон қилиниб, мамлакатнинг олис ҳудудларига сургун қилинди.

Жамоа хўжаликлари (колхозлар) СССР тоталитар тузумининг ажралмас бўғинига айланди. махсус ташкил қилинган тизим қишлоқдан шаҳар, армия, саноатни таъминлаш учун зарур бўлган маҳсулотларни соғиб олиш билан шуғулланди. Ўринга ўрин қилиб қишлоққа маҳсулот қайтарилмади. Мустақил, қонун билан муҳофаза қилинган деҳқон ўрнига қишлоқда ишининг сифати, меҳнатининг натижасига бефарқ

ёлланма ишчи етакчи ўринга чиқди. Унинг бу бефарқлиги сабаби шунда эдики, ер ҳам, унинг неъматлари ҳам унга тегишли эмасди.

Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида турғунликнинг юзага келиши, деҳқонларнинг қишлоқдан шаҳарга қочишлари, қишлоқларнинг қишлоқдан шаҳарга қочишлари, қишлоқларнинг бўшаб қолишига сабаб бўлди. Деҳқонларни маъмурий равишда қишлоқларга боғлаш - уларга паспорт бермаслик чораси ҳам деҳқонларнинг қишлоқларни оммавий равишда ташлаб кетишларини тўхтатолмади.

1932-1933 йилларда Волгабўйи, Шимолий Кавказ, ғарбий Сибирь худудларида рўй берган қурғоқчилик натижасида СССРда очарчилик бошланди. Бироқ, шунга қарамай, ғалла тайёрлаш режалари оширилди, бунга кўра ғаллани экспорт қилиш ҳам ошди. 1932 йил 7 августдаги қонунга мувофиқ “социалистик мулкни кўриқлаш” бўйича ўта кескин чоралар кўрила бошланди. Халқ орасида “бошоқлар тўғрисидаги қонун” номи билан машҳур бу қонунга мувофиқ колхоз мулкани ўқирлаганлик (далада бошоқ терганлик) учун бутун мулкани мусодара қилган ҳолда ўлим жазоси ёки 10 йил муддатга сургун кўзда тутилди.

Очарчилик оқибатида юз минглаб деҳқонлар ҳалок бўлдилар, айниқса, Украина аҳолиси очарчиликдан қаттиқ талофат кўрди.

СССР 20-30 йилларда маданият ва таълим соҳасида эришган натижалар маданий инқилоб деб номланди. 1939 йилга келиб СССР ёши катта аҳоли ўртасида саводсизлик деярли тугатилди, 13 млн. дан ортиқ киши ўрта маълумотга эга бўлди. Бепул олий таълим тизимининг жорий қилиниши ишчи ва деҳқонларнинг фарзандларига техникум ва олий ўқув юртларида ўқиш имконини берди. 20-30 йилларда Белоруссия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон ва Ўрта Осиё республикаларида техникум ва олий ўқув юртлари очилди. Жумладан, 1920 йилда Тошкентда, республикадаги биринчи олий ўқув юрти - Туркистон давлат университети очилди.

Маданий қурилиш соҳасидаги энг биринчи вазифа - аҳоли ўртасида саводсизликни ва чала саводлилиқни тугатишдан иборат бўлди.

1920 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, ҳар 1000 эркак кишига ҳаммаси бўлиб 409 саводли, ҳар 1000 хотин-қизга фақат 244 саводли киши тўғри келар эди Бинобарин, неча ўн миллионлаб кишиларга савод ўргатиш зарур эди. Бу вазифани саводли аҳоли кенг оммасининг актив иштироки билангина ҳал этиш мумкин эди.

1923 йилда “Битсин саводсизлик” деган кўнгилли жамият ташкил этилди. Бу жамиятнинг раиси қилиб М.И.Калинин сайланди. 1932 йилда “Битсин саводсизлик” жамияти беш миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирган эди. 1939 йил 17 январь рўйхатига биноан, мамлакатдаги ҳар бир минг аҳолига 812 саводли киши тўғри келар эди.

1939 йилга келиб жами зиёлиларнинг 80%ини мамлакатдаги барча миллат ва элатларга мансуб меҳнаткашларнинг фарзандлари ташкил қилди.

Бироқ, аҳолининг турмуш даражаси Европа стандартларидан анча паст бўлиб қолди. Аҳолининг турар жой, озиқ-овқатга эҳтиёжи катта эди. Тантанали эълон қилинган инсон ҳуқуқлари моддий жиҳатдан таъминланмади, уларнинг шунчаки қуруқ шиор экани кўриниб қолди. Инсоннинг кундалик ҳаёти кўплаб тақиқлар билан чегараланган эди: барча учун бир паспорт тартиби ва колхозчиларда паспортларнинг йўқлиги ҳаракатланиш эркинлигини қатъий чегараларди; мафкурадан ҳар қандай четга чиқиш, ўзгача фикрлаш таъқиб остига олинарди; ҳар нарсадан шубҳаланиш, кўрқиш ва чақимчилик айниқса авж олди, судсиз жазолаш, маъмурий сургун қилиш ва судсиз хусусий мулкдан маҳрум этиш тизими кенг тарқалди.

30-йилларнинг ўрталарига келиб, ана шу пайтда вужудга келган Сталин шахсига сиғинишнинг салбий кўринишлари мамлакат ижтимоий ҳаётига тобора кучлироқ таъсир кўрсата бошлади.

Сталин 1922 йилдан бери партия Марказий Комитетининг Бош секретари бўлиб, партиянинг бош йўли учун, антиленинчи, антипартиявий троцкийчилар ва ўнглارнинг гуруҳларига қарши кескин кураш олиб бориши билан партия ва халқ орасида катта обрў қозонди.

Бироқ, халқнинг социалистик қурилишда эришган муваффақиятлари 20-йилларнинг охирларидан бошлаб тобора кўпроқ шахсан Сталин номи билан кўрсатила бошланди. Камтарликдан маҳрум, шуҳрастпараст киши бўлган Сталин, гарчи аҳён-аҳёнда ўз шахсининг улуғланишига қарши гапириб қўйса ҳам, аслида ўз шахсининг улуғланишини рағбатлантирар эди. Ана шу вазиятда Сталин ҳокимиятни тобора кўпроқ ўз қўлига ола бошлади ва ҳокимиятдан нотўғри фойдалана бошлади. Ана шу пайтда саноатнинг айрим тармоқлари ривожланишида кўринган жиддий диспропорциялар (номутаносиблик), асосан ёқилғи, электр энергияси етишмаслиги оқибатида кўпгина корхоналарнинг нотекис ишлаш ҳоллари “халқ душманлари”нинг зараркунандачилик ишлари деб кўрсатила бошлади. ВКП (б) Марказий Комитетининг 1937 йил февридаги Пленумида Сталин: “чет эл давлатлари агентларининг зараркунандачилик ва қўпоровчилик-жосуслик иши... ҳамма ёки деярли ҳамма ташкилотларимизга, хўжалик ташкилотларимизга ҳам, маъмурий ва партиявий ташкилотларимизга ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатди”, - деган эди.

Сталиннинг ана шундай позицияси оқибатида кўпгина соф дил ходимлар тухмат билан зараркунандачиликда, жосусликда, қўпоровчиликда айбланиб, қатоғон қилинди.

Давлат хавфсизлиги органлари фаолияти устидан Сталин ўз шахсий контролини ўрнатди. 30-йилларда давлат хавфсизлиги

органларига раҳбарлик қилган Ежов, сўнгра эса Берия (Берия кейинчалик партия ва халқнинг душмани эканлиги фош этилди) давлат хавфсизлиги органларини ўч олиш қуролига айлантирдилар, терговнинг тақиқланган, ваҳшиёна методлари ва усулларини қўлладилар. Фавқулодда жиноий қонунлар қабул қилинди, халқ душманлари ишини одил суд билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бемаъни тартибда ҳал этган бир қанча суддан ташқари органлар (НКВД ҳузуридаги “алоҳида кенгаш”, НКВД маҳаллий органлари ҳузуридаги “тройка”лар ва шу сингарилар) пайдо бўлди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида кўпгина атоқли арбоблар ҳеч қандай асоссиз репрессия қилинди. Қизил Армиянинг энг йирик командирлари, фуқаролар урушининг қаҳрамонлари, хўжалик ходимлари, маданият арбоблари ва шу сингариларга бўҳтон қилиниб, улар отиб ташланди.

Сталин инқирозларни асосламоқ учун, 1937 йилда: мамлакатимиз тобора ривожланиб борган сари, синфий курашнинг кескинлашуви муқаррар эканлиги ҳақидаги тезисни кўтариб чиқди. Бироқ, бу мутлақо нотўғри тезис эди, чунки СССР да эксплуататор синфлар тугатилиши билан синфий курашнинг кескинлашуви учун ҳеч қандай негиз қолмаган эди.

Мамлакатда ўзгача фикрловчилар ва ҳукумат олиб бораётган сиёсатга қарши чиқишларни бостириш мақсадида “Давлат аҳамиятига молик жиноятлар тўғрисида”ги низом эълон қилиниб, у террорни қонунлаштирди ва ҳуқуқий жиҳатдан асослади. Сталин ўз сиёсий рақибли ва мавжуд тузум душманларини йўқ қилиш ҳуқуқини берувчи қонунга эга бўлди. Шу вақтдан бошлаб ишдаги ҳар қандай камчилик, Сталиннинг буйруқ ва кўрсатмаларидан ҳар қандай чекиниш давлат жинояти хусусиятига эга бўла бошлади. ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) террор ва қатағонни амалга оширувчи идорага айланди. 1934 йилда у қайта тузилиб, НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги)га айлантирилди.

“Бузғунчилик” ҳатти-ҳаракатларини исботловчи барча далилларга айбланувчиларнинг иқдорлари асос қилиб олинди. Судда улар саботаж ва бузғунчилик борасидаги айбловнинг бош асосига айландилар. Аксарият иқдорлар маънавий ва жисмоний тазйиқ воситасида олинарди. Ташкил қилинган жараёнларнинг кўпчилигида айбланувчи сифатида қора курсидан таниқли иқтисодчи олимлар ҳамда эски мутахассис ва олимлар сирасидан бўлган раҳбарлар ўрин олдилар. Бундан суд жараёнлари ёрдамида давлат раҳбарияти мамлакатда умумий ишончсизлик руҳини ўрнатиш ва фуқаролар онгида қатағонни янада кучайтириш зарурлигига ишонч туйғусини қарор топтиришга уринди.

1936 йилдан бошлаб Москвада қатор кўргазмали жараёнлар ўтказилди. Энг юқори лавозимларда ишлаган совет раҳбарлари бўйниларига қўйилган барча сиёсий айбларни содир этганликларига иқдор бўлдилар. Уларнинг кўпчилиги узоқ муддатларга қамок жазосига ҳукм этилди, аксарияти эса қатл қилинди. Архивлардаги ҳужжатларни ўрганиш, замондошларнинг гувоҳликлари “жиноятлар” қийноқ ва кўрқитиш йўли билан уларнинг бўйнига қўйилганини кўрсатди. Улар оилаларининг келажагидан кўрқиб, очик-ойдин ёлғон кўрсатмалар бердилар ва ўзларига ўзлари туҳмат қилдилар.

Террор ҳарбий раҳбарларни ҳам четлаб ўтмади. Йирик ҳарбий қўмондонлар, хатто фуқаролар уруши қаҳрамонлари ҳам жосусликда айбланиб, қатл қилиндилар. Жазоловчи идоралар ва уларнинг қурбонлари сони йил сайин ошиб борди. 1936-1938 йилларда Москвада большевиклар партиясининг собиқ раҳбарлари устидан суд жараёнлари бўлиб ўтди. Н.И.Бухарин, Г.Е.Зиновьев, Л.Б.Каменев, А.И.Риков, М.П.Томский ва бошқалар фитна, диверсиялар уюштирганлик, жосусликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Шундан сўнг Сталин якка диктаторга айланди. Оммавий ахборот воситалари унинг қўлида Сталин шахсига сиғинишни, тузумнинг амалдаги а эҳтимолий душманларини маънавий ва руҳий террор қилишни тарғиб қилувчи воситага айланиб қолди. Партиянинг олий бошқарув идораси ҳисобланган съездлар 1939 йилдан 1952 йилгача бирор марта ҳам чақирилмади. Диктатор ҳокимиятни ҳеч ким билан бўлишишни истамади.

Ленин томонидан яратилган давлат социализми Сталин ҳукмронлиги даврида пухта йўлга қўйилган террор ва қатағон машинасига айланди. Давлатни бошқариш идоралари тизимининг ўзи шундай қурилган эдики, у мамлакатнинг бутун аҳолисини қаршилиқ кўрсатиш бефойдалигига, ҳокимиятга қарши бўлган ҳар бир инсон йўқ қилинишига ишонтиришга уринарди.

1936 йилда давлат социализмининг тоталитар тизими мамлакатнинг янги конституцияси билан мустаҳкамланди. Бу ҳужжатдан фуқароларнинг ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик, адолат ва инсонпарварлик тўғрисида кўп гапирилди. Аслида эса конституция ҳам пролетариат диктатураси, ҳам демократия ўрнига келган коммунистик партия олий идорасининг диктатурасини мустаҳкамларди. Партия қарорлари энди бажарилиши шарт бўлган қонунлар билан тенглаштирилди. Партия аппарати давлат аппарати ўрнини эгаллади. У бир вақтнинг ўзида қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимиятга айланди. Ҳукумат идоралари энди фақат партия аппарати иродасини сўзсиз бажариш билангина шуғулланувчи итоатгўй идораларга айландилар.

Бироқ, янги конституциянинг қабул қилиниши натижасида юзага келган сиёсий тизим самарасиз бўлиб чиқди. У иқтисодийнинг реал қонун-қоидалари билан тўқнашувда мағлубиятга учради. Маъмурий хўжалик тизими иқтисодий нуқтаи назардан бемаъни саналган қарорлар ҳам сўзсиз бажарилиши лозимлиги туфайли самарадорлик, сифат ва рақобатбардошлик масалаларини ҳал қила олмади. Меҳнатнинг паст самарадорлигини қоплаш мақсадида корхоналар жуда паст ортиқча ишчи кучларни сақлаб турдилар. Раҳбарликнинг бошқарув усуллари қаттиқлашиши натижасида бошқарув аппарати жадал суръатларда ўсиб борди. Ҳарбий хавфнинг кучайиши, армия сони ва мудофаа учун харажатларнинг жиддий ошиши бу муаммоларни янада кескинлаштирди.

Ушбу муносабат билан давлат идоралари интизомни тартибга солиш ва кадрларнинг қўнимсизлигига барҳам бериш мақсадида шафқатсиз репрессив чораларни кенг қўллай бошладилар. Сабабсиз ишга келмаганлик, кеч қолганлик, ишдан рухсатсиз келганликни қаттиқ жазоловчи қатор чоралар қабул қилинди. Ишдан қолганлик ёки рухсатсиз кетганлик учун тўрт ой муддатгача қамоқ жазоси кўзда тутилди. Фармон қабул қилинганидан кейинги бир ойнинг ичида юз мингдан ортиқ бундай жиноий ишлар қўзғатилди. Ишчилар шу тахлит иш жойларига ипсиз боғландилар, ўз ихтиёрлари билан улар иш жойларини ўзгартира олмасдилар. Мавжуд иқтисодий тизимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида халқ хўжалигида маҳбуслар меҳнатида кенг фойдаланила бошланди. ОГПУ давлат бюртмаларининг энг йирик ижрочисига айланди. Янги қурилишларнинг 15%идан ортиғи ОГПУга топширилиб, уларда ГУЛАГ маҳбусларининг меҳнатида фойдаланилди. **ГУЛАГ- Ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерлари ва қамоқ жойлари Бош бошқармаси. 1934 йилда ташкил топди ва 1956 йилгача фаолият кўрсатди. ГУЛАГ тизимида 30-50-йиллардаги шахсга сиғиниш даври оммавий қатағонлари ҳамда СССРдаги тоталитар тузум қурбонлари сақланди.**

Маҳбуслар ўз меҳнатлари учун ҳақ олмасдилар, бунинг эвазига уларга тегишли даражада ва сифатли маҳсус лагерь кийим ва овқат берилиши кўзда тутилди. Шундай қилиб қашшоқ деҳқонлар ва маҳбуслар бутун дунёга ишчи ва деҳқонларни эксплуатациядан озод қилгани тўғрисида жар солган мамлакатни молиявий ҳалокатдан сақлаб қолдилар.

3. 30-йилларда собиқ СССР ташқи дунё билан алоқаларда кўплаб кийинчиликларга дуч келди. Улар энг аввало подшо ҳукуматининг қарзларини тўлаш, хорижий мулкни уларнинг эски эгаларига қайтариш, халқаро алоқалардаги тенг ҳуқуқлилиқ, мустақиллик муаммолари билан боғлиқ бўлди. Аммо бу кийинчиликларга қарамай, совет дипломатияси ташқи муносабатларни секин-аста ўзгартиришга эришди.

1941 йил арафасидаёқ Совет мамлакати билан Эстония, Латвия, Литва, Финляндия, Польша ўртасида дипломатик муносабатлар мавжуд эди. Совет давлати 1921 йил март ойида Англия билан савдо битими тузди. Бу битим Англиянинг ҳақиқатда Совет ҳукуматини таниганлигини билдирарди.

Шундан кейин, кўп вақт ўтмай, 1921-1922 йилларда Германия, Норвегия, Австрия, Швеция, Чехословакия, Италия билан ҳам савдо битимлари тузилди.

Европа мамлакатлари ва АҚШ билан иқтисодий алоқаларнинг бир маромда ривожланишига ташқи савдонинг давлат томонидан монополиялаштирилгани тўғрисида бўлди. Бу туфайли АҚШ СССР билан савдо алоқалари ўрнатишни қатъиян рад этди.

Совет ҳукумати АҚШ билан мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга ҳаракат қилди. 1921 йил 20 мартда Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг раиси М.И.Калинин Америка конгрессида ва АҚШнинг янги президенти Гардингга телеграмма юбориб, Совет ҳукуматининг АҚШ билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёргарлигини билдирди. Шу мақсад билан иккала мамлакат ўртасидаги ҳамма масалаларни, шу жумладан савдо муносабатларини янгидан бошлаш масаласини ҳал қилиш учун АҚШга махсус делегация юбориш истаги борлиги маълум қилинди. Аммо АҚШ ҳукумати бу таклифни рад қилди.

Совет дипломатияси СССР да колониализмга қарши курашда ўз иттифоқчисини кўрган Осиё мамлакатлари билан дўстона муносабатларни ўрнатишда маълум муваффақиятларни қўлга киритди. 1921 йилда Эрон, Афғонистон, Туркия ва Монголия билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди.

1921 йил 26 февралда Москва Эрон билан имзолаган шартномада чор Россиясининг Эрон билан тузган ва Эрон учун асоратли бўлган ҳамма шартнома ва битимлари бекор қилинганлиги таъкидланди. РСФСР ҳукумати чор ҳукуматининг Эрон территориясидаги барча концессияларидан, пул даъволаридан воз кечди, Каспий денгизида Эроннинг ўз флотини сақлаш ҳуқуқига эга бўлишига рози бўлди ва ҳоказо. Шартноманинг 6-моддаси айниқса муҳимдир. Бу модда қандай бўлмасин бирон давлат Эрон территориясини босиб олиш ёки Эрон территориясини Совет Россиясига қарши уруш ҳаракатлари базасига айлантириш мақсадида Эрон территориясига қурол кучи билан бостириб кирган тақдирда Совет ҳукумати ўзини мудофаа қилиш манфаатларини кўзлаб зарур чоралар кўриш учун Эронга ўз қўшинларини киритиш ҳуқуқи борлиги айtilган.

1921 йил 28 февралда Совет Россияси билан Афғонистон ўртасида дўстлик шартномаси имзоланди, бу шартнома иккала мамлакатнинг ўзаро мустаҳкам ва дўстона муносабатларга негиз бўлди.

1921 йил 16 мартда РСФСР билан Туркия ўртасида дўстлик ва биродарлик ҳақида шартнома имзоланди. Яккаланиб қолган Туркия ўз мустақиллиги учун кураш олиб бораётган долзарб вақтда имзоланган бу совет-турк шартномаси миллий Туркиянинг халқаро позициясини мустаҳкамлашга, унинг душман империалистик давлатлар қуршовини ёриб ўтишига имкон берди. Закавказьедаги совет республикалари 1921 йилнинг октябрида Туркия билан шартнома туздилар.

1921 йил мартда Сухе-Батор бошчилигида ташкил топган Мўғулистон халқ-революцион ҳукуматининг илтимосига биноан, 1921 йилда РСФСР ҳукумати барон Унгерннинг бостириб кирган оқ гвардиячи кўшинларидан Мўғулистонни озод қилиш учун курашаётган Мўғулистон халқ армиясига ёрдам берди. Қизил Армиянинг ёрдами билан 1921 йил ёзида Унгрэн кўшинлари тор-мор қилинди. Бир-бирини таниш ва бир-бирига элчи юбориш ҳақида 1921 йилнинг 5 ноябрида Мўғулистон Халқ Республикаси билан РСФСР ўртасида шартнома имзоланди.

Совет ҳукумати Хитой билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилди ва чор ҳукумати билан Хитой ўртасида тузилган, тенг ҳуқуқлилиikka асосланмаган, Хитой учун асоратли бўлган ҳамма шартномалардан воз кечганлигини неча марталаб билдирди. Аммо 1920-1921 йилларда олиб борилган Совет-Хитой музокаралари муаффақиятсиз тугади.

Ўзаро даъволарни муҳокама қилиш ва сулҳ шартномасини узил-кесил тузиб чиқиш учун конференция чақириш ҳақида Совет ҳукуматининг 1921 йил октябрида қилган таклифини Англия, Франция, Италия, Германия ҳукуматлари ва бошқалар қабул қилдилар. 1922 йилнинг апрель-май ойларида Италиянинг Генуя шаҳрида Европа давлатларининг молиявий-иқтисодий конференцияси бўлди.

Конференцияда совет делегациясига меморандиум топширилди. Меморандумда қуйидаги асосий талаблар, яъни: чор ҳукуматининг, буржуа Муваққат ҳукуматининг ва фуқаролар уруши вақтида Россия территориясида бўлган ҳар хил оқ гвардиячи “ҳукуматлар”нинг ҳамма молиявий мажбуриятларини тан олиш, чет эл капиталистларининг миллийлаштирилган корхоналарини ўзларига қайтариб бериш, ташқи савдо монополиясини бекор қилиш ва ҳоказо талаблар баён қилинган эди. Совет делегацияси бу оғир талабларни қатъиян рад қилди. Генуя конференцияси ҳеч қандай қарор қабул қилмади.

Генуя конференцияси вақтида курорт шаҳарчаси Рапаллода (Генуяга яқин жойда) 1922 йил 16 апрелда РСФСР билан Германия ўртасида дипломатик ва иқтисодий муносабатларни тиклаш, уруш харажатларини тўлатишдан иккала томоннинг ҳам воз кечиши ҳақида шартнома тузилди. Германия немис фуқароларининг Совет ҳокимияти томонидан миллийлаштирилган мулклари учун ҳақ даъво қилмайдиган

бўлди. Бу нарса совет дипломатиясининг жиддий муваффақияти эди, йирик капиталистик давлатларнинг Совет Россиясига қарши қаратилмиш бирлашган фронтига бу шартнома билан раҳна солинган эди.

Россия ва Германия тақдирида 1922 йили Генуяда имзоланган Раппало битими катта аҳамиятга эга бўлди. У икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатди. Ушбу битим ғарб давлатларининг СССРга нисбатан сиёсий қамалини барбод қилди. Раппало битимидан сўнг бошқа давлатлар ҳам СССРни тан ола бошладилар. 1924 йилда Англия ва Франция билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Худди шу йили Европадаги кўплаб давлатлар совет давлатини дипломатик жиҳатдан тан олиши ва у билан дипломатик алоқалар ўрнатишини билдирди. 1925 йил январда совет-япон битими имзоланди. 1921-1925 йилларда СССР чет мамлакатлар билан жами 40 дан ортиқ турли битим ва шартномалар тузди. 1924-1925 йилларда Совет Иттифоқи Англия, Италия, Австрия, Греция, Норвегия, Швеция, Хитой, Дания, Мексика, Франция ва Япония билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Хитой билан тузилган шартномага биноан Совет ҳукумати подшо ҳукуматининг Хитой билан тенгсизлик асосида тузган ҳамма шартномаларини бекор деб эълон қилди.

1932 йилда СССР Польша, Латвия, Эстония ва Финляндия билан бир-бирига ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузди. Ўша йилиёқ Совет-Франция муносабатларида бурилиш ясалди. Натижада 1932 йил ноябрида СССР билан Франция ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузилишига олиб келди. 1933 йилда СССР билан Италия ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузилди. Совет ҳукумати ҳужум қилмаслик ҳақида аҳднома тузишни Японияга ҳам таклиф қилди. Бироқ, Япония ҳукумати, СССРга нисбатан агрессив ниятлари бўлгани учун, бундай шартномани имзолашдан бош тортди.

1931 йилдаёқ Япония Хитойнинг шимоли-шарқий вилоятларини (Маньчжурияни) босиб олди ва у ерда Совет Иттифоқига ҳужум қилиш учун, Хитойга ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига ҳужумни давом эттириш учун плацдарм вужудга келтирди. Шу тариқа, Узоқ Шарқда жаҳон урушининг биринчи ўчоғи вужудга келди. Жаҳон урушининг иккинчи ўчоғи Германия фашистларининг ҳатти-ҳаракатлари натижасида Европанинг марказида вужудга келди.

Фашистлар Италияси ҳам агрессия йўлига кирди. 1935 йилда у Эфиопияни (Хабашистонни) босиб олди. Шундан кейинги йилда ҳар иккала фашистлар давлати Испанияда генерал Франко исёнини уюштирдилар, сўнгра эса Испания республикасига қарши ҳарбий интервенция бошлаб, бу республикани бўғиб ташладилар.

Фашистлар Германия билан фашистлар Италияси 1936 йилда “Антикоминтерн пакти” деб аталган ўзаро ҳарбий иттифок туздилар, 1937 йилда Япония ана шу иттифокқа қўшилди ва шу йили Хитойда

жинояткорона, босқинчилик урушини бошлаб юборди. Янги жаҳон урушини бошлаб юборишга интилган “Берлин-Рим-Токио” агрессив кароқчилик блоки ташкил топди. Ана шундай бир пайтда, 1933 йил ноябрида СССР билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1935 йилда Совет Иттифоқи Франция ва Чехословакия билан ўзаро ёрдам ҳақида пактлар тузди.

Чехословакия билан тузилган шартномада, айтилган вақтда Франция ҳам ёрдам кўрсатган тақдирда, ўзаро ёрдам, шу жумладан, ҳарбий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган эди.

1936 йил мартда СССР билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида тузилган ўзаро ёрдам ҳақидаги шартнома япон империалистлари учун жиддий огоҳлантириш бўлди. 1937 йилда Япония Хитойга ҳеч бир вазисиз навбатдаги ҳужумни бошлаган пайтда Совет Иттифоқи Хитой халқига ёрдам кўлини чўзди. 21 августда СССР билан Хитой ёртасида ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома имзоланди.

Чехословакиянинг тақдири ҳал қилинаётган кунларда, Чехословакия билан тузилган ўзаро ёрдам аҳдномасига Совет Иттифоқи, Агар Чехословакия ва Франция рози бўлишса, уларга ёрдам қилишга тамомила тайёр эканлигини билдирди. Совет ҳукумати агрессорга зарба беришнинг конкрет тадбирларини муҳокама қилиш учун СССР, Франция ва Чехословакия Бош штаблари бошлиқларининг кенгашини чақиришни таклиф қилди. Аммо Англия-Франциянинг ҳукмрон доиралари Чехословакияни ҳимоя қилишда бирлашиб ҳаракат қилиш имкониятидан фойдаланмади. Совет ҳукумати Германия ва Чехословакия ўртасида уруш чиққан тақдирда, Франциянинг қандай позиция тутишидан қатъий назар, Чехословакия ҳукуматига ёрдам қилишга тайёр эканлигини изҳор қилишга қарамай, Чехословакиянинг, президенти Эдуард Бенеш бошчилигидаги буржуа ҳукуматининг ўзи ҳам ўз давлатининг мустақиллигини ҳимоя қилишга истак билдирмади. Фашистлар Германияси бундан фойдаланиб, 1938 йилнинг октябрида Чехословакияни парчалаб юборди, 1939 йилнинг мартда эса Чехияни Германияга қўшиб олди. Совет ҳукумати 1939 йил 18 мартдаги нотасида Германия ҳукуматига бу босиб олиш энг қўпол агрессия эканлигини айтди ва Чехиянинг Германия империяси составига киритилишини тан олишдан бош тортди.

Япония империалистлари ҳақиқатан ҳам СССРга ҳужум қилишга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқда эди. Улар тўғридан-тўғри ҳарбий иғволар уюштириш йўлига ўтиб олди ва 1938 йил июлда япон кўшинлари Владивостокка яқин жойдаги Хасан кўли районидаги Совет территориясига бостириб кирди. 6-11 августда совет кўшинлари япон агрессорларга қарши зарба бердилар ва уни СССР территориясидан

улоқтириб ташладилар. Лекин япон босқинчилар бу воқеалардан ўзларига тегишли сабоқ чиқармади. Монголияни босиб олиш, совет территориясига ёриб кириш, Сибирь темир йўл магистралини кесиб ўтиш ва Узоқ Шарқни қирқиб қўйиш мақсадида 1939 йил 13 майда улар Халхин-Гол дарёси районида Монголия Халқ Республикасига ҳужум қилди. Япониянинг пиёда аскарлар ва танклардан иборат катта кучлари қўплаб ҳаракат қилаётган авиация ёрдами билан уч ой давомида ҳужумга ўтишга уриниб кўрди. Аммо уларнинг барча атакиси қайтарилди, бунда улар жуда катта талофатлар кўрди. 20 августда совет ва монгол қўшинлари қарши ҳужумга ўтдилар. Душман қўшинлари қуршаб олинди ва саккиз кунлик жангда деярли тамомила қириб ташланди. Англия ва Франция ҳукуматлари агрессияга қарши биргалашиб курашиш масаласи юзасидан 1939 йилнинг баҳорида СССР ҳукумати билан музокара олиб боришга киришди. Музокаралар 4 ой чамаси давом этди ва натижасиз тугади.

Совет ҳукумати фашистлар агрессиясига қарши барча учун баробар асосда ўзаро ёрдам ҳақида самарали ва амалий натижа берадиган битим тузишга бор кучини сарф қилди. У уруш бўлиб қолган тақдирда кучли армия қўйишга, Польша, Франция, Англияга фашистлар Германияси ҳужум қилган тақдирда Европага қўшин юборишга тайёр эканлигини айтди. Лекин Англия ўз устига бундай мажбуриятлар олишни истамади. Бу масалада Англия ва Франция ҳукуматлари томонидан қўллаб-қувватланаётган Польша, агар совет қўшинларига Англия ва Францияга ёрдам бериш учун йўлга тушиш зарур бўлиб қолса, совет қўшинларини ўз ҳудудидан ўтказмаслигини айтди. Ана шуларнинг ҳаммаси бир томондан, СССР билан, иккинчи томондан, Англия ва Франция ўртасидаги музокараларнинг муваффақиятсиз тугашига олиб келди.

Айни бир вақтда Англия ҳукумати Германия билан энг муҳим сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий масалалар юзасидан кенг битим тузиш ҳақида махфий музокаралар олиб бормоқда эди.

Рўй берган халқаро вазиятни эътиборга олиб, Германиянинг ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифини қабул этишга қарор қилди. Шартномага 1939 йил 23 августда имзо чекилди. Бу билан Совет Иттифоқи бир ярим йил тинч яшаш ва авж олиб бораётган иккинчи жаҳон уруши шароитида ўз мудофаа қобилятини мустаҳкамлаб олиш имконига эга бўлди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Мамлакатда тоталитар тузум ўрнатилишини тушунтириб беринг?
2. “Ҳарбий коммунизм” сиёсати қандай салбий оқибатларга олиб келди?

3. “Янги иқтисодий сиёсат”нинг “ҳарбий коммунизм” сиёсатидан фарқини айтинг?
4. Мамлакатни бошқаришда Сталин яқка ҳукмронлиги деганда нимани тушунаси?
5. Мамлакатда амалга оширилган жамоалаштиришнинг салбий оқибатларини изоҳланг?
6. 30-йилларда СССР ташқи сиёсатининг хусусиятларини тушунтириб беринг?
7. СССР урушга қай даражада тайёр эди?
8. СССР “ўз чегараларини мустаҳкамлаш” ниқоби остида қандай босқинчилик режаларини амалга оширди?

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. Россияда қўш ҳокимиятчилик қандай юзага келди?
2. Рапалло битимининг Россия учун аҳамиятини айтинг
3. Молотов-Риббентроп пактининг яширин протоколларида нималар, кўзда тутилган эди?

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
2. Новейшая история стран Азии и Африки XX век. Часть 1. 1900-1945 гг. Москва-2001.
3. А.И.Строганов. Новейшая История стран Латинской Америки. Москва-1995 г.
4. Новая история стран Европы и Америки. Москва-2002 г.
5. Г.А.Хидоятов, Х.Г.Гуломов. Всемирная история новейшей период Европы и США после второй мировой войны (1945-1995 гг). Ташкент-1999 г.
6. И.М.Крувогуз. Крушение реального социализма в Восточной Европы и судьбы освободившихся народов. Москва-2000.
7. З.Р.Нуриддинов. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи. (1917-1939) 1-китоб. Т.-1978 й.
8. История дипломатии в 5-ти томах М. Наука. 1959-1960.
9. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). М.,-1989 г.
10. Всемирная история в 12-ти томах. М.,-1960 г.

МАВЗУ: ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ.

Кўриб чиқиладиган масалалар:

1. Уруш арафасида фашист блокадаги давлатларнинг ҳарбий кучлар нисбати.
2. Фашизмга қарши турувчи давлатларнинг ҳарбий кучлар нисбати.
3. Урушнинг бошланиш сабаблари ва тавсифи.
4. 1939 йил 23-август Шартномаси асосида Совет-Герман алоқалари ва урушга тайёргарлик.
5. Урушнинг асосий фронтида уруш ҳаракатларининг бошланиши ва дастлабки талофатлар сабаблари.
6. Урушнинг 2-3 даврларида уруш ҳаракатларининг бориши.
7. Урушнинг 4 даврида уруш ҳаракатларининг бориши.
8. Урушнинг 5 даврида уруш ҳаракатларининг бориши.
9. Иккинчи жаҳон урушининг сабоқлари.
10. Нюрнберг суд жараёни.

Таянч тушунча ва иборалар:

Фашист блокадаги давлатларнинг урушга тайёргарлик кўриб бориши. Фашистик давлатлар билан антифашистик давлатларнинг ҳарбий кучлар нисбати.

Дарснинг мақсади:

Иккинчи жаҳон урушнинг капиталистик, фашистик ва ССЖИ давлатлари томонидан тайёрланишини, мақсадларини, урушнинг бошланиши ва боришини, фашист блокадаги давлатларнинг мағлубияти сабабларини, халқаро конференциялар ва Нюрнберг суд жараёнини, БМТ нинг тузилиши ва унинг аҳамиятини, уруш оқибатлари ва сабоқларини ёритиб беришдир.

Ғарб давлатларининг иккинчи Мюнхен сиёсатини амалга ошириш режаларининг барбод бўлиши. Гитлерчилар Германиясининг Польшага ҳужуми. “Ғалати” урушнинг тугаши ва Германиянинг ғарбга томон агрессияси. Франциянинг таслим бўлиши. Фашист давлатлари ўртасида уч томонлама сиёсий, ҳарбий-иқтисодий иттифоқнинг расмийлашуви. Иккинчи жаҳон урушининг биринчи даврида олиб борилган уруш ҳаракатлари натижалари. СССР билан Германия ўртасидаги 1939-1941 йилларда имзоланган махфий протоколлар ва фактлар кўзда тутилган масалалар.

1. Германияда 1939 йилнинг 30 августида империяни ҳимоя қилиш бўйича министрлар кенгашини тузиш тўғрисида декрет чиқди. Янги ҳарбий кабинетнинг қўлига уруш вазиятида бутун мамлакатнинг

такдири топширилди. Унга доимий аъзолар этиб, Геринг (раис), Гесс (портфелсиз министр), Функ (иқтисод министри), Фрик (ички ишлар министри), Даммерс (империя канцеларияси бошлиғи) ва Кейтеллар (қуролли кучлар бош қўмондонлиги штаби бошлиғи) киритилди.

Фашистик диктатура фаолиятида айниқса, миллий-социалистик партия катта роль ўйнади. Бу партиянинг аъзолари Гитлерга қуйидагича қасамёд қилардилар: "Мен бузилмас садоқат билан Адольф Гитлерга қасамёд сўзсиз итоат қиламан".

Фашистик партия мамлакатда бир қатор ташкилотларнинг ва уюшмаларнинг устидан раҳбарлик қиларди. Жумладан, штурмчи (СА) ва соқчи қўриқчи (СС) отрядларни, автомобилларнинг миллий-социалистик иттифоқини, гитлерчи ёшлар ташкилотини, немис талабалари ва доцентларининг миллий-социалистик иттифоқини, хотин-қизларнинг миллий-социалистик жамиятини ва бошқа шунга ўхшаган ўнлаб ташкилотларнинг устидан назорат қилар эди. Гитлернинг 1937 йил охиридаги баёнотида қараганда миллий-социалистик партиянинг аъзолари унга бўйсунган ташкилотлар, жамиятлар ва иттифоқларнинг аъзолари билан бирга 25 млн кишига етган эди.

Қуролланиш учун жуда катта маблағ ва ишчи кучи керак эди. Шунинг учун 1933-1939 йилларда ҳарбий харажатларга Рейхстагда Гитлернинг айтган сўзига қараганда 90 млрд. марка маблағ сарфланган. Ҳарбий Германиялик молия ишлари мутахассиси Ф.Федераунинг маълумотида қараганда 1933-1939 йилларда ҳарбий харажатларга 60 млрд. марка маблағ сарфланган.

1939 йилнинг июнида Германиянинг ҳарбий саноатида (Австрия ва Судет билан бирга) 2 млн. 400 минг киши фаолият кўрсатар, бу эса ишчиларининг 21,9%ини ташкил этарди.

Ҳарбий Германиядаги иқтисодий тадқиқотлар илмий-текшириш институтининг маълумотларига қараганда, 1933-1940 йилларда ҳарбий саноат 10 марта, самолётсозлик 23 марта ўсди. Лекин барибир, 1939 йилда Германиянинг ҳарбий саноатида 631 минг ишчи кучи етишмасди. Шунинг учун империянинг меҳнат министрлиги ишга яроқлилар ҳисобини олиб чиқди ва 1939 йилнинг 23 июнида аҳолини ёппасига сафарбар қилиш масаласини кўрди. Империянинг меҳнат министри Гитлерга ахборот бериб, мамлакатда 43,5 млн. ишга яроқли киши борлигини айтади ва шулардан вермахтда (қуролли кучларда) 7 млн эркак ва 250 минг аёлни иқтисодиётда ва бошқа соҳаларда 19,2 млн эркак ва 17,1 млн аёлни ишлатиш мумкинлиги тўғрисида айтади. Шунга ўхшаш барча уринишларга қарамай, Германиянинг молиявий ахволи уруш арафасида оғир аҳволда эди. Унинг ташқи қарзи 60 млрд. маркани ташкил этар эди.

Германия урушга тайёрланар экан, айниқса, ўзининг курукликдаги кўшинларини қудратини оширишга ҳаракат қилди. 1939 йилги сафарбарлик давридаги аҳволи қуйидагича эди:

№	Қисмлар ва бирлашмалар	1933	1935	1937	1938	1939
1	Ҳарбий округлар ва группаларга қўмондонлиги сони	2	3	4	6	11
2	Корпус қўмондонлиги сони	-	10	13	19	26
3	Дивизиялар сони	10	29	39	51	102
4	Алоҳида танк бригадалари	-	-	-	-	-
5	Отлиқ аскарлар бригадалари	-	-	-	-	-
6	Пиёда кўшинлар полклари	21	77	112	129	292
7	Артиллерия полклари	7	25	43	57	128
8	Моторлаштирилган ўқчи полклари	-	3	4	13	13
9	Танк полклари	-	6	10	14	14
10	Танкка қарши дивизионлар	-	9	11	17	17
11	Моторлаштирилган разведка батальонлари	-	9	11	17	17
12	Саперлар батальони	7	28	55	75	133
13	Алоқа батальони	7	10	55	69	160

Уруш бошланиши арафасида Германияда пиёда кўшинларда 2 млн 700 минг одам, заҳира армияда эса 1 млн одам бор эди. Офицерлар корпуси 70524 кишини ташкил этиб, шундан 21 минг 768 киши сафда, 48 минг 756 киши заҳирада эди.

Германияда ҳарбий ҳаво кучларини кучайтиришга ҳам катта эътибор берилди. 1939 йили уруш бошланганда бу соҳадаги аҳвол қуйидагича эди:

№	Қисмлар, бирлашмалар	1934	1935	1936	1937	1938	1939
1	Ҳаво флоти	-	-	-	-	3	4
2	Авиация дивизияси	1	-	-	-	6	7
3	Авиаэскадрилялар	-	-	8	13	22	23
4	Авиагуруҳлар	3	13	37	66	85	89
5	Заҳирадаги авиаотрядлар	-	6	14	15	16	-
6	Зенит дивизиялари	12	19	42	55	74	284
7	парашют батальонлари	-	-	1	1	1	4
8	Ҳарбий ҳаво кучлари алоқаси батальони	1	1	8	8	21	59

Уруш бошланган вақтда Германияда 4093 та самолёт бўлиб, (3646 таси жанговор ҳолатда эди, шундан 1176 таси бомбардимончи (He 111, Do-17, Ю-88), 517 та шўнғувчи бомбардимончи Ю-87, 408 та қирувчи бомбардимончи Те-110; 771 та қирувчи самолёт, 40 та штурмчи самолёт; 613 та разведкачи самолёт; 552 та транспорт-самолёт ва 16 та

гидросамолёт бор эди. 1939 йил августида ҳарбий-ҳаво кучларида 373 минг киши бўлиб, шундан авиация ва ҳаво-десанти қўшинларида 208 минг киши, зенит артиллерия қўшинларида 107 минг киши ва ҳаво-алоқа қўшинларида 58 минг киши бор эди. Шулардан 20 минг киши учувчилар эди. Офицерлар сони ҳарбий ҳаво кучларида 1939 йили июнида 12 минг кишидан 1939 йил августига келиб 15 минг кишига етди.

Уруш бошланганда Германиянинг ҳарбий денгиз кучларидаги тайёргарлик даражаси анча паст эди. М: у Англия флотидан 7 марта, Франция флотидан 3 марта паст даражада эди. Адмирал Дениц айтганидек, “Германия 1939 йилнинг ёзида Англия денгиз флотига қарши тура оладиган даражада кучга эга бўлган ҳарбий денгиз флотига эга эмас эди”.

Уруш бошланганда Германиянинг ҳарбий денгиз флотида 150 минг 557 та киши ва 107 та ҳарбий кема бор эди. Шундан 2 та линкор, 2 та оғир ва 6 енгил кейсер (тез юрар катта ҳарбий кема), 3 та “кроманнўх” крейсер, 37 та мина ташувчи ва жойлаштирувчи кема, 57 та сув ости кемаси бор эди.

Б) Италиянинг қуrolли кучлари ҳам уч хил бўлиб, пиёда, ҳарбий ҳаво, ҳарбий денгиз кучларидан иборат эди. 1939 йил ёзида Италиянинг қуrolли кучларида ҳаммаси бўлиб, 1 млн 753 минг киши бор эди.

1) Қуруқликдаги қўшинлар 88 та дивизиядан иборат бўлиб, булардан 450 минг киши жанговор ҳолатга келтирилган эди.

2) Италиянинг ҳарбий ҳаво кучларида уруш арафасида 2802 та ҳарбий самолёти бўлиб, шундан 2132 таси уруш фронтларида эди.

3) Италиянинг ҳарбий денгиз кучлари қудрат жиҳатидан Англия ва Франциядан кейин дунёда 3-чи ўринда турарди. Сув ости кемалари бўйича (105 та) дунёда 1-чи ўринда турарди.

Уруш бошланганда Италия денгиз флотида 4 линкор кемаси, 22 та крейсер кемаси, 128 та эсминец ва мина ташувчи кема, 105 та сув ости кемаси бор эди.

В) Япониянинг қуруқликдаги қўшинларида 1939 йил мартида 1 млн 240 минг киши бор эди. Жанговор ҳарбий дивизиялар сони 40 та эди. Ҳар бир дивизияда 13-16 минг киши бўлган. 1000 та самолёти бўлиб, 44 минг киши жалб қилинганди.

Ҳарбий денгиз флотида 1939 йилнинг охирида 10 та линкор (линия кемаси) 6 та авианосец 396 та самолёти билан 35 та крейсер, 121 та эскадрон мина ташувчи кема (миноносец) ва 56 та сув ости кемаси бор эди.

2. а) 1939 йилнинг март-майларида, сўнгра август ойида Англия ва Франциянинг ҳарбий бош штаблари агар Европада уруш бўлиб қолса биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисида келишиб олдилар. Унда

Англия ва Франциянинг қуролли кучлари уруш бўлиб қолган тақдирда бир қўмондонлик остида ҳарбий ҳаракатларни ва операцияларни биргаликда олиб борадилар дейилганди. Келишувга мувофиқ Англия қўмондонлиги ҳарбий денгиз флотида ва авиация қўшинларида дастлабки кундан бошлаб фаоллик кўрсатади, ҳамда Францияга 4 та пиёда дивизиясини юборади дейилганди. Франция эса қуруқликдаги қўшинларнинг асосий қисмини (100 та дивизия) Европа уруши театрига ташлашнинг ўз зиммасига олди. Шунинг учун ҳам қуруқликдаги қўшинларга қўмондонликдаги экспедицион қўшинлари унга бўйсунадиган бўлди.

1939 йилнинг майида Англия-Польша ва Франция-Польша ўртасида ҳарбий музокоралари бўлиб, Польшага ёрдам кўрсатиш масалалари кўрилди. 1939 йилнинг 25 августида имзоланган Англия-Польша ўртасидаги ўзаро ёрдам шартномаси, 4 сентябрда имзоланган Франция-Польша шартномаси Польшанинг Англия-Франция каолициясига расмий равишда қўшилганлигини билдирди. Бельгия ва Голландия бетарафлик позициясида турдилар.

1939 йилнинг апрелида Англия билан Франция шундай келишиб олдиларки, “Агар душман Голландия ва Бельгияга бостириб кирса, Англия билан Франция душманнинг ҳужумини тўхтатишга ҳаракат қилади ва ўзларининг илгарилаб бориш фронтини тузадилар”¹.

Агар Италия Шимолий Африкада ҳарбий ҳаракатлар бошласа, Европадаги “муваффақиятли мудофаа тактикасига” зарар етказмай қарши операциялар ўтказадилар дейилганди.

1) Англиянинг қуролли кучлари асосан қуруқликдаги қўшинлари, ҳарбий ҳаво қўшинлари ва ҳарбий денгиз қўшинларидан иборат қилиб тузилганди. Доимий ҳарбий қўшинлар 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган унгиллилиадан иборат бўлди. Қуролли қўшинлар бош қўмондони расмий қирол

ҳисобланиб, амалда унга премьер-министр бош қўмондонлик қилди.

1939 йилнинг июлида метрополияда мажбурий хизмат тўғрисида қонун қабул қилинди, унга мувофиқ 20 ёшга етган ҳар бир эркак 6 ой давомида доимий армияда хизмат қилиши мажбур қилиб қўйилди, кейин эса 3,5 йил давомида ҳудудий кўчиш таркибида хизмат қиладиган бўлди.

Буюк Британия қуролли қўшинларининг таркиби ва сони қуйидагича эди:

№	Мамлакатлар	Шахсий таркиб сони (минг киши ҳисобида)			
		Қуруқлик даги	Ҳарбий денгиз	Ҳарбий ҳаво	Ҳаммаси

¹ Д.Батлер., Большая стратегия. Сентябрь 1939-июнь перевод с английского. М., 1959., стр-37).

		қўшинлари	қўшинлари	қўшинлари	
1	Англия (метрополи)	897	180	193	1 млн, 270
2	Ҳиндистон	205	2	3 минг 700	210 минг 700
3	Канада	61,5	1,8	4,0	67 минг 30
4	Австралия иттифоқи	45,7	9,3	3,7	58,7
5	Янги Зеландия	3,0	1,3	0,5	4,8
6	Жан.Африка Иттифоқи	22,5	-	1,5	24,0
7	Африкадаги колониялар	19,0	-	-	19,0
8	Англия-Миср Судани	7,5	-	-	7,5
	ЖАМИ:	1.261.200	194400	206400	1.662.200

2) 11-жаҳон уруши бошида Англиянинг ҳарбий-денгиз флотида 15 та линия кемаси ва линей крейсерлари, 7 та авианосец, 64 та крейсер, 184 та эсминец, 45 та тральщик (денгиздаги миналарни топиб зарарсизлантиради) ва қирғоқ қўриқчилари кемалари, 58 та сув ости кемаси бор эди. Қирғоқ қўмондонлиги авиациясида 232 та жанговор самолёт бўлиб, улар 17 эскадрилияга бирлашганди. 490 та самолёт эса захирада турарди.

3) Уруш бошида Англиянинг ҳарбий ҳаво кучларида 1456 та жанговор самолёт бўлиб, шулардан 536 таси бомбардимончи самолётлар эди. 2000 та самолёт эса захирада турарди. Бундан ташқари, Англиянинг мустамлака ва доминионларида ҳам 435 та самолёт бор эди.

Англиянинг куруқликдаги қўшинлари 2 қисмга бўлинади: Метрополиядаги ва Метрополиядан ташқаридаги ҳудудий қўшинларга бўлинди. Уруш бошланган вақтда Англия 9 та доимий ва 16 та ҳудудий дивизияга, 8 та пиёда, 2 та отлик, 9 та танк бригадаларига эга эди.

Б) Франциянинг ҳам қурулли қўшинлари уч қисмга: куруқликдаги, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-флот қисмларига бўлинарди.

Мамлакатда 20 та ҳарбий округ бўлиб, ҳар бирида 1-2 ҳаракатдаги дивизиялар бор эди. Агар уруш бўлиб қолса, сафарбарлик режасига кўра ушбу қўшилмаларнинг базасида 80-100 та “А” ва “Б” типдаги дивизияларни тузиш кўзда тутилганди. Франция қурулли қўшинларида 1939 йилларга келиб 1 млн. киши хизмат қиларди. Уруш ҳолати бўлиб қолса, 6 млнгача захирадаги кишиларни сафарбар қилиш мумкин эди.

1 млн армиядан куруқликдаги қўшинларда 865 минг, (550 минги метрополияда, 199 минги экспедицион армия ва 116 минги колонияларда тузилган эди) ҳарбий ҳаво қўшинларида 50 минг ва ҳарбий-денгиз қўшинларида 90 минг киши бор эди.

1939 йил августи охирига келиб, қўшимча чақириқлардан кейин қўшинлар сони 2 млн. 674 минг кишига етди. Шундан 2 млн. 438 минги куруқликдаги 110 минги ҳарбий-ҳаво, 126 минги ҳарбий-денгиз қўшинларида эди.

Мавжуд Франция армияси техник жиҳозланиши ва ҳарбий моҳарати жиҳатидан анча қоқоқ эди.

2) Ҳарбийқҳаво қўшинларида 3335 жанговор самолёт бўлиб, шундан 36%ни қирувчи самолётлар ташкил қиларди. 25%ни разведкачи, 39%ни бомбардимончи самолётлар ташкил қиларди.

3) Франция ҳарбий-денгиз флоти 4-чи ўринда турарди ва унинг таркибида 7 та линия кемаси, 1 та авианосец, 19 та крейсер, 32 та эскадрон мина ташувчи кема, 38 та мина ташувчи кема, 20 та минани топувчи тральшиклар ва 77 та сув ости кемаси бор эди.

Уруш арафасида Франция юқорида кўрсатилганидек салмоқли ҳарбий кучга эга эди, бироқ агрессорни шарққа, яъни СССРга йўналтириб юбориш учун олиб борилган сиёсат ва ўнг кучларнинг француз миллатига нисбатан хиёнаткорона сиёсат юритиши, мамлакатни урушга тайёрлаб боришнинг коникарсиз олиб борилиши Францияни 1940 йилги фожиага олиб келди.

В) АҚШнинг қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинларга ва ҳарбий-денгиз қўшинларига бўлинарди. Ҳарбий-ҳаво кучлари ва қуруқликдаги қўшинлар таркибига кирарди.

АҚШ қўшинларининг сони 1939 йили ҳаммаси бўлиб 544 минг 700 кишини ташкил этиб, 190 минг киши доимий армияда, 200 минг киши миллий гвардияда ва 154,7 минг киши ҳарбий-денгиз қўшинларида хизмат қиларди.

АҚШнинг ҳарбий доктринасига мувофиқ, ҳарбий-денгиз қўшинларини такомиллаштиришга, уни янги замонавий кемалар ва авианосецлар билан жиҳозлашга кўпроқ эътибор қаратилди. Уруш бошланган вақтда АҚШнинг ҳарбий-денгиз қўшинларида 300 дан ортиқ жанговор кемалар бўлиб, шундан 15 таси линия кемалари, 5 таси авианосец, 36 таси крейсерлар, 181 таси эсминец, 99 таси сув ости кемалари, 7 таси канонер (бир нечта ўрта калибрли тўплар билан қуролланган кичик кема) кемаси ва 26 таси мина топувчи тральшик (денгиздаги миналарни топадиган ва зарарсизлантирадиган қурилма-трал деб аталади), (денгиз остини текшириб минадан тозалайдиган) кемалардан иборат эди. Денгиз ҳарбий кучлари таркибида 300 тагача жанговор самолётлар ҳам бор эди.

Ҳарбий-денгиз кучларининг асосий қисми Атлантик океаннинг қирғоғидаги Норфолкда, Тинч океан қирғоғида Сан-Диегода ва Гавай оролларидаги Пёрл-Харборда жойлаштирилган эди.

Қуруқликдаги қўшинлар таркибига кирган ҳарбий-ҳаво кучларида 1939 йили 1576 та жанговор самолёт бор эди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан самолётсозликка катта маблағ ажратилди ва қисқа вақт ичида ҳарбий самолётлар сони 2 ҳисса ошди. Тезкорлик билан Панамада, Ал-Яскада, Пуэрторикада ва Гавай оролларида ҳарбий ҳаво базалари қурилди.

Г) Польшанинг қуролли кучлари: қуруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий денгиз қўшинларига бўлинган эди.

1939 йил 1 июнида Польшанинг қуролли кучлари 439 минг 718 кишидан иборат бўлиб, шундан 418 минг 474 киши қуруқликдаги қўшинларда, 12 минг 170 киши авиацияда ва 9074 киши ҳарбий-денгиз қўшинларида хизмат қиларди. Заҳира армияда 1 млн 500 минг киши бор эди. Армиянинг асосий қисмини (70% ни) деҳқонлар ташкил этарди. Армиянинг асосий қисмини (70% ни) деҳқонлар ташкил этарди. Армиянинг 30-40% гачасини майда миллатларнинг (украинлар, белоруслар, литваликлар ва бошқаларнинг) вакиллари ташкил этарди. Армиянинг ташкилотчиси ва раҳбар кучи- офицерлар ва унтер - офицерларнинг ҳаммаси ҳукмрон миллат вакилларидан эди.

1939 йил июлида Польша қуролли кучларида ҳаммаси бўлиб, 887 та енгил танк ва танкеткалар, 100 та зирҳли автомобиль, 10 та зирҳли поезд бор эди. 824 та ҳарбий самолёт бўлиб, 6 та авиация полкига, 2 та алоҳида енгил (аппаратларда) самолётларда учадиган батальонга, 2 та денгиз-ҳаво кучлари дивизиясига бўлинган эди.

Ҳарбий-денгиз кучлари ҳарбий флотга ва қирғоқ соқчилиги қисмларига бўлиниб, унинг таркибига 4 та эскадрилья мина ташувчи кема, 5 та сув ости кемаси, мина қўювчи заградитель (мина, сим ва ҳоказодан тўсиқ қуювчи ҳарбий кема) 6 та тральшик ва қирғоқ қўрувчи 8 та батальон кирган эди. Польшанинг қуролли кучлари кўпгина соҳалари бўйича 1914 йилги даражада турарди. Армияни такомиллаштириш иши секинлик билан борди. Умумий сафарбарлик фақат 1939 йилнинг 31 августида эълон қилинди. 1939 йилнинг 1 сентябри эрталаб Польша қуйидаги ҳарбий кучларга эга эди: 21 та пиеда дивизия, 3 та заҳира дивизия, маторлаштирилган бригада, 8 та кавалерия бригадаси, 3 та тоғ-ўқчи бригадаси, 56 та миллий мудофаа батальонлари ва чегара қўшинлари қисмлари ҳамда денгиз қирғоқларини қўриқловчи соқчи қисмларга эга эди. Биринчи оператив эшелонда 840 минг солдат бор эди.

Польша кўпроқ Англия ва Франциянинг мадад беришига таянарди, аммо у уйлагандай бўлиб чиқмади ва Германия томонидан бўлган кучли зарбага бардош беролмади.

3. Иккинчи жаҳон урушини гитлерчилар Германияси бошчилигида тажовузкор гуруҳга бирлашган давлатлар тайёрлашди ва ўт олдиришди. Ўз навбатида бу муносабатларнинг Версаль тизимига бори тақалар, у эса биринчи жаҳон урушида ғалаба қилган ва Германияни хўрланган ҳолатга тушуриб қўйган мустабид давлатларнинг ҳукмронлик сиёсати билан боғлиқ эди. Ўшандаёқ Германияда қасос олиш ғояси пайдо бўлишга шароит яратилган ва Европа марказида милитаризм ўчоғи пайдо бўлган эди.

Германия империализми янги моддий-техника базасига таянган ҳолда ўзининг ҳарбий-иқтисодий пойдеворини қайта қурди ва кенгайтирди, бу борада унга ғарб мамлакатларининг йирик саноат концернлари ва банклари мадад берди. Германияда ва у билан иттифоқчи бўлган давлатлар Италия ҳамда Японияда террорчилик диктатураси тантана қилиб, ирқчилик ва шовинизм кучайиб бораётган эди.

“Иккинчи тоифадаги” халқларни қириб ташлаш ва йўқотиш сари йўналтирилган гитлерчилар “рейх”нинг босқинчилик дастурида Польшани дунё сиёсий харитасидан йўқ қилиш, Францияни тор-мор этиш, Англияни қитъада сиқиб қўйиш, Европа хом ашёсига эга бўлиш, кейин эса Шарққа юриш қилиб Совет Иттифоқини йўқотиш ва унинг ерларини эгаллаб “янги ҳаётий зарур ҳудуд”ларни қўлга киритиш каби мақсадлар ётар эди. Россиянинг иқтисодий бойликлари устидан назорат ўрнатгач, Германия навбатдаги босқинчиликни бошлашни уйлар, немис монополияси ҳукмронлигини Осиё, Африка ва Американинг бепоён ҳудудларига ёйишни мўлжалларди. Гитлерчилар Германия ва унинг иттифоқчилари томонидан бошланган уруш бошидан охиригача империалистик, босқинчилик ва адолатсизликдан иборат бўлган уруш эди.

Англия ва Франциянинг буржуа-демократик режимдаги ҳукуматлари ғарб жамиятининг анъанавий қадриятларини сақлашни ёқлашса-да нацизмнинг умумбашариятга солаётган хавф-хатарини тушуниб етмасдилар. Улар Германия ва Япониянинг Совет Иттифоқи билан тўқнашуви натижасида уларнинг ҳолдан тойиб, кучсизланишига рўйи рост ишонардилар. Аммо улар фашизм ва милитаризмни йўқ қилишни ҳаёлиги ҳам келтирмас эдилар. Инглиз ва француз арбоблари Совет Иттифоқига ишончсизлик билан қараб Германия ҳукуматининг нацистик сиёсати билан Сталиннинг яқка ҳукмронликка асосланган тоталитар сиёсатини бир поғонага қўярдилар. ғарб давлатлари ҳукуматларининг уруш арафаси ва бошланиши пайтидаги ҳатти ҳаракатлари бу мамлакатларнинг халқларига катта зарар етказди.

1939 йил 31 август куни кечқурун қурулланган СС (Хавфсизлик отрядлари) отрядларининг бир гуруҳи ўша даврда Польша билан чегарадош ҳисобланган немис шаҳри Глейвиц (Гливице) радиостанцияси жойлашган бинога бостириб кирди. Микрофон олдида бир қанча ўқ отганларидан сўнг, Германиянинг Польшага ҳужум қилишга мурожаати поляк тилида ўқилди. Шунга ўхшаш сунъий иғволар немис ва поляк чегараларининг бир қанча участкаларида ҳам уюштирилди. “Ишончли” бўлиши учун Ссчилар поляк ҳарбий кийими кийгизилган кишиларни отиб ташлади. Бу кишилар соқчилар томонидан концлагерлардан олиб келинган поляк маҳбуслари эди. Тез орада Германия радиостанциялари, поляк ҳарбийларнинг немис

чегараларига ҳужум қилганлиги тўғрисидаги шошилиш хабар тарқатилди. Ашёвий далил сифатидан ошиб ташланган “поляк ҳарбийлари” кўрсатилди.

Орадан кўп ўтмай Оберзальцбергда Гитлер ўз генераллари билан бўлган суҳбатда сурбетларча шундай деб баёнот берди: “Мен урушни бошлаш учун мафкуравий сабаб топиб берман. Бу сабаб ҳақиқатга тўғри келадими ёки йўқми, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. ғолибдан эса унинг гапи тўғри ёки нотўғрилигини сўрашмайди”¹. Шундай қилиб бу сунъий иғволар Гитлер учун баҳона бўлиб хизмат қилди. Англия ва Франциянинг Польшага ҳеч қандай ёрдам бермаслигига ишонган Германия 1939 йил 31 августда Данцигга ҳарбий тўнтариш қилди.

1939 йилнинг 1 сентябри соат 4 дан 45 минут ўтганда немис-фашист авиацияси Польшанинг аэродромларини, барча алоқа нуқталарини иқтисодий ва маъмурий марказларини қаттиқ бомбардимон қилди. Қуруқликдаги кўшинлари Шимолдан Шарқий Пруссия орқали, ғарбдан Шарқий Германия орқали ва Жанубдан Словакия орқали Польша худудига бостириб кирди. Германиянинг линкори “Шлезвиг-Гольштейн” олдиндан Польша қирғоқларига яқинлашиб келган эди ва у Вастерплатт ярим оролига қаратиб ўт очди. Германиянинг Польшага ҳужум қилиши билан 2 чи жаҳон уруши бошланиб кетди. Германия ташвиқоти “уруш Польшанинг айби билан, яъни эркин шаҳар Данцигни Германияга бермаганлиги учун, у ердан Шарқий Пруссияга ўтиш учун магистраль автомобил йўли ва тор изли темир йўл қуришга рухсат бермаганлиги учун бошланди” деб фашизм агрессиясини оқлашга ва хаспўшлашга зўр бериб уринди. Ҳақиқатда эса, уруш Данциг учун бошланмагани, бундан кўзланган мақсад фашистик Германиянинг узоқ-узоқларга бориб тақаладиган сиёсий ва ҳарбий стратегик вазифаларини амалга ошириш эди.

“Гап Данциг устида эмас, бизнинг ҳаётий манфаатларимиз бўлган Германия чегарасини кенгайтириш ва таъминлаш устида кетмоқда, гап Болтиқ масаласини ҳал қилиш устида кетмоқда”², - деб айтган эди Гитлер.

1939 йилнинг 1-сентябрида Чемберлен ва Даладье ҳукуматлари Англия, Франция, Германия, Италия ва Польша вакиллари иштирокида конференция чақиришга келишиб олдилар ва Версаль шартномасини қайта кўриб чиқишга рози эканликларини Гитлерга билдирдилар. Англия ва Франция ҳукуматлари чақирилажак конференцияда Германияга ён беришга рози эканликларини билдирдилар. Бу сафар улар Польша ҳисобига ён беришни ва шу йўл билан ўзларига бўладиган хавфнинг олдини олмоқчи бўлдилар. Бироқ, буларнинг бу сафарги уринишлари бефойда кетди. Гитлер бунга рози бўлмади.

¹ . Вторая мировая война. Краткая история. М., Из. Наука 1984. 43-стр

² История Второй Мировой войны. 1939-1945 гг. Т-3. стр-13.

Гитлер ўз иттифоқчиларига Чемберлен ҳақида гапириб: “Бу ”соябонли одам” менинг ҳузуримга Берхтесгаденга келишга журъат қилиб кўрсин, мен уни орқасига тепки бериб зинапоядан тушуриб юбораман”, - деган эди¹. Энди 3-чи рейх бошлиғини “Янги Мюнхен” шартлари ҳечам қониқтирмас эди, у ғолибона уруш олиб бориб Германиянинг ҳукмронлик кудратини тиклаш ниятида эди. Фашистик Германия Польшага қарши бошланган урушни жаҳонга ҳукумронлик қилиш учун олиб бориладиган урушнинг биринчи босқичи деб ҳисоблади.

Илгари Польшага ёрдам қилиш мажбуриятини олган Англия ва Франция ҳукуматлари Польшага ҳарбий ёрдам кўрсатиш ўрнига Германия кўшинларининг Польшадан олиб чиқиб кетилишини, уруш ҳаракатларининг тўхтатилишини “талаб қилдилар”. 3 сентябрда бу талабни Германияга қатъий равишда баён қилдилар. Германия бунга эътибор бермагач, 3 сентябр соат 11 да Англия ҳукумати Германияга уруш эълон қилди, 6 соат ўтгандан кейин Франция ҳам Германияга уруш эълон қилди. Англиядан кейин Германияга қарши унинг доминионлари ҳам уруш эълон қилди: 3 сентябрда Австралия ва Янги Зеландия, 6 сентябрда-Жанубий Африка Иттифоқи, 10 сентябрда - Канада. Баъзи бир Европа давлатлари, шунингдек АҚШ ўзларининг бетарафликларини эълон қилдилар. Италия ўзини “уришмайдиган” мамлакат қилиб кўрсатди. Бироқ, у Германияга ҳам сиёсий ҳам иқтисодий жиҳатдан ёрдам беришга тайёр турар эди.

Англия билан Франция Польшага ёрдам бериш учун ёки “фашизмга қарши курашиш учун” уруш эълон қилмадилар, улар Германия ўз куч қудратига ишониб ўзининг яқиндаги хомийларига хавф сола бошлаганлиги учун ҳам уруш эълон қилдилар.

Германия-Польша урушида кучлар нисбати қуйидагича эди:

№		Германия	Польша
1	Қуролли кучлар	1,6 млн чел	1,0 млн чел
2	Дивизиялари	62	39
3	Танклари	2800 та	870 та (танкетлар билан)
4	Артиллерия қуроллари ва минометлари	6000	4300
5	Жанговор самолётлари	2000	407

Жадвалдан кўриниб турибдики, Германия барча соҳалар бўйича устунликка эга эди. Танкетка - пулемётли тезюрак кичкина танк.

Польшанинг иттифоқчилари ғарбда тез ҳаракат қилмадилар, холбуки уларнинг ҳарбий кучлари Германияникидан устун даражада эди. М: Франция уруш бошлангунча ўз армиясини махфий равишда Германия чегараларига олиб келиб жойлаштирган эди. 10 сентябрда

¹ История Второй Мировой войны. 1939-1945 гг. Т-3. стр-13.

келиб уларнинг сони 90 та ҳарбий қўшилмаларга етган эди. Франция армияси танклар ва артиллерия жиҳатидан ҳам Германиядан устун эди. Генерал Гольдернинг маълумотича ғарбий фронтда немис қўмондонлиги дивизиялар артиллериясини қўшиб ҳисобламаганда 300 та замбарак, тўп ва артиллерия қуролига эга эди. Холбуки Францияники 1600 та эди. Яна Француз армиясида 2000 та танк ҳам бор эди, немис-фашист қўшинларида эса битта ҳам танк йўқ эди.

Бундан ташқари ғарбий фронтда Англиянинг 1500 та самолёти, шундан 1144 таси бомбардимончи ва қирувчи самолётлар эди. Франция 1400 та жанговор самолётга эга эди.

Бу фактлар иттифоқчиларнинг ғарбда катта устунликка эга бўлганлигини, Германияга қарши салкам 3000 та самолётни қарши ташлаб, урушнинг боришини ўзгартиришлари мумкин эдилар. Аксинча, улар катта устунликка эга бўлишига қарамай, қўл қовуштириб Польшанинг таслим бўлишини кутиб турдилар.

Германия бош қўмондонлиги штабининг бошлиғи генерал-фельдмаршал В.Кейтель шундай деган эди: "Агар Англия ва Франция ҳужум тактикасини қўллаганларида борми, уларга қарши арзимаган кучимизни мудофаага ташлашдан бошқа чорамиз қолмаган бўларди", - деган эди., урушдан кейинги эсдаликларида.

1939 йилнинг 16 сентябрида Польша ҳукумати мамлакат халқини ўз холига ташлаб Руминияга қочиб ўтди. Германия Польшага ҳужум бошлаганда собиқ Совет раҳбарияти СССРнинг "бетарафлигини" эълон қилган эди.

Кейинчалик немис манбаларидан шу нарса маълум бўладики, Берлин СССРдан Польшага қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашни 1, 3, 5, 8, 12 сентябрлардаги ноталарида талаб қилади¹. Шундай бир вазиятда СССР 1939 йил 23 август битимининг махфий бандларига мувофиқ 1939 йилнинг 17 сентябрида Польша ҳудудга бостириб кирди ва 12 кун ичида ғарбий Белоруссия ғарбий Украинанинг 12 млн аҳолига эга бўлган 190 минг кв кмлик ҳудудини босиб олди. Совет томони ғарбий Украина ва ғарбий Белоруссия

аҳолисининг ҳаёти ва мулкни ўз ҳимоясига олишда ўзини бурчли санади. Москванинг гўёки Польша давлати йўқ қилинганлигини асословчи фикри халқаро ҳуқуққа зид келарди, негаким, вақтинчалик оккупация бирор-бир давлатнинг мутлоқ йўққа чиқарилишига сабаб бўла олмас эди. Тарихий манбаларга асосланадиган бўлсак, Совет қўшинларининг Польшага бостириб кириши тўқнашувларсиз бўлмади. Дастлаб Львов ва Люблянхен ҳудудларида қуроли тўқнашувлар содир бўлди. Лекин бу тўқнашувлар Германия ва СССР қўшинларининг Брестда ҳамкорликда ўтказилган ҳарбий парадга халақит бера олмади.

¹ Новая и новейшая история. 1989., № 5. стр-24.

Совет Иттифокининг 1939 йил 17 сентябрда Польшага тақдим этган нотасига асосан, Польша ҳукумати СССР билан уруш ҳолатида эмаслигини маълум қилди. 17 сентябрда ҳали Польша ҳудудини тарк этмасданоқ Польша қўшинларининг бош қўмондони маршалл Ридз-Смигл қўшинларига қуйидаги мазмунда буйруқ берган эди: "Советлар кириб келишди. Руминия ва Венгрияга энг яқин йўллар билан тезликда чекинишни буюраман. Советлар билан жанг қилманглар, фақатгина улар томонидан тазйиқ ўтказилганда ёки ҳарбий қисмларимизни қуролсизлантиришга уринилгандагина жанг қилишга рухсат берилади. Варшаванинг немислардан вазифаси ўз кучида қолади. Советлар билан тўқнаш келиб қолган отрядлар улар билан тезликда музокоралар олиб борсин. Музокоралардан мақсад Венгрия ёки Руминия ҳудудларига етиб олиш"¹.

Худди шундай буйруқни Львовнинг мудофаасига бошчилик қилган генерал В.Лянгер ҳам олган эди: "Биз фақатгина Германия билан урушаяпмиз, большевиклар бундан мустасно. Агар Совет қўшинлари ҳужум қилишмаса, уларга қарши ўқ очилмасин". Польша қўшинларининг бир қисми Қизил Армияга ўз қуролларини топширишган бўлса, бир қисми ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишмади. Совет қўшинлари Львовга етиб келгач генерал Лянгер улар билан музокоралар бошлаб юборди. Польшадаги сўнгги қаршилиқ жанглари 2 октябрда бўлди ва бир ойлик урушдан сўнг Польша оккупация қилиб олинди. Польша армиясидан 66,3 минг киши ўлди, 133,7 минг киши ярадор бўлди. 420 мингга яқин киши асир олинди. Немис фашистлар армиясидан 10,6 минг ўлди, 30,3 минг ярадор бўлди ва 3,4 минг киши бедарак йўқолди.

Ташқи ишлар комиссари В.М.Молотов 1939 йил 31 октябрда Совет қўшинларидан - 739 киши ҳалок бўлганлиги ва 1862 киши ярадор бўлганлиги тўғрисида ахборот берди¹. Полякларнинг талофотлари эса аниқ эмас эди. Совет матбуотида кўрсатилган маълумотларга қараганда, Украина фронти томонидан 181 минг аскар ва 10 минг зобитлар қуролсизлантирилди. Белоруссия фронти бўйича бу кўрсаткичлар эълон қилинмаган эди. Поляк манбаларида эса бу томонидан 181 минг аскар ва 10 минг зобитлар қуролсизлантирилди. Белоруссия фронти бўйича бу кўрсаткичлар эълон қилинмаган эди. Поляк манбаларида эса бу кўрсаткич, биров кўпроқ кўрсатилган: 230-250 минг киши қуролсизлантирилган (шуларнинг ичида 10-12 минг зобит бор эди). ғарбий Украина ва ғарбий Белоруссияда яшовчи аҳолига мансуб аскарлар ўз уйларига тарқатиб юборилди. Қолганлар эса лагерларга жойлаштирилди. 1939 йил октябрь ойидан репатриация (ўз ватанига қайтариш) бошлансада, бу Польша

¹ Новая и новейшая история. 1989. № 5. стр-25.

¹ Новая и новейшая история. 1989., № 5. стр-25.

армиясининг зобитлар таркибига, полиция ва жандармериянинг юқори лавозимли кишиларига нисбатан қўлланилмади. Совет қўшинлари 1919 йилда белгиланган “Керзон чизиги” чегарасида тўхтади. 1939 йил 28 сентябрда Москвада СССР ва Германия ўртасида дўстлик ва чегара тўғрисида имзоланган шартномага мувофиқ “ҳар иккала давлат манфаатлари” чегараси Нарев, Сан ва ғарбий Буг дарёлари бўйлаб белгиланди. Польшанинг катта ҳудуди Германия томонидан оккупация қилинди. Украина ва Белоруссия ерлари эса, СССРга қўшиб олинди. Икки давлат ўртасида чегараларнинг этник бўлиб олиншининг тан олинishi, халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўпол равишда бузилганлигини билдирарди. Кейинги манбалардан шу нарса маълум бўладики, келишувлар шартноманинг қуйидаги яширин протоколларида эди².

1. Махфий протокол - Совет давлати ихтиёрига ўтадиган ва унинг манфаатларини ифодалайдиган ҳудудлардан немис миллатига мансуб бўлган кишиларнинг Германия ҳудудларига кўчишига, тўсқинлик қилмасликка Совет ҳукумати рози бўлди. Ўз навбатида, Германия ҳукумати ҳам Украина ва Белоруссияга нисбатан худди шундай мажбуриятни ўз зиммасига олди. 2. Махфий қўшимча протокол - 1939 йил 23 августда киритилди. Чунончи, Литва ҳудуди СССРнинг давлат манфаатлари доирасига ўтди. Ўз навбатида, Германияга Люблин ва Варшава воеводиналари ҳудудлари ўтди.

3. Махфий қўшимча протокол - ҳар иккала давлат Польша томонидан ўзларининг манфаатларига зид бўлган ташвиқотларнинг олиб борилишига йўл қўймасликка келишиб олдилар. Шундай қилиб, Польша Германия ва СССР томонидан сурбетларча тақсимлаб олинди. 1939 йил сентябрь ойида Польшанинг мағлубияти поляк халқи учун энг фожеали воқеа бўлди. 1939 йил 8 октябрда фашист ҳукуматининг Декрети билан 9,5 млн кишилик аҳоли яшайдиган ҳудудни немис ўлкалари деб эълон қилди. Польшанинг катта қисми 3- Рейхга қўшиб олинди. Польшанинг немислар томонидан оккупация қилинган ҳудудларининг қолган қисми генерал губернаторлик деб эълон қилинди. Польша давлати энди йўқ эди. Совет қўшинлари унинг тақдирида ҳеч қандай ўрин тута олмади. Шу орада Совет армияси томонидан полякларнинг қуролсизлантирилган, асирга олинган ва зобитларининг тақдири тўғрисида тўхталиб ўтсак. 1939 йил 17 сентябрда бошланган ҳаракатлар натижасида, Совет қўшинлари томонидан Польшанинг бир неча минг сонли зобитлари қуролсизлантирилди ва асирга олинди. Уларнинг кўпчилиги ўқитувчи, шифокор ва чегара хизматчиларига мансуб кишилар эди. Бериянинг Сталинга берган маълумотига кўра, 1940 йилнинг март ойида Совет ҳарбий лагерларида 14736 та поляк маҳбуслари бўлганлигини

² Новая и новейшая история. 1993., № 1.

кўрамиз. Бундан ташқари Украина ва Белоруссиянинг ғарбий вилоятларидаги қамоқхоналарда яна 10685 та поляк бор эди. Русларнинг поляк зобитлари сақланаётган йирик лагерлари Козельск, Осташков ва Старобельскда жойлашган эди¹.

1940 йилнинг баҳорида Польша жамоатчилиги ўртасида бу лагерлар ёпилганлиги ва асирлар номаълум йўналишга олиб кетганлиги ҳақида миш-мишлар тарқалди. 1943 йилда Гитлерчилар Германияси томонидан оккупация қилинган Смоленскка қарашли Катин ўрмонида полякларнинг оммавий тарзда кўмилган мазорлари топилди. Кейинги йилларда, НКВД ва КГБга тегишли бўлган махфий хужжатларда бу кирган баротни Совет ҳукумати томонидан амалга оширилганлиги аниқ бўлди. Сталин, Молотов, Ворошилов, Микоян, Калинин Каганович ва Берияларнинг бевосита бошчилигида поляк ҳарбийларидан 21857 киши отиб ташланган эди. Мана шу маълумотларнинг ўзидан ҳам Совет ҳукуматининг босқинчиликдан иборат бўлган ташқи сиёсатини англаб олиш қийин эди.

1939 йил сентябридан 1940 йил апрелигача 7 ой давомида ғарбий фронтда фаол уруш ҳаракатлари бўлмади, фақат денгизлардагина бирмунча уруш ҳаракатлари бўлиб турди.

Англия ва Франция 1939 йил 3 сентябрда гитлерчилар Германиясига уруш эълон қилган вақтида, Польшада урушнинг учинчи куни давом этмоқда эди. К.Клаузевицнинг сўзлари билан айтганда ғарб давлатларининг раҳбарлари “қаламни қиличга” алмаштирди-ю, бироқ бу қилич билан душман кўксига зарба беришга шошилмади.

Барча жанговор ҳолатга келтирилган ҳарбий қисмлар чегараларда ўз ўрнини эгаллаб, бирон-бир ҳарбий ҳаракатга киришмадилар. У Черчилль бу даврга қуйидагича изох берди: “Гар фронтдаги тинчликни фақатгина баъзида отилган замбарак ўқлари-ю, разведкачи патруллар бузишарди. Барча давлатларнинг армиялари ҳеч бир давлат томонидан истило қилинмаётган замин узра бир-бирига қараб туришарди.

Франция журналисти Держелес бу урушга “ғалати уруш” номини берди ва шундан сўнг бу давр чет эл матбуотида “ғалати уруш” деб атала бошлади. Черчилль бу даврни “қош қорайган пайт” (сумерки войнў) деб атади. Германияда ғарбдаги урушни “зицкриг”, яъни ўтроқ уруш деб аташган. Аслида бу урушда ҳеч қандай ғалатилик йўқ эди, чунки Англия ва Франциянинг Чемберлин ва Даладье бошлиқ ҳукуматлари Англия ва Франция билан биргаликда Германияга нисбатан ҳарбий жихатдан устун бўлсаларда, Германияга қарши уруш қилишни истамадилар. Чунончи, 1939 йил сентябрида Германиянинг ҳаммаси бўлиб 105 дивизияси, 4.400 самолёти, 100 та ҳарбий кемаси,

¹ Новая и новейшая история. 1993., № 1. стр-4.

Англия ва Франциянинг эса бирга қўшиб ҳисоблаганда 125 дивизияси, 7300 самолёти, 500 ҳарбий кемаси бор эди. Германия ўша вақтда уруш қилишга тўла тайёр эмас эди. Унинг чегара истехкомини (“зигфрид чизигини”) ёриб ўтиш мумкин эди. Аммо, ғарб давлатлари Мюнхен билан СССРга қарши тил бириктириш мўлжалида бўлдилар. Франция ва Италия ўртасида Германия билан ярашиш тўғрисида ғайри расмий музокоралар бўлди. 1939 йил 19 октябрда Англия ва Франция Туркия билан Финляндия урушига аралашдилар.

Германия Польшани босиб олгандан кейин ўзининг агрессиясини ғарбий Европага қаратди. ғарбий Европадаги “ғалати уруш”дан фойдаланиб, Гитлер Германияси ўз ҳарбий кучларини (135 та пиеда аскарлар дивизиясини, 10 та танк дивизиясини, 4000 самолётни) бемалол ғарбий чегараларга тўплади ва ҳужум режаларини ишлаб чиқди. Гитлерчилар Германияси Англия ва Франция давлатларининг антисовет қарашлари ва қуроли кучларнинг ҳаракатсизлигидан жуда устамонлик билан фойдаланди. Фашистларнинг ташвиқот машинаси вермахт қуроли кучларининг “енгилмаслиги” тўғрисида афсоналар тарқатдилар. Шу билан бир вақтда Германиянинг “тинчлик севарлиги” ва иттифоқчилар кўз ўнгида антисовет фитнасига қатнашиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар жуда кўп бор айтилди.

1939 йил сентябрь-октябрь ойларида Гитлер бир неча бор Германия ғарб давлатлари билан урушишни истамаслигини ва Франция чегарасини энг охири нукта деб ҳисоблашишни таъкидлаб ўтган эди. Бундан ташқари, Англия Германияга биринчи жаҳон уруши даврида тортиб олинган мустамлакаларини қайтариб беришига умидвор эканлиги ҳам эслатиб ўтди.

Аммо, ҳақиқатда, аҳвол бошқача эди. 1939 йил 27 сентябрда Германия қуроли кучлари бош қўмондонлари ва штаб бошлиқларининг Кенгашида Гитлер ғарбга ҳужум уюштириш режаларини тезкорлик билан ишлаб чиқишга фармойиш берди. Урушдан мақсад, Англияни тиз чўктириш ва Францияни тор-мор келтиришдан иборат эди¹.

1939 йил 9 октябрда ишлаб чиқилган № 6 директива муҳим аҳамият касб этди. Вермахт қуруқлик қўшинларининг Бош қўмондони 1939 йил 19 октябрда қўшинларнинг ғарбга ҳужум уюштиришларини кўзда тутган “Гельб (Сарик) операцияси” номли режани ўз ичига олган директива қўл қўйди. Директива немис қўшинларининг ғарбий фронтнинг шимолий йўналиши орқали Голландия, Бельгия, Люксембург ва Шимолий Францияга бостириб киришни кўзда тутган эди. Аммо, ҳужумга яхши тайёргарлик кўрмаганлик, об-ҳавонинг ноқулайлиги, ғалаба қозонишга тўла ишончнинг йўқлиги сабабли ҳужум 1940 йилнинг 29 мартига қолдирилди. Бу орада Германияда ҳарбий

¹ Гальдер. Военный дневник. Пер. с нем М., 1968. Т., стр-138

куроллар асосан танк, самолёт ва оғир артиллерия тўплари ишлаб чиқариш кескин ўсди. Куролли кучларнинг таркиби ҳам кучайди.

1940 йил баҳорида Германия 156 дивизияга, Англия ва Франция эса биргаликда 142 дивизияга эга эди. 142 дивизиядан 102 таси Германияга қарши қаратилган эди. Гитлер ҳам қатъий ва шиддатли ҳаракат қилди. У ғарбда аста-секин куролли кучларни тўплаб, 1940 йил баҳорида Бельгия ва Франция чегараларида 135 дан ортиқ дивизияни жамлади, аскарлар сони техника ва авиацияда жуда катта устунликни қўлга киритди. Бироқ, Германия қўмондонлиги олдин Скандинавияда ҳарбий-денгиз ва ҳаво базаларини барпо этишга қарор қилди, чунки улардан туриб Англия фронтининг фаол ҳаракатларига қаршилик кўрсатиш мумкин эди.

1940 йил 1 мартда Гитлер Норвегия ва Данияни босиб олишни кўзда тутган “Везерубунг” (“Везердаги машқлар”) номли ҳарбий режани ўзида мужассам этган директивага қўл қўйди. “Везерубунг” режасига кўра гитлерчилар ҳаво ва денгиз десант қўшинларини қўллаш орқали ҳар иккала давлатга бир вақтнинг ўзида ҳужум қилмоқчи эди. Бу режани амалга ошириш учун мўлжалланган қуруқликдаги қўшинлар (9 та дивизия ва бригада) генерал Н.Фалькенхорст қўмондонлигидаги 21 армия қўшилмасига бирлаштирилди. Бу операцияни амалга ошириш учун 96 та ҳарбий ва транспорт кемалари, 35 та сув ости кемасидан ташкил топган ҳарбий денгиз флоти ҳамда 500 та ва 500 та транспорт самолётидан иборат. 5-ҳарбий ҳаво кучларига қарашли 10-авиация корпусининг ҳам қатнашиши мўлжалланган. Бундан ташқари немис фашист қўмондонлиги Германиянинг Норвегиядаги эски агенти Квислинг бошчилигидаги маҳаллий фашистларнинг ҳам ёрдамига катта умид боғлади. Норвегия куролли кучлари анча кучсиз эди. Жумладан, қуруқлик қўшинлари 150 минг кишидан иборат бўлиб, захирада 100 минг киши бор эди. Ҳарбий ҳаво кучлари эски русумдаги 180 та самолётдан, ҳарбий денгиз кучлари 4 та оғир крейсер, 30 та мина ташувчи 9 та сув ости кемаси, 11 та (минних заградителей) ва бир неча 10 лаб қўшимча кемалардан иборат эди.

1940 йил апрель-майида Германия шимолий ва ғарбий Европада шиддатли операцияларини бошлаб юборди.

1940 йил 9 апрелда “Везерубунг” операцияси бошланди, бироқ немис қўшинлари қаршиликка дуч келмай мамлакат ичкарига шиддат билан кириб бора бошлади. Шу билан бир вақтда немисларнинг денгиз десанти Зееланд, Фюнен ва Фальстер оролларига туширилди.

Дания қироли Кристиан X томонидан чиқарилган кенгашда немисларга қаршилик кўрсатмаслик ва таслим бўлиш ҳақидаги қарор қабул қилинди. Дания қисқа вақт ичида таслим бўлди, бироқ Норвегия қаршилик кўрсатишни давом эттирди. 9-14 апрель кунлари немис-фашист қўшинлари Норвегия ҳарбий кучларининг асосий қисмини

тор-мор келтирди. Скандинавия ярим оролининг босиб олиниши натижасида немислар жуда муҳим стратегик пунктга эга бўлишини англаган Англия ва Франция қўшинлари ҳаракатга кела бошладилар. 14 апрелда 24 инглиз пиёда бригадаси Нарвикка келиб тушди. Бундан ташқари инглизларнинг 146-пиёда бригадаси, французларнинг 5-бригадалари ҳам ёрдамга етиб келишди. Аммо бу кучларнинг ҳарбий қўшинларнинг сони 25000 га етди. Аммо немисларнинг 10 майда бошлаган ҳужумлари туфайли, иттифоқчи қўшинлар ўз ҳудудларини ҳимоя қилиш мақсадида олиб кетилди. Немислар томонидан Тронхейн ва Норвикда ҳарбий базалар барпо этилди. Уларда Германия сув денгиз флотининг асосий қўшилмалари ҳақида сув ости флотининг асосий қисми жамланди. Бундан ташқари, Берген ва Тронхейнда ҳарбий-ҳаво базалари барпо этилиб, 1940 йилнинг 9 апрелида у Дания ва Норвегияга ҳужум қилди, Дания қисқа вақт ичида таслим бўлди, бироқ Норвегия қаршилик кўрсатишни давом эттирди. Англия билан Франция Норвегияга ёрдам беришни ваъда қилсада, бироқ улар амалий ёрдам қилмадилар. Норвегия ҳам таслим бўлгандан кейин Германия ғарбга қараб юришини бетараф давлатлар территориясидан бошламоқчи бўлди. Бунинг учун у провакация ишлатди. Фашистлар самолёти Германиянинг шаҳри Фрейбургга қараб учиш қилди. Германия бу учишни Бельгия, Голландия ва Люксембург авиациясига тўнкади ва фашистик ҳукумат 40-йилнинг 10 майида бу давлатларга бостириб кириш тўғрисида буйруқ берди. Бир вақтнинг ўзида Францияга ҳам ҳужум бошланди.

1940 йил 10 майда бу уч давлатни тор-мор келтиришни кўзда тутувчи “Гельб” операцияси бошланди. “ғалати уруш” (1939 йил сентябрь - 1940 йил май)даври тугади. Немис қўшинларининг босқини Голландия, Бельгия, Люксембург ва Франциянинг аэродромлари қўмондонлик пунктлари, ҳарбий омборлари ва муҳим саноат марказларига кучли ҳаво ҳужуми билан бошланди. 14 майда Голландия таслим бўлди. Англия-Франция ва Бельгиянинг катта ҳарбий кучлари немис қўшинлари томонидан денгизга Дюнкерк яқинида қисиб қўйилди. Фақат уларнинг бир қисми Британия оролларига эвакуация қилинди, 28 майда Бельгия таслим бўлди.

Денгиз бўйидаги иттифоқчилар қўлида бўлган сўнгги йирик порт Дюнкерк хавф остида қолди. Англия қўмондонлиги ўз қўшинлари ва Бельгия-Франция қисмларини эвакуация қилишга қарор қилди. 1940 йил 4 июнгача давом этган Дюнкерн операцияси давомида 338000 га яқин киши, шу жумладан 123 минг француз ва бельгияликлар олиб чиқиб кетилди. Бор оғир ҳарбий техника эвакуация ҳудудига ташлаб кетилди ва гитлерчиларнинг қўлига тушди. Англияликлар эвакуация даврида 224 та кема ва транспорт (судна), ҳамда 106 та самолётдан ажралиб қолди.

Вермахтнинг ғарбий Европадаги бирирчи ҳарбий операцияси мана шундай тугади. Унга кўра, гитлерчилар Голландия, Бельгия ва Франциянинг шимолий қисмини босиб олди. Голландия, Бельгия ва Франциянинг шимолий қисмини босиб олди; Голландия ва Бельгиянинг ҳарбий кучларини таслим эттирди ва 28 та француз дивизиясини тор-мор келтирди.

Немис-фашист кўшинлари Франциянинг шимолдаги кўшинларига кетма-кет зарбалар бериб, Франция шимолидан жануб ва жануби-ғарбий томонларга кириб бордилар. Франциянинг асосий ҳарбий кучлари Франция-Германия чегарасида, “Можино чизиги”да қолиб кетаверди.

5 июнда Германия Париж томон ҳужум бошлади, 10 июнда Италия ҳам Англия билан Францияга уруш эълон қилди. Франция ҳукумати немис-фашист кўшинларига қатъийлик билан қарши чиқолмади ва у Париждан Тур шаҳрига қочиб ўтди. Франция армиясини бош қўмондони Вейган ярашиш таклифини киритди. Бироқ, Париж немислар томонидан 14 июнда ишғол қилинди. Париж олингандан кейин, Франция ҳукумати Бардо шаҳрига қочиб ўтди ва 17 июнда Франция премьерминистри Петэн Германия ҳукуматига жуда оғир мажбуриятлар ва шартлар билан бўлса ҳам ярашишни илтимос қилди. 19 июнда Франциянинг 10-армияси ҳарбий ҳаракатларини тўхтатди.

1940 йилнинг 22 июни соат 18 дан 32 минут ўтганда Франция ҳукумати номидан генерал Хонтцигер сўзсиз таслим бўлиш актига имзо чекди. 1918 йилнинг 11 ноябридаги ҳолат қайтарилди. Маршал Фошнинг вағони музейдан Компьен ўрмонига олиб борилди. Бу маросимда Гитлернинг ўзи ҳам қатнашди. Германия томонидан актга Кейтель имзо чекди. Германия Франциянинг бутун Шимолий қисмини ва Атлантика океанига туташган барча қирғоқларини ишғол қилди.

Ишғол қилинмаган қисми Германияга вассал бўлиб қолди ва хом ашё, озиқ-овқат ҳамда ишчи кучи етказиб бериб турадиган бўлди. Ярашишга биноан Франциянинг ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво флоти қуролсизлантирилди, аммо Германиянинг ихтиёрига берилмади. Германия билан келишувга ва ярашишга мувофиқ Франциянинг баъзи бир ҳудудлари демилитаризация қилинди, яъни қуролсизлантирилди ва ҳарбий саноатдан маҳрум қилинди.

1940 йилнинг 10 майидаги Шимоли-Шарқий фронтдаги кучлар нисбати.

№		Франц ия	Анг лия	Бель гия	Голлан дия	Иттиф оқ ҳаммас и	Герман ия

1	Шахсий таркиби	2 млн 440 минг	395 минг	600 минг	350 минг	3 млн 785 минг	3 млн 300 минг
2	Дивизиялар	104	10	23	10	147	135
3	Танклар сони	2789	310	-	-	3099	2580
4	Самолётлар	1648	1837	186	120	3791	3824
5	Артеллерия қуроллари 75 мм ва ундан юқори	11200	1350	1338	656	14544	7378

Франциянинг тор-мор келтирилиши Европа давлатларининг уруш бошлашиши арафасидаги Германияга қарши коалицияси барбод бўлганлигини билдирарди. Англия ва Франция ҳукуматларининг Мюнхен битими бўйича қилган ҳаракатлари, уларнинг нацистлар агрессиясига қарши курашда халқ оmmasига таянишни истамаслиги, иттифоқчилар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг нотўғрилиги, стратегиянинг сусткашлиги - буларнинг барчаси инглиз-француз иттифоқи ҳалокатининг асосий сабабларидир. СССРнинг навбатдаги босқинчилик режаси Болтиқ бўйи республикаларига қаратилди. СССР 28 сентябрда Эстония билан, 5 октябрда Латвия билан ва 10 октябрда Литва билан тазйиқ ўтказиш йўли орқали ўзаро ёрдам аҳдномаларини имзоладилар.

Келишувларга кўра, Совет Иттифоқи Эстония ва Латвия ҳудудларида ҳарбий денгиз базалари ва аэродромлар кўриш, Литва ҳудудининг маълум жойларда пиёда қўшинлар ва ҳарбий-ҳаво кучларини сақлаш ҳуқуқини қўлга киритди. Литва билан битимга кўра Совет Иттифоқи Литва республикасига унинг 1920 йилда Польша қўшинлари томонидан босиб олинган. Қадимий пойтахти Вильнюсни ва Вильнюс вилоятини топширди¹.

Бироқ бу билан СССР қаноатланиб қолмади, бу республикаларни СССР таркибига қўшиб олиш унинг мақсади бўлганлиги учун 1940 йилнинг 14-16 июнида Совет ҳукумати Болтиқ бўйи мамлакатлари ҳукуматларидан ўзаро ёрдам шартномаларига амал қилишни талаб этди, ҳамда антисовет иғволарга йўл қўймаслик учун бу мамлакатлар ҳудудига Совет ҳарбий қисмларини киритди. 1940 йилнинг ёзида бу республикаларда сунъий равишда “социалистик инқилоблар” амалга оширилди ва август оyi бошида СССР таркибига қўшиб олинди.

Совет ҳукумати 1939 йил кузидан Финляндия халқаро империализмининг СССРга қарши плацдармига айланиб қолган, Финляндия томонидан СССРнинг шимолий чегараларига, хусусан чегарадан 32 км берида бўлган Ленинградга, шунингдек Кронштант ва Мурманскка хавф солинмоқда, Карелия бўйида ғарб давлатларининг ёрдами билан кучли ҳарбий истехкомлар (“Маннерлейм чизиги”)

¹ Международная жизнь. 1990., февраль-март.

курулган ва фин армияси энг янги куруллар билан курулланиб, СССРга қарши урушга тайёрланмоқда деган баҳоналар билан Финляндияга қарши компанияни бошлаб юборди. Совет ҳукумати 1939 йилнинг октябр-ноябр ойларида Финляндия ҳукуматига дастлаб ёрдам ақтини тузишни, сўнгра Ленинград ва Мурманск темир йўли хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришни (Карелия бўйидаги ҳудуднинг бир қисмини СССРга беришни, Фин кўрфазига киришга яқин жойда ҳарбий-денгиз базаси учун ижарага кичик ҳудуд берилишини) талаб қилди ва бу масалалар юзасидан Москвада музокоралар олиб борилди. Финляндия ҳукумати СССРнинг зўравонликка асосланган талабларига кўнмади ва ўз чегараси бўйлаб умумий сафарбарлик эълон қилди. 1939 йилнинг 29 ноябрида Совет ҳукумати Финляндия билан дипломатик алоқани узишга ва ўз кўшинларига чегарадан ўтишга буйруқ берди. Уруш ҳаракатлари 30 ноябрда бошланди. Совет-Финляндия уруши (1939 йил 30 ноябрь-1940 йил март)да Англия Финляндияга 101 самолёт, 200 дан ошиқ тўп, бир неча юз минг снаряд, авиабомба ва танкка қарши миналар; Франция эса 175 самолёт, 500 га яқин тўп, 5 мингдан ортиқ пулемёт, 1 мингга яқин снаряд, кўл гранатаси ва бошқалар етказиб берди. АҚШ эса Финляндияга 30 млн доллар ҳажмда икки марта заём бериб, ҳарбий материаллар юборди. Гувер бошчилигида АҚШда “Финляндияга ёрдам комитети” тузилди. Бундай комитетлар Англия ва Францияда ҳам тузилди. Булардан ташқари 1940 йил баҳорида Финляндияга Англиядан яна 100 самолёт, Франциядан 50 минг кишилиқ экспедицион армияни юбориш мўлжалланди. СССР агрессорликда айбланиб 1939 йилнинг декабрида Миллатлар иттифоқидан чиқарилди. Швеция ҳукумати урушнинг Скандинавияга ёйилиб кетишидан хавфсираб икки ўртада воситачилик ролини ўйнади. 2-3 ҳафтага мўлжалланган уруш 105 кунга чўзилиб кетди. Узоқ тортишувлардан сўнг 1940 йилнинг 12 мартида СССР билан Финляндия ўртасида Москвада сулҳ шартномаси тузилди ва янги чегара чизиғи белгиланди. Ленинград, Мурманск ва Мурманск темир йўлининг хавфсизлиги таъминланди. Финляндиянинг Ханко Ярим ороли ва унга ёндош ороллар 30 йил муддат билан СССРга ижарага берилди ва у ҳарбий базага айлантирилди. СССР ҳудуди таркибига Вўборг шаҳри, Вўборг кўрфазига ва ороллари билан Карелия бўйни, Ладога кўлининг Шимолий ва ғарбий қирғоқлари, Кандалакшининг ғарбий қисми, Баренц денгизи бўйидаги Рибачий ва Средний ярим ороллариининг ғарбий қисми кўшилди. Чегара Карелия бўйнидан 120 км шимолга сурилди. Шартномага кўра ҳар иккала томон ҳам бир-бирига ҳужум қилмаслик, бир-бирларига қарши иттифоқларга қўшилмаслик мажбуриятларини олдилар. Финляндиядан СССРга ўтган ерлар ўша

вақтда ташкил топган Карел-Фин Сов.Соц. Республикасининг бир қисмини ташкил этди.

1940 йилнинг юни охирида 1918 йил январидан бери буржуа Руминияси қўлида қолиб келаётган Бессарабия масаласини ҳал қилиш керак эди. Бу масала тинчлик йўли билан ҳал қилинди. 1940 йилнинг 28 июнида Бессарабия ва Шимолий Буковина Руминиядан олинди. Шимолий Буковина ва Бессарабиянинг жанубий районлари Украинага қўшилди. Бессарабия эса Молдавия АССРга қўшилиб у Молдавия ССРга 1940 йилнинг августи бошида айлантирилди.

Шундай қилиб, мустабид Совет тузими даврида “Совет чегараларининг мустаҳкамланиши” деб номланган босқинчилик тадбирлари СССР томонидан шу тариқа амалга оширилганди.

1940 йил ёзининг ўрталаригача немис-фашистлар Норвегия, Дания, марказий ва ғарбий Европадаги давлатлар устидан ўз хукмронлигини ўрнатиб бўлган эди ва шу билан бир қаторда стратегик мавқеи ҳам ошиб борди. ғарбий Европадаги ҳужум давомида вермахт қўшинлари катта ҳарбий тажриба тўплади. Енгил ғалабалардан сармаст бўлган немис-фашист ҳукуматининг раҳбарияти Совет Иттифоқиға уруш бошлаш имкони пайдо бўлди деб баҳолай бошлашди. Бунинг учун эса ғарбий Европада тўла хукмронликни қўлга киритиш, Англияни тор-мор келтириш керак эди. Германия ихтиёрида энди урушни ғалаба билан тугаллаш учун манба етарли эди. 1940 йил 16 июлда Олий қўмондонлиқнинг “Зеелеве” (“Денгиз шери”) номли десант ташлаш операциясини тайёрлаш тўғрисидаги директивани эълон қилишди. Операция 1940 йил 15 августда белгиланган эди, бироқ, у Англия флоти яққол устунликка эга бўлгани учун, амалга ошмай қолди. Бундан ташқари, гитлерчиларға Англия осмонида устунликка эришиш имкони бўлмади. Немис-фашист қўшинларини Ла-Манш бўғози орқали Буюк Британия ороллариға олиб бориш учун воситалари ҳам етишмас эди. Хуллас, бу режа қоғозда қолиб кетди ва Англияни ваҳимаға солиш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Фашист раҳбарияти Британия оролларини сурункали бомбардимон қилишни бошлаб, шу йўл билан Англия ҳукуматини таслим бўлишға мажбур қилишни кўзлади. Германия Люфт Ваффет қўмондонлигида Г.Геринг ўз авиациясининг имкониятларини жуда юқори қўйди.

1940 йил август ойида инглизлар ҳаво ҳужумидаги мудофаа тизимини анча мустаҳкамлашға эришдилар. Душманға қарши туриш учун 4 та авиация гуруҳлари ташкил этилди. Авиа гуруҳларни бирлаштирган, қирувчилар қўмондонлиги ихтиёрида 700 та жанговор самолёт 290 та заҳира самолёт ҳам бор эди. Бундан ташқари, Англиянинг Германияға қарши ҳужумлар уюштира олиш имкониятиға эга бўлган 430 та бомбардимончи жанговор самолётлари ҳам бор эди.

Англия ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими 2000 га яқин зенит артеллерия тўплари билан қуролланган бўлиб, радорлар душман самолётларини 160 км масофадан аниқлаб олиш имкониятига эга эди.

Немис қўмондонлиги йирик ҳаво босқинида қатнашиш учун иккита ҳарбий-ҳаво флотини жалб қилди. 1480 та бомбардимончи, 980 та қирувчи ва 140 та разведка билан шуғулланувчи самолётлар ҳужум учун шай қилиб қўйилди. Ҳужум 1940 йил 13 августда йирик ҳаво босқини билан бошланиб, унда 800 та бомбардимончи ва 1140 қирувчи самолётлар қатнашди. Ўша куни Англиянинг Жануби-Шарқий ҳудудларидаги аэродромлар ва радиолакацион станциялар бомбардимон қилинди. Кейинги кунларда, деярли ҳар куни Британия ороллари 1500 га яқин самолёт бомбардимон қиларди.

Ҳавода устунликка эришиш учун олиб борилган жанглар 7 сентябргача давом этди. Эндиликда ҳар куни 1000 га яқин жанговор самолётлар Британия ороллари бомбардимон қиларди. Аммо, инглиз учувчи ва зенитчиларнинг мардонавор курашлари туфайли, немислар ҳам катта талофатлар кўришга мажбур бўлар эди. Британия ороллари 1940 йили мудофаасида поляк ва чех учувчилари ҳам фаол қатнашишди. Сентябрь ойининг бошларига келганда, немис фашист қўшинларининг қўмондонлиги, инглиз авиациясини тор-мор келтириш ва осмонда устунликка эга бўлиш учун қилинган ҳарбий ҳаракатлар муваффақиятсиз чиққанлигига амин бўлди. Немис авиациясининг кейинги ҳарбий ҳаракатлари режаси кескин ўзгартирилди; 5 сентябрда ҳарбий-ҳаво флотлари эндиликда ҳаво ҳужумларини авиация иншоотларига эмас, балки йирик шаҳарларга йўналтириш тўғрисидаги буйруқни олди. Асосан, йирик саноат ва маъмурий марказлар Лондон, Ковентри, Бирминген ва бошқа шаҳарлар 7 сентябрдан ноябрь ойининг ўрталаригача сурункали ҳаво ҳужумларига дучор бўлди. Масалан, 15 сентябрда биргина Лондон шаҳрини 1000 га яқин жанговор самолётлар бомбардимон қилди. Шаҳар кўчалари ва майдонларида кунига минглаб бомбалар портлар эди. Минглаб тинч аҳоли ҳалок бўлди.

Ноябрь ойининг ўрталаридан бошлаб гитлерчилар авиациясининг асосий йўналишлари Лондондан, йирик иқтисодий ва порт шаҳарларга қаратилди. Бундан мақсад Англиянинг ҳарбий саноат базаси ва савдо флотини заифлаштиришдан иборат эди. 1940 йил ноябрь ойининг ўрталаридан 1941 йил февраль ойининг ўрталаригача ҳаво ҳужумлари натижасида Англияда кўплаб турар жой бинолари вайрон этилди, 40 мингга яқин киши ҳалок бўлди ва 46000 га яқин киши яраланди. 15 ноябрь куни тунда уюштирилган ҳаво ҳужуми натижасида, йирик саноат шаҳарларидан ҳисобланган Ковентри ер билан яксон қилинди. 1941 йил майгача 190 мингга яқин бомба ташланди. Бироқ, Гитлер раҳбариятининг ҳаво уруш йўли билан Англия қаршилигини енгиш борасидаги стратегик режаси пуч бўлиб чиқди.

Англия жанг қилишни биларди. Халқнинг маънавий руҳи синмади, урушни ғалабагача етказиш нияти янада қатъийлашди. Англия ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими ихтиёридаги кенг тармоқли радиолакация тармоқлари жуда катта фойда келтирди. Люфт Ваффет қўмондонлигининг қўққисдан қилинган ҳужумлар билан шошириш режаси чиппакка чиқди. Германия авиацияси энди ҳар бир ҳужумда 10-15 самолёт йўқотарди. Умуман, Англияга нисбатан уюштирилган ҳаво ҳужумлари туфайли, немислар 1700 (203 таси поляк учувлари ва 71 таси чех учувчилари томонидан уриб туширилди) инглизлар эса 900 та самолётидан ажралди. Англия Германия авиациясининг буюк кудрати ҳақидаги афсонасини йўққа чиқарди.

Гитлер Германияси ҳаводан ҳужум қилиш ва ҳарбий ваҳималарни тарқатиш асосида Англия билан келишиб олишга ва уни ўз сиёсатига итоат эттиришга эришмоқчи бўлди. Бироқ инглиз халқининг антифашистик кайфияти кучли эди, Черчилль ҳукумати жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлди ва Англиянинг миллий мустақиллиги учун кураш олиб борди. Англия ҳукумати Германияга тобе ҳолда у билан иттифоқчи бўлишни хоҳламас эди. Гитлер эса ўзининг асосий кучини СССРга қарши урушга сақлаб турганлиги учун Ла-Маншдан ўтишга ботинолмади.

4. 1939 йил 23 августда Германия ва СССР ўртасида ҳужум қилмаслик тўғрисида тузилган битим ҳар икки давлат учун ҳам катта аҳамият касб этди. Германия ҳам Совет иттифоқи ҳам битимдан имкон қадар фойдаланишга уриндилар. 1939 йил 19 августда совет-герман кредит шартномаси тузилди¹. Унга кўра СССР имтиёзли шартларда 2 йил муддатга 200 млн марка кредит олиб, энг замонавий ускуналарни Германия корхоналарида ишлаб чиқариш учун буюртма бериш имкониятига эга бўлди. Бунга жавобан Германия СССРдан 180 млн. марка миқдорида хом ашё олишга эга бўлиш Узоқ Шарқдан 50 %ли чегирма билан транзит маҳсулотларини олиш ҳуқуқини қўлга киритди. 1940 йил икки давлат ўртасида 1942 йил 1 августгача бўлган муддатга 600-700 млн. маркача миқдорида бўлган хўжалик шартномаси имзоланди. Ушбу шартноманинг СССР учун катта аҳамияти бор эди. Чунки ўша пайтда СССРнинг Финляндия билан олиб бораётган уруши туфайли у Англия ва Франция билан ҳам тўқнашув чегарасида турган эди. Улар СССРга “иқтисодий уруш” эълон қилишган эди. Бу шартномага кўра Германия Совет Иттифоқига саноат ашёлари, ускуна ва қурол-аслаҳа етказиб берди. Хусусан, Германия томони “Хейнкель-100”, “Миссершмидт-109 ва 110”, “Юнкерс-88”, “Дорнѐ-215”, “Вьюккер-131”, “Бюкнер-133”, “Фокке-Вульф-58” русумли энг замонавий самолётларини тақдим этди². Барча самолётлар қурол-

¹ Новая и новейшая история. 1989. № 5., стр-28.

² Новая и новейшая история. 1989. № 5., стр-33.

аслаха билан тўлиқ жихозланган эди. Гитлер энг янги қурол-аслаха намуналарини беришга чўчимади, чунки Совет мутахассислари уларни ишлаб чиқариш сирларини эгаллай билмасликларига унинг ишончи комил эди. Бироқ, фашистлар дохийси адашди. Германиянинг бу самолётларидан (ҳар бир турдаги самолётларидан) 2 дан 5 тагачаси совет конструкторлари ва ҳарбий учувчилари томонидан ўрганиб чиқилди, бу эса СССРда самолётсозлик саноатининг тараққий этишида катта ҳисса қўшди. 1940 йил май-ноябрь ойларида

СССРда Германиянинг ҳарбий техникаси пухта ўрганилди. Ҳарбий техникани ўрганиш учун 21 та заводнинг конструкторлари ва инженерлари, 3 та конструкторлик бюроси, ва ҳарбий-ҳаво кучлари вакиллари 3500 га яқин киши жалб қилинди. Натижада 1941 йил ўрталарига келиб совет ҳарбий заводларида немис ҳарбий техникасидан бир неча барабар кучли қурол-аслахаларни ишлаб чиқара бошлади.

1941 йил 10 январда СССР билан Германия ўртасида кенгайтирилган хўжалик шартномаси имзоланди. Унга кўра СССРга саноат ускуналарининг оқими кела бошлади. 1940 йил 11 февралда имзоланган шартномага асосан СССР Германияга 12 ой ичида 500 млн марка миқдорида, 1939 йил 19 августдаги савдо-кредит шартномасида кўзда тутилган 500 млн. маркалик хом ашё маҳсулотларига қўшимча тарзда 100 млн. марка миқдорида хом ашё етказиб бериш мажбуриятини олди. Жумладан, СССР Германияга 1 млн. тонна миқдорида бошоқли озуқа маҳсулотлари (120 млн. марка), 900 минг тонна нефть (115 млн. марка), 500 минг тонна фосфат, 100 минг тонна хром рудаси, 500 минг тонна темир рудаси, 300 минг тонна чўян ва темир парчалари, 2400 кг платина, шу билан бирга озроқ миқдорда марганец ва бошқа хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олди.

СССРнинг “Учинчи рейх”га экспорт қилган маҳсулотларининг миқдори, 650 млн. маркани ташкил этди¹. Бундан ташқари немислар биринчи навбатда олишлари шарт бўлган 28 хилдаги маҳсулотларнинг рўйхатини тақдим этдилар. Бу рўйхат 12 млн. маркалик - олтин қолдиқлари, 12 млн. маркалик-тери ва чарм маҳсулотлари, 4 млн. маркалик-темир рудаси, 8 млн. маркалик- мўйна, 4,5 млн. маркалик - кимёвий фармацевтик ва доривор ўсимликлар, 4 млн. маркалик - тамаки маҳсулотлари, 2 млн. маркалик - фосфат, 200 минг тонна ёнилғи, 150 минг тонна автобензин, 500 минг тонна техника мойлари, 2 млн. тонна буғдой, 500 минг тонна кунжара, 100 млн дона тухум, 120 млн маркалик - ёғоч-тахта материалларидан иборат эди. Бу давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар СССР учун ҳам фойдали эди. Чунки бунинг натижасида СССР саноати, асосан ҳарбий саноат Германиядан

¹ Новая и новейшая история. 1989. № 5., стр-30.

замонавий станоклар ва асбоб-ускуналар, ҳамда ниҳоятда камёб бўлган саноат маҳсулотларини оларди. Бу асбоб-ускуналар, айниқса, тоғкон саноати; никель, қўрғошин ва мис эритиш заводларида: бензин ва каучукка ўхшаш сунъий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда паравозлар ва темир йўл вагонлари, электростанциялар, бурғулаш ускуналари, гидрогенезация қурилмалари, йўл-қурилиш машиналари, алоқа воситалари, турли хил станоклар ва бошқа нарсалардан иборат эди. Енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги учун эса сунъий жун ишлаб чиқаришга мўлжалланган фабрикалар учун асбоб-ускуналар, пахтани суғоришга мўлжалланган воситалар, музлатгичлар, ҳосилдор уруғлар ва зотдор моллар олиб келинди.

Германия ва СССР ўртасидаги алоқалар, Европадаги кўпгина давлатларда норозиликка олиб келди. Германия Польша, Франция, Англия ва ғарбий Европадаги давлатлар билан уруш ҳолатида бўлган вақтда Совет-Герман иқтисодий асослари Германияга қўлланилаётган иқтисодий қамал чораларининг дарз кетишига олиб келди. Бошқача қилиб айтганда, СССР агрессорга иқтисодий ёрдам кўрсатмоқда эди. Германия империясининг иқтисодий министри бу ҳақда шундай дейди: "руслар ҳозирги вақтда бизга сув ва ҳаводек зарур бўлган буғдой, нефть, фосфат ва бошқа кўпгина маҳсулотларни етказиб бердилар. Бундан кейинги даврда ҳам бунақанги маҳсулотларни олиб келишни кўпайтириш истаклари мавжуд. Бу эса биринчи галда Германиянинг ҳарбий саноатини ва бошқа кўпгина хўжаликларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади"¹. Бу ҳақда вермахтнинг олий мартабали зобитлари ҳам ўз фикрларини билдирганлар. Жумладан, гросс-адмирал Э.Рёдер шундай деб таъкидлаб ўтган эди: "Сталиннинг иқтисодий ёрдами ҳал қилувчи аҳамият касб этади, кейинги таклифлари шу даражада саховатлики, Германияга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий қамал таназзулга юз тутиши кўриниб қолди"². Бошқарма штаби бошлиғи полковник Вагнер совет-герман савдо-сотиқ битимларини "Охири нажот" деб баҳолаган эди. Совет Иттифоқидан етказиб берилган хом ашё Германиянинг ҳарбий-стратегик базасини мустаҳкамлашга қўлланилаётгани аниқ бўлиб қолди. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу алоқалар Германия умумий импортининг кичик бир бўлаги эди, холос.

1939-1940 йилларда Германиянинг умумий импорти маблағ ҳисобида бир йилда 4,8 млрд. маркадан 6,9 млрд. маркага етди. Совет Иттифоқидан етказиб берилиши режалаштирилган хом ашё ҳажми 650 млн. марка эканлигини ҳисобга олса, бу кўрсаткич 10 % ташкил этарди.

¹ Новая и новейшая история. 1989. № 5., стр-31.

² Новая и новейшая история. 1989. № 5., стр-31.

Сталин Германияни Совет давлати билан келажакда иқтисодий ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш юзасидан берган ваъдаларига ишонарди. Уруш бошланишига икки ой қолганди (1941 йил апрель) “Леофигвефе” делегацияси вакиллари Совет Иттифоқининг бир қадар ҳарбий корхоналарини кўришга муваффақ бўлди. СССР ушбу келишувга: ҳужум қилмаслик, дўстлик, чегара юзасидан тузилган шартномалар сингари ишонарди.

Немис манбаларига қараганда, уруш бошлангунга қадар Германия СССРдан 200 минг тонна буғдой, 1 млн тонна нефть, 100 минг тонна пахта ва бошқа кўпгина маҳсулотларни, жумладан стратегик жиҳатдан муҳим бўлган металлларни олган. 1940-1941 йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми кескин ошди. 1939 йилда Германиянинг СССР билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми 61 млн. маркани (30 млн. марка импорт, 31 млн. марка экспорт) ташкил этган, бўлса 1940 йилга келиб бу кўрсаткич 10 бараварга ошиб 607 млн.маркани (391 млн марка импорт ва 216 млн. марка экспорт) ташкил этди. Амалда бу кўрсаткич Германия умумий импортининг 7,8 %ини ва умумий экспортининг 4,4%ни ташкил этарди.

СССР ўзининг катта ҳажмидаги экспортининг асосий қисмини Германияга юборар эди. Жумладан, Германияга юборилаётган фосфат СССРдаги умумий фосфат экспортининг 49,9 %, хром 62,4 %, марганец рудаси 40,7%, асбалт 77,7%, нефть 75,2% ва пахта 66% ташкил этди.

1941 йил 10 январда имзоланган хўжалик шартномасига асосан, СССР-Германия савдо алоқаларининг ҳажми 1941 йил 11 февралдан 1942 йил 1 августга қадар энг юқори даражага кўтарилиши кўзда тутилди. Унга кўра СССР Германияга 620-640 млн. марка миқдорида маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олган эди. Германия ҳукумати эса СССРга шу миқдордаги маҳсулотни фақатгина 1941 йил 11 майдан 1942 йил 1 августгача етказиб бериш мажбуриятини олди. 1941 йил 11 февралдан 11 майгача бўлган даврда СССР Германияга етказиб бериши керак бўлган. Маҳсулотларнинг қийматини 115 млн. маркага тенг эди. Шундай қилиб, гитлерчилар уруш муддатини олдиндан белгилаб олган ҳолда ва СССРни алдаш йўли билан 220 млн. марка миқдоридаги маҳсулот кредитига эга бўлди. Натижада, Сталин Германиядан 200 млн. марка қийматидаги маҳсулот кредити олиш ўрнига, “Учинчи рейх” иқтисодиётига бундан ҳам кўпроқ фойдани келтирди¹.

Ҳарбий Германия тарихчиси Т.Э. Фолькманнинг берган маълумотларига қараганда 1940-1941 йиллар мобайнида Германия ва СССР давлатларининг маҳсулот етказиб бериш ҳажми ўртасидаги фарқ фақатгина 57-67%ни ташкил этган. Германия металл буюмлари,

¹ Новая и новейшая история. 1989. № 5., стр-38.

машиналар, электротехника асбоб-ускуналари ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини тўла бажармади. 1940 йил 10 январда имзоланган хўжалик шартномасига асосан Германиянинг СССРга етказиб берган маҳсулотларининг умумий ҳажми 287,7 млн. маркани ташкил этган.

СССР Германия ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқалари Совет Иттифоқининг Шарқий Европа давлатлари билан савдо муносабатларига таъсир кўрсатди. 1939-1940 йилларда СССРнинг Шарқий Европа давлатлари билан умумий савдо ҳажми кескин камайиб кетди ва 1940 йилда 14,4 млн. рублни ташкил этди. Жумладан, бу рақам Болгария билан 8,7 млн. рублни, Венгрияда - 0,7, Руминияда-0,6, Чехословакияда - 4,2; Югославияда - 0,2 млн рублга тенг бўлди².

СССР ва Германия ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқалар СССРнинг АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқа давлатлар билан алоқаларига салбий таъсир кўрсатди. 1940 йил майида АҚШнинг СССРдаги экспорт ҳажми-500 млн. долларга тушиб қолди. Фақатгина 1941 йил 22 январидангина АҚШ давлат департаменти СССРга нисбатан қўлланилган “ахлоқий эмбарго”нинг бекор қилинганини эълон қилди.

Англия ва Франция халқаро савдо доирасида СССРга қарши иқтисодий урушни қўлади. 1940 йил май- август ойларидагина Буюк Британия СССР билан савдо алоқаларини қайта тиклади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, немис саноатчиларининг ғарб давлатлари саноатчилари билан яширин алоқалари бутун иккинчи жаҳон давлатлари саноатчилари билан яширин алоқалари бутун иккинчи жаҳон уруши мобайнида давом этиб турди. “ғалати уруш” давридагина бу алоқалар биров заифлашди. Германияни стратегик хом ашё билан таъминлаш учинчи давлат орқали амалга оширилди. Шунинг учун, немис агрессиясини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда, фақатгина СССР фавқулодда ўрин эгаллади десак, ҳақиқатдан йироқ бўлади. Германиянинг СССРга қилган хужуми арафасигача, ҳар иккала давлат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамлиги ғарб давлатлари олиб борган “Мюнхен битими”, “Тинчлаштириш”, “ғалати уруш” сиёсатларининг натижаси эди. Чунки айнан шу даврда СССРда ҳарбий-техника саноат базаси яратилди. Энг замонавий ҳарбий техника ишлаб чиқарила бошланди ва ҳақиқатда бу ютуқ урушда катта аҳамият касб этди. Агар 1941 йилда Совет Иттифоқи улкан ҳудуди ва ҳарбий кучларини йўқотган бўлса, 1939 йилда уруш уни ҳалокатга олиб келган бўларди. Шу ўринда, уруш арафасида СССР ва Германия давлатларининг ҳарбий тайёргарлиги

² Новая и новейшая история. 1989. № 5., стр-38.

тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсак. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши барча давлатлар каби СССРни ҳам сергаклантирди. 1939 йил сентябрида Совет ҳукумати 1940-1941 йиллар давомида 9 та янги авиазаводни куриб ва 9 та эски авиазаводни қайта таъмирлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ишларнинг амалга оширилиши туфайли Совет Иттифоқи авиация саноатининг ишлаб чиқариш қуввати Германияникидан 1,5 баравар ошиб кетишига олиб келарди. Урушгача бўлган икки йил давомида С.В.Ильюшин, С.А.Лавочкин, А.И.Микоян, В.М.Пешляков, А.И.Туполев, А.С. Яковлев ва бошқалар бошчилигида конструкторлик бюрolari авиация саноатининг вакиллари билан ҳамкорликда замонавий русумлардан қолишмайдиган ЯК-1, МИГ-3, ЛАГГ-3 каби қирувчи самолётларни, Пе-2 русумли шўнғиб учувчи бомбардимончи самолёт ва ИЛ-2 русумли хужумчи самолётларини яратдилар. 1939 йил январидан то 1941 йил 22 июнигача қуроли кучлари салкам 18 мингга яқин, шундан 2,7 минги янги русумдаги самолётларни қабул қилиб олди.

1941 йилнинг ёзига келганда танк ишлаб чиқариш қуввати ҳам немисларникидан 1,5 баравар кучли эди. Ж.Я.Котин бошчилигидаги конструкторлик бюроси КВ номли оғир танкни ихтиро қилди. М.А.Кошкин, А.А.Морозов ва И.А.Кучеренко бошчилигидаги конструкторлик бюроси Т-34 русумли ўртача оғирликдаги танкни ихтиро қилдилар. Бу танк ғарб мутахассислари томонидан ҳам юқори баҳоланди. 1939 йил 1 январидан то 1941 йил 22 июнгача қуроли кучлар саноатдан 7 мингга яқин, шундан 1864 та янги русумдаги танкларга эга бўлди. 1940 йил май ойидан то уруш бошлангунгача бўлган даврда артеллерия тўпларининг сони 1,5 баравар ошди. 1939-1940 йиллар давомида кемасозлик саноатининг қуввати 3 бараварга ўсди. 1939-1941 йиллар давомида ҳарбий денгиз флоти 265 га яқин янги русумдаги кемаларга эга бўлди.

1937 йил 1 январидан то 1941 йил 22 июнга қадар пулемётлар ва ўрта калибрли тўплар сони 2 баравар, милтиқлар тўплари 2,5 баравар, йирик калабрли тўплар 3,5 баравар, танкка қарши қурол-яроғлар 4 баравар ва зенит қуроллари 5 бараварга ошди. 1939 йил августидан 1941 июнигача СССР қуроли кучларининг сони 3,4 млн. кишига етиб, 2,5 бараварга ошди¹.

Бироқ, И.В.Сталин 1939 йил 23 августдаги битимга ишониб хатога йўл қўйди. У Гитлер билан муносабатларга “дўстлик” мақомини беришга уриниб, у билан кейин ҳам мурося қилишни кўзлади. 1939 йил 28 сентябрда Москвада дўстлик ҳақидаги совет-герман битими имзоланди. Германия ташқи ишлар вазири И.Риббентроп номига йўлланган телеграммада Сталин шундай деб

¹ Вторая Мировая Война. Краткая история. стр-10. М.,-1989.

ёзди:”Германия ва Совет Иттифоқи халқларининг қон билан мустаҳкамланган дўстлиги узоқ ва мустаҳкам бўлиши учун барча асослар мавжуд”. Бу дўстликнинг қандай “қон” билан мустаҳкамлангани ҳам номаълум эди.

Гитлер СССР билан тузилган битимларга оз аҳамият берди. 1940 йилнинг ёзиданоқ Германияда СССРга қарши ҳужум режаси ишлаб чиқиляётган бўлсада, Германия ҳукумати СССР ХКК раиси, ташқи ишлар халқ комиссари В.М.Молотовни музокоралар ўтказиш учун Берлинга таклиф қилди. Молотовнинг Берлинга қилган ташрифи 1940 йил 13 октябрда Сталинга махсус хат билан мурожаат қилган “Учинчи рейх”нинг И.Риббентропнинг таклифига биноан 12-13 ноябрларда бўлиб ўтди. Унинг асосий моҳияти шундан иборатки эдики, Гитлер Сталинга 1940 йил сентябрида имзоланган уч томонлама битимга қўшилиши ва унинг иштирокчилари бўлган - Германия, Италия ва Япония билан ҳар мамлакатнинг кенг масштабдаги қизиқишлари доирасини аниқлашни таклиф қилганди.

В.М.Молотовнинг “Учинчи рейх” пойтахтига ташрифи Германияда алангаланган иккинчи жаҳон урушининг фожеали муҳитида бўлиб ўтди. “Учинчи рейх” Европанинг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, 1940 йилда Польша, Франция, Бельгия, Голландия, Люксембург, Дания ва Норвегияни босиб олди. Германия қўшинлари, шунингдек, Финляндия ва Руминияда ҳам бор эди. Шунини таъкидлаш керакки, 1940 йил 14 октябрда Сталин ва Молотовлар СССР қуроли кучлари бош штаби ишлаб чиққан 1940-1941 йилларда Совет Иттифоқи қуроли кучларининг ғарб ва Шарқдаги стратегик ҳаракатларнинг асослари ҳақидаги мулоҳазалар тезкор режасини тасдиқлашди. Унинг биринчи қисмида рақиб давлатлар ҳақида қуйидаги хулосалар қилинган эди:”Шундай қилиб, Совет Иттифоқи 2 фронтда курашга тайёр бўлиши керак. ғарбда Италия, Венгрия, Руминия, Финляндия қўллаб-қувватлайдиган Германияга ва Шарқда эса қуроли нейтралитет позициясини эгаллаган, ҳар дамда очик тўқнашувга ўтиш мумкин бўлган Японияга қарши тайёр бўлиши керак эди.” Асосий рақиб эса Германия деб кўзда тутилган эди. 1940 йил 12-13 ноябрдаги немис-совет музокораларида ягона фикрга келишмади ва СССР 1940 йил сентябрида тузилган Берлин аҳдига қўшилмади.

1940 йилнинг иккинчи ярмидан эътиборан Германиянинг саъйи-ҳаракати СССРга қарши урушга тайёргарлик ва агрессив блокни кенгайтиришга қаратилган эди. Фюрер буйруғига кўра, бош штаб махфий “Барбаросса” режасини ишлаб чиқди. 1940 йилнинг 18 декабрида Гитлер 21-директивани тасдиқлади. Унинг асосий мақсади Совет давлатини тўлиқ йўқ қилиш ва бу ердаги халқларни қулга айлантиришдан иборат эди. СССР билан яхши муносабатларни ўргатишга бўлган уринишлари ниқобдан бошқа нарса эмасди. ғарбдаги

урушдан натижа чиқмаслигига ишонган сари, Гитлернинг эътиборини Совет Иттифоқи ўзига тортиб борарди. Гитлер СССРга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлади. Гитлер М.Борманга ўзининг ҳаётидаги асосий мақсади ва национал социализм мазмунини большевизмни тор-мор этишдан иборат эканлиги тўғрисида гапирганини ҳисобга олсак, унинг бу урушга қандай жиддий тайёргарлик кўрганлигини билиш қийин эмас¹. Гитлер фашизм томонидан ишлаб чиқилган “Ост” (“Шарқ”) режасида Шарқий Европа халқларини асосан славян аҳолини йўқ қилиш мўлжалланган эди. Бу режани “оқлаш” учун эса ўз навбатида нацистларнинг вахшиёна ирқий назарияси ишлаб чиқилган эди. “Ост” режасига биноан, босиб олинган ҳудудлардаги рус, украин, белорус, поляк, чех ва бошқа миллатларни йўқ қилиш ёки кулга айлантириш кўзда тутилган эди. 30 йил давомида Польша ҳудудида ва СССРнинг ғарбий қисмини тахминан 31 млн. аҳолидан тозалаш режалаштирилди. Немис раҳбарияти томонидан бу рақам 46-51 млн. кишигача оширилди. Бу аҳолининг асосий қисмини Сибирга сургун қилиш керак эди. “Озод этилган” ҳудудларга 10 млн. немис аҳолисини кўчириб келтириш ва 14 млнга яқин маҳаллий аҳолини эса аста-секинлик билан немислаштириб бориш таклиф этилди. Агрессиянинг иқтисодий мақсадлари СССРни талон-тарож қилиш, унинг бойликларини босиб олиш ва ўзлаштириш, мамлакатни колониал хом ашё манбаига айлантириш, давлатнинг ва халқнинг моддий ва маънавий бойликларини “Учинчи рейх”га хизмат қилдиришдан иборат эди. 1941 йил феввалида “Шарқий масала” бўйича бўлиб ўтган кенгашда Г.Геринг шундай баёнот берган эди: “Вазифа, босиб олишимиз мўлжалланган янги Шарқий ҳудудлардан энг кўп миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хом ашё ва ишчи кучини олишдан иборатдир”¹.

СССРга ҳужум қилиш ва уни босиб олиш Германиянинг умуман агрессив ҳар соҳада ҳал қилувчи бўғин деб қаралди. СССР қуролли кучларини тор-мор келтириш учун деярли Германия қуруқлик қўшинларининг ҳаммасидан, шунингдек Финляндия, Руминия, Венгрия қўшинларидан ҳам фойдаланиш кўзда тутилди. Қуруқлик қўшинларини қўллаб-қувватлаш учун Германия ҳарбий ҳаво қўшинларининг асосий қисми жалб этилди. Ҳарбий ҳаво кучларига урушнинг бошида ҳавода устунликни қўлга олиш ва асосий йўналишлардаги ҳарбий ҳаражатларни қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилди. Бундан ташқари, Германия, Финляндия ва Руминия ҳарбий денгиз флоти кучларидан ҳам фойдаланиш режалаштирилди.

Фашистлар Германияси ва унинг Европадаги иттифокчилари яхши қуролланган ва техника билан тўла таъминланган катта ҳарбий

¹ Вторая Мировая Война. Краткая история. стр-113. М.,-1989

¹ Вторая Мировая Война. Краткая история. стр-113. М.,-1989

кучни тайёрлашга муваффақ бўлди. “Барбаросса” режасига кўра, немислар СССРга ҳужум қилиш учун 153 та дивизияни (шулардан 33 таси танк ва моторлаштирилган қисмлар) ажралди. Германиянинг иттифоқчилари (Финляндия, Венгрия ва Руминия) эса СССРга қарши 37 та дивизияни тайёрлашди. Шундай қилиб, ҳаммаси бўлиб 190 та дивизия СССРга ҳужум қилиш учун тиш-тирноғига шай ҳолатда турар эди.

Германия Шарқда тобора кўп куч тўплади. Франция тор-мор этилгандан сўнг 500 мингга яқин немис-фашист кўшини Польшага келтирилди. Уруш бошланиши арафасида эса, 190 та дивизияни 166 таси СССРнинг ғарбий чегаралари яқинига келтирилди.

Барча дивизияларнинг 70% ни, артеллерия кучлари ва пулемётларнинг 75 %ни, танк ва жанговор самолётларнинг 90 %ни ўз ичига олган учта асосий зарбдор гуруҳлар Болтиқ тоғлари билан Карпат тоғларига бўлган ҳудудга жойлаштирилди. Бу СССРнинг қуруқликда ўтган ғарбий чегараларининг 40% ни ташкил этарди. Бу кўшинлар жуда қисқа вақт ичида СССРнинг чегара ортидан ҳарбий округларини тор-мор этиш, ғарбий ва Днепр дарёларига бўлган ҳудудларни босиб олиш керак эди. Германия Олий қўмондонлигининг фикрича, агар бу вазифа муваффақиятли бажарилса, СССРнинг муҳим сиёсий иқтисодий марказлари ҳисобланган - Москва, Ленинград, Донбассга кенг йўл очилар эди.

Генерал-фельдмаршал В.Лееб қўмондонлигидаги “Шимол” группировкаси Ленинград йўналишида жойлашган эди. Бу группировкага СССРнинг Болтиқ бўйидаги ҳарбий кучларини тор-мор келтириш, Болтиқ денгизи бўйидаги портларни, ҳамда Кроншдат ва Ленинградни босиб олиш орқали совет флотини таянч базаларидан маҳрум қилиш юклатилган эди.

Генерал-фельдмаршал Ф.Бок қўмондонлигидаги “Марказ” группировкаси эса ғарбий йўналишда жойлашган эди. Бу группировкага Белоруссиядаги ҳарбий кучларни тор-мор келтириш Смоленск-Москва йўналиши бўйлаб ҳаракатланиш вазифаси топширилган эди.

Генерал-фельдмаршал Г.Рундштендт бошчилигидаги “Жануб” группировкаси Киев йўналишида жойланган эди. Бу группировкага Украинанинг ғарбий ҳудудларини босиб олиш, Днепр дарёсининг Киев ва Днепрнинг Шарқий қисмидаги ҳужумни таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Финляндия ҳудудидан кириб келадиган немия-фин кўшинларига Мурманск, Петрозаводск ва Ленинград шаҳарларига, Руминия ҳудудидан кириб келадиган немис-румин кўшинларига эса Вильнюс ва Одесса бўйларида ҳужум қилиш вазифаси белгилаб берилган эди.

“Барбаросса” режаси бўйича яна бошқа бир қанча йўналишларда хужум қилиш кўзда тутилган бўлиб, мақсад совет қўшинларининг талофатсиз чекинишга йўл қўймаслик эди¹.

Гитлер Германияси 1940 йил июнидан бошлаб СССРга қарши хужумга тайёрланиб, “Барбаросса режаси”ни ишлаб чиқди ва бу режа 1940 йилнинг 18 декабрида Гитлер томонидан маъқулланди, ҳамда 1941 йилнинг феврилида Гитлер ҳузуридаги кенгашда узил-кесил қабул қилинди. “Барбаросса режаси” авантюристик режа эди. Режага мувофиқ СССР чегараларига яқин жойга немис қўшинларини махфий тўплаш, хужум тайёргарликларини 15 июнгача тугаллаш, тўсатдан хужум қилиш, ўз иттифоқчилари билан “Яшин тезлигида” уруш олиб бориш, 1941 йил қиши кирмасдан Архангельск-Волга линиясига чиқиб олиш, СССРни тор-мор қилиш ва уни йўқ қилиш мўлжалланганди. “Режа”га мувофиқ Финляндия томонидан ҳам СССРга хужум қилиш режаси ишлаб чиқилди.

СССР тор-мор қилингандан кейин Германия 1941 йил кузидан бошлаб Афғонистонни босиб олиш ва Ҳиндистонга хужум қилишни, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларини эгаллашни, сўнгра Англияга бостириб киришни, Испания ва Португалияга қўшин киритиб, Гибролтарни ишғол қилишни ва Англияни хом ашё манбаларидан маҳрум қилиб уни камал қилишни режалаштирди.

1940 йил 27 сентябрда Берлинда Германия Италия ва Япония билан ҳарбий -сиёсий иттифоқ тўғрисида учлар аҳдномасини имзолади. Бунда бирлашиб ҳаракат қилиш ва дунё таъсир доираларига бўлиб олиш тўғрисида келишиб олинди. Япония Германиянинг ва Италиянинг Европа ва Африкада ҳукмрон бўлишига, Германия ва Италия эса Япониянинг Осиёда ҳукмрон бўлишига, Германия ва Италия эса Япониянинг Осиёда ҳукмрон бўлишига розилик билдирди. Берлин аҳдномаси Англия ва АҚШга ҳам қарши қаратилган эди.

Гитлер Германияси Шимолий ва ғарбий Европадаги ғалабаларидан кейин ўзининг дипломатик ва ҳарбий кучини Европанинг шарқи ва жануби-шарқи қаратди. 1940 йил сентябрида Руминияда ген. Антанеску фашистик диктатураси ўрнатилди. 1940 йил октябрида Руминия ва Венгрияга немис-фашист қўшинлари киритилди. Ноябрь ойида Венгрия, сўнг Руминия ва Словакия фашист давлатларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқига қўшилди. 1941 йилнинг мартада Болгария, сўнг Югославия шу иттифоққа тортилди ва Болгария ҳудуди немис-фашист қўшинлари томонидан ишғол қилинди. Бу давлатлар ва фашистлар блокига тортилган Финляндия Гитлер Германиясининг вассалига ва плацдармига айландилар ва СССРга қарши урушда қатнашишга рози бўлдилар.

¹ История Второй Мировой Война. Краткая история.стр-116. М-1984

Бунинг эвазига Гитлер Венгрияга Галицияни ва Днестргача бўлган карпат тоғ этакларини, Руминияга Шимолий Молдавияни ва Украина Жанубини, Финляндияга Совет Карелиясини ва Ленинград областини ваъда қилди. Финляндия худудига немис-фашист кўшинлари киритилди. 1940 йилнинг 28 октябрида фашистик Италия Албания орқали Грецияга ҳужум қилди, лекин ўзи кўп талофат кўрди. Германиянинг ёрдамисиз оғир ҳарбий вазиятни ўзгарта олмади. 1941 йилнинг 6 апрелида 300 минг кишилик немис-фашист кўшинлари Югославияга ва Грецияга уруш эълон қилмай ҳужум бошлади ҳамда бу мамлакатларни босиб олди. Грециянинг Крит оролини ҳам босиб олди. Натижада немис-фашистлар бутун Жануби-Шарқий Европани ўзларига бўйсунтирмадилар. Туркия ўзининг Болқондаги иттифоқчиларига - Руминия, Греция ва Югославия (“Болқон Антантаси”)га ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. Югославия, Греция ва бошқа мамлакатлар халқлари эса фашизмга қарши партизан ҳаракатларини бошлаб юбордилар.

Фашистик Италия 1940 йил 10 июнда Англия ва Францияга уруш эълон қилгандан кейин Шарқий Африкада уруш ҳаракатларини бошлаб, июль ойида Британия Сомалисига, Кенияга, Суданга кирдилар; Ливия томонидан эса Мисрга яқинлашдилар. 13 сентябрда Шимолий Африка ҳужумга ўтиб, Миср ичкарисига 90 км кирдилар. Бироқ инглиз кўшинлари тезда қарши ҳужумга ўтиб, 1940 йилнинг 9 декабрида Италия кўшинларига зарба бердилар, уларни Мисрни қувиб чиқариб, Италия мустамлакалари - Эритрея, Сомали ва Эфиопияни эгалладилар. Мустамлакаларидан фақат Ливия қолди. Италия жиддий мағлубиятга учради. 1941 йил бошида Африкага туширилган немис-фашист кўшинлари 1941 йил мартада ген. Роммель кўмондонлигида Италия кўшинлари билан бирга инглизларга қарши Миср ва Сувайш каналини босиб олиш учун ҳужум бошлади. Бироқ, инглизлар 1941 йил апрелида Эс-Соллум районида немис-итальян кўшинлари ҳужумларини тўхтата олдилар. Бу операцияларда Франциянинг таслим бўлмаган Яқин Шарқдаги ҳарбий қисмлари (“Озод Франция кўшинлари”) ҳам иштирок этди.

Узоқ Шарқда Япония агрессияси кучаймоқда эди; АҚШ ва Англиянинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ва Тинч океанидаги мустамлакаларига хавф ошмоқда эди. Японлар 1940 йил ёздан бошлаб, Ҳинди-Хитой, Малайя, Таиланд, Индонезия, Филиппин, Тинч океан жанубидаги зоналарни эгаллашга, Шарқий Осиёда “Янги тартиб”ни ўрнатишга киришдилар. 1940 йил сентябрида Япония Виши ҳукуматининг розилиги билан Ҳинди-Хитойнинг Шимол томонини, сўнг ҳамма қисмини босиб олди ва Индонезия билан савод шартномасини тузди.

1941 йилнинг 13 апрелида Москвада Япония ва СССР ўртасида бетарафлик тўғрисида битим тузилди.

1. Икки томон ҳам бир-бирини тинчлик ва дўстона муносабатларини ҳимоя қилиши, ҳудудий бутунлигини ҳурмат қилиши ва бошқа томонлардан даҳлсизлигини аъминлаши керак.

2. Агар қайсидир томон учинчи бир давлат томонидан ҳарбий ҳаракатлар объекти ҳолатига тушиб қолса, иккинчи томон бутун можаро давомида бетарафлик ҳолатини сақлаши зарур.

3. Битим ўз кучини 5 йил давомида сақлайди. Бир вақтнинг ўзида ҳудудий бутунликни ҳамкорликда ҳимоя қилиш ва Монголия, Маньчжоуго чегараларини даҳлсизлигини таъминлаш ҳақида декларация қабул қилинди. Япон концепциясини Шимолий Сахалинда битим имзолагандан бошлаб 6 ой давомида тугатиш ҳақида келишилди. Япон матбуотида СССР билан бетарафлик ҳақидаги битим имзоланиши ижобий кутиб олинди. Японияни ҳарбий-сиёсий бошлиқлари бу битимга унчалик аҳамият беришмади. Япония армиясининг генштабида “Урушнинг яширин кундалиги”да: “битим Советларга қарши бошланажак урушга, мустақил қарор чиқаришга қўшимча вақт беради”, - дейилганди¹.

Квантун армиясининг қўмондони генерал Е.Умудзу “Германия ва Россия ўртасидаги муносабатлар ўзгариши билан Япониянинг ҳам бетарафлик битим ҳақидаги муносабати албатта ўзгаради”-деганди.

1941 йил апрелда Япониянинг бош вазири Тадзио “битимни юз хотир қилмасдан, биз СССРга қарши ҳарбий тайёргарликни жадал амалга оширишимиз зарур. Совет иттифоқига қарши тазйикни кучайтириш зарур”-деганди².

28 майда Мацуоканинг расмий талабига Реббентроп хабар берди: “Хозир Германия ва СССР ўртасида уруш муқарар, армия ҳужумга тайёргарлик ишларини тугатди”-деганди³. 6 июнда Германиядаги Япония элчиси Осимо Токиога хабар бера туриб, “Гитлер Япониянинг СССРга қарши бўладиган урушда ҳамкор бўлишини хохлайди”-деди. Германияни СССРга қарши ҳужуми ҳақидаги хабар олингандан сўнг Мацуока жанубга қараб ҳаракат қилишни, Сибирни Иркутска қадар босиб олишни бир четга суриб қўйди. Бироқ Японияни Совет иттифоқига ҳужум қилишдан шу нарса тўхтатар эдики, бу регионда Қизил Армиянинг 1 миллионлик ҳарбий қисмлари бор эди. Қайсики Холхил -Гол жангида ўз қобилиятини намоён қилганди.

Германия, Япония ва Италия агрессиясининг кучайиб бориши АҚШ билан Англиянинг ғарбий Ярим шарни биргаликда ҳимоя

¹ Пут к войне на Тихом океане. Т.-5. 1963 г. стр-300.

² История войны на Тихом океане. Т.-4. Токио 1972. стр-66.

³ Токусиро Хаттори. Япония в войне 1941-1945. М. 1973. стр-43.

қилиш тўғрисида битим туздилар. Шартномага кўра АҚШ Италияга 50 та эски Эсминецни бериб, Англиянинг Атлантика ва Кариб денгизидаги 8 та (Ньюфаунд-ленд, Бермуд, Багами, Ямайка ва бошқалар) ҳарбий-ҳаво базаларини 99 йиллик муддат билан ижарага олди.

1941 йилнинг январь-мартда икки томоннинг махфий кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш Германияни ўзининг энг асосий душмани деб биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида келишиб олдилар.

1941 йил 11 мартда АҚШ Конгресси Ленд-Лиз тўғрисида (Ленд-қарзга, лиз-ижарага демакдир) қонун қабул қилди ва АҚШ Германия унинг иттифоқчиларига қарши уришаётган давлатларга қарзга ёки ижарага қурол-яроғ ва ҳарбий материаллар беришни зиммасига олди. Шу тариқа Англия-АҚШ давлатлари блоки расмийлашди.

1941 йилнинг майига келганда Германия Европанинг кўпчилик мамлакатларини ўзига буйсунтирди. Япония эса Осиёда ўз мавқеини мустаҳкамлашни давом эттирди. Германия 290 млн. кишилик аҳолиси бўлган бутун Европанинг деярли иқтисодий ва ҳарбий кучига эга бўлди.

Германия Англия билан ярашиш ва уни СССРга қарши урушга жалб қилиш мақсадида 1941 йилнинг 10 майида Гитлер ўзининг ўринбосари Рудольф Гессни Англияга юборди. У Лондонда ҳукумат вакиллари Саймон ва Киркпатриклар билан музокара олиб борди. Музокораларда сепарат сулҳ шартномаси тузиш ва бирга СССРга қарши уруш бошлаш, ёки урушга бир-бирига ҳалақит бермаслик каби таклифлар Гесс томонидан киритилди. Бироқ, Гесс миссияси натижасиз тугади. 1941 йил 18 июнда Германия Туркия билан дўстлик ва ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузди, 1941 йил 1 апрелда Ироқда давлат тўнтаришини амалга оширди.

5. 1941 йил 22 июнда эрта тонгда Гитлер Германияси хиёнаткорона равишда СССРга ҳужум бошлади. Германия билан бирга Италия, Руминия, Венгрия, Финляндия ва Словакия ҳам СССРга қарши уруш бошладилар. Германия ва унинг иттифоқчилари ўз қуролли кучларининг 65-70 %ни СССРга қарши қўйдилар. Германия ўзининг ўша вақтдаги 214 дивизиясидан ва 7 бригадасидан 152 дивизиясини ва 2 бригадасини, яъни 5,5 млнга, яқин солдат ва офицерини, унинг иттифоқчилари 38 дивизияни ҳаммаси бўлиб 190 дивизияни, танк ва механизациялашган 35 дивизияни (3,5 минг танкни) 5000 га яқин самолётни, 50 мингдан ортиқ тўп ва миномётни СССРга қарши ташладилар. Фашист Испанияси “Зангори дивизияси” билан, Виши ҳукумати “Кўнгиллилар Легиони” билан СССРга қарши урушда иштирок этди. Подшо Болгарияси Германияга ёрдам кўрсатиб турди. Бир қатор бетараф мамлакатлар - Швеция, Швейцария, Туркия, Португалия гитлерчиларга ҳарбий-стратегик материаллар билан ёрдам бериб турдилар. Душманнинг уруш тажрибасига эга бўлган ва энг

замонавий курулларга эга бўлган “Норвегия”, “Шимол”, “Марказ” ва “Жануб” номли группировкалари уч асосий йўналишда хужум бошладилар. 15 кун ичида душман 400 км ичкарига кирди. Бутун мамлакат ҳарбий легарга айланди. Шу ерда ҳақли савол туғилади, нима учун қисқа вақт ичида бундай талофат ва кутилмаган даражадаги фожиали чекиниш юз берди?

Уруш тўғрисида ёзилган кўпчилик ишлар, жумладан “Иккинчи жаҳон уруши” (1939-1945 гг. Т 1-12. М. 1973-1982 гг) “Совет Ит. Ул.Ват. уруши тарихи” (1941-1945 гг. Т. 1-6 М. 1960-1965 г) “Совет Ит. Ул.Ват. уруши” қисқача очерк. М. 1970. Т.К.Журов. Воспоминания и размышления. Т. 1-3. М. 1988 ва бошқа адабиётлар 1941 йил фожиасини кўпинча Совет армиясини тўла куруллантириш учун вақт етишмаганлиги билан, янги турдаги самолётлар ва танклар ишлаб чиқариш учун етарли вақт бўлмаганлиги билан баҳолайдилар. Бу унчалик тўғри эмас. Совет давлати ташкил топгандан кейинги йилларда армияни куруллантириш учун ҳеч қандай маблағини аямади. Агар 1920 йиллар охирида Қизил армия ҳаммаси бўлиб, 89 та танкка ва 1394 та самолётлар эга бўлган бўлса, 1941 йилнинг ёзига келиб, СССР танклар ва ҳарбий самолётлари жиҳатидан Германия, Италия, Руминия, Финляндия, Венгрия ва Японияни армиясини сонини бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан устун турарди. Бу кўрсаткичларга қисқа вақт ичида 1929 йилдан 1941 йилгача эришилди.

Хўш унда 1941 йил фожиасининг сабаби нимада деган савол туғилади? Бунинг асосий сабаби шундаки, Сталин режими даврида Совет Армияси ўз қўмондонларидан, ўз бошлиқлари ва командирларидан ажралганди.

Бу ҳақда 1941 йил январиди Гитлер курулли кучлар раҳбарлари ва вакиллари билан бўлган кенгашда ҳам гапирганди, хусусан У.В. Браухич, В.Кейтель, А.Йодл, Ф.Паулюс, А.Хайзингер ва бошқаларга қарата: “Россия ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам мажақланиши керак, бунинг ҳозир қилиш керак, айниқса, рус армияси раҳбарсиз қолган ҳозирги пайтда”, - деб таъкидлайди.

Қизил армиянинг раҳбарларидан қанча киши қатағон қилинди, бу ҳақда аниқ бир маълумот айтиш қийин, фактлар бир-бирига қарама-қарши. М: Мудофаа халқ комиссари К.Е.Ворошилов 1938 йилнинг 29 ноябрида ҳарбий Совет кенгашида гапириб, “1937-38 йилларда Қизил Армияни тозалаш вақтида биз 40 мингдан кўпроқ одамни қатағон қилдик” деган эди¹. Мудофаа Халқ комиссари муовини Б.А.Шаденконинг маълумотномасида 1937 йилдан 39 йилгача фақат куруқликдаги қўшинлардан 36898 киши бўшатиlgанди, шундан 11178

¹ Фонды Цент. гос. Архива. Сов. Армии.

киши кейинчалик ВКП (о) Мкнинг қарори билан вазифасига қайтарилади. (Ўша ерда).

1937 йилнинг майидан 1938 йилнинг сентябригача флотдан 3 мингдан ортиқроқ киши қатағон қилинади. 1937-1939 йилларда ҳарбий округ қўмондонларининг ҳаммаси алмаштирилади, ўринбосарларининг 90% дивизия ва корпусларнинг раҳбарларининг 80%и, полк командирлари ва уларнинг ўринбосарларининг 91 %и алмаштирилади. 1939-1941 йилларда ҳарбий округ қўмондонларининг 82%, армия қўмондонларининг 53,6%, корпус қўмондонларининг 68,6%, дивизия қўмондонларининг 71 %и янгиланди. Фақат 7 ва 8 март (1941 й) кунлари 4 та армия қўмондони, 42 та корпус қўмондони, 117 та дивизия қўмондонлари ўз вазифаларини эгалладилар.

Бунинг устига Совет Армиясини раҳбар кадрлар билан таъминлаш кониқарсиз аҳволда қолаверди, қўмондонлар етишмас эди, кўпинча қўмондонликка ҳарбий училишеларни битириб борган тажрибага эга бўлмаган кадрларни қўйишга тўғри келди. Бу эса қўмондонлар таркибининг сифатини пасайтириб юборди. Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар ҳам армияни раҳбар кадрлар билан тўла таъминлашни иложи бўлмади. М: Қуруқликдаги қўшинларга 66900 та раҳбар кадр керак эди ёки 16 %га таъминланмаган эди, ҳарбий ҳаво кучларида 32,3% учувчи техниклар етишмас эди. флотда етишмаган қўмондонлик состави 22,4% ни ташкил этарди.

Совет Армиясини жой-жойига қўйиб тақсимлаш, уни мамлакатнинг ғарбига кўчириб ўтказиш, яъни сафарбарлик масаласи ҳам кечиктириб амалга оширилди. 1941 йилнинг июнь ойи ўрталарида Германия ва унинг Европадаги иттифоқчиларига қарши ҳаммаси бўлиб 240 дивизияни ташлаш кўзда тутилган эди. Шундан 186 дивизия 1-чи Эшелонни ташкил этиши керак эди, 54 та дивизия 2-чи Эшелонни ташкил этиб бу Бош қўмондон захирасида туриши керак эди. 1-чи стратегик Эшелон асосан мамлакатнинг ғарбий чегара районларидаги ғарбий округлардан тузилиши керак эди. Бу 170 та дивизия эди. Қолган 16 таси мамлакатнинг ичкарасидан, Байкал орти районларидан келтирилиши керак эди.

Бироқ уруш арафасидаги вазият шуни кўрсатдики, Совет ҳарбий раҳбарияти қўшинларни ушбу тартибда группировка қилишни ўз вақтида амалга оширолмади. Сталин ва унинг атрофидаги кишилар - Молотов, Берия, Ворошилов ва олий бош қўмондонлардан Тимошенко Жуковлар Германиянинг ҳужуми тўғрисида аниқ маълумотни олган бўлсалар ҳам бу ишни пайсалга солдилар. 1941 йилнинг май ойи охири ва июнь ойи бошларида чегара қўшинлари ҳарбий округларидан Германия ўз ҳарбий кучлари ва техникасини чегара туманларига зарбдор суратда тезкорлик билан жойлаштираётганлиги тўғрисида ташвишли хабарлар кела бошлади. Ўшанда ҳам ҳарбий

округларни жанговор ҳолатга келтириб чегара районларига жойлаштириш иши кечиктирилди. 14 июнь куни Жуков билан Тимошенко Сталин хузурига кириб, ташвишли хабарлар ҳақида маълумотлар бердилар ва чегара қўшинлари ҳарбий округларини жанговор ҳолатга келтириб қўйишни айтишди. Бироқ, Сталин олинган маълумотларга ишонмади, чегара қўшинлари ҳарбий округларини жанговор ҳолатга келтириш Германия учун баҳона бўлиши мумкин деб рад жавобини берди. У уруш 1941 йилда бошланмайди деб қаттиқ ишонганди.

1941 йилнинг 21 июнида СССРнинг Германиядаги элчиси В.Г. Деканазов, Франциянинг Виши шаҳридаги Совет ҳарбий кишилари И.А.Суслепаров ва Берлиндан В.И.Тупиковлар Германиянинг СССРга 22 июнда ҳужум қилиши тўғрисида аниқ маълумот берадилар.

Ўша куни Берия Сталинга ёзма маълумот йўллаб ёлғон маълумот жўнатаётган ва СССР билан Германия ўртасидаги муносабатни бузиб урушни келтириб чиқаришга ҳаракат қилаётган В.Г. Деканазовнинг Берлиндан чақириб олиш тўғрисида илтимос қилади.

22 июнга келиб, мамлакатнинг ғарбий туманларидаги дивизиялар сони 186 тага етган бўлса ҳам улар чегарага олиб бориб жойлаштирилмади. 2 та ўқчи бригада, 4 та ҳаво-десант корпуси бўлиб, буларда 3 млнга яқин одам 39 минг миномёт ва тўплар, 9,5 минг танк ва 8,5 минг самолёт бўлса-да булар тўла жанговор ҳолатга кўчирилмаган эди.

Бунга қарши душман томон 176 дивизияни чегара туманларига тўплаб жанговор ҳолатга келтириб қўйганди. Шундан Германияники 157 та ва иттифокчиларники 19 та эди. Буларда 3 млн 400 минг киши бор эди, 31,1 минг миномёт ва тўп, 4 минг атрофида танк ва БТР, 4,9 минг самолёти бор эди.

1941 йил 22 июнь арафасидаги кучлар нисбати:

Ҳарбий кучлар	СССР	Германия (иттифокчилар и билан)	нисбат
Одам сони	5373000 (2680000)	5500000	01 : 1,2
Тўплар ва миномёт	67000 (39000)	47000	1,4 : 1
Танк ва ўзи юрар тўплар	9500 (1475)	4300	2,2 : 1
Самолётлар	8500 (1540)	4980	1,8 : 1

а) Қовусдан ташқарида барча ҳарбий кучлар ва техникалар сони кўрсатилиб, уларнинг катта қисми жанговор ҳолатга келтирилмаганди, СССРнинг ғарбий чегара районларига кўчирилмаганди ёки эскирган техникалар эди.

б) Қовус ичидаги жанговор ҳолатдаги ва ғарбий чегараларга олиб борилган ҳарбий кучлар ва техникалардир.

Шундай қилиб, уруш арафасида, Совет армияси билан душман армиясини солиштирганимизда, душман армиясининг фақат сон жиҳатдан устунлигини ва раҳбар кўмондонлар билан таъминлаш масаласининг тўла ҳал қилинганлигини айтиб ўтиш кифоядир.

Совет армияси фақат одам сони жиҳатидан паст бўлса-да, бироқ бошқа қуроллар сони жиҳатидан устун эди. Аммо бу қуроллар ва техникалар Германияниқидан сифат жиҳатидан анча орқада эди. Шу сабабли урушнинг дастлабки ойларида Совет Армияси ўз бошидан катта қийинчиликларни кечирди, кўп талофотлар кўриб орқага чекинди.

6. Совет-Герман fronti 11-жаҳон урушининг ҳал қилувчи fronti бўлиб қолди. М: 1942 йил ноябридан Гитлер Германиясининг ва унинг шерикларининг Совет-Герман frontiдаги дивизиялари сони 268 та, 1943 йил август-сентябрида 230 та бўлган. 1943 йил августида Гитлер Германиясининг 294 дивизиясидан 196 таси, 1945 йил 313 дивизияси ва 32 бригадасидан 185 та дивизияси ва 21 бригадаси СССРга қарши қўйилди. Холбуки, ғарбий фронтда 1941 йилда Германиянинг 10-11 та дивизияси, 1941-1942 йилларда Шимолий Африкада Германия ва Италиянинг 15 та дивизияси, 1945 йил январиди ғарбий фронтда ва Италияда 108 дивизияси ҳаракат қилди, холос.

1941 йилнинг ёзида Англия ва “Озод Франция” қўшинлари гитлерчиларнинг Ироқ, Сурия ва Ливандаги қўпоровчилик фаолиятига, СССР ва Англия гитлерчиларнинг Эрон территориясидаги ҳатти-ҳаракатига зарба бердилар.

1921 йилги Совет-Эрон шартномасининг 6-моддасига мувофиқ 1941 йил 25 августда Совет қўшинлари Эроннинг Шимолий вилоятларига киритилди, Жанубига инглиз қўшинлари, кейинроқ АҚШ қўшинлари ҳам киритилди. СССР ва Англия ҳукуматининг талаби билан Афғонистон ҳукумати ўз мамлакатидан Гитлер агентларини чиқариб юборди ва фашист давлатлари билан дипломатик алоқани узди.

11-жаҳон урушининг доираси кенгайиб борди. 1941 йил 7 декабрда Япония уруш эълон қилмай, АҚШ ва Англиянинг Тинч океанидаги ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларига ҳужум қилиб жиддий зарар етказди. Перл-Харбор (Гавай ороллари)га ҳужуми натижасида АҚШнинг Тинч океандаги ҳарбий кемаларининг деярлик ярмиси йўқ қилинди. АҚШнинг Перл-Харбордаги талофати жуда оғир талофат бўлди: шу базадаги 8 линкорн ишдан чиқарилди, унинг ярмиси чўктириб юборилди; 316 самолёти шикастланди ва яксон қилинди; 3 мингга яқин америкаликлар ҳалок бўлди.

Япония тезлик билан ҳужум бошлаб, 1941 йил охири - 42 йил бошида Таиландни, Бирмани, Гонконгни, Индонезия оролларини,

Сингапурни, Филиппинни ишғол қилди. АҚШ ва Англиянинг Тинч океандаги бир қатор ороллари (Гуам, Уэйк, Янги Британия, Янги Гвениянинг бир қисми ва бошқаларни) эгаллади.

Япония Тинч океанда уруш ҳаракатларини бошлаб юборгандан кейин, ўша 1941 йил 11 декабрда Германия ва Италия АҚШ га қарши, 8 декабрда АҚШ Японияга, сўнг Германия ва Италияга қарши, Англия ўз доминионлари билан бирга Японияга қарши уруш эълон қилдилар. Хитой расмий равишда Япония, Германия ва Италияга қарши уруш эълон қилди. Уч агрессив давлат- Германия, Италия ва Япония 1941 йил 11 декабрда Учлар аҳдномасига (1940 й) қўшимча янги ҳарбий аҳдни имзоладилар: биргаликда ва барча воситалар билан Англия ва АҚШга қарши уруш олиб бориш, ўзаро розиликсиз улар билан ярашмаслик ва сулҳ тузмаслик мажбуриятларини олдилар. Улар ҳаракат зоналарини ҳам белгилаб олишди. 1942 йил 18 январь келишувига мувофиқ Япониянинг зонаси қилиб, Урол тоғларидан АҚШнинг ғарбий қирғоқларигача бўлган жойлар белгиланди, Германия ва Италиянинг зонаси қилиб, Уролдан ғарбга - АҚШнинг шарқий қирғоқларигача бўлган ерлар ва Америка қитъаси белгиланди. Идеологиялар ва ижтимоий-сиёсий тузуми турлича бўлишига қарамай, СССР-Англия-АҚШ давлатларининг гитлерчиларга қарши қудратли коалицияси ташкил топа бошлади. 1941 йил 12 июлда СССР ва Англия ўртасида Германияга қарши урушда бирга ҳаракат қилиш тўғрисида битим тузилди. 1941 йил 2 августда АҚШ ҳукумати агрессияга қарши курашда СССРга иқтисодий ёрдам қилишга қарор қилганини баён қилди. 16 августда Англия билан СССР ўртасида савдо ва кредит тўғрисида битим тузилди; Англия СССРга 10 млн фунт стерлинг ҳажмида 3%ли кредит берди. 9-14 августда Рузвельт ва Черчилль Атлантик океанда (Ньюфауленд оролида) учрашиб, СССРга ёрдам кўрсатиш масаласини ҳам муҳокама қилдилар. 1941 йилнинг 29 сентябри - 1 октябрида СССР, АҚШ, Англия вакилларининг Москва кенгаши бўлиб, бунда ўзаро ёрдам режалари ишлаб чиқилди. АҚШ-Англия 9 ой ичида СССРга бериладиган қурол-аслаҳалар ва стратегик материаллар тўғрисида, СССРнинг эса уларга етказиб берадиган стратегик ашёлари тўғрисида келишиб олинди. 7 ноябрда АҚШ Ленд-Лиз ҳақидаги қоннуни СССРга ҳам тадбиқ этиб, 1 млрд. доллар ҳажмида фоизсиз кредит берди. Шундай қилиб, 1941 йил охирига келиб СССР, Англия ва АҚШдан иборат антифашистик коалиция вужудга келди.

Рузвельт билан Черчиллнинг 1941 йил 9-14 августда Ньюфауленддаги учрашуви Атлантик хартия деган ҳужжатнинг қабул қилиниши билан тугади. Бу ҳужжатда бировларнинг ерини боси олмаслик, халқларнинг мустақил бўлиб яшаш ҳуқуқини тан олиш, савдода тенглик, иқтисодий ҳамкорлик, нацистлар зулмини битириш,

агрессорларни куrolсизлантириш, тинчлик ўрнатиш тўғрисида вазифалар баён қилинди. 1941 йилнинг 24 сентябрида СССР Харпянинг асосий принципларига розилигини билдирди ва унга қўшилди. 1942 йилнинг 1 январида Вашингтонда фашизмнинг ёвуз кучларига қарши кураш тўғрисида 26 давлатнинг Декларацияси қабул қилинди. Давлатлар Атлантик Харпяни маъқуллаб, бир-бирлари билан ҳамкор бўлиш, душман билан сепарат ярашув ёки сулҳ битимлари тузмаслик мажбуриятларини олдилар. Эрон ва антифашистик каолицияга қўшилди.

1942 йил 26 майида СССР ва Англия ўртасида иттифоқлик ва урушдан кейинги ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида (20 йилга) шартнома, 1942 йил 11 июнда СССР билан АҚШ ўртасида агрессияга қарши уруш олиб боришда ўзаро ёрдамга доир принциплар тўғрисида битим тузилди. Бу битимларни тузиш пайтида Англия билан АҚШ Европада Гитлер Германиясига қарши 2-чи фронтни 1942 йилда очиш тўғрисида мажбурият ҳам олгандилар.

Бироқ Англия билан АҚШда урушда ҳам Германияни СССРни кучсизлантириб уларни тобе бўлган мамлакатларга айлантириб қўйиш фикри ҳам йўқ эмас эди. М: Ўша вақтда АҚШ сенатори (кейинчалик Рузвельтдан сўнгги президент) Гарри Трумэн империалистларнинг кабиҳ ниятларини ифодалаб шундай деган эди: "Агар биз Германиянинг ютиб чиқаётганлигини кўрсак, у ҳолда Россияга ёрдам беришимиз керак, агар Россия ютиб чиқадиган бўлса, у ҳолда Германияга ёрдам беришимиз керак. Шу тариқа улар бир-бирларини мумкин қадар кўпроқ ўлдираверишсин".

Иккинчи фронтни очиш масаласи пайсалга солинди. Черчилль 1942 йил август ойида Москвада олиб борилган музокораларда 1942 йилда 2-чи фронт очиш мумкин эмаслигини исботлашга уриниб, 1943 йилда албатта очишга ваъда берди. Бироқ, 1943 йилда ҳам у очилмади. Англия ва АҚШ вакиллари яширин суратда Германия билан ҳам музокоралар олиб борганлар. М: 1941 йил сентябрида Лиссабонда Англия вакили билан Германия вакили ўртасида, 1943 йил феввалида Женевада АҚШнинг вакили Даллес билан Германия князи М.Гогенлоэ ўртасида музокоралар бўлди. Бундай яширин музокоралар 1945 йил баҳоригача давом этди. 1942 йил октябрида Черчилль Рузвельтга ёзган хатларида СССРга ҳарбий материаллар юборишни тўхтатиш, Кавказга Англия-АҚШнинг куруқлик ва ҳарбий ҳаво кучларини юбориш тўғрисида хиёнаткорона истакларини билдирди.

АҚШ ҳарбий кучлари уруш йилларида 12 млн 245 минг кишига, Англия ники 9 млн 500 минг кишига етди, шунга қарамай, улар Европада 2-чи фронтни очмай, асосий ҳарбий кучларини 2-чи даражали Тинч океанда ва Африкада уруш кетаётган районларга тўпладилар.

Гитлерчилар Совет-Герман фронтининг энг асосий участкаси Москва томон бориш деб билиб, 80 га яқин дивизиясини ва катта харбий-ҳаво кучларини шу томонга ташлади. Улар ноябрнинг охири ва декабрь ойининг бошларида Москвага 23-25 кмгача яқинлашиб келдилар, 1941 йилнинг 5-6 декабрида бошланган қарши ҳужум натижасида душманнинг 50 та дивизияси мажақланди ва 1942 йилнинг 23 февралигача душман Москва ёнидан 120-400 км ғарбга улоқтириб ташланди. Немис-фашист армиясининг “енгилмаслиги” тўғрисидаги афсона “Барбаросса режаси” узил-кесил барбод бўлди.

Москва остонасида душман мағлубиятини ғарб тарихчилари кишининг қаттиқ бўлганлиги билан изоҳлайдилар. “1941 йил ноябрь охири ва декабрида ҳаво 63 даражагача совиб кетди”, - деб изоҳлайдилар. Холбуки совуқнинг максимал кучайиши, баъзи бир кунлари 31 даражадан ошмаган эди. Немислар “Генерал киш ва генерал ботқоқ- русларга ёрдамга келди”, - деб ўзларининг мағлубиятларини хаспўслашга уриндилар.

Душман 1942 йилнинг июнь охирида катта куч билан яна ҳужумга ўтди. Бироқ, Совет қўшинларининг янги шиддатли жанглари натижасида 1942 йилнинг 19 ноябридан 1943 йилнинг 2 февралигача немис-фашистларнинг 330 минглик 2 та армияси тор-мор қилинди. Булардан 147 минги ҳалок бўлди, 91 мингдан ортиғи фельдмаршал Паульс бошчилигида асир олинди. Италия, румин ва венгер дивизиялари яксон қилинди, ҳаммаси бўлиб душман 800 мингдан ортиқ солдат ва офицерини, 2000 танк, 3 минг самолёт, 70 минг автомашинасини йўқотди. Германияда умумий мотам эълон қилинди.

Немис тарихчилари Сталинград остонасида немис-фашистларнинг мағлубиятини кучлар тенг бўлмаганлигининг натижаси билан изоҳлайдилар, яъни “Совет Армияси одам сони жиҳатидан 21 баровар устун эди” - деб изоҳлайдилар. Аслида 1942 йилнинг ноябрида Сталинградда кучлар нисбати деярлик тенг эди: Совет қўшинлари 1 млн 5 минг жангчига, немис-фашистлар 1 млн 11 минг жангчига эга эдилар; танк ва артеллерияда Совет қўшинлари устунликка эга эди, самолётларнинг сони жиҳатидан эса душман қўли баланд эди. Сталинград жанги 11-жаҳон урушида тубдан бурилишнинг бошланиши бўлди, бу жанг Япония билан Туркиянинг СССРга қарши уруш бошлаш режаларини барбод қилди.

Бироқ, немис-фашистлар 2-чи фронтнинг очилмаганидан фойдаланиб, 1943 йилнинг ёзида Совет-Герман frontiда ўзларининг 257 дивизиясини тўпладилар. Курск ёнида улар “Цитадель” деб номланган операцияни амалга ошириш учун 900 минг солдат ва офицерини, 10 мингга яқин тўп ва миномётни, 3 мингга яқин танк ва ўзи юрар тўпларни, 2 мингдан ортиқ самолётни ташладилар. 1943 йилнинг 5 июлида улар ҳужум бошладилар, бироқ, 12 июлда Совет қўшинлари

қарши ҳужумга ўтиб 23 августгача душманнинг катта кучини тор-мор қилиб ташлади. Душман ўзини ўнглаб ололмайдиган даражага келиб қолди. Курск остонасидаги жанг 2-жаҳон урушининг энг катта жангларида бири ҳисобланиб, тубдан бурилиш тугалланди. Фақат Курск остонасида душманнинг 30 га яқин дивизияси яқсон қилинди.

ғарб давлатларининг лидерлари Совет-Герман фронтининг жаҳон урушидаги салмоғини ва Қизил Армиянинг ролини тобора тан олишга мажбур бўлдилар. Гитлерчиларнинг Москва остонасидаги мағлубиятини шарҳлаб, Черчилль “русларнинг қаршилиқ кўрсатиши герман армиясининг белини синдирди” деди.

1942 йилнинг октябрида Рузвельт Черчиллга ёзган хатида “Рус fronti бизнинг энг буюк умидимиздир” деди.

Немис-фашистларининг Сталинград остонасида сўнгга Курск ёнида бўлган катта мағлубияти Европада фашизмга қарши миллий-озодлик курашининг бошланишига олиб келди. Югославия, Франция, Италия, Чехословакия, Польша, Болгария, Албания, Греция, Руминия, Норвегия, Голландия ва бошқа мамлакатларда бундай курашлар ўсди.

Осиёда ва Тинч океан ҳавзасида — Хитойда, Кореяда, Ҳинди-Хитойда, Филиппин оролларида, Бирма, Малайя ва Индонезияда коммунистлар етакчилигида халқлар Япония босқинчиларига миллий-озодлик курашини бошладилар.

1941 йил кузида Англия-Америка қўшинларининг асосий қисми Шимолий Африкада эди. Душман асосий кучларининг Совет-Герман frontiда бўлиши Англия-Америкага Шимолий Африкада ҳужумга ўтиш имкониятини туғдирди. 1941 йил кузида Шимолий Африкада Германия ва Италия 100 минг кишилик ҳарбий кучга, Англия эса 150 минг кишилик ҳарбий кучга эга эди. 1941 йил ноябрида ген. Монтгомери қўмондонлигидаги инглиз қўшинлари ҳужумга ўтиб 1942 йил январиди Киренаикани эгалладилар. Лекин ген. Роммель қўмондонлигидаги немис-итальян қўшинларининг қарши ҳужумлари натижасида инглизлар яна Мисрга Аль-Алмайнга чекиндилар.

1942 йилнинг 23 октябрида инглиз қўшинлари қарши ҳужумга ўтдилар, агрессорларни Мисрдан суриб чиқардилар, Киренаика ва Триполитанияни эгалладилар. 1942 йилнинг 8 ноябрида Америка генерали Эйзенхауэр бошчилигидаги 700 минг кишилик инглиз-америка қўшинлари уч гуруҳга бўлиниб ҳужум бошлади ва Шимолий-ғарбий Африка, Франция Марокаши ва Жазоир ҳудудларини эгаллаб Тунис ҳудудига кирдилар.

1943 йилнинг 20-21 мартада иттифоқчилар ҳужумни давом эттирдилар. Италия-немис қўшинлари кўп талофат кўриб, Ўрта ер денгизи қирғоқларига чекиндилар. Англия-Америка армияси Тунисни ишғол қилдилар ва ниҳоят 1943 йилнинг 12 майида Шимолий Африкада итальян-немис қўшинлари таслим бўлди. Бу ғалаба

иттифоқчилар учун 2-чи фронтни очиш учун имконият туғдириб берди. Бироқ, улар 2-чи фронтни очишни пайсалга солишни давом эттирдилар. Улар Шимолий Африкадаги ғалабаларини бўрттириб макташдилар, Аль-Алмайн ёнидаги жангни 2-чи Сталинград деб аташдилар. Холбуки, Сталинград остонасидаги жангда душманнинг 1 млнга яқин армияси иштирок этган бўлса, Аль-Алмайн ёнидаги жангда душманнинг 80 минг кишилик армияси қатнашди. Демак, 2-чи Сталинград жанги деб кўкларга кўтариб макташ ортиқча бўлган экан. Гитлер Германияси иттифоқчиларининг, айниқса, фашистик Италиянинг аҳволи ғоят даражада ёмонлашиб кетди. Совет-Герман frontiда катта Италия 11 та дивизиясидан маҳрум бўлди. Шимолий Африкада у катта талофат кўрди. Мамлакат иқтисодий тангликни бошидан кечирмоқда эди, хом ашё етишмасди. У Германиянинг қарамига айланди, 500 минг ишчи Германияга олиб кетилган эди. Молиявий аҳвол оғирлашиб, ҳали сулҳни талаб қилиб чиқа бошлади. Италия солдатлари тўда-тўда бўлиб иттифоқчилар томонига ўтиб кета бошлади. Италиянинг танг аҳволда қолганлигидан фойдаланиб, Курск жанглари кетаётган пайтда Иттифоқчилар армияси 1943 йил июлида Сицилия оролига қўшин туширди ва уни эгалладилар. 1943 йил июлида Верона шаҳрида бўлган учрашув (19 июлда Ит.Шим. Верона шаҳрида Муссолини Гитлер билан учрашиб, ундан ёрдам сўради, бироқ Гитлер бунни рад қилади ва Шимолий Италиянигина “бирга ҳимоя қилиш”ни таклиф қилади. У бу билан Германияни Жануб томондан ҳимоя қилишда Италиянинг қолган қўшинларидан фойдаланишни кўзда тутган эди). Италия фашистик партия Советига маъқул бўлмади.

Совет 24 июлда Олий бош қўмондонлик лавозимини Муссолини қўлидан олиб королга топшириш тўғрисида қарор қабул қилди. Муссолини барча лавозимларидан маҳрум қилинди ва Маршал Бадальо бошчилигида янги ҳукумат тузилди. Муссолини қамоққа олинди. 15 августда Бадальо ҳукумати ген.Эйзенхауэр билан музокоралар олиб борди ва 3 сентябрда ярашув ва сўзсиз таслим бўлиш актига имзо чекди. Шу куни Англия-Америка қўшинлари Жанубий Италияга туширилди. Гитлерчилар ваҳимага тушиб, Италиянинг шимолий ва марказий районларини, шунингдек жанубнинг бир қисмини ишғол қилдилар. Король ва Бадальо ҳукумати иттифоқчи қўшинлар паноҳига қочди.

12 сентябрда Гитлер Муссолини қамоқдан озод этиб, самолётда Германияга олиб қочдилар. Гитлер билан музокоралар бўлиб ўтгач Муссолини гитлерчилар ёрдами билан Шимолий Италияда қўғирчоқ ҳукуматни тузди. Гитлерчилар таслим бўлган итальян қўшинларини қуролсизлантириб, уларга нисбатан шавқатсизлик билан муносабатда бўлдилар. 13 сентябрда Бадальо ҳукумати фашистик Германияга қарши уруш эълон қилишга ва антигитлер коалицияга қўшилишга мажбур бўлди. Бироқ, иттифоқчиларимиз Италиянинг Шимолига қараб ҳужум

қилишни тезлаштирмадилар, фақат 1943 йилнинг ноябридагина Неапаль шимолидаги немислар ишғол қилган позицияларга етиб бордилар.

Маълумки, Милитаристик Япония 1941 йил декабрь - 1942 йил майида Жануби-Шарқий Осиёнинг катта қисмини ва Тинч океанда бир қанча ороллارни эгаллаган эди. У Австралияга ҳужум қилишга тайёрланмоқда эди. Бироқ, америкаликлар ташаббусни эгаллаб, 1942 йилнинг майида Янги Гвенияда ва Маржон денгизида Япониянинг ҳарбий кемаларига зарба берди. Япония 2 йирик ҳарбий кемадан ва 80 га яқин самолётдан маҳрум бўлди. 4-5 июнда Гавай оролларида бўлган жангда ҳам Япония мағлубиятга учради ва у Тинч океанда мудофаага ўтишга мажбур бўлди. 1943 йилда ҳам Тинч океанда бўлган урушларда Япония муваффақиятсизликка учради. 1944 йил июлида Тинч океанда урушни бошлаб олиб борган генерал Тадзио ҳукумати қўлади. Япониянинг Тинч океанда ва Осиёдаги аҳволи ёмонлаша борди.

1943 йил 19-30 октябрда Москвада СССР, АҚШ ва Буюк Британия ташқи ишлар министрларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция СССР таклифи билан урушнинг бориши, унинг муддатини қисқартириш ва урушдан кейинги тартиб тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди. Конференция уруш даврида ва урушдан кейин иттифокчи давлатлар ҳамкорлиги тўғрисида декларация қабул қилди. Декларация душман таслим бўлгунча урушни давом эттириш, урушдан кейин бутун кучларни тинчлик ва хавфсизликнинг мустаҳкамлашга қаратиш, халқаро тинчлик ва хавфсизлик ташкилотини тузиш, урушдан кейин жанжалли масалаларни ҳал қилишда ўзаро келишмай туриб ҳарбий воситаларни ишга солмаслик каби масалаларни баён қилди.

Конференция Сталин, Рузвельт ва Черчилль имзоси билан эълон қилинган гитлерчиларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги декларацияни ҳам қабул қилди.

1943 йил 28 ноябрь- 1 декабрда Техронда уч буюк давлат - СССР, АҚШ, Буюк Британия ҳукуматлари раҳбарлари, ташқи ишлари министрлари ва Бош штаб бошлиқлари иштирокида конференция бўлиб ўтди. Конференцияда ҳарбий ҳамкорлик, 2-чи фронт масаласи, урушдан кейинги Германия масаласи муҳокама қилинди. Тегишли хужжатлар, декларациялар қабул қилинди.

Совет делегациясининг қатъий талаби билан 1944 йил 1 майдан кечиктирмай Ла-Манш бўғози орқали Шимолий Францияга ўтиб, Европада 2-чи фронтни очиш тўғрисида битимга келинди. Германия масаласида эса бир фикрга келинмади. СССР урушдан кейин Германияни ягона демократик давлат бўлиб қолиши тўғрисида баённома берди. АҚШ Германияни беш давлатга бўлиб юбориш

таклифини киритди. Англия эса Пруссияни Германиянинг бошқа қисмидан ажратиб юборишни, Германиянинг Жанубий вилоятларини “Дунай федерацияси” таркибига киритиш таклифини киритди.

Эрон тўғрисида декларацияда унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, унинг мустақиллигига, ҳудудий бутунлигига зиён етказмаслик ҳақида мажбуриятлар олинди. Айрим келишмовчиликларга қарамай Техрон конференцияси Гитлерга қарши қаратилган коалицияни мустаҳкамлашга катта роль ўйнади. Гитлернинг антифашистик коалицияни бўлиб юбориш учун қилган ҳаракатлари бефойда кетди.

1944 йилнинг ёзи ва кузида немис-фашист кўшинларини қувиб бориб, ўзининг Шимолий денгиздан Қора денгизгача бўлган давлат чегарасини тиклади ва Совет кўшинлари фашизм қўллигига тушиб қолган давлатларни озод қилиш учун ҳолоскорлик миссиясини бошлади.

7. АҚШ ва Англия 1944 йилнинг 6 июнида нихоят 2-чи фронтни очдилар. Генерал Эйзенхауэр қўмондонлигидаги инглиз-америка кўшинлари Ла-Маншдан ўтиб, Франциянинг шимолидаги Нормандияга кирдилар. 15 августда Англия, Франция ва АҚШ кўшинлари Франциянинг жанубига Тулан районида туширилди. 13 августда Франциянинг шимолида олиб борилган бир қатор операциялардан кейин немис-фашистларнинг 100 мингга яқин кўшинлари асир олинди. 1944 йил 25 августда француз ватанпарварлари томонидан озод қилинган Парижга кирдилар ва Франция республикаси муваққат ҳукумати Лондондан Парижга келди.

1944 йилнинг сентябрида иттифокчиларнинг кўшинлари Францияни, Люксембургни, Бельгияни ва Голландиянинг бир қисмини озод қилдилар, ҳамда Германия чегарасига ўтдилар.

Ғарбий фронтдаги кучлар нисбати (1944 йил - сентябрь, 1945 йил - февраль)

Ҳарбий кучлар	Иттифокчилар	Фашистлар	Нисбати
Одам сони	4859000	1820000	2,7 : 1
Тўплар ва минамётлар	37000	30000	1,2 : 1
Танклар ва ўзи юрар тўплар	11300	2000	5,7 : 1
Самолётлар	11700	1000	11,7 : 1

Ғарбдаги фронт фашистик Германиянинг 85 та дивизиясини ўзига жалб қилди, холбуки 1944 йил ёзида ҳам душманнинг 228 дивизияси ва 28 та бригадаси Совет Герман frontiда эди. Шу сабабли 1944 йил сентябрида Черчилль “шу рус армияси Герман ҳарбий машинасининг ичак чавоғини олиб ташлади ва ҳозирги дақиқада ҳам ўз frontiда душманнинг тенгсиз катта қисмига бардош бермоқда”, деб иқроор бўлишга мажбур бўлган эди.

1944 йил охири ва 1945 йил бошига келганда кучлар нисбати тўла Совет армияси фойдасига ўзгарганди. Лекин душман хали кучли эди, унинг 204 дивизияси Совет-Герман frontiда эди, фақат 70 дан камроқ дивизияси ғарбий Европа frontiда эди.

Шунга қарамасдан 1944 йил 16 декабрида немис қўшинлари ғарбий фронтда ҳужум бошлаб, Англия-Америка қўшинлари фронтини ёриб ўтдилар ва Франциянинг Шимоли-Шарқига туташган Бельгиянинг Арденн тоғ районларида Англия-Америка қўшинларини оғир аҳволда қолдирдилар. Иттифоқчиларнинг қўшинлари 100 кмча орқага чекиндилар ва кўп талофат кўрдилар. 1945 йил январида немис-фашистлар Эльзасда ҳам ҳужумга ўтдилар. Черчилль 1945 йил 6 январда Сталинга мурожаат қилиб, Совет қўшинлари ҳужумини тезлатишни ва шу йўл билан ёрдам берилишини сўради. 20 январга мўлжалланган ҳужум 12 январда бошланди ва 1200 км кенгликда душман кучларига қатъатқич зарбалар берилди. Бу ҳужум операцияларида 150 та Совет дивизияси қатнашди. Совет қўшинлари одам ва техника жиҳатидан душмандан анча устун эди. Гитлер қўшинлари бир неча юз километр ғарбга улоқтириб ташланди ва 60 та немис дивизияси тор-мор қилинди. 17 январда Варшава, 13 февралда Будапешт, 4 апрелда Братислава озод қилинди. 9 апрелда Кенгсбург, 13 апрелда Вена ишғол қилинди. Совет қўшинларининг бу ҳужумлари немис-фашист қўшинларининг ғарбий фронтдаги ҳужумларининг тўхтатилишига олиб келди. Гитлер қўмондонлиги бир қанча дивизияларни ғарбий фронтдан олиб Шарқий фронтга ташлашга мажбур бўлди. Англия-Америка қўшинлари ўзларини ўнглаб олиб 1945 йил мартдан немисларга қарши ҳужумга ўтишга муваффақ бўлдилар.

1945 йил 4-12 февралда Қримнинг Ялта шаҳрида уч буюк давлат - СССР, АҚШ, Буюк Британия ҳукумат бошлиқлари - Сталин, Рузвельт, Черчилль ва уларнинг маслаҳатчилари иштирокида конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Германияга қарши биргаликда уруш ҳаракатларини тезлаштириб олиб бориш режалари, уруш ҳаракатларини Германия сўзсиз таслим бўлгандан кейин тўхтатиш ҳақида битим қабул қилинди. Конференцияда АҚШнинг Германияни 5 қисмга, Англиянинг эса Германияни 3 қисмга бўлиш тўғрисидаги таклифлари рад этилиб, келгуси Германияни ягона давлат сифатида сақлаб қолиш тўғрисида ҳам бир битимга келинди.

Конференция гитлерчилар келтирган зарарлар ва харобалар учун Германиядан 20 млрд. доллар (СССРга 10 млрд) миқдорида репарация олиш тўғрисида келишиб олдилар. Конференцияда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва таъминлаш учун Бирлашган миллатларнинг халқаро ташкилотини тузиш тўғрисида ҳам келишиб қарор қабул қилдилар.

Конференцияда Германия сўзсиз таслим бўлгандан кейин 2-3 ой ичида СССРнинг Японияга қарши урушга кириши тўғрисида яширин битим тузилди; Жанубий Сахалинни унга яқин ороллари ва Курил ороллари Япониядан СССРга қайтариб берилиши масаласи, Порт-Артурни СССРнинг ҳарбий-денгиз базаси сифатида қайта ижарага бериш ва бошқа масалалар кўрилди.

1945 йил апрель ўрталарида гитлерчилар Совет кўшинларига қарши қарши 214 дивизия ва 14 бригада, иттифокчиларга қарши 60 дивизияга эга эди. 1945 йилнинг 16 апрелидан Берлин операцияси бошланди. 23 апрелда Совет кўшинлари Берлинга кирдилар, 25 апрелда Берлин ҳамма ёқдан қуршаб олинди. ғарбдан иттифокчи кўшинлар Рейндан ўтиб, Эльба дарёси томон юрдилар ва 25 апрелда Совет кўшинлари Америка кўшинлари билан учрашдилар.

Берлин операцияси (1945 йил 16 апрель - 2 май).

Ҳарбий кучлар	СССР	Германия	Нисбати
Одам сони	25000000	10000000	2,5 : 1
Замбараклар ва минамётлар	41600	10400	4,0 : 1
Танклар ва ўзи юрар тўплар	6250	1500	4,1 : 1
Самолётлар	7500	3300	2,3 : 1

Берлин операцияси иккинчи жаҳон урушининг энг буюк жанглиридан бири бўлди. Берлинни штурм қилишда Совет томонидан 2,5 млн киши, 41 минг 600 замбарак ва миномёт, 6300 танк ва ўзи юрар тўплар, 7500 минг жанговор самолёт ва бошқа ҳарбий техникалар қатнашди; немис-фашистлар томонидан 1 млн киши, 10 минг 400 замбарак ва миномёт, 3300 самолёт ва бошқа ҳарбий техника қарши қўйилди. 30 апрелда Совет кўшинлари Рейхстагни штурм қилиб олдилар ва соат 14 дан 25 минут ўтганда Рейхстаг биноси устига ғалаба байроғини ўрнатдилар. Шу куни Гитлер ундан кейин эса Геббельс ўзини-ўз отиб ўлдирди. 2 майда фашистларнинг Берлин горнизони таслим бўлди ва Берлин Совет кўшинлари томонидан батамом ишғол қилинди.

Ғарб тарихчилари Берлин операцияси вақтида немис-фашист армияси русларга қаршилик кўрсатмадилар деб хаспўшлайдилар, холбуки 1945 йил 16 апрелидан 2 майгача Берлин учун бўлган жангларда Қизил Армия 102 минг кишисидан ажралди. 1945 йил 25 апрелда Шимолий Италиядаги халқ кўзғолони натижасида Муссолини режими битирилди, қўлга тушган Муссолини партизан суди ҳукми билан 28 апрелда осиб ўлдирилди.

Гитлернинг васиятига кўра 1 майда Шимолий Германияда адмирал Дениц бошчилигида янги фашистик ҳукумат тузилди.

1945 йил 8 майда СССР, АҚШ, Англия ва Франция кўмондонликларининг вакиллари иштирокида Германия кўмондонлигининг вакиллари (Кейтель ва бошқалар) Германиянинг

сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги актга имзо чекди. 1945 йил 23 майда Совет қўмондонлигининг талаби билан Дениц ва унинг “хукумати” қамокқа олинди.

1945 йил 5 июнда Берлинда Германиянинг мағлубияти ҳақидаги қабул қилинган Декларацияга мувофиқ Германияда олий ҳокимият 4 иттифоқчи давлат ихтиёрига ўтди. Германия 4 зонага: СССР, АҚШ, Англия ва Франция қўшинлари оккупация зонасига, Берлин эса 4 секторга бўлинди.

Крим конференцияси қарорларига кўра 1945 йил 25 апрелдан 26 июнгача антифашистик коалицияга кирган давлатларнинг - Бирлашган Миллатларнинг Сан-Францискода конференцияси бўлиб ўтди. 46 мамлакатдан 300 га яқин вакиллар қатнашди, кейинроқ яна 4 давлатдан делегациялар борди, шу жумладан Украина ССР ва Белоруссия ССР вакиллари ҳам қўшилди. Конференцияда халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва таъминлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиш масаласи кўрилди. Ниҳоят 1945 йил 26 июнда БМТнинг устави қабул қилинди. Ўша йили 24 октябрда БМТ аъзоси бўлган давлатлар томонидан Устав тасдиқланди. 24 октябрь - БМТ куни деб аталди.

1945 йил 17 июль - 2 августда уч буюк давлат - СССР, АҚШ, Буюк Британия ҳукуматлари бошлиқларининг - Сталин, Г.Трумэн (1945 йил 12 апрелда президент Рузвельт вафотидан кейин вице-президент Г.Трумэн президентлик лавозимини эгаллайди), У.Черчилль, 25 июлдан бошлаб К.Эттли (Англия парламент сайловларида ғалаба қилган лейбористлар партиясининг вакили) ва уларнинг маслаҳатчилари иштирокида Берлин яқинида Потсдамда конференция бўлиб ўтди. Потсдам конференцияси ғоят муҳим қарорлар қабул қилди. Конференциядаги бош масала - Германия масаласи эди. Сиёсий принциплар бўйича Германияни тўла қуролсизлантириш (демилитаризация), фашизмни битириш (денацификация), Германиянинг сиёсий ҳаётини демократик асосда қайта қуриш (демократизация), иқтисодий принциплар бўйича ҳарбий-иқтисодий потенциални ва картелларни тугатиш чоралари, оккупация даврида ҳам Германияни “иқтисодий томондан яхлит” деб қараш кўзда тутилди. Ҳарбий жиноятчиларни қамокқа олиш ва суд қилиш тўғрисида келишиб олинди. Халқаро ҳарбий трибунал тузилди. Конференцияда репарация масаласи кўриб чиқилди ва 50 % (10 млрд доллари) СССР фойдасига деб белгиланди. Уч давлат Германиянинг ҳарбий - денгиз ва савдо флотини тенг бўлиб олиш тўғрисида келишиб олдилар.

Конференцияда Польшанинг ғарбий чегаралари қилиб, Одер ва Нейсе дарёлари белгиланди. Кенсбург шаҳри ва унинг атрофидаги жойлар СССРга бериладиган бўлди.

8. Конференцияда милитаристик Японияни тезликда тор-мор қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

1945 йил 6 ва 9 августда президент Трумэн буйруғи билан Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини ташладилар. Хиросима бутунлай вайрон қилинди. Ҳаммаси бўлиб 300 мингга яқин киши ҳалок бўлди, 200 мингга яқин киши ярадор, майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Хиросимага ташланган бомбанинг қуввати 12 килотон эди.

Совет ҳукумати Япониянинг уруш давридаги антисовет позициясини ҳисобга олиб, 1945 йил 8 августда 9 августдан бошлаб Японияга қарши уруш бошлалажagini билдирди.

Совет-Япония frontiдаги кучлар нисбати (1945 йил август)

Ҳарбий кучлар	СССР	Япония	Нисбати
Одам сони	1500000	1200000	1,2 : 1
Тўплар ва минамёт	26000	8500	3,5 : 1
Танк ва ўзи юрар тўплар	5500	1155	5 : 1
Самолётлар	3800	1800	2,1 : 1

Уруш бошланиши вақтида кучлар нисбати қуйидагича эди: Япониянинг 1 млн 200 минг армияси, 1155 та танк ва ўзи юрар тўплари ва 1800 та самолёти бор эди. Зарбдор Квантун армиясига қарши Совет қўшинларида 1,5 млн киши, 26 мингдан ортиқ тўп ва миномёт, 5500 дан ортиқ танк ва ўзи юрар тўплар, 3800 дан зиёд самолётлари бор эди.

9 августда Совет қўшинлари шиддатли ҳужумларини бошлаб юборди ва 1945 йилнинг 2 сентябрида Япония сўзсиз таслим бўлиш актига имзо чекди. Жанубий Сахалин ва Курил ороллари СССРга ўтди. Япониянинг таслим бўлиши билан 2 -чи жаҳон уруши ҳам тугади.

Иккинчи жаҳон уруши 5 даврга бўлинади.

Биринчи давр - (1939 йилнинг 1 сентябри - 1941 йилнинг 22 юни) ғарбий Европа давлатларининг мағлубиятга учраши билан, кучлар нисбатининг фашизм фойдасига ўзгариши билан характерланади.

Иккинчи давр - (1941 йил 22 июнь - 1942 йил 19 ноябрь) Яшин тезлигида уруш олиб бориш режасининг барбод бўлиши билан, Антифашистик коалициянинг тузилиши билан ва 2-жаҳон урушининг туб бурилишининг бошланиши билан характерланади.

Учинчи давр - (1942 йил 19 ноябрь - 1943 йил охири). Стратегик ташаббуснинг тўла Совет Иттифоқига ўтиши билан, урушда туб бурилишнинг юз бериши билан характерланади.

Тўртинчи давр - (1944 йил январь - 1945 йил 9 май). Германиянинг ва унинг Европадаги иттифоқчиларининг тор-мор қилиниши ва таслим бўлиши билан характерланади.

Бешинчи давр - (1945 йил 9 май - 1945 йил 2 сентябрь). Милитаристик Япониянинг тор-мор қилиниши билан характерланади.

2-жаҳон уруши 6 йил давом этди ва деярли барча мамлакатларни ўзига тортди. Урушда 61 давлат иштирок этди, 40 та мамлакат ҳудудида уруш ҳаракатлари бўлди. Жаҳон аҳолисининг 80 % урушда фаол қатнашишга мажбур бўлди. Ҳаммаси бўлиб, 110 млн киши қуроллантирилди, 55 млнга яқин киши ҳалок бўлди, 35 млн киши майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Европадаги қамоқ ва ўлим лагерларида 12 млндан ортиқ киши ҳалок бўлди. Урушда АҚШ 300 минг, Англия 250 минг, СССР 20 млн, Германия 12 млн, Польша 6 млн кишисидан ажралди.

2-жаҳон уруши келтирган зарарлар 3 триллион 300 млрд долларга етди. Ҳарбий ҳаражатларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 4 триллион долларга тенглашди. СССР кўрган зарар 2 триллион 600 млрд. сўмга етди. Совет-Герман frontiда ҳаммаси бўлиб, 507 та немис дивизияси 100 та иттифоқчиларнинг дивизияси тор-мор қилинди. СССР иттифоқчилари - АҚШ ва Англия душманнинг 176 дивизиясини тор-мор қилдилар. Душманни тор-мор қилишда Шарқий фронтнинг роли катта бўлди. АҚШнинг собиқ давлат секретари Стетиннус ўз асарларининг бирида (1950 й) шундай деб ёзади: “Америка халқи ўзининг 1942 йилда ҳалокат ёқасида турганини эсдан чиқармаслиги керак. Агар Совет Иттифоқи ўз фронтини ушлаб қолмаганда, немислар Буюк Британияни забт этиш имкониятига эга бўлардилар. Шунингдек, улар Африкани босиб олишга сўнгра эса Лотин Америкасида плацдарм яратишга қодир бўла олар эдилар”¹.

“Сталинграддаги жасорат деган эди Ф.Рузвельт - барча эрксевар кишилар қалбини мангу рухлантиради”.

Нюрнберг суд процесси.

1945 йил 8 августда Лондон шаҳрида СССР, АҚШ, Англия ва Франция вакиллариининг конференцияси бўлиб, бунда Халқаро ҳарбий трибунал тузиш ва унинг низомини ишлаб чиқиш масаласи кўрилди, ҳамда фашистик ҳарбий жиноятчилар устидан суд жараёнини олиб борадиган Халқаро ҳарбий трибунал тузилганлиги тўғрисида битим тузилди. Қисқа вақт ичида бу битимга 19 та давлат қўшилди. Трибуналда асосий қораловчи давлатлар СССР, АҚШ, Англия ва Франциядан иборат Қораловчилар комитети тузилди.

29 августда фашист бош айбдорларининг рўйхати эълон қилинди, улар 24 та бўлиб, нацист сиёсатчилари, ҳарбийлари, дипломатлари, идеологлари ва ишлаб чиқаришдаги мутахассисларидан иборат эди. Жумладан, Геринг, Гесс, Риббентроп, Борман, Кейтель, Лей, Крупп,

¹ “Правда”. 1961 г. 8 октябры.

Кальтенбруннер, Розенберг, Франк, Фрик, Штрейхер, Шахт, Функ, Дениц, Редер, Ширах, Заукель, Иодль, Папен, Зейсс-Инкварт, Шпеер, Нейрат ва Фричлардан иборат эди.

18 октябрда қораловчилар Комитети томонидан уларнинг рўйхати барча ҳужжатлари билан Халқаро ҳарбий трибуналга топширилди, унинг секретариати орқали ҳар бир қораловчига ҳам етказилди. Трибунал раиси, Англиялик судья лорд Дж. Лоренс “Трибунал бош қораловчилар Комитети томонидан тайёрлаб топширилган ишлардан мамнунки у етарли даражада барча ҳужжатлар асосида тайёрланган,”-деган эди.

Нюрнберг жараёни, халқаро жамоатчилик кўзи олдида ошкора олиб борилди. 403 та очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд залига 60 мингта рухсатнома тарқатилган эди. Радио, кино, матбуот миллионлаб кишиларни бўлаётган суд жараёнидан хабардор қилиб борди. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларининг вакилларига залдан кўп ўрин ажратилди, 350 ўриннинг 250 таси уларга берилди.

Нюрнберг жараёни 22 та бош немис-нацистлари устидан 2,500 та ҳужжатли фактлар келтирдик, уларнинг оқловчи-ҳимояловчилари ҳам бирон-бир иш қилолмай қолдилар. Нима учун 22 та дедик, шунинг учунки, Борман делоси у яширинганлиги учун сиртдан кўрилди ва ҳукм чиқарилди, Крупп камерада ўзини уриб, шол қилиб ташлайди, шунинг учун унинг иши тўхтатилади.

Лей қораловчи ҳужжатнинг хулосаси билан танишиб чиққандан кейин камерада ўзини-ўзи осиб кўяди.

Нюрнберг суд жараёни 10 ой давом этди ва 1946 йилнинг 1 октябрида Халқаро ҳарбий трибунал ўзининг ҳукмини чиқарди: Геринг, Риббентроп, Кейтель, Розенберг, Франк, Фрик, Штрейхер, Заукель, Йодл, Зейс-Инкварт, Кольтенбруннер ва Борман (сиртдан) осиб ўлдириш билан ўлим жазосига ҳукм қилинди; Гесс, Редер ва Функ - умрбод қамоққа, Ширах ва Шпеер - 20 йилга; Нейрат - 15 йилга; Дениц - 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Шахт, Папен ва Фрицлар оқландилар.

СССРдан қораловчи Руденко ва Трибунал аъзоси И.Т.Никитченколар Шахт, Папен ва Фрицларнинг оқланишига норози бўлганлигини ва Гессга енгил жазо берилганлигини маълум қилдилар. Трибуналнинг Низоми принциплари ва ҳукми 1946 йилнинг 11 декабрида БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланди.

Халқаро ҳарбий трибуналнинг Низомига мувофиқ, суд жараёнлари мамлакатларнинг миллий ҳуқуқий органлари томонидан ҳам ўтказилди.

1945 йилнинг декабридан 1946 йилнинг январигача фашист жинойтчилари устидан Киев, Минск, Рига, Ленинград, Смоленск ва Брянск шаҳарларида суд жараёнлари ўтказилди, 1952 йил феврилида СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси генерал - фельдмаршаллар Э.Фон Клейст ва Ф.Шернерларни узоқ муддатга озодликдан маҳрум

этди. Шарқий Германияда СССР ҳарбий маъмуриятининг суд органлари 48 минг киши устидан тергов ишларини олиб борди ва шундан 17 минг 175 киши турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. (10063 таси ССчилар, 1988 таси гестопачилар, 806 таси СДчилар, 4317 таси бошқа фашистик ташкилотда хизмат қилганлар эди.) Совет оккупацион зонасида 390 минг киши сиёсий ва жамоат ишларида иштирок этишдан маҳрум этилди. 1981-1986 йилларда СССРда 60 та собиқ гитлерчи-жиноятчилар устидан суд жараёни бўлди ва улар турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди. Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам шундай суд жараёни бўлиб ўтди.

М: ГДРда 1945 йил 8 майдан 1984 йил 31 декабргача 12 минг 873 та гитлерчи -жиноятчилар устидан суд жараёни ўтказилиб, кўпчилиги тегишли жазоларини олдилар. Польшада 1945-1965 йилларда 8000 та собиқ нацистлар устидан суд жараёни ўтказилди, шундан 5400 таси “Учинчи Рейх”нинг фукаролари эди. АҚШга келсак, Нюрнбергнинг ўша саройида Америка ҳарбий суди, 12 та суд жараёнини ўтказди ва 176 та нацист жиноятчиларини тегишли жазолади. Умуман олганда АҚШ ҳарбий суди томонидан 1941 та гитлерчи - жиноятчилар суд қилинди, шундан 324 таси ўлимга, 367 таси оқланди, 57 та дело тугалланмай қолди. Англия суди 1085 та жиноятчи устидан суд жараёни ўтказди ва шундан 240 тасини ўлимга ҳукм қилди. Франция суди 2107 та делони кўриб чиқди ва 104 тасини ўлим жазосига ҳукм қилди. Кўпчилик ғарб мамлакатларида ўлимга ҳукм қилинганларнинг аксарият қисми умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилди.

1957-1958 йилларда деярли барча ҳукуқий жиноятчилар АҚШ, Англия ва Франция турмаларидан чиқариб юборилди. Кўпчилик нацистларга “яшириниш” учун имконият берилди, шундан 10000 АҚШдан бошпана топди.

Суд жараёни ГФР ҳудудида ҳам олиб борилди. 1945 йил 8 майдан 1982 йил 31 декабригача ГФРда 87 минг 765 киши устидан жиноий иши қўзғатилиб, шундан 6456 киши жавобгарликка тортилди.

Назорат топшириқлари:

- 1.Германия блоки давлатларининг уруш бошланиши олдидан ҳарбий кучлар нисбати қандай эди?
- 2.Уруш бошланиши олдидан Англия,Франция, АҚШ ва Польша давлатларининг ҳарбий кучлари нисбати қандай эди?
3. “Ғалати уруш» нинг моҳиятини тушунтириб беринг?
- 4.1939-1940 йиллардаги СССРнинг босқинчилик юришларини изоҳлаб беринг.

5. Қизил армиянинг урушнинг дастлабки кунларидаги талофатларининг сабабларини тушунтиринг?
6. “Барбаросса” режаси қайси жангдан кейин барбод бўлди?
7. Сталинград жангининг аҳамиятини таърифланг?
8. Техрон конференцияси қачон бўлди ва қандай масалалар кўрилди?
9. Крим конференцияси қандай қарорлар қабул қилди?
10. БМТ қачон ташкил топди?
11. Потсдам конференцияси қандай қарорлар қабул қилди?
12. Иккинчи жаҳон урушининг натижаларини нималар билан изоҳлайсиз?
13. Нюрнберг суд жараёнининг аҳамиятини таърифланг?

Мустақил иш топшириқлари:

1. «Барбаросса» режасининг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Иккинчи фронт қачон очилди?
3. Берлин операциясини таърифланг?
4. Япония қандай таслим бўлди?

АДАБИЁТЛАР:

1. Новейшая история стран Европы и Америки. XX век. част-2. 1945-2000. М.,-2001.
2. История второй мировой войны. Т.-1-12., М.-1974-80 гг.
3. Вторая Мировая война. Краткая история. М.-1984.
4. Дашичев, Банкротство Германского фашизма. М. 1976 г.
5. З.Р.Нуриддинов. “Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи”. 1918-1939. Т.-1978.
6. З.Р.Нуриддинов. “Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи”. 1939-1972. Т.-1976.
7. Новая и новейшая история. 1989. № 5.
8. Международная жизнь. 1990. февраль-март.
Новая и новейшая история. 1992. № 8.

М У Н Д А Р И Ж А

1. Сўз боши.....	3
2. «Энг янги тарих»дан ишчи дастур фаннинг мақсади, вазифалари ва мазмуни.....	4
3. Лексия мавзулари, кўриладиган масалалар.....	8
4. Семинар машғулотлар мавзулари.....	10
5. Мустақил иш топшириқлари мавзулари.....	12
6.Фан бўйича баҳолаш мезони ва рейтинг ишланмаси.....	14
7.Икки Жаҳон уруши оралиғида Европа ва Америка мамлакатлари.....	16
8.1918-1939 йилларда Англия.....	49
9. 1918-1939 йилларда Франция.....	64
10.1918-1939 йилларда Германия.....	79
11.1918-1938 йилларда Австрия.....	98
12.1918-1939 йилларда Италия.....	105
13.1918-1939 йилларда АҚШ.....	114
14.1918-1939 йилларда ССЖИ.....	125
15.Иккинчи жаҳон уруши.....	159

Теришга берилди 25.09.2009. Қоғоз бичими 60x42.
Босма табоқ 13,5. адади 100. Буюртма № 16.
Термиз давлат университети АТМ да терилди ва
кўпайтирилди.